

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Р.Ҳ. НИЁЗМЕТОВА

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШ
МЕТОДИКАСИ**

(рус гуруҳларида)

**Тошкент
«ФАН»
2007**

Монографияда таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўзбек тили дарс (маш-кулот)ларида адабий материалларни ўрганиш методикаси ёритилди.

Монография ўзбек тили ўқитувчилари, педагогика олий ўқув юртлари талабалари, аспирант ва тадқиқотчилар учун мұлжалланади.

**Масъул муҳаррир:
филология фанлари доктори, профессор Б.ТҮХЛИЕВ**

**Тақризчилар:
филология фанлари доктори, профессор Х.БОЛТАБОЕВ,
педагогика фанлариномзоди, доцент Т.НИЯЗМЕТОВА,**

**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети
Илмий кенгаши томонидан тавсия этилган.**

ISBN 978-9943-09-140-5

© Ўзбекистон Республикаси. ФА «Фан» нашриёти, 2007 йил.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим мактаблари-даги таълим ва тарбия жараёнини давр талаблари асосида, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга мос равишда узлуксизлик ва узвийлик тамойиллариға риоя қилган ҳолда янги педагогик технология дараҷасида, шунингдек, ахборот технологияларидан фойдаланиб ташкил этишнинг мазмуни, шакллари, метод ва усусларини излаш, ишлаб чиқиш, миллий педагогика фанининг талаблари асосида мактаб адабий таълимимда рўй берган ўзгаришларни амалиётта татбиқ этиш ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидағи ўзбек тили дарсларида адабий материалларни ўрганишни ана шу йўсинда йўлга қўйиш тараб этлади. Бадиий асар – юксак эстетик қадрият. У ўсиб келаётган ёш авлоднинг ахлоқий изланишлари манбаи ҳамдир.

Маълумки, одатда дарсликларнинг асосий қисмини ташкил қила-диган руҳсиз, сира ҳам ҳиссиёт уйғотмайдиган илмий мақола типидаги оддий ўқув матнига қараганда адабий материаллар катта таълимий ва тарбиявий кучга эга бўлади. Узлуксиз ўзбек тили таълими жараённида русийзабон ўқувчиларнинг ўзбек халқи маданиятидан хабардор, миллий маънавият ва миллий истиқбол мафкураси яояла-ри руҳида тарбия топган кадрлар бўлиб этишишлари учун ўзбек адабиёти асарларидан фойдаланиш муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун эса ана шу адабий материалларни ўрганиш мазмуни ва мето-дикаси, янги замонавий педагогик технологиялари дараҷасида ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Мұхтарам Президентимизнинг “Фидокор” газетаси мухбири саволларига берган жавоблари ҳам шуни тақозо этади: “... биринчи галда тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши - жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабатларнинг ривожи ҳақида маҳсус дарсликлар, қўлланма-лар, оммавий адабиётлар яратиш зарур”¹.

Шуни ҳам эслатиш жоизки, бугунги кунда ўзбек тили ўқитувчи-лари адабий материал ўтилаётганда ҳам одат бўйича илмий мақола типидаги ўқув матнини ўқиб ўрганишгагина хос методикани қўлла-

¹ Каримов И.А. Миллий истиқбол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. “Fidokor” газетаси мухбири саволларига жавоблар. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 32-бет.

моқдалар. Бу методикада эса матн мазмунини тушуниш, шу мақсадда уни рус тилига таржима қилиш, матн мазмунини юзасидан савол-жавоб ўтказиш, мазмунини қайта ҳикоя қилдириш қаби иш турлари билангина чекланилади, бу ерда бадиий асар устидаги асосий ишлар ўз ифодасини топмайди. Ўзбек адабиётининг нодир дурдонаси бўлмиш бадиий матнни мақола типидаги матнга ўхшатиб рус тилига таржима қилиш эса машақкатли меҳнатга айланниб, биринчидан, дарсда кўп вақтни олса, иккинчидан, ўқувчи (талаба)ни жуда толиқтиради. Натижада у бундай матнлардан тарбия топиш, завқ олиш ўрнига улардан беза бошлайди. Шунга кўра ҳам академик лицей ва касб-хунар колледжларида адабий материални ўрганиш мазмунни ва методларини ишлаб чиқиш даркор.

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ХУНАР
КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ РУС ГУРУХЛАРИДА
ЎЗБЕК АДАБИЁТИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ
ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ
АСОСЛАРИ**

**1.1. Узлуксиз таълим жараёнида адабий
материалларни ўрганишнинг психологик асослари**

Тил ўрганишнинг асосий босқичларидан бири сифатида ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими босқичи тан олинар экан, шу босқичлардаги адабий материалларнинг ўрганишидаги ўзига хос ёндашув, етакчи принцип ва асосий йўналишлар белгиланишига кучли зарурат сезилади. Адабиёт фани учун маҳсус соатларнинг мавжуд эмаслиги муаммонинг ечимларини янада мураккаблаштиради. Шунга кўра, иккинчи тилга оид адабий материалларни ўрганишда синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларнинг имкониятларидан фойдаланиш зарурати ҳам очиқ сезилади. Лекин ушбу масала мураккаб, айни пайтда долзарб педагогик муаммо бўлиб, унинг назарий ва методик асосларини тадқиқ этилмаса, бу борада ўқитувчиларга тўғри йўл кўрсатилмаса, кўзланган мақсадга эришиш қийинлигича қолаверади.

Шу кунга қадар таълим рус тилида олиб бориладиган синф(гурух)ларда ўзбек адабиёти намуналарини ўрганиш мазмунни қисман тадқиқ этилган бўлса-да, бадий асарлар ва улардан олинган парчалар устида ишлаци методикаси деярли ишланмаган. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарслари таркибида XX аср ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунини белгилаш муаммолари юзасидан Р.Ниёзметованинг номзодик иши¹, Қ.Хусанбоев

¹Ниёзметова Р. Ҳ. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда XX аср адабиётини ўқитиш мазмунини белгилашнинг назарий-методик асослари /ўзбек тили дарслари таркибида/. Пед.фан.номз. ... дисс. авто-реферати. - Тошкент, 2000. - 21 бет.

ванинг “Ўзбек адабиётини таълим давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўқитишнинг илмий-методик асослари” мавзусидаги номзодлик диссертацияси¹, ўзбек мумтоз адабиётини ўқитиш мазмунига доир айрим ўқув материаллари², дарс ишланмалари, мақолалари³ мавжуд, холос.

Методист олим Е.Абдувалитовнинг “Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг V-IX синфларида ўзбек адабиётини тил таркибида ўқитиш асослари” мавзусидаги тадқиқот ишида⁴ қозоқ тилида сўзловчи ўқувчиларга ўзбек адабиётини ўқитиш тамойиллари, бугунги муаммолари, адабиёт дарсларини педагогик технология асосида ташкил этиш усувлари, ўқитиш омиллари хусусида сўз юритилган. Таклиф қилинаётган икки адабиётни таққослаш, адабий таҳлил, билимларни баҳолаш (ўқитишнинг когнетив категорияси босқичлари) каби усувлар ўзбек мактабларида адабиёт ўқитиш методикасига яқин, чунки қозоқ тилида сўзловчи ўқувчилар ўзбек тилида бемалол фикр баён қилибгина қолмай, яхшигина китобхондирлар ҳам.

Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касбхунар коллежларидағи ўзбек тили машғулотлари таркибида адабий материалларни ўқиб-ўрганиш самарадорлиги уларни бадиий идрок этиш тўлиқлиги ва чуқурлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу самарадорлик бошланғич синфлар ва умумтаълим мактабида (2-9-синфларда) олинган адабий тайёргарликни узлуксизлик ва узвийлик асосида такомиллаштириб бориши воситаси билангина таъминланади. Бунда болаларнинг ёш хусусиятларини назарда тутиш бош планга кўтарилади. Шунга кўра ҳам адабий материалларни ўрганишнинг психологик асосларини бошланғич ва умумтаълим макта-

¹ Хусанбоева Қ. Ўзбек адабиётини таълим давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўқитишнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. номз. дисс... автореферати.- Тошкент, 1997.- 24 бет.

² Хусанбоева Қ. Рус мактабларида ўзбек мумтоз адабиётини ўқитишга доир ўқув материаллари. - Тошкент: ЎзПФИТИ, 1994. - 51 бет.

³ Хусанбоева Қ. Ноўзбек мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишда шарҳли ваъзлар мазмунини белгилаш // Рус ва қозоқ мактаблари ҳамда муассасаларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш масалалари: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 1997. – Б. 38-46.

⁴ Абдувалитов Е.Б. Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг V-IX синфларида ўзбек адабиётини тил таркибида ўқитиш асослари. Пед. фан. номз. ... дисс. - Тошкент, 2002. – 138 бет.

би ҳамда ўрта махсус таълим босқичлари ўкувчи (талаба)лари нуқтаси назаридан кўриб чиқиш зарурияти туғилди. Худди шунинг учун ҳам бу жараённинг психологик асосларини тадқиқ этмасдан, ма-саланинг мавжуд ҳолатини атрофлича ўрганмасдан, таълимнинг турли босқичлари орасидаги узвийлик ва узлуксизлик муаммолари-ни ҳал этмасдан туриб бу борада жиддий ютуқларни қўлга кири-тиш мумкин эмас.

Идрок қилиш жараёнида асарнинг бадиий образлари тизими тасаввур қилинади, бу тизимдаги ҳар бир алоҳида олинган образ моҳияти англанади, эстетик завқ юзага келади, тарбиявий таъсир амалга ошади. Лекин русийзабон ўкувчи (талаба)лар адабий асардан олинган парчани ўқиб бадиий идрок этиш у ёқда турсин, мазмунини тушунишга ҳам баъзан катта қийинчилклар билан муваффақ бўладилар. Бунинг асосий сабаби шуки, биринчидан, уларнинг сўз бойлигини сўзлашув нутқида фаол ишлатиладиган, шунингдек, илмий мақола типидаги ўкув матнларида учрайдиган нофаол лексика ташкил этиб, асосан нейтрал услугуга хосдир; бадиий матнларда эса услугубий бўёқдор, миллӣ қадриятларни ифода этувчи лексика ишлатилади. Иккинчидан, бадиий услугуга хос сўзлар минимуми, шунингдек, сўзларнинг лексик маъноси, уларнинг услугубий бўёқдорлиги ва функционал хусусиятлари устидаги ишлар ўзбек тили таълими мазмунида кўзда тутилмаган. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўкувчиларни ўқишига ва бевосита илмий мақола типидаги ўкув матнлари мазмунини тушунишга ўргатиш масалалари юзасидан махсус илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган. Бу борадаги айрим ишлар методист олим Р. Йўлдошев томонидан яратилган, холос¹. Муаммога алоқадор бўлган кўплаб масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Адабиёт ўқитиши методикасида “матн мазмунини тушуниш” билан “бадиий матнни идрок этиш” ўзаро фарқли тушунчалар сифатида талқин қилиниб, биринчиси асар устидаги ишларнинг би-

¹ Йўлдошев Р. Ўзбек тили дарсларида ўқиши пайтида лексик анализга ўргатиш // Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиши масалалари. – Т., 1982. – Б. 14-16. Ўзбек тили дарсларида ўқиши пайтида грамматик анализга ўргатиш. /“Ўзбек тили ўқитиши масалалари” тўпламида. Тошкент: ЎзПФИТИ, 1979. – Б. 78-84. IV-VIII синф ўзбек тили дарсларида синтетик ўқишига ўргатиш методларини такомиллаштириш. /“Ўзбек тили ва адабиёт ўқитиши методикасини такомиллаштириш” тўпламида. Тошкент: ЎзПФИТИ, 1983. - 54-61-бетлар.

ринчи босқичи учун, иккинчиси эса навбатдаги босқич учун ажратилади, асарни идрок этиш тушунчаси бевосита бадий образларни англаш билан боғлиқ эканлиги таъкидланади¹. Шунинг учун биз ҳам бадий матнни “идрок этиш” атамасидан фойдаланамиз. Русийзабон ўқувчи ёки талабанинг адабий асар мазмунини тушунишдан юқори кўтирилиб, уни идрок этиш даражасига етмоғи талаб этилади. Бошқача айтганда, бадий матнни идрок этиш матн мазмунини тушуниш асосида намоён бўлади. Лекин асар мазмунини дастлабки тушунишдан кейинги босқичига ўтишнинг ўз қийинчиликлари бор: биринчидан, асарни ўқиб рус тилига таржима қилиш ўта оғир ўқув фаолияти саналади, бу фаолиятни амалга оширишда баъзан ўқитувчилар ҳам катта қийинчиликларга дуч келадилар, чунки улар таржимон эмаслар, шу сабабли дарсларнинг асосий вақти шу ишга беҳуда сарфлаб юборилади, иккинчидан, матн бир марта рус тилига ўғириб ўқилгач, эришилган марра мустаҳкамлаш босқичидан ўтказилмаса, тезда бой берилади, яъни ўқувчи (талаба) асарни қайта ўқишида унинг талай ўринларини тўла тушуна олмаслиги туфайли қайтадан таржимага уринади. Шунинг учун ҳам бадий матнни рус тилига муфассал таржима қилмай, айрим гайларини ўтирган ҳолда уни идрок этиш, бунда идрокнинг тўлиқ ва чукур бўлишини таъминловчи усуллардан фойдаланиш, шу жараёнларда ахборот технологияларининг ролини ошириш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Маълумки, бадий асарни идрок этиш ундаги образлар тизими ни англаш ва қабул қилишга бориб тақалади. Ушбу жараённинг қандай кечиши эса руҳшуносликка доир адабиётларда атрофлича ёритилган. Шу адабиётларга асосланган ҳолда умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талabalарининг ўзбек тилидаги адабий материаллардаги бадий образларни идрок этиш хусусиятларини аниқлаб олмасдан туриб таълим методлари хусусида самарали тавсиялар ишлаб чиқиш амри маҳол. Шунга кўра ҳам диссертация ишининг биринчи бобини ана шу масаладан бошлаш, узлуксиз таълим тизимининг биз кўриб чиқаётган босқичлари (бошланғич ва умумтаълим ҳамда ўрта маҳсус

¹ Зальдинер М.А., Тодоров Л.В., Губина Ф.И. Методика преподавания русской литературы в старших классах национальной (узбекской) школы. Под общей ред. проф. М.А.Зальдинера. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 33 с.

таълим босқичлари) русийзабон ўқувчи (талаба)ларининг адабий материалларни ўқиб идрок этишлари билан боғлиқ руҳий ҳолатлар, академик лицей ва касб-хунар коллеклари талабаларининг имкониятларини аниқлаш зарур деган холосага келдик.

Узлуксиз таълим жараёнида русийзабон ўқувчи (талаба)ларнинг улар учун мұлжаллаб таңланган адабий материалларни муваффақият билан ўқиб ўрганишларига эришиш учун мутлақо қўл урилмаган янги соҳа – шу ўқувчиларга ўзбекона адабий таълим бериш мазмуни ва методларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Методик муаммоларни ҳал этиш учун эса бадиий асарни идрок этишнинг психологик асосларини белгилаш, ўқувчиларнинг уларни ўқиб-ўрганиш имкониятларини аниқлаш тақозо этилади, ана шу хусусиятлар ва эҳтиёжларни назарда тутган ҳолда иш тутиш зарурияти туғилади. Бундай маълумотларга эга бўлишгина тадқиқотимиздан қўзланган мақсадга илмий асосда, амалиётда синаланган тарзда элтиши мумкин.

Адабий материалларни ўрганишнинг (айниқса, уларни идрок этишнинг) психологик жиҳатлари асосан бошланғич ва умумтаълим мактаби билан боғлиқ равишда бир қатор руҳшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган, олинган холосалар монографик асарларда баён қилинган, методист олимларнинг асарларида ҳам бу борада баъзи амалий холосалар айтиб ўтилган. Бу борада хориждаги олимлардан: А.А.Абдуллина, В.С.Баевский, Л.Г.Байкиева, Г.И.-Беленъкий, Ф.И.Волков, Р.В.Глинтершчик, Л.И.Коновалова, Н.И.-Кудряшов, Р.Р.Майман, Н.Д.Молдавская, Г.А.Петрова, Л.Н.Рожина, А.Т.Рубайло, Л.А.Шейман, В.Р.Шчербиналарнинг тадқиқотларини тилга олиш жоиз. Ўзбек методист олимларидан: А.Зуннунов, Т.Бобоев, Қ.Йўлдошев, М.Мирқосимова, С.Матчонов, шунингдек, адабиётшунослардан Н.Каримов, У.Норматов, Б.Назаров, Б.Қосимов, Б.Тўхлиевларни санаш мумкин. Бошланғич ва умумтаълим мактаби ўқувчиларининг асарни бадиий идрок этиш хусусиятларини билиш академик лицей ва касб-хунар коллекларида шу хусусиятларни ҳисобга олиш имконини беради.

Бадиий асарни идрок этиш - мураккаб жараён. Бу жараённи дарслик муаллифининг ўзи тузган оддий (қўлбола) ўқув матнини ёки илмий мақола типидаги матнни ўқиб мазмунини тушуниш жараёни билан сира ҳам тенглаштириб бўлмайди. Методист олимларнинг таъкидлашларича, “адабий асардан парча ўқиши жараёнида илмий мақола типидаги матн устида ишлагандаги каби мазмун билан та-

нишиш биринчи даражали нарса эмас”¹. Бу ўринда матн мазмунини тушунишдан фарқли ўлароқ бадий образни идрок этиш устувор аҳамият касб этади. Демак, русийзабон ўқувчилардан адабий тайёргарлик кўрсаткичи сифатида бадий матнни ўқиб мазмунини тўлиқ тушуниш эмас, балки уни тўлиқ ва чуқур идрок этиш талаб қилиниши шарт.

Тажрибадан маълумки, дастлабки ўқилган асарнинг кўп ўринлари тушунарсиз бўлгани учун бу жойлар ташлаб кетилади. Талай сўзларнинг маънолари англанмагани учун бу сўзлар ҳам четлаб ўтилади. Лекин бир ўринда тушунилмаган сўз иккинчи ўринда қулай контекст туфайли англанади, шу тариқа аста-секин бадий асарларни мутолаа қилиш тушунарли бўла боради. Эслатиш жоизки, ўзбек китобхонлари рус тилидаги бадий асарни мутолаа қилиш чоригда лугатдан деярли фойдаланмайдилар ёки жуда кам фойдаланадилар. Русийзабон ўқувчилар ҳам ана шу жараённи ўзбек тилидан олган билимiga монанд танланган бадий матнлар мисолида бошидан кечиришлари лозим. Бу эса катта миқдордаги лексиканинг рецептив даражада бўлса-да, уларнинг табиий ўзлашувига олиб келади. Илмий мақола типидаги матнлар бундай имкониятдан маҳрум: улар ҳажман кичик бўлгани учун ўтилган сўзларнинг етарли такрорини таъминлаб бўлмайди, натижада матндан матнга ўтилган сайин улар унтулиб боради. Аммо адабий материални бадий идрок этиш учун унинг қайси жиҳатлари ёрдам бериши, мазмуннинг катта қисми англанган² парча эстетик завқ уйғота олиш-олмаслиги ни аниқлаш методика учун муҳим масалалардир.

Таълим рус тилидаги мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар колледжларининг рус адабиёти дарсларида бадий асардан келтирилган мўъжаз парча устида олиб бориладиган сермаҳсул ишлар миқёсини назардан қочирмаслик ўқувчи (талаба)ларнинг адабий тайёргарлигига асосланиш имконини берадиган кучли бир омил сифатида майдонга чиқади. Бу масалага номлари юқорида тилга олинган руҳшунослар ва методист олимларнинг изланишлари ва

¹ Зальдинер М.А., Тодоров Л.В., Губина Ф.И. Методика преподавания русской литературы в старших классах национальной (узбекской) школы. Под общим ред. проф. М.А. Зальдинера. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 33 с.

² Йўлдошев Р. Ўзбек тили дарсларида нутқи эшитиб тушунишга ўргатишнинг айрим масалалари / Рус ва қозоқ мактаблари ҳамда муассасаларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш масалалари (илмий мақолалар тўплами). Тошкент: ЎЗПФИТИ, 1997. 9-бет..

асарлари маълум даражада ойдинлик кирига олади. Бу ерда баён этилган маълумотлар қўйидаги масалаларга доир маълумотлар тўплаш, уларни кўриб чиқиш имконини беради:

1) идрок жараёнида бадий образ билан борлиқ (воқелик) муносабатини англаш;

2) бадий асарни тўлиқ идрок этиш босқичлари;

3) асар қаҳрамонларининг фазилатларини англаш масалалари.

I. Идрок жараёнида бадий образ билан борлиқ (воқелик) муносабатини англаш

Академик В.В.Виноградов тилнинг энг муҳим уч хил ижтимоий вазифасига (алоқа, хабар, таъсир этиши) асосланиб, функционал услубларнинг сўзлашув услугибди алоқа вазифасига, одатдаги расмий, расмий-ҳужжат ва илмий услублар хабар вазифасига, публицистик ва бадий услугуб таъсир этиши вазифасига эга эканлигини кўрсатиб берган¹. Демак, бадий бўлмаган илмий мақола типидаги матн мазмунини тушуниш ва ўзлаштириш билан бадий матн мазмунини тушуниш ва ўзлаштириш бир хилдаги ўқув-билув жараёни эмас. Илмий мақола типидаги матнда тасвирланган воқелик реал бўлиб, у айнан қабул қилинади. Шунга кўра ҳам бундай матнлар устида ишлаганда мазмунини тушуниш ва ўзлаштириш, яъни ахборот олиш мақсадигина қўйилади. Ёзувчи ёки шоирнинг таржимаи ҳоли (агар у бадий асар кўринишида баён этилган бўлмаса), давр шарҳлари ҳам ана шундай тавсифга эга бўлади. Бу ўринда ҳам матн мазмунини англаб етиш ва унда акс этган аниқ, ҳаётий муҳим фактик материалларнинг муҳимларини эслаб қолиш талаб этилади.

Таълим рус тилидаги мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллажларининг ўзбек тили дарсларида ўқувчилар ўқитувчининг иш усулига монанд матнларни ўқиши, мазмунини тушуниш, ўзлаштириш билангина машгул бўладилар, натижада шу иш турларига одатланиб қоладилар. Ора-чора бадий матн дуч келганда ҳам бир хил усул қўлланаверади: русийзабон ўқувчи асардан олинган парчани ўқитувчининг топшириғи билан ўқиб рус тилига таржима қилишга ҳаракат қиласи, машаққатли уринишлардан сўнг, муаллимнинг, ота-оналарнинг, кўни-қўшиниларнинг ёрдамида топшириқни адo этишга муваффақ бўлади, нотаниш сўзларни ва сўз шаклларини

¹ Жўраев Т.Г. Ҳозирги ўзбек адабий тилида эпистоляр жанрнинг тил ва услубий хусусиятлари: Филол.фан.номз. ... дисс.автореферати. – Самарқанд, 1994. 7-8-бетлар.

Ўзлаштиришга қаратылған маңқаларни ва иш турларини бажаради, ниҳоят, асарда тасвирланған воқеа-ходисаларни – фактик материалдарни эслаб қолиши ва матн мазмунини қайта ұқиға қилишга тай-еरгарлық күради, холос. Булар бадий матнни идрок этишга доир билим, құникма ва малакаларни әгаллаш жараёнида икки томонlama, яғни, бир томондан, ижобий, иккінчи томондан, салбий таъсир күрсатадиган омыллардир. Ижобийлігі шундаки, матн мазмунини тушуниш таъминланади. Салбийлігі шундаки, үқувчи(талаба) шу даража билан кифояланади. Салбий таъсирни енгіб үтиш қийин. Бунинг учун ўзбек тили дарсларида үқувчиларга бадий асарни үқитишининг асосий шарттың күра уни оддий (бадий бұлмаган) үқув матнини ўқиб мазмунини тушуниш ва ўзлаштиришдан иборат одатдан холос этиш, давлат тилядаги адабий материалга бұлган ўз мұносабатини тубдан ўзгартиришdir.

Е.И.Ильиннинг фикрича: “Асарни тұлақонли идрок этиш уни бошидан охирigача муфассал үрганиш дегани эмас”¹.

Русийзабон үқувчилар рес адабиети дарсларида етарли адабий тай-ергарлық күрадилар. Улар бадий образнинг нима эканлиги, унинг сюжети, композицияси, асар иштирокчилари (персонаж, асар қаҳрамони, характер), ёзувчи позицияси, айрим ижодий методлар (танқидий реализм, реализм), тасвирий воситалар (метафора, үхшатиши, жонлантириш) кабиларни ўзлаштириб, эслаб қолган, құникма ва малакалар ҳосил қылған даражада биладилар. Уларнинг баъзилари ушбу билим, құникма ва малакалардан ўзбек тилядаги адабий матнни ўқиб идрок этишінде фойдаланышларини тахмин қилиш мүмкін. Буни баъзи ёшларнинг бадий асардан олинган парчани ифодали ўқишиңа ҳаракат қилишларидан яққол кузатиш қийин эмас. Талабаларнинг ўзларида мавжуд бұлған адабий тай-ергарлықнің ўзбек тилядаги бадий матнға “күчиришлари”ни барча учун бирдей таъминлаш ниятида уларға тегишли күрсатма ва топшириқлар беріш, рес адабиети дарсларида ўтилған назарий маълумотларни ўрнида эсга тушириш, зарурият сезилганды, тақрордаш тақозо этилади. Акс ҳолда айрим ёшлар ўз билим, құникма ва малакаларини күп вақт ўзбек тилядаги адабий матнни идрок этишга бевосита күчиришни хаёлларига келтирмасликлари ҳам мүмкін. Ўқиши пайтида назарий маълумотларни эсга олиш зарурлигини аниқ ҳис қилиб турсалар

¹ Ильин Е.Н. “Минувших дней итоги...”. Педагогический перекресток: школа, дети, общество. – Ленинград: Лениздат, 1991. – 27 с.

ҳам, ўзларини ортиқча урингирмаслик йўлини танлайдилар. Масаланинг бошқа жиҳати, энг ёмон томони шундаки, русийзабон талабалар ҳажман мақола типидаги матнга teng келадиган ўқув материалига дуч келганда аксарият ҳолатларда уни бадиий асар деб қабул қилимайдилар. Қолаверса, осон йўлни танлаш кўплаб ўқувчилар учун хос руҳий ҳолатдир: асарни идрок этишга қараганда матнни ўқиб мазмунини тушуниш енгилроқдир. Матнни рус тилига ўгириб аъло баҳо олиш ёки юқори балл тўлаш қаёқдаю, бадиий образлар устидаги ишлаб, катта қийинчиликлардан кейин ҳам пастроқ баҳо ёки балл тўлаш қаёқда.

“Ўқувчилар матн мазмунини ўзбек тилида ўз сўзлари билан қайта ҳикоя қилишга қараганда уни ёд олиб айтиб беришни маъкул кўрганларидек...”¹, матнни ёд олгандан кўра уни рус тилига эркин ўгириши афзал деб биладилар. Хуллас, ўқувчилар вазифаларнинг мураккаблашувини эмас, балки тобора енгиллашиб боришини истайдилар. Сўз бойлигининг ортиб бораётганини, синтактик қурилиши мураккаблашаётган гапларнинг мазмунини тушуна бошлаганларини ривожланиш деб ҳисоблайдилар.

Ўқув матнларидағи фактик материалларни, табиат ва жамиятда юз берган воқеа-ҳодисаларни ўзлаштириш, шубҳасиз, талабаларни илм-фан, маданият, ижтимоий ҳаётга оид билимлар билан бойитади, лекин адабий матнларни воқеа-ҳодисаларни ўзлаштириш уйдирма (тўқима) гапларни эслаб қолиш билан баробар. Ўқувчи асар мазмунини ўзлаштирмаслиги, аксинча, унда тасвирланган воқеа-ҳодисалардан ибрат олиши, ўз ҳаётий тажрибасини орттириши, асарни ўқиб завқ олиши керак. Айрим воқеа-ҳодисалар тарбиявий таъсир ўтказиш воситаси сифатида эсда олиб қолиниши мумкин. Масалан, баъзан турли хил давраларда бадиий матнларда баён этилган айрим ибратомуз воқеаларни сўзлаб бериш ҳам тез-тез учраб туради. Бунда тингловчига тарбиявий таъсир ўтказиш мақсади бош ўрин тутади.

Таҳлиллар натижасидагина талаба-ўқувчи парчада тасвирланган ҳаётий лавҳанинг бадиий жиҳатдан ишлов берилиган, тартибга солинган нусхаси – умумлашган бадиий образи эканлигини англаб етади. Лекин бу лавҳаларни оддий матнни ёд олгандек ёд

¹ Тошхўжаева Д.Р. Матн мазмунини ўз сўзлари билан қайта ҳикоялашга ўргатишнинг методик асослари: Пед. фан. номз. дисс. автореферати. - Тошкент, 2000. - 22 бет.

олишнинг ҳожати йўқ (айрим монологлар, ҳикматли сўзлар бундан мустасно).

Санъатнинг мақсади воқеликдан, табиатдан унинг гўзал, кўнгилга ёқадиган, орзулар оғушига соладиган лавҳаларини ажратиб олиш ва аниқ-ҳиссий шакл ва мазмун сингдирган ҳолда инсонларга тақдим этишдан иборат. Бошқача айтганда, санъатнинг мақсади – олам моҳиятини унинг конкрет-ҳиссий борлиғи шаклида очиб беришда кўринади. Умуман олганда санъат – бу ижодий хаёлот ёрдамида ижтимоий-тарихий ривожланиш билан органик боғланган оламни микроскоп ёрдамида катталаштириб конкрет-ҳиссий, маънавий-шахсий ўзлаштириш орқали бадийлаштириш демақдир. Ф.И. Волковнинг таъкидлашича, “...бу нарса шунинг учун зарурки, оламнинг моҳияти, абсолют ғоя ўз объектив ҳолатида борлиқнинг охирги марта идрок этилган, ўткинчи шакллари тарзида чегараланган ҳамда ташқи, тасодифий дақиқага боғлаб қўйилган бўлади. Шу боис табиатдаги, яъни умуман реал воқеликдаги гўзаллик “гўзаликнинг баркамол бўлмаган, нотакомил, тўлиқ бўлмаган кўринишидир”. “Гўзалик ғояси” ўз такомилига санъатдагина эришади, унда у барча тасодифий якунлари, тўлиғича бевоситалик идрокдан ва эркин чексизликка хос қусурлардан ҳалос бўлади”¹. Умуман олганда санъат – бу ижодий хаёлот ёрдамида ижтимоий-тарихий ривожланиш билан органик борланган оламни микроскоп ёрдамида катталаштириб конкрет-ҳиссий, маънавий-шахсий ўзлаштириш орқали бадийлаштириш демақдир. Бошқача айтганда, «Шоирона образли сўзда объектив оламнинг бутун ранг-баранглиги ва хилма-хиллиги аккумуляция бўлади. Ёзувчи сўзлар ёрдамида ҳаётнинг янги манзараларини яратади, у тимсолли нутқда ҳаётнинг тез оқиб ўтаётган ҳаракатини, кескин бурилишларини, ўтишларини, одамларнинг изланишларини, алоқаларини, муносабатларини муҳрлайди»².

Методист олим Қ.Йўлдошев таъкидлаганидек: “Бадий асарни таҳлил этишда таяниладиган тамойиллардан бири санъат ҳодисасига мавжуд борлиқнинг нусхаси сифатида ёндашиб мумкин эмаслигидир”³. Шундай экан, русийзабон ўқувчиларни адабий матери-

¹ Волков Ф.И. Литература как вид художественного творчества. – Москва: Просвещение, 1985. – 29 с.

² Молдавская Н.Д. Литературное развитие школьников в процессе обучения. – М.: Педагогика, 1976. – 23 с.

³ Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишининг илмий-назарий асослари. – Т.: ўқитувчи, 1996. – 25-26 б.

аллар ёрдамида ўлкамиз табиатига ўзбекона қўз билан қараш, уни бадиий идрок этиш хусусиятлари билан таништира бориш миллий қадриятларни ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек ёзувчи ва шоирлари томонидан яратилган санъат асарлари, шу жумладан, адабий асарларда Ўзбекистон табиатининг гўзалликлари, олам ва одам билан боғлиқ ҳодиса ҳамда ҳолатлар, миллий қадриятлар бадиийлик қонунлари доирасида сўз ёрдамида ифода этилади. Шунинг учун ҳам биз Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадғу билиг”, Рабгузийнинг “Қиссаси Рабгузий”, Алишер Навоийнинг “Хамса”, “Лисон ут-тайр”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” каби асарларини алоҳида меҳр ва ҳавас билан мутолаа қиласмиз.

Русийзабон ўқувчи (талаба)лар ўзбек тили дарс (машғулот)ларида Ўзбекистон табиати билан илмий-оммабол матнлар ёрдамида танишишлари ахборот маңбаи сифатида аҳамиятли бўлиши мумкин, лекин бу матнлар адабий асардан олинган табиат тасвири ўрнини боса олмайди. М.Ҳошимова “Эркин Воҳидов шеъриятида табиат тасвири” деган мақоласида¹ шоирнинг “Баҳор” шеърини келтиради:

Барқут кийиб безанди боғлар,
Саҳролар кўксига тақди қизғалдоқ.
Қуёш этагига оқ булут боғлаб,
Ўрик шоҳларида қовурди бодроқ.
Еллар олиб қочди қишининг хобини,
Барглар чапак чалиб уйғонди шодон,
Бутоқларга кўниб, гул китобини
Варақлашга тушди булбул - разалхон.

Кўриниб турибдики, ушбу шеър орқали русийзабон ўқувчи миллий қадриятларимизни ифода этувчи бир қатор тимсоллар, тафсиллар билан танишишга мусассар бўлади.

“Айни пайтда адабиёт қандайдир “иккинчи реаллик” сифатида мавжуд. Санъаткор ушбу янги реалликни ҳаёт қонунларига мувофиқ ижод қиласи ва бунда объектив борлиқнинг ўзидан олгандаи бўлиб муҳим томонларини ихтиро қиласи”². Тўғри, баъзи

¹ Ҳошимова М. Эркин Воҳидов шеъриятида табиат тасвири // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1997. – 2-сон. Б. 22-25.

² Пути анализа литературного произведения: (Пособие для учителя). Под ред. докт. филол. наук Б.Ф. Егорова. - М.: Просвещение, 1981. - 5 с.

асарларда қаҳрамоннинг ҳаётда прототипи бўлади, муайян воқеа-ҳодисаларга таянилади, ўрин-жой тасвирларида ҳам бирор бир аниқ яшаш жойи назарда тутилиши мумкин. Масалан, Ойбекнинг “Улуғ йўл” романидаги трамвай бекатлари, кўчалар айнаи ўз номи билан аталган. Тарихий мавзуларга бағищланган асарларда жой, кўпгина тарихий шахслар реал қаҳрамонлар сифатида ҳаракат қиласади. Шунга қарамай, персонажлар ҳаёти билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар, тасвирлар бадиий тўқимадан иборат бўлади.

Тарихий воқелик ҳақида ахборот берадиган бадиий асар (бошидан охиригача тўқиб чиқарилган асар эмас) ўқувчи шахсининг интеллектуал томонига ҳам, эмоционал томонига ҳам бир вақтда тъсир қиласади. Шунинг учун фактлар аниқ бўлиши керак. Баъзи асарларда касб сир-асрорлари, географик маълумотлар, масалан, ер ости қатламлари ва ҳоказолар ёритилади. Бунда асарнинг воқеалар жиҳати уйдирма бўлиб, макон ҳақидаги хабарлар илмий фактларга суюнган бўлади.

Асарда тилга олинган ахборот эски, яъни маълум бир давргагина хос бўлиши мумкин. Бундай пайтда ахборот давр билан нисбатланган ҳолда қабул қилинади. Ахборот баъзан шунчаки эски бўлмай, у тарихий даврдан воқиға этиши мумкин. Бундай ахборот чин, аниқ бўлса, билимни бойитади.

Русийзабон ўқувчи ҳар қандай ахборотни ўз тилида оладиган ахборотлар билан солиштиради, албатта. Ёзувчи асарда муайян ҳужжатлар келтирган бўлса, уларга ҳалқнинг миллий қадрияти деб қарайди. Бундай пайтда русийзабон ўқувчидаги түғиладиган ҳис-туйғулар асар мазмунидаги муҳим роль ўйнаган ана шундай қадриятлар билан ҳам боғлиқ бўлади. Худди шунинг учун ҳам улар китобхонда алоҳида эъзозли туйғуларни уйғотади.

Маълумки, “...бадиий образ борлиқнинг (ундаги нарса, ҳодиса ва ҳ. к.) бадиий асардаги акси. Бироқ бадиий образ ўша борлиқнинг оддийгина акси эмас, йўқ у борлиқнинг санъаткор кўзи билан кўрилган ва идеал асосида ижодий қайта ишланган аксиdir. Бу аксада борлиқнинг кўплаб таниш изларини топасиз, бироқ энди бу биз билган борлиқнинг айни ўзи эмас, балки тамоман янги мавжудлик – бадиий борлиқdir”¹. Бадиий нутқ эса бевосита воқеликда нималар содир бўлаётгани ҳақида эмас, балки ёзувчининг ижодий тасаввурда янгидан яратилган бадиий олам ҳақида ахборот беради.

¹ Qur'onov D. Adabiyotshunoslikka kirish. Toshkent, Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004, 63-bet.

Рұхшунослар (Н.Д.Молдавская ва б.) кичик ёшдаги ўқувчининг китобхонлик идрокидаги сифат күрсаткичи ҳақида гапириб, “содда (наивный) реализм” деган иборанинг ишлатилишини таъкидлайдилар. Бундай вазиятда китобхон бадий асарда тасвирангандардан бадий шартлиликтин кўра олмайди, умумлашган тасвиридан ҳаёт воқелигинигина қидиради. Демак, адабий таълим русийзабон ўқувчилардаги ана шу камчиликни бартараф этишга қаратилмоги лозим. Бунда ҳаёт воқелигига боғлиқ ҳолда бадий шартлиликтин амал қилиш хусусиятлари ҳам ёдда тутилиши зарур бўлади. Бу эса ўқитувчининг қўшимча меҳнатини, ўқувчиларидағи шахсий-индивидуал хусусиятларни эътиборга олишни тақозо этади.

М.Г.Качуриннинг фикрича, “...мактабгача болалик чорида турли кўринишдаги шартлиликлар эркин ва табиий ҳолда ўзаро амалда бўлади, эргак ёки ҳикоя ўйинни юзага келтиради, ўйин – нутқий ижодкорликни ва ҳ.к. Бола шартлиликтин англамаган ҳолда уни ҳис этибигина қолмай, балки катталарнинг атайлаб ёки беихтиёр бузуб юборишлиридан қизронган ҳолда ундан хилма-хил равишида фойдаланади. Бу жиҳатдан қараганды кичик китобхонни “содда реалист” дёгандан кўра “содда санъаткор” деб аташ адолатли ва аниқ бўлади¹.

А.Т.Рубайло ўзининг “Художественные средства языка” деган китобида санъаткорнинг воқеликни бадий идрок этиши натижасида уни санъатга олиб кириш тарзини шарҳлаб беради. Муаллифнинг тушунтиришича, «...бадий ёки поэтик кўрув ҳодиса, ҳистойифу, ҳаракат мавжуд бўлган шаклга бўлган сезигирликни ҳам ўз ичига олади. Масалан, одамнинг хулқ-автор йўсими – юриш-туриши, имо-ишоралари, мимикаси, амалий ҳаракатлари – ўзининг барча умумийлик томонларига кўра роятда хилма-хилдир. Санъаткор ҳамма вақт бундай хулқ-авторнинг ифодасидаги тавсифли ўринларни кўрсатиб ўтади ва уни кўзга кўринадиган, ҳис этса бўладиган қилиб қўяди. Чунончи, йўқ бўлган нарса ва ҳодисалар санъатда шундайгина ёнимизда тургандай қилиб қўйилади, шундай қилиб “кўзга кўринарли воқеликка айланади” (Лессинг). Шу мақсадда санъаткор сўзларни танлайди, керакли сўз бирикмаларини ҳосил қиласди, бошқача айтганда, сўзли материални ўз олдига қўйган ижодий вазифага мувофиқ ташкил этади»².

¹ Качурин М.Г. Организация исследовательской деятельности учащихся (на уроках литературы). – Москва: Просвещение, 1988. – 16 с.

² Рубайло А.Т. Художественные средства языка: Пособие для учителя. – М: Госучпедгиз, 1961. – 14 с.

Сүз санъатини ҳаёттый тажриба орқали идрок этишнинг шартлигига бевосита шаклдагина намоён бўлмайди. Сўз кўрув хотирасига ҳам, энг хилма-хил сезгилар ва ҳиссиётларга ҳам қаратилади. Бино-барин, бундай сўзларни англаш ва шу орқали ҳаётнинг бирор ўзига хослигини ҳис этиш идрокнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Муаллиф ўқувчиларни уч гуруҳга ажратади: санъаткорлар, ўрта тип, мутафаккирлар¹. Ҳар бир гуруҳни қўйидагича изоҳлаб ўтади: “Санъаткорлар”, одатда, ёш идрокининг чекланганлик томонларига нисбатан катта мухторлик билан баҳш этилган бўладилар. “Ўрта тип”, аксинча, адабий тараққиётнинг ҳар бир даврини энг кўп кризисли ҳолатда бошдан кечирадилар. “Мутафаккирлар” биринчи ва иккинчи босқичлардан кейинги босқичига тезкор кириб борган ҳолда ривожланишининг олдинги маррасида бўладилар.

Кўпчилик файласуфлар ва санъатшуносарнинг (В.А.Михайлов, Т.Ф.Мартинов, А.А.Оганов, В.А.Разумний) тушунтиришларига кўра, «...ҳаёттый ҳақиқатга ўхшашликдан онгли равишда четланиш, муносабатларнинг реал табиий шаклларини атайин бузиш билан характерланувчи шартлиликтан фарқли ўлароқ (“иккиламчи шартлилик”) умуман санъат табиятига хос ва унда ҳамма вақт мавжуд бўлган шартлилик “бирламчи” деб ном олган»². «Китобхонлар бирор асар оламига кира бориб муаллифнинг тасвирлаши усулига бўйсунишлари, шартлиликни бадиий зарурият деб қабул қилишлари керак. “Иккиламчи” шартлиликда эса идрок этиши кўрсатмаси яна ҳам мураккаблашади. Шартли усуllар бадиий асар тўқимасига реал ҳаётга хос бўлмаган образларнинг алоқалари ва нисбатлари, вазиятларнинг фантастик унсурлари киритилиши билан боғлиқ. Ёзувчи иккинчи типдаги шартлиликка мурожаат этиб, таассуротларнинг яна ҳам кучли бўлишига, фикрни максимал даражада ифодали қилишга, китобхонларда бадиий тасаввур уйғотишга уринади. Ўз навбатида китобхон объектив реаллик оламининг ўзини чуқурроқ ва аниқроқ эгаллаш учун реаллик оламидан шартлиликтан оламига “чекингандай бўлиши” кераю»³.

¹ Маранцман В.Г. Анализ литературного произведения в соотношении с читательским восприятием школьников. Автореф. дис. ...докт. пед.-наук. – Москва, 1980. – 12-13 с.

² Локтионова Н.П. Изучение теории литературы в школе. Вопрос о художественной условности в курсе литературы (IX класс) // Совершенствование преподавания литературы в школе. – Москва: Просвещение, 1986. – С. 142-160.

³ Ўша асар. 149- бет.

Бундай асарлар ўқувчиларга ҳам, тажрибасиз китобхонларга ҳам қиийинлик қиласиди. Шунга кўра ҳам бадиий шартлилилар хусусиятлари билан боғлиқ назарий билимларга мурожаат этилади.

Мактаб ўқувчилари маълум даражада санъатдаги шартлиликини тушунадилар, ўзлари ёзган иншоларда баъзан реал ҳаётда бўлмаган воқеаларни “ижод қиласидилар”. Лекин бу ҳолат ҳаммада ҳам бирдай намоён бўлавермайди. Айрим ўқувчилар ўқилган асарда тасвирланган воқеалар ҳаётда бўлган деб ҳисоблайдилар.

Мактаб ўқувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари адабий тайёргарлик орқали ёзувчининг ижод сир-асорлари, бадиий асарда тасвир объектларини, воқеаларнинг ўзинигина эмас, ҳатто тасвир воситаларининг ҳам маълум мақсад билан танлашини, бунда кўпинча китобхон эътибор бермайдиган, оддий китобхон кўра олмайдиган томонларга эътиборни қаратишини билиб оладилар. “...Санъаткор ҳамма вақт ...хулқ-авторнинг ифодасидаги тавсифли ўринларни кўрсатиб ўтади ва уни кўзга кўринадиган, ҳис этса бўладиган қилиб кўяди”⁴.

Сўз санъатини ҳаётий тажриба орқали идрок этишнинг шартлилиги бевосита шаклдагина намоён бўлмайди. Сўз кўрув хотирасига ҳам, энг хилма-хил сезгилар ва ҳиссиятларга ҳам қаратилади. Бино-барин, бундай сўзларни англаш ва шу орқали ҳаётнинг бирор ўзига хослигини ҳис этиш идрокнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Идрок ўқувчиларнинг жисмоний-физиологик ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. Бунда фақат жисмоний ривожланишина эмас, шахсий тажриба, ортирилган билим ҳам тегишли роль ўйнайди.

В.Г.Маранцман: “4-6-синфлар учун - “садда реализм”, китобхоннинг онгода санъат ва воқеликнинг қўшилиши, китобхонлик идрокининг эмоционал бир бутунилиги ва схематиклиги; 7-8-синфлар учун – китобхонлик идрокининг шиддат билан ривожланиши, адабий образнинг китобхон онгода конкретлашишга қодирлиги; 8-10-синфлар учун – санъат ва ҳаётнинг тарихий ва эстетик алоқаларини англаш, бадиий асарни сабаб-оқибат муносабатлари асосида ўрганиш даври, айни пайтда китобхон идрокининг асардаги асосий фояга боғланиб қолиши ва китобхонда адабий образни конкрет-

⁴ Рубайло А.Т. Художественные средства языка: Пособие для учителя. – Москва: Госучпедгиз, 1961. – 14 с.

лаштириш қобилятигининг заифлашуви”¹ хослигини күрсатгани бе- жиз эмас..

В.Г.Маранцман “садда реализм” деган дастлабки даврда (5-б- синфлар) уни “муаллиф орқасидан” боришига ўргатиш, иккинчи даврида (7-8-синфлар) – асар образлари системасини кўриб чиқиш, учинчи босқичида (9-10-синфлар) – матнни муаммоли таҳлил қилиш энг маҳсулдор бўлишини таъкидлаган.

Хуллас, ўқувчи (китобхон) адабиётдаги “бадий шартлилик”, “санъатдаги шартли шакллар” тушунчаларини босқичма-босқич эгаллай боради.

Аксарият бадий асарларда муаллиф китобхонни ўз орқасидан эргаштиради: воқеа-ҳодисаларга, улар орасидаги алоқадорликларга тавсиф беради, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатини баҳолаб боради. Бундай пайтларда ўқувчи иккиламчи шартлилик билан бирламчи шартлиликни бир-биридан ажратга олмайди, ҳаётий воқеалардан қандай таъсиранса, тасвирланаётган воқеалардан ҳам шундай таъсиранади, қаҳрамонга бўлган дардкашлиги яна ҳам ортади.

Китобхон асар билан танишар экан, ҳаётда рўй берадиган воқеа ва ҳодисалардан ўзи кўра олмаган томонларини ёзувчининг назари тушганига, ана шу томонларни кўзга кўринадиган қилиб қўйганига, буни ёрқин, бўёғдор сўзлар, баъзан энг оддий сўзлар ёрдамида амалга оширганига қойил қолади. Айтиш мумкинки, ёзувчи оламга бошқача кўз билан қарап экан, ана шу фазилатларини ўқувчиларга ҳам юқтира бошлайди. Лекин айни шу ўринда ўқитувчи адебнинг олами кўра олиш қобилятига баҳо берганда, ўқувчиларни “нотўғри хуносадан огоҳ қилиш учун ушбу қарашнинг ўзи тарихий шароит билан шартланганлигига қаратиш керак”².

Дарвоқе, «Агар ёзувчи ҳаётий таассуротларини сўзда “жиловласа”, китобхон маълум даражада тескари йўлни босиб ўтади, у ушбу ёзувчи таассуротлари ва кечинмаларини уларнинг табиий қурилишини онгода тиклаб, гўё “жиловдан бўшатади”. Китобхон образли нутқни қанчалик нозик тушунса, унинг ассоциациялари

¹ Маранцман В.Г. Анализ литературного произведения в соотношении с читательским восприятием школьников. Автореф. дис. ...докт. пед.-наук. – Москва, 1980. 11-12- с.

² Маранцман В.Г. Анализ литературного произведения в соотношении с читательским восприятием школьников. Автореф. дис. ... докт. пед. наук. – Москва, 1980. – 14-15- с.

шунчалик кенгроқ, тасаввурлари бойроқ, чиқарған образли умумлашмалари чуқурроқ бұлади»¹. Бошқача айтганда, үқувчи бадий асарни үқиши пайтида ёзувчидан оламни бадий идрок этиш борасыда сабоқ олади, үқитувчи эса уни бадий шартлилік сары етаклайди, ёзувчининг оламни күриши тарихий шароит билан бөглиқ эканлигига ишонтиради. Аниқроғи, ёшларни “хаёт ҳақиқатини муаллиф қандай күрган бұлса, шундай ҳаққоний тасаввур этишга, мояғиятини англашға” үндайди².

Шундай қилиб, таълим методлари тұғри таңланғанда, үқувчи бадий асар мазмунни, унда олға сурىлған ғоя, образлар силсиласи билан танишар экан, ҳаёт ҳақиқатини муаллиф қандай күрган бұлса, шундай ҳаққоний тасаввур этишга, мояғиятини англашға мүяссар бұлади³.

Ўзбек мұмтоз адабиёти асарларини русийзабон үқувчининг тұлақонли идрок этиши маълум даражада чекланған. Мұмтоз шоирлар ўзбек бўлмаганлар учун ҳам, ўзбек бўлганлар учун ҳам вақт жиҳатдан олис ҳаётни тасвирлайдилар. Русийзабон үқувчининг китобхонлик тажрибаси рус адабиёти асарларидан озуқа олади. Шунинг учун у ўзбек адебини тушунишга қийналади.

Хуллас, таълим рус тилидаги мактаблар, академик лицей ва қасб-хунар колледжларининг ўзбек тили дарсларида үқувчи(талаба)лар ўқув матнини үқиши ва мазмунини тушуниши, ўзлаштиришга шу даражада одатланиб қоладиларки, бадий асардан олинған парчани ҳам ўқув матни деб қабул қиласидилар, үқитувчи қўллаб келган үқишига ўрганиш методикасидан андоза олиб, ушбу парчани ҳам ўқиб, мазмунини тушуниши ва ўзлаштириш пайида бўладилар.

Бадий матнда тасвирланған воқеа-ҳодисалар реал борлиқнинг нусхаси бўлмаганлигини назарда туттганда, үндаги фактик материалларни ўзлаштириш үйдирма (тұқима) гапларни эслаб қолиши билан баробар. Бундай мазмунни эслаб қолиши билан бөглиқ хатоликларнинг олдини олиш учун ўзбек тили үқитувчиси үқувчини бадий матнни үқишига, идрок этишга йўналтириши даркор.

Ўзбек мұмтоз адабиёти асарларини русийзабон үқувчининг тұлақонли идрок этиши маълум даражада чекланған. Бунинг объектив

¹ Молдавская Н.Д. Литературное развитие школьников в процессе обучения. – Москва: Педагогика, 1976. – 23 с.

² Мусурманова О. Адабиёт дарсларини ташкил этишининг самарали усуллари. - Тошкент: Үқитувчи, 1993. 23 -бет.

³ Мусурманова О. Номи кўрсатилган китоб. 7- бет.

ва субъектив сабаблари мавжуд, албатта. Биринчидан, мумтоз адабиётимиз вакиллари вақт нуқтаи назаридан биздан анча олис даврлар билан алоқадор. Шу ҳолатнинг ўзи уларнинг асарларини тушунишда ўзбек бўлмаганлар учун ҳам, ўзбек бўлганлар учун ҳам бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Иккинчидан, русийзабон ўқувчининг китобхонлик тажрибаси рус адабиёти асарларидан озуға олади. Ундаги миллий онг миллий-маънавий қадрияtlар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланади ва ривожланади. Шунинг учун у ўзбек адабини тушунишга қийналади.

Хуллас, таълим рус тилидаги мактаблар, академик лицей ва қасб-хунар коллажларининг ўзбек тили дарсларида ўқувчи (талаба)лар ўқув матнини ўқиш ва мазмунини тушуниш, ўзлаштиришга шу даражада одатланиб қоладиларки, бадиий асардан олинган парчани ҳам ўқув матни деб қабул қиласидар, ўқитувчи қўллаб келган ўқишга ўрганиш методикасидан андоза олиб, ушбу парчани ҳам ўқиб, мазмунини тушуниш ва ўзлаштириш пайида бўладилар.

Ўзбек тилидаги бадиий матнни ўқиши, идрок этишга ўрганиш жараёнида “содда реализм”ни босқичма-босқич енгигб ўтиш чора-ларини кўриш, асарда тасвирланган воқеа-ҳодисалар бадиий шартлилик қонуилари асосида яратилганлигини сингдириш лозим. Бу борада русийзабон ўқувчи (талаба)ларнинг рус адабиётидан олган назарий билимларини жалб этиш, улар унтуила бошлаган ҳолатларда эслатиш, кўникма ва малакаларини ўзбек тилидаги бадиий матнга “кўчириш”га ёрдам бериш мақсаддага мувофиқдир.

II. Бадиий асарни идрок этишнинг моҳияти

Мактабда ахлоқий, эстетик тарбия тизимида ўқувчининг кўз олдида табиат, ҳаёт, инсоний муносабатлар манзарасини кенг очадиган, одамлар хатти-ҳаракатига, ҳаётга баҳо берадиган, гўзал фазилатларга эътиборни қаратадиган бадиий адабиётга, сўз санъатига катта ўрин ажратилар экан, таълим рус тилидаги мактаблар, академик лицей ва қасб-хунар коллажларидағи ўзбек тили таълими жараёнида ҳам ўқувчилар ана шу имкониятлардан бебахра қолмаслиги шарт. Бадиий адабиёт ёрдамида русийзабон ўқувчи (талаба)ни шарқона ахлоқ билан таништириш, миллий маънавият тарбиясини амалга ошириш, унга ахлоқий-эстетик тарбия бериш, ҳаётгий сабоқ доирасини кенгайтириш имкониятлари оргади. Лекин таълим мазмунига ўзбек адабиётининг гўзал дурдоналаридан намуналар киритган билан улар шунчаки ўқила

диган бўлса, эзгу мақсадлар амалга ошмай қолади. Таълим жараёнида адабий асарни тўлиқ ва чуқур бадиий идрок этишни таъминлашгина кутилган натижага йўл оча олади. Бадиий идрок умумий эстетик тарбиянинг энг муҳим қисмлари сирасига киради.

Руҳшунослик ва адабиёт ўқитиши методикасида доир мањбаларда турли ёшдаги ўқувчиларнинг бадиий асарни ўқиб идрок этиш хусусиятлари ҳақида атрофлича маълумотларни учратиши мумкин. Ёш хусусиятлари тўғрисида сўз юритишдан олдин идрок билан боғлиқ масалаларнинг ўзини аниқлаб чиқишини лозим деб топдик.

Психология фанлари доктори проф. П.М.Якобсон идрок тушун-часини шу сўзнинг тор маъносида, “бунда обьектларни идрок этиши нинг сезги аъзоларимизга берган таъсири билан боғлиқ асл актлари ни кўзда туттган ҳолда”, шунингдек, сўзнинг кенг маъносида, “бунда предметни нисбатан узоқроқ идрок этиши мобайнида, идрок этилаётган обьектдан турли хил алоқалар ва муносабатлар тизимини аниқлаш ҷоғида кечадиган идрокни кўзда туттган ҳолда” фарқлаш зарур деб таъкидлайди¹. Бундан келиб чиқадики, бадиий асарни ўқиб идрок этганда китобхон қандайдир тасвирлар, асар қаҳрамонлари, воқеа-ҳодисалардан хабар топибгина қолмай, улар орасидаги сабаб-натижага алоқаларига даҳлдор мауммолар гирдобига шўнигиди, ўзича муаяян хуросалар чиқарди.

Н.Д.Молдавская ўз монографиясида “идрок этиши (қабул қилиш)” терминидан ҳиссий билиш босқичидагина эмас, балки мавхум фикрлаш босқичида ҳам кечадиган, инсон руҳиятининг жуда кенг соҳасини (фикрлаш билан бир қаторда ахлоқий ва эстетик ҳис-туйфулар, қайта яратувчи ва ижодий тасаввур, мантиқий ва эмоционал хотира, маҳсус қобилияtlар) қамраб оладиган чуқур мазмунли ва кенг жараён белгиси сифатида фойдаланади². Муаллифнинг фикрича, «...бадиий идрок этиши пайтида китобхоннинг тафаккури бевосита ўқув-билув орқали кўлга киритиладиган маълумотларга эмас, балки бадиий фактлар ва ҳодисаларга таянади. Бу дегани, китобхоннинг тафаккури рассом(ёзувчи)нинг тафаккури орқали аввалроқдан бавоситаланган воқелик ҳодисалари билан иш кўради»³.

¹ Петрова Г.А. Эстетическое восприятие художественных произведений школьниками старших классов. Изд-во Казанского университета, 1973. – 7 с

² Молдавская Н.Д. Литературное развитие школьников в процессе обучения. – Москва: Педагогика, 1976. –28 с.

³ Молдавская Н.Д. Номи кўрсатилган китоб. –28 с.

Тафаккур орқали киши воқеа-ҳодисалар ҳақида мушоҳада юритади. Муайян вазиятларда қаҳрамон танлаган хатти-ҳаракатларнинг тӯғри ёки нотӯғрилигини ўйлайди, асар давомида қандай ечимлар маъқул топилганини кўради ва баҳо беради.

Маълумки, бадий асарни ўқиб идрок этганда китобхон қандайдир тасвирлар, асар қаҳрамонлари, воқеа-ҳодисалардан хабар топибгина қолмай, улар орасидаги сабаб-натижага алоқаларига даҳлдор мауммолар гирдобига шўнгийди, ўзича муайян хulosалар чиқаради¹.

Н.Д.Молдавскаяяяниңг фикрича, "...бадий идрок этиш пайтида китобхоннинг тафаккури бевосита ўқув-билив орқали қўлга киритиладиган маълумотларга эмас, балки бадий фактлар ва ҳодисаларга таянади. Бу дегани, китобхоннинг тафаккури рассом(ёзувчи)-нинг тафаккуридан ўтган воқелик ҳодисалари билан иш кўради"². Тафаккур орқали киши воқеа-ҳодисалар ҳақида мушоҳада юритади. Муайян вазиятларда қаҳрамон танлаган хатти-ҳаракатларнинг тӯғри ёки нотӯғрилигини ўйлайди, асар давомида қандай ечимлар маъқул топилганини кўради ва баҳо беради.

Ўқувчи бадий асарни ўқиб, уни идрок этишга доир билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб борар экан, бу жараёнда унинг адабий тайёргарлиги ҳам ортиб боради, ўзидағи сўзли-бадий образлар билан фикрлаш қобилиятини ўстиради. "Лекин парча биринчи марта ўқилгандан кейин киши кўз ўнгига келадиган тасвирга монаанд образ (манзара) ҳали тўлиқ англаб етилмаган бўлади. Ваҳолонки, адабий санъатни ўрганиш учун асос қилиб олинувчи тушунча бадий образдир"³.

Навбатдаги босқичда барқарор ҳолга келтирилган дастлабки идрок этилганларни чуқурроқ таҳлил қилишга киришилади. Бу босқичда ўқитувчи идрокнинг яна ҳам тўлақонли бўлишини таъминлаб берувчи бир қатор сўзлар устидаги иш олиб боради, образнинг бирор бир муҳимроқ белгисига ўқувчиларнинг диққатини қаратади.

¹ Петрова Г.А. Эстетическое восприятие художественных произведений школьниками старших классов. Изд-во Казанского университета, 1973. – 7 с.

² Молдавская Н.Д. Литературное развитие школьников в процессе обучения. – Москва: Педагогика, 1976. – 28 с.

³ Актуальные проблемы современной русистики. Подред. Н.М.Шансского. Москва: Просвещение, 1991.–170 с.

Шундай қилиб, үқувчи бадий асарни үқиши ва идрок этиш жараёнида олган тасаввурлари үзиде туғилған субъектив фикрлар билан құшила боради. Үқувчининг бадий асар юзасидан юритған мушоҳадалариде муаллиф яратған образдан ижодий фойдалана билганинги “адабий тайёргарлик күрсаткичи бўлиб хизмат қиласди”¹. Бу ерда гап асар мазмунини қайта ҳикоялаш ҳақида бораётгани йўқ, балки унинг ҳикояси, яъни хаёлан ўз асарини яратиши хусусида фикр юритилмоқда. Бу бир-биридан фарқланадиган икки хил ҳодисадир. Лекин бу ерда үқувчининг ўз ҳикоясини вужудга келтириш жараги билан қайта ҳикоялаш жараёни ўртасидаги фарқлар унчалик аниқ күрсатилмаган. Эслатиш жоизки, бадий асар мазмунини ҳатто үқитувчининг ҳам қайта ҳикоя қилиб беришига айрим методистларнинг муносабати салбий. Профессор Қ. Йўлдошевнинг қатъий эътиrozига кўра “Бадий таҳлилга қўйиладиган талаблардан бири ва, энг муҳими, қандай асар таҳлил қилинаётганидан қатъи назар, унинг мазмунини ҳикоялаш мумкин эмаслигидир”².

Асарни ёд олгандай қайта ҳикоя қилиш үқувчи (талаба)ни матн мазмунини ўзлаштиришга ундейди. Лекин үқувчи асар мазмунини доирасида мушоҳада юритған ҳолда ўз сўзларини баён этса, бундай нутқий машқ бадий идрокни чукурлаштиришга ёрдам беради.

А.А.Абдуллинанинг таъкидлашича, «...идрок моҳиятнан бадий образнинг икки босқичли структурасини акс эттирадиган ва фикрлашнинг тушунчали ҳамда образли компонентлари билан боғлиқ бўлган бола фаолиятининг икки туридан иборат жараёндир»³. «Биринчисига биз бадий образни бир бутун идрок этиши (курсив – бизники) билан боғлиқ фаолиятни киритамиз. Бу ерда бола асосан образнинг ҳиссий қабул қилинадиган конкретлигини “кўради”. Агар идрок жараги фақат шу фаолият билан чекланса, у ҳолда қабул қилиш образ элементларининг

¹ Абдуллина А.А. Формирование умения воссоздавать художественные образы в процессе чтения литературных произведений (1-3 классы): Автореф.канд.дисс... пед.наук. - Москва, 1977. - 11 с.

² Йўлдошев Қ. Адабиёт үқитишининг илмий-назарий асослари. – Т.: Үқитувчи, 1996. – 26 бет.

³ Абдуллина А.А. Формирование умения воссоздавать художественные образы в процессе чтения литературных произведений (1-3 классы): Автореф.канд.дисс... пед.наук. - Москва, 1977. – 8 с.

кетма-кет келган формал репродукцияси, амалда ёзувчи томондан яратилган образнинг бадиий ва эстетик бойлигидан маҳрум бўлган ўзига хос фотосурати бўлиб қолади. Иккинчи хил фаолиятга образнинг умумлашган маъно-мазмунини идрок этиши (курсив – бизники) киради. Бизнингча, бадиий образнинг умумлашган маъно-мазмунини сўзнинг умумлашган функциясидан фойдаланган ҳолда боланинг тўлақонли идрок этишига эришиш реалроқ саналади»¹.

Китобхон тасаввурида гавдаланаётган образ муаллиф яратган образга ўхшаши мумкин, лекин у тасвирида ёзувчи билан бир даражада турмайди, албатта. Шу маънода ижодий қайта ҳикоялапдан фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаймиз. Муаммоли вазиятлар асосида юзага келтириладиган мушоҳадалар китобхонни асардан ижодий фойдаланишга ундайди. Бунинг натижасида унинг ўз муносабати аралашган асар юзага келади.

Асарда тасвиirlанган воқеа-ҳодисалар ҳақида мушоҳада юритиши жараёнида китобхон, бир томондан, бадиий асар билан мулоқотга кирса, иккинчи томондан, теваракдаги реал муҳит билан мулоқотда бўлади. Адабий матн ҳар бир китобхон қалбига ўзининг қандайдир алоҳида мазмуни, тафсиллари, тимсоллари билан йўл топади, ўқувчи ўзига бирор янгилик кашф қиласи, қолаверса, китобхоннинг ўзи ҳам матн мазмунига бирор янгилик олиб киради. Ўқувчи асардан фойдаланиб ўзини бойитади. Лекин бундай бойиш “бадиий асарни идрок этаётган одамнинг ижодий тасаввурида соидир бўлади”².

Б.И. Матушкина бу ҳақда ёзувчи Л.Леоновнинг қўйидаги фикрларини жуда ўринли тарзда келтирган эди: “Ижодий иш фақат ёзувчидангина талаб этилмайди, ўқувчи ҳам ижод қилиши керак”³.

А.А.Абдуллина ўқувчиларнинг бадиий асарларни идрок этиши жараёни хусусиятларини қўйидаги модел тарзида тасвиirlайди:

¹ Ўша асар 9 бет.

² Волков Ф.И. Литература как вид художественного творчества. – Москва: Просвещение, 1985. – 58 с.

³ Матушкина В.И. Творчество Леонида Леонова в школах с углубленным изучением литературы. VI – XI классы. - // Литература в школе 2006, № 6, С. 36.

Аасарнинг бадиий образзи	Боланинг уни дастлабки идрок этиши	Дастлабки идрокнинг стабиллашуви	Стабиллаштирилган дастлабки идрок таҳлили	Аасарни дастлабки идрок этишининг тимсолли компонентларининг синтези	Аасарни идрок этиши натижасида олининган субъектив образ – тасаввур
--------------------------	------------------------------------	----------------------------------	---	--	---

Аасарнинг бадиий образи пировардида субъектив образ-тасаввурга айланиши юқоридаги моделдан яққол кўриниб турибди.

Н.Д.Молдавская идрок жараёнлари ҳақида сўз юритар экан, бундай ёзади: “Умумий нутқий тараққиёт асосида бадиий адабиётни ўқиш тажрибасининг аста-секин тўпланиб боришига қараб сўзли-бадиий образлар билан ёки, баъзан айтишларича, адабий тафаккур юритган ҳолда фикрлаш қобилияти ҳам ривожланади. Бу қобилият бадиий адабиётни идрок этиш жараёнида шаклланади ва айни пайтда идрокнинг ўзидаги сифат ва юқори савияни таъминлаб беради”¹.

Н.Д.Молдавская бадиий образнинг хусусиятидан, унинг асосий акс эттирувчилик хоссаларидан келиб чиқиб китобхонлик идроки меъёрлари (кўрсаткичлари) сифатида тасаввурларнинг аниқлик даражаси ва бадиий умумлашмага кириб бориш даражасини тавсия этади². Бу меъёрлар китобхоннинг аналитик-синтетик қобилиятидаги асосий хусусиятларни (образли конкретлаштириш ва образли умумлашмалар чиқариш жараёнлари) қайта ифода этади.

Бадиий образнинг ўзиди бўлганидек, уни идрок этишда ҳам бу икки хил “ўлчов” (тасаввурларнинг аниқлик даражаси ва бадиий умумлашма чиқариш) бир-бировисиз яшай олмайди. Фақат умумлаштирувчи маъно-мазмунга кўра конкрет-ҳиссий шакл, аасарнинг барча деталлари поэтик ноянинг кўп сонли ва хилма-хил жилоларини очган ҳолда асл аҳамият касб этади. Аммо образли умумлаштиришнинг ўзи ҳам, Н.Д.Молдавскаянинг эътироф этишича, фақат конкрет-ҳиссий образлардагина яшай олади³. Чуқур уқиб мустақил ўқипи китобхоннинг образли фикрлашидаги умумлаштиришлар ва

¹ Молдавская Н.Д. Опыт изучения читательского восприятия старших школьников // Восприятие учащимися литературного произведения и методика школьного анализа: Пособие для учителей. Под ред. Проф. А.М.Докусова. - Москва: Просвещение, 1974. - С. 28.

² Ўша асар. 29- бет.

³ Ўша асар. 29- бет.

конкретлаштиришлар уйғунликда, уларнинг доимий диалектик ўзаро алоқадорликда бўлишини кўзда тутади.

Н.Д.Молдавскаянинг тушунтиришига кўра, «...сўзли-образли структура доирасида қолган ҳолда идрок этишнинг китобхонга турлича намоён бўладиган икки даражасини, икки ўзига хос “уфқини” белгилап мумкин. Агар китобхон *воқеавий-сюжет алоқалари даражасида* қолса, у қандайдир тасвирлар, ҳаракатлар, воқеа-ҳодисалар атрофида уюштирилган лавҳаларни ажратишга ҳаракат қилади. Бунида у қўйидаги каби лавҳаларни (шартли белгилаган ҳолда) тилга олади: Ганя бувининг васияти, Васяниг келиши ва ёзувчи билан гаплашиши. Китобхон ушбу лавҳалар (эпизодлар) орасидаги алоқаларни аниқлашга уриниб, энг оддий сабаб-натижка алоқаларни қидиради. Ҳикоянинг образли структурасини ташкил этишда бошқа йўл ҳам, алоқаларнинг бўлак занжирни ҳам борки, булар воқеавий-сюжетли томонларини элемент сифатида ўз ичига олади. “Иккинчи уфқ” китобхон нигоҳига бирданига очила қолмайди. Булар шундай эпизодларки, уларда кўзга кўринарли “юриш-туриш”, “воқеа”, “хатти-ҳаракат” йўқ (масалан, ҳикоя ва васиятнинг экспозицияси, муаллифнинг Вася билан сұхбати, ёзувчининг кўрган туши, ниҳоят, табиат ва ватан ҳақидаги ўйлар акс этган якуний абзац)»¹.

Шунинг учун ҳам Г.А.Петрова ўзининг “Эстетическое восприятие художественных произведений школьниками старших классов” деган рисоласида Л.С.Виготскийнинг идрок этиш ҳақидаги қарашларига алоҳида тўхталади. “Л.С.Виготский, - дейди у, - санъатни идрок этишни одамнинг оддий эстетик кечинмалари деб эмас, балки бадиий туйғу, тасаввур, онг қўшилмаси сифатида тушунади. Бадиий туйғу – бу реал, лекин фантазиянинг зўр бериб ишлайдиган фаолияти билан ҳал этиладиган, асосан бош мия пўстлоғида ҳал бўладиган ҳис-туйғудир”. “...Санъат эмоциялари ақлли эмоциялардир”².

Ўқувчининг жонли таассуротлари, унинг ҳаётий тажрибаси – адабий асарнинг тўлақонли идрокини шакллантириш асоси деб

¹ Молдавская Н.Д. Опыт изучения читательского восприятия старших школьников // Восприятие учащимися литературного произведения и методика школьного анализа: Пособие для учителей. Под ред. Проф. А.М.Докусова. - Москва: Просвещение, 1974. – С32.

² Петрова Г. А. Эстетическое восприятие художественных произведений школьниками старших классов. Изд-во Казанского университета, 1973. – 6 с.

ҳисоблаш жоиз. Матнининг кейинги таҳлиллари эстетик идрокни чукурлаштиради, ўқувчи дунёқарашини, диини, характерини шаклантиришга ёрдам беради.

Г.А.Петрова машҳур методист олим Н.И.Кудряшовнинг асарни идрок этиш тўғрисидаги хулосаларига ҳам тўхталади. Н.И.Кудряшов психологик тадқиқотларга асосланган ҳолда таъкидлайдики, идрок – бу ўқилаётгандар мазмунини тушуниши туғилаётган кечинмалар билан бирлаштирадиган аналитик-синтетик жараёндир. Бадиий асарни идрок этишда тасаввур, ҳис-туйгулар, фикр фаол иштирок этади. Шунга кўра ҳам, Н.И.Кудряшовнинг фикрича, ўқувчиларни адабий ривожлантиришнинг асосий йўли жонли таассуротлардан бадиий китобга, китобдан яна жонли таассуротларга, бойитилган тажрибаларга қараб олиб бориши керак¹.

Бадиий асарни оддий ўқув матни каби ўқиётган ўқувчи унинг мазмунини ўзлаштиришга ҳаракат қиласди, яъни ўз ҳаёт тажрибаси, ёш хусусиятлари, билим савияси доирасида тасвирлар, ҳаракатлар, воқеа-ҳодисалар билан танишиш ҳамда эслаб қолишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Лекин асарда экспозиция, тутун, воқеанинг ривожи, кульминация, ечим каби унсурлар бўлади. Булар дастлабки ўқиши жараёни дастлабки бадиий идрок жараёни билан қўшилган тақдирдагина аён бўлади. Бунда матн мазмунини тушуниш эстетик кечинмалар билан бирлашиб, аналитик-синтетик фаoliyatни ифода этади, бадиий идрока тугашади. Ўқувчи асар мазмунини тушуниб ўқишига ҳаракат қилгандга, ўзи эса олиб қолаётган нарсаларнинг аниқ бўлишига интилади. Бадиий идрок жараёни келиб қўшилганда эса, мазмун муайян ўзгаришлар билан қабул қилинади. Адабий тайёргарлик қўраётган ўқувчи аста-секин ана шу даражани егаллай бошлайди.

Хуллас, ўқувчи(талаба)нинг бадиий асарни идрок этиш савиляри кўпгина омилларга, чунончи, китобхонлик ёки томошабинлик маданиятига, психофизиологик хусусиятларига, шу билан бирга бошидан кечирган ҳаётий вазиятларга боғлиқдир.

Хуллас, бадиий образларни қайта яратиш малакасини шаклантириш методикаси гўрт босқични ўз ичига олади. Биринчи босқичда (1-синф) ўқувчилар образларни дастлабки идрокни расм шаклида стабиллашга ўргатилади. Матн таҳлили тасвирда берилган образларни расмда тасвирланганлар билан нисбатлашда, образларни кўрсатмали тасвирлаётган сўз ва сўз бирикмаларини то-

¹ Ўша асар. 7-бет.

пишда ўз ифодасини топади. Ушбу босқичда ўқитувчи раҳбарлиги остида таҳлил ўтказилади. Қабул қилингандай образларни нутқда акс эттириш ўқувчиларнинг айрим тафсиллар ва бутун расмни яхлит шарҳлапшари шаклида содир бўлади. Иккичи босқичда (I-II синфлар) вазифа айнан ўшанинг ўзи бўлиб қолади, лекин образларни дастлабки идрок этишни стабиллаш шакли ортиқча тафсилларни қисқартириш ҳисобига соддалаштириш юз беради (схематик расм). Микрокартиналарни топиш, уларнинг изчиллигини аниқлаш, образларни яратадиган сўз ва сўз бирикмаларини ажратишдан иборат матн таҳлили ўқитувчи ёрдамида ўтказилади. Образларнинг бундан кейинги қайта яратилиши ва уларнинг нутқий шаклида чизиб берилиши схематик расмни тасирлашни ифода этади. Укчилик и босқичда (II синф) бадий образларни қайта яратишдаги асосий урғу образларни стабиллашнинг график усуулларидан образли мазмунни ифодалашнинг сўзли усуулларига кўчирилади. Бунга шу билан эришиладики, расм аста-секин “ўралади” ва синф доскасида жамоа бўлиб тасвирлаш – образли структурани умумлашган график схемада қайдлаш ўқувчилар учун дастлабки идрокни стабиллаш (муқимлап) шаклига айланади. Матн таҳлили (микрокартиналарни топиш, уларнинг изчиллигини ўрганиш, тасвирга кирувчи сўзларнинг образли маъноларини очиб бериш) ўқитувчи назорати остида ўтказилади, лекин бу босқичда ўқувчиларнинг кўпроқ мустақиллиги кўзда тутилади. Бадий образларни боғланишили нутқ орқали қайта яратишда сўздан кенг фойдаланилади. Тўрт иккичи босқичда (II-II синфлар) расм картинали режа билан алмаштирилади, сўз билан расм чизиш асар образларини қайта яратиш воситасига айланади. Ўқувчилар томонидан матнни таҳлил қилиш, тасвир учун муҳим бўлган сўзларнинг образли-эмоционал маъноларини очиб берилиши натижасида туғиладиган субъектив образ-тасаввур қабул қилингандай образларни ўқувчилар боғланишили нутқида кейинги қайта ифодалашнинг таянчи бўлиб майдонга чиқади¹.

А.А.Абдуллина бадий образни қайта яратиш малакасига умумлашган мураккаб малака деб қарайди, уни ўзаро органик равишда чатишиб кетган икки малака: образларни тўғри қайта яратиш малака

¹ Абдуллина А.А. Формирование умения воссоздавать художественные образы в процессе чтения литературных произведений (1-3 классы): Автореф.канд.дисс... пед.наук. - Москва, 1977. С. - 12.

каси билан идрок этилганларни муаллиф фикрига монанд нутқий шаклда ифодалаш малакасидан иборат деб билади¹. Албатта, русизабон ўқувчи(талаба) учун иккинчи малака тури эгаллаб бўлмайдиган мэррадай кўринади. Аслида, бу ўқувчиларнинг ўзбек тилида фикрлашигина асарнинг ғоявий-бадиий қийматига чукур кириб боришини таъминлайди. Афсуски, уларнинг аксарият қисми ўзбек тилида фикрлашдан йироқ.

Йирик методист олим Г.И.Беленъкийнинг изоҳлашибча, «...муракаб руҳий жараён бўлмиш китобхонлик идрокида бадиий матъдан келиб тушаётган “сигнал”ларга жавобан одамнинг бутун ҳаётий тажрибасини “ҳаракатта келтиради”. Китобхон ёзувчи билан диалогга кирап, уни қўллаб-куватлар ёки у билан баҳслашар, ўз маънавий ва руҳий оламини бойитар экан, ўзи сезмаган ҳолда, эҳтимол, ўз иродасига қарама-қарши ўлароқ, ўзининг оламга, воқеликка, одамга, ўз ҳаётий мавқеига бўлган қараашларини шакллантиради. Фожеавий зиддиятларга дуч келиб, катарсисга учрайди, руҳий тозарипшга келади. Санъат оламида кундалик тасавурлар ва ҳиссиётлар ўзаро чирмашиб кетади ва юксак фуқаролик қиймагини касб этади. Фойибона, аста-секин ўз-ўзини билиш, ўз-ўзини тарбиялаш, шахснинг ўз-ўзини бунёд этиш жараёни кечади»². Албатта, бу ерда ёзувчининг бутун маҳорати намоён бўлади. Шу жиҳатдан қараганда Н.И.Кудряшовнинг қўйидаги сўзлари ўринли айтилган: “Ёзувчи онгли ёки онгсиз равишда ўз китобхонига мўлжал олади, унинг қалбига кириб боришига интилади, унинг ахлоқий оламига таъсир этишига ҳаракат қиласди”³.

«80-90-йиллар насрининг янги қирралари шунда кўринадики, объектив олам, воқеа ва ҳодисалар, ташқи тасвир, қаҳрамон хатти-ҳаракатлари, уни ўраб турган муҳит ва шароит, замон ва макон энди тўғридан-тўғри бадиий тўқимага айлантирилмай, балки уларнинг инсон тасаввури, шуурига таъсири, қаҳрамоннинг унга онгли муносабати, яни акс таъсир сифатида, таъсирга таъсир тарзida бадииятга айлантирилади»⁴. “Акс эттириш жараёни аслида таъсир

¹ Ўша асар. 4-5-бетлар.

² Беленъкий Г.И. Приобщение к искусству слова. – Москва: Просвещение, 1990. С. – 7.

³ Кудряшов Н.И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы: Пособие для учителя. - Москва: Просвещение, 1981. С. - 8.

⁴ Жўраев Т.С. Онг оқими ва тасвирийлик (М.М.Дуст, F.Хотамов, О.Отахон асарлари асосида): Филол.фан.номз. дисс.автореферати. – Тошкент, 1994. – 3 б.

натижаси эмас, балки ўзаро таъсир натижасидир, яъни гўё бирбирига пешвоз келаётган жараёнлар натижасидир” (А.Н.Леонтьев).

Н.Д.Молдавская *адабий тайёргарлиги* юқори бўлган киши ҳақида гапирав экан¹, унинг сўзли-бадиий образлар билан фикрлаш қобилияти қай даражада ривожланганлигини кўзда тутади. Бу хислат бошқа кўпгина фазилатлари қатори эстетик ва бадиий жиҳатдан ҳам камолотта етган шахснинг тавсифий белгиларига киради. Бадиий тафаккурнинг асосий хусусияти конкрет ҳиссий заминдан узоқлашмаган ҳолда кенг умумлашмаларга кўтарила билишидир. Шунингдек, бадиий образни идрок этиш ўқувчида кечадиган мураккаб эмоционал-образли фикрлаш билан боғлиқ фаолият бўлиб, у фаол кечади. Аксинча, ўқувчи асарни рус тилига таржима қилиб ўқиганда, у ўзбек тилида сўзли бадиий фикрламайди. Матнни ўқиб, ўзбек тилидаги материалдан маълумот ола биладиган ёшлардагина шу тилда фикрлаш учун эҳтиёж турилиши мумкин. Русийзабон ўқувчилар адабий матн мазмунини тушуниш мақсадида уни рус тилига таржима қилгандан эмоционал-образли фикрлаш жараёни ҳам кечмайди, чунки бундай ўқиши жараёни ҳис-туйгулар уйғотмайди.

«Яхшигина адабий дид билан қуролланган ўқувчилар синфда ўрганилаётган бадиий асарни фаолроқ идрок этадилар, чуқуроқ тушуниб оладилар, ўқув материалынинг ҳаммасини дурустроқ эсда олиб қоладилар. Яна улар адабий ҳодисаларни баҳолашда ва адабиётга бўлган ўз қарашларини баён этиш ва далиллашда мустақилроқ бўладилар»².

«Боланинг адабий диди структураси катта ёшдагиларникига қараганда ўзгача, болаларда санъат асарини эмоционал идрок этиш ақлий жиҳатдан камроқ назорат қилинади, уларнинг ҳаётий ва китобхонлик тажрибаси ҳам катта эмас»³.

Ўқувчининг жонли таассуротлари, унинг ҳаётий тажрибаси – адабий асарнинг тўлақонли идрокини шакллантириши асоси деб ҳисоблаш жоиз. Матннинг кейинги таҳлиллари эстетик идрокни чуқурлаштиради, ўқувчи дунёқарашини, дидини, характерини шакллантиришга ёрдам беради.

¹ Молдавская Н.Д. Литературное развитие школьников в процессе обучения. – Москва: Педагогика, 1976. – 28 с.

² Баевский В.С. Вопросы методики воспитания литературного вкуса на уроках литературы в старших классах. – Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Москва, 1965. – 3 с

³ Ўша асар. 6-бет.

Кузатишларимизга қараганда, қуий синфлардаги русийзабон ўқувчилар лирик асарларни шеърий мисралар кўринишида ёзилгани, оҳангидан ўзига ром этгани, ёд олишга, баъзан уни рус тилига таржима қилиш кулай бўлгани учун ёқтирадилар. Лекин улар шеърда инсон кечинмалари ўз аксини топганига аҳамият бермайдилар. Бундай кечинмалар юқори синфларда англанади, чунки бу даврда ёшларда севги орқали турли хил дардкашликлар пайдо бўлади.

Бадиий *тафаккурнинг* асосий хусусияти унинг конкрет-ҳиссий заминдан ажралмаган, узоқлашмаган ҳолда кенг умумлаштиришга кўтарила олиш қобилиятидир. Бундай тафаккури ривожланаётган ўқувчи сўзли-бадиий образни бўлақдан бутунга қараб мукаммал идрок этади, ушбу жараёнда ёзувчи билан мулоқотда бўлиб, дилида унга нисбатан туғилаётган муносабатига сайқал бериб боради. Шундай қилиб, асар таҳлили жараённида унда воқеликнинг оддий тасвири баён этилган деган дастлабки тушунча ўзгаради ва бадиий умумлашма тавсифи очилади.

Зеро, “...китобхоннинг мураккаб руҳий жараён бўлмиш идрок қилиш пайтида бадиий матндан келиб тушаётган “сигнал”ларга жавобан бутун ҳаётий тажрибасини “ҳаракатга кетиради”, уни даволайди. “Санъат оламида кундалик тасаввурлар ва ҳиссиётлар ўзаро бирлашиб кетади... Ана шу олам орқали шахснинг фойибона, аста-секин ўз-ўзини билиш, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини бунёд этиш жараёни кечади”¹. Албатта, бу ерда ёзувчининг бутун маҳорати намоён бўлади.

Т.С.Жўраев бу жараённи кенгроқ тушунтириб беради: “80-90-йиллар насрининг янги қирралари шунда кўринадики, объектив олам, воқеа ва ҳодисалар, ташки тасвир, қаҳрамон хатти-ҳаракатлари, уни ўраб турган мұхит ва шароит, замон ва макон энди тўғридан-тўғри бадиий тўқимага айлантирилмай, балки уларнинг инсон тасаввuri, шуурига таъсири, қаҳрамоннинг унга онгли муносабати, яъни акс таъсир сифатида, таъсирга таъсир тарзида бадииятга айлантирилади... Акс эттириш жараёни аслида таъсир натижаси эмас, балки ўзаро таъсир натижасидир, яъни гўё бир-бирига пешвоз келаётган жараёнлар натижасидир”².

¹ Беленъкий Г.И. Приобщение к искусству слова. – Москва: Просвещение, 1990. – 7 с.

² Жўраев Т.С. Онг оқими ва тасвирийлик (М.М.Дуст, Ф.Хотамов, О.Отахон асарлари асосида): Филол.фак.номз. ... дисс.автореферати. – Тошкент, 1994. – 3 6.

Н.Д.Молдавская *адабий тайёргарлиги* юқори бўлган шахс ҳақида гапирав экан¹, унинг сўзли-бадиий образлар билан фикрлаш қобилияти қай даражада ривожланганлигини кўзда тутади. Бу хислат бошқа кўпгина фазилатлари қатори эстетик ва бадиий жиҳатдан ҳам камолотга етган шахснинг характерли белгиларига киради. Бадиий тафаккурнинг асосий хусусияти конкрет ҳиссий заминдан узоқлашмаган ҳолда кенг умумлашмаларга кўтарила билишидир. Буларнинг барчаси ўқувчиларнинг “...адабий ҳодисаларни баҳолашда ва адабиётга бўлган ўз қарашларини баён этиш ва далиллашда мустгақилроқ” бўлишларига² кенгроқ имкониятлар яратади.

Хуллас, матнни ўқиб, ўзбек тилидаги материалдан маълумот ола биладиган ёшлилардагина шу тилда фикрлаш учун эҳтиёж туғиши мумкин. Русийзабон ўқувчилар адабий матн мазмунини тушуниши мақсадида уни рус тилига таржима қилиганда эмоционал-образли фикрлаш жараёни ҳам кечмайди, чунки бундай ўқиш жараёни ҳис-туйғулар уйғотмайди.

III. Асар қаҳрамонларининг ўзига хосликларини англаш масалалари

Адабий асарда тасвирланган қаҳрамонларнинг ҳаёти, адабий тақдири мисолида ўқувчи (талаба)ларга одамлар ўртасидаги ижтимоий-эстетик муносабатлар англатилади. Ўзбекни, ўзбекона руҳни тушуниш ҳам русийзабонлар учун ижтимоий муносабатларнинг яна бир жабхаси ҳисобланади. Лекин ҳаётдаги турли-туман шахслар билан бўладиган мулоқот тавсифи ҳар бир инсонга хос фазилатлар умумлашмаси тариқасида бадиий адабиётда ўз аксини топиб келмоқда, бундан кейин ҳам қанчадан-қанча асарлар ана шу масалаларга бағишиланадики, бу нарса одамларга хос хислатларнинг ниҳоятда ранг-баранг эканлигидан далолатdir. Асар қаҳрамонлари образлари мисолида ёшларни ижтимоий муносабатлар мазмуни, чунончи, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва

¹ Молдавская Н.Д. Литературное развитие школьников в процессе обучения. – Москва: Педагогика, 1976. – 28 с.

² Баевский В.С. Вопросы методики воспитания литературного вкуса на уроках литературы в старших классах.-Авторев. дис. ... канд. пед. наук. -Москва, 1965. -3 с.

қабоҳат каби талай тушунчаларнинг моҳияти билан таништириш жараёни амалга ошади.

Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси соҳасида яратилган методик адабиётлар, тадқиқот ишларининг деярли барчасида (масалан, Қ.Йўлдошев, М.Мирқосимова, С.Матчонов ва бошқалар) асар қаҳрамонларини ўрганиш хусусида сўз юритилиб келмоқда. Шуннинг учун улардан ижодий фойдаланган ҳолда русийзабон ўқувчи (талаба)ларнинг асар қаҳрамонлари фазилатларини англаш хусусиятларини ёритиш имкониятлари катта. Лекин биз тилга олмоқчи бўлган масалани бутун қамрови билан кўрмоқчи эмасмиз. Чунки бу масалага маҳсус тарзда атрофлича тўхталиш тадқиқот ишимиzinинг асосий мақсад ва вазифалари сирасига кирмайди.

Шахснинг ахлоқий, интеллектуал фазилатларини англаш, аниқлаш, фарқлаш, мос сўз топиб аташ, одатда, катта қийинчиликлар туғдидиради. Шахснинг хислатларини очувчи сўзларни билиб олиш ҳали шу сўзлар англатган тушунчаларни билиш деган гап эмас. Айниқса, кичик ёшдаги ўқувчиларнинг бундай сўз бойлиги чегаралангандай. Қолаверса, мактабда бундай тушунчалар маҳсус ўрганилмайди ҳам. Ўқувчи асар қаҳрамонининг фазилати мисолида шу асар муносабати билан хислат билдирувчи тушунчадан ҳабар тонади. Русийзабон ўқувчига асар қаҳрамонининг фазилатини айтиб тегишли сўзни тўғридан-тўғри аташ, талаффузини машқ қилдириш, уни ёд олдириш мумкин. Ҳатто ўқув матнига, асар ҳақидаги мақолага (ўқитувчининг кириш ва якуний сўзига) киритиб, машқда бирор бир ўқувчи, ишчи ва бошқа киши шундай фазилатга эга деган гапни ўқитиш мумкин. Лекин бу гаплар сабаб-натижа муносабатлари орқали фаолиятга ишора қилмагани учун сўз (тушунча) шунчаки қабул қилинади, ҳис-туйғу уйротмайди. Л.Н.Рожинанинг ҳақли равища огоҳлантиришига кўра, “Шахснинг интеллектуал хислатларини англаб етиш катта қийинчиликлар туғдидиради. Аксарият сифатларнинг моҳияти ушбу ёшдаги болалар учун унча таниш эмас. Шу сабабдан ҳам кичик ёшдаги ўқувчилар эмоционал сифатларни камдан-кам ажратадилар...”¹. “Хислатни тўғридан-тўғри аташ бола томонидан уларни қаҳрамонининг хулқидан ёки кечинмаларидан ажратишга доир маҳсус уринишларни талаб этмаган ҳолда осон ўзлаштирилиши

¹ Рожина Л.Н. Психология восприятия литературного героя школьниками (II-VII классы). – Москва: Педагогика, 1977. – 53 с.

керакдай туюлади. Лекин шахснинг фазилатларини шунчаки аташ ёш китобхонга таъсир эта олмайди ва унинг ёдида қолмайди”¹. Л.Н.Рожинанинг аниқлашича, ахлоқий ва иродавий фазилатлардан шахсий ғуур ҳисси, ғуур, бурч ва масъулият туйғуси, сабртоқат, ўзини тута олиш, мақсад сари интилганлик тушуниш учун анча қишин бўлиб чиқкан.

“Хуллас, ўқитувчи, асосан, дарсга китоб олиб киради, болалар эса - ҳаётни! Ўқувчиларга яқинроқ туриш, уларнинг сўровларини тушуниш ва ифодалаш – ҳаётга яқинлашиш, китоб орқали болалар билан, яъни ҳаёт билан ишончли, чуқур алоқани мустаҳкамлаш демакдир”².

Ўқитувчи ўқувчиларни у ёки бу адабий қаҳрамоннинг шахс сифатидаги фазилатларини англаш сари етаклаб борар экан, уларга ушбу қаҳрамоннинг ўз хатти-ҳаракатларидан кўзлаган мотивлари ва мақсадларини чуқурроқ тушуниб олишга, қаҳрамон образини чуқурроқ ва асарда тасвирланганига мос равишда идрок этишга ёрдам бериши керак. Л.Н.Рожинанинг фикрича, “...бу нарса ўз навбатида болада адабий персонажга нисбатан янада муносиброқ муносабат ва янада тўғрироқ баҳо пайдо бўлишини таъминлади”³.

Шуни ҳам эслатиш жоизки, бугун қаҳрамоннинг онг оқими асосига қурилган асарлар ҳам яратилмоқдаки, бу асарларда қаҳрамон кўзлаган мотив ва мақсади “ички монолог” да мужассамлашади”. Бу ўринда Х.Н.Досмуҳамедовнинг қуйидаги фикри ўринли: “Қаҳрамонлардаги воқеаликнинг салбий кўринишларига бўлган норозилик ўз “мен”ини англашга интилишда сезилади”⁴. Бундай асарлар ўқувчиларни воқеаларни тадқиқ этишга эмас, балки инсоннинг характер хусусиятларини ўрганиш сари йўналтиради. Х.Н.Досмуҳамедов таҳлил ва тадқиқ этишни ақлий жараёнга мансуб деб ҳисоблар

¹ Ўша асар. 48-бет.

² Изучение литературы в 8 классе вечерней школы: Пособие для учителя. Под ред. Н.К.Семеновой. – Москва: Посвещение, 1987. – 8 с.

³ Ўша асар. 80-бет.

⁴ Жўраев Т.С. Онг оқими ва тасвирийлик (М.М.Дўст, F.Ҳотамов, О.Отахон асарлари асосида): Филол.фан.номз. ... дисс.автореферати. – Тошкент, 1994.

⁵ Досмуҳамедов Х.Н. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигига бадиий тафаккурнинг янгиланиши (80-йиллар 2-ярми ва 90-йиллар аввали). Филол.ф.н. ... дисс.ав-ти. – Тошкент, 1995. 9 - бет.

экан, унинг қуидаги сўзларини ҳам эътиборга олмай бўлмайди: “Ҳамонки, адабиётда инсонни янгитдан кашф этишга уриниш кучайдими, демак, фаҳм-фаросат, ақл-идрок, тафаккур-шуур фаоллашади. Бир сўз билан интеллектуал жараёни чуқурлашади”¹.

Т.Т.Ирисбоевнинг тушунтиришича, “...детектив асарда қаҳрамон қиёфаси ва маънавий дунёсини тезкор воқеалар, тақдирни ҳал этувчи дақиқаларга ҳозиржавоблик ҳолатлари, саргузаштлар гирдоби, кескин ҳодисаларнинг ғалаёнли кечинмаларидан йироқ тасаввур қилиши қийин”².

Драматик асарларда эса иштирок этувчининг характери, кўз қарали, имо-ишоралари, овози ва бошқа жиҳатлари қисман ремаркалардаги ишораларда акс этади. “Ўқувчи режиссёр, мусаввир, актёрга мўлжалланадиган ана шу ремаркалардан воқеаларга бериладетган баҳони илғаб олиши, иштирок этувчини гриммлаши, кийинтириши ва ҳоказоларни ўз тасаввурида ҳосил қилиши даркор”³.

Маълумки, ўсмир ёшида *одамлар орасидаги муносабатларга* қизиқиши юзага келади. Бу даврда ижтимоий муносабатлар кечинмалар уйғотибгина қолмай, англаш ва ўйлаш предметига ҳам айланади. Лекин ўсмирлар асар қаҳрамонида юз бераётган жисмоний ва ақлий, ахлоқий ўзгаришлар туфайли ўзларида юзага келадетган кечинмаларни баъзан тушунмайдилар ёки етарлича тушуниб етмайдилар.

Русийзабон ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги сўз бойлигига шахснинг ахлоқий, интеллектуал, иродавий фазилатларини, руҳий ҳолатини ифодаловчи лексика жуда оз. Бу сўзлар асосан ўқув матнлари орқали, баъзан мавзувий лексика таркибида ўрганилади. Шунга кўра ҳам бадиий асарни ўқиши жараёнида катта миқдордаги шу каби лексик бирликлар маъноси англанмайди, бинобарин, асардан олинган парчада бадиий образлари юзаки “идрок этилади”.

Е.Н.Ильин: “...агар ўқувчи ўзини асар қаҳрамони ўрнига қўя билса, маънавий улрайиш жараёни жадаллашади”⁴, деб таъкидлайди.

¹ Ўша асар. 11-бет

² Ирисбоев Т.Т. Ҳозирги ўзбек детектив адабиётининг тараққиёт хусусиятлари (Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асари асосида). Филол.ф.н. ... дисс.автореферати. – Тошкент, 2001. 9 - бет.

³ Майорова А.В. Единство эмоционального и логического в изучении драматического произведения. – Автореф. дис. ... канд. пед. .наук. – Москва, 1976. – 4 с.

⁴ Ильин Е.Н. “Минувших дней итоги...”. Педагогический перекресток: школа, дети, общество. – Л.: Лениздат, 1991. С.- 6.

Асар қаҳрамонлари китобхонга тенгдош бўлсалар, уни қаҳрамонларнинг бир-бирларига ёрдам беришга тайёрлиги, бир-бира га берган сўзларининг устидан чиқишига ҳаракат қилишлари, ростгўйликка интилишлари ва бошқа фазилатлари ўзига тортади, айрим салбий хислатлари уларни ранжитади, ана шу хислатларга қарши туриш туйгусини уйғотади.

Н.Д.Молдавская ҳам шу масала хусусида муҳим фактлар келтиради. “Ўқувчилар ... қаҳрамоннинг ташқи кўринишидаги, хатти-ҳаракатларидаги, шароитдаги майдада тафсилотларни ажратадилар. Юқори синф ўқувчиларининг ҳам фикрлаш фаолиятидаги синтез жараёнлари жадал кечади. Улар матн тафсилотларини ўзаро нисбатладидалар, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини ҳатто “кўзга яққол ташланмайдиган”, бир-бiri билан ўзаро боғланмаган ҳолатда ҳам таққослай оладилар”¹.

Лекин Г.А.Петрованинг кузатишлари бу борада камчиликлар ҳам борлигини аниқлаш имконини берган. Чунончи:

1. Китобхон адабий қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши, уларнинг хатти-ҳаракатлари, кечинмалари, фикр-ўйлари, мулоҳазалари баёнини осон ажаратади.

2. Китобхон учун характер хислатларини шунчаки аташ усулини ажратиш қийинроқдири.

3. Барча ёшдаги китобхонлар ташқи аниқланган натижалар баёнига кўра қаҳрамонларнинг тавсифини осон тушунадилар. Оз кўзга ташланадиган хатти-ҳаракатлар қийинлик билан пайқалади.

4. Қаҳрамонларнинг ташқи қиёфаси жўнгина ва бемалол тасвирланади, аммо китобхон ушбу ташқи қиёфа баёнидан қаҳрамоннинг характерини қийинлик билан англаб етади.

5. Адабий персонажларнинг нутқидаги ифодалилик хусусиятлари таҳлили қийин кечади. Китобхон қаҳрамонлар нутқининг шаклига қараганда, мазмунини осонроқ илғайди.

6. Китобхонлар персонажни тасвирлашнинг кўчма усуллари ни (табиат, уй-жой тасвири, бошқа персонажларнинг унинг хулқатворига муносабати ва ҳоказолар) аста-секинлик билан ўзлаштириб борадилар. Бунда адабий қаҳрамонларни персонажларнинг унга муносабатлари орқали тасвирлаш усулини осонроқ

¹ Петрова Г.А. Эстетическое восприятие художественных произведений школьниками старших классов. Изд-во Казанского университета, 1973. – 68 с.

ажратадилар. Қаҳрамонлар тавсифини табиатни тасвирлаш ёки уй-жой шароитини тасвирлаш йўли билан тавсифлаш қийинроқ идрок этилади¹.

Асар қаҳрамони фазилатларини ўрганиш иши ўқувчини маънавий жиҳатдан бойитишига шубҳа йўқ. Лекин унинг ўз ўлчовлари борлигини ҳам унутмаслик керак. Таълим жараёнида ўқувчига асар қаҳрамонига мустақил равишда тавсиф бериш ишониб топшириб қўйилса, яъни ўқитувчи уни йўналтириб турмаса, баъзан нотўри баҳоларини тузатиб бормаса, маънавий бойишда сусткашликка йўл қўйилади. Бу ўринда Р.В.Глинтершчикнинг куйидаги оғоҳлантиришлари ўринли: “Ўқувчи назарий (ва амалий) масалалар юзасидан юритадиган ўз мушоҳадаларида мутлақо қўрқмасдир: у ҳаёт оқимида, ижтимоий воқеликда масъул шахс сифатида деярли қатнашмайди, шунинг учун ўзини усиз яратилган дунё устидан одил ҳакам деб ҳис этади, ўз мушоҳадаларини ўзининг шахсий буюмидай ҳимоя қиласди, бинобарин бу нарса унинг ўзлигини қарор топтириш шакли бўлади”².

Бу ёшда ўқувчининг фикрлаши учун “ҳамма нарсага” – “одам билиши керак бўлган ҳамма нарсага” беғараз кенг қизиқиши хос бўлади. Ўқувчидаги ёки бу маълумотларнинг ҳаёттий яроқлилиги нуқтаи назаридан шахсий тажрибаси ҳали мавжуд бўлмайди, сарабаб ёндашибши ҳам етарли эмас. Бинобарин, ҳаётга, жамиятга, одамга тааллуқли бўлган ҳамма нарса унинг учун муҳим ва қизиқарлидир. Бу нарса ёшлардаги фикрлашнинг умумий йўналгандигидан далолат беради: “катта” ҳаётни (қаерга ўқишга киришим керак бўлади), унинг қонунларини (қандай яшашим керак бўлади) ўқиб билиш, умуман инсонни (менга ҳам татбиқан), одамларнинг муносабатларини (ўз ҳаёт тажрибам билан текшира оламан) билишни истайдилар³.

Ўқувчилар ўзбек мумтоз адабиёти асарларини ўрганаётганда қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатлари, шахсий фазилатлари билан борлиқ бир қатор нотаниш тушунчаларга дуч келадилар. Уларнинг асл

¹ Номи кўрсатилган китоб. 40-бет.

² Глинтершчик Р.В. Ученик и учитель на уроке литературы (К проблеме спиритологического обоснования методики преподавания литературы) // Восприятие учащимися литературного произведения и методика школьного анализа: Пособие для учителей. Под ред. Проф. А.М.Докусова. - М.: Просвещение, 1974. - С. 10.

³ Ўша асар. 10-бет.

моҳияти англамаса ёки улардаги жиддий ахлоқий-маънавий муаммаларнинг замонавий аҳамияти очиб берилмаса, улар ўқувчилар учун қизиқарли бўлмайди. Зеро, “Ўтмиш асарлари ўқувчилар учун тушунарли ва уларнинг севимли китобларига айланishi учун бугунги кунда ўқувчиларга тушунарли ва яқин “таянч” муаммолар, ҳис-туйғуларни топиб, кўрсатиб бериш керак”¹. Дарҳақиқат, ёшларнинг қувончию ташвишлари, қайғуларию умидларига туташ келадиган долзарб муаммолар кўтарилиган асарлар улар онгода юксак ҳаётий принципларнинг тиниқлашувига ёрдам бера олади.

Бадиий асарларнинг маълум бир қисми болалар учун маҳсус атаб ёзишмаган, болаларнинг тушунишларига мослаштиришмаган, бинобарин, ўсиб бораётган китобхон ўқитувчи ёрдамида “ўзидан юқори кўтарилиши” керак.

Гап шундаки, “...ҳар бир асар “ўзини ўқишига ўзи ўргатади”. Ўқитувчининг вазифаси – асар ўзининг тур ва хил табиатини билдирадиган номи, услубининг ўзига хослиги билан китобхонга юборадиган “сигналларни” ушлаб қолиш. Ёзувчи ҳозиржавоб китобхонга мўлжаллабгина қолмай, балки уни тарбиялайди, нимага синчилаб қарашиб, нима устида ўйлашиб, нимага таққослашиб, қайси таассуротларга қайтиши кераклигини айтиб турган ҳолда билдирамай ва холис етаклаб боради.Faқат ёзувчининг овозини эшишиш керак, холос”².

Ҳаёт маъниси ёшлар учун фоятда долзарбдир, у ўзига хос “дунё-қарашга доир изланишлар фокуси”га айланади. Бу даврда ўқувчилар умуман ижтимоий тараққиёт йўналишлари ҳақида хусусан ўз ҳаётининг аниқ мақсадлари тўғрисида бош қотирадилар, зеро, бу масалалар, И.С.Коннинг тушунтиришича, “илк ёшлик чогида йирик қилиб қўйилади, бинобарин унга универсал, ҳамма учун ярай оладиган жавоб ҳам кутилади”³. Шунга кўра ҳам Н.Ф.Четверик IV-V синфларда ўқувчилар одамларнинг характер хусусиятлари ҳақида

¹ Баевский В.С. Вопросы методики воспитания литературного вкуса на уроках литературы в старших классах.-Автореф. дис. канд. пед. наук. -Москва, 1965. –19 с.

² Качурин М.Г. Организация исследовательской деятельности учащихся (на уроках литературы). – Москва: Просвещение, 1988. – 72 с.

³ Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. - Москва: Просвещение, 1991. – 73-74 с.

амалий тажрибалар тўплашлари зарур деб ҳисоблайди¹. Маълумки, санъаткор яратадиган образлар муайян тушунчаларни (яхшилик, ёмонлик, ёвузлик,...) ҳаётий сабоқ тариқасида тақдим этади. Ўқувчилар ана шу тушунчалар билан изчил танишиб борадилар. Бу тушунчалар юқори синфларда образларга характеристика бериш жараёнида асқотади.

Асар қаҳрамонлари ҳақида, ёзувчининг асар баёнида эгаллаган мавқеи тўғрисида гапирганда, роя тушунчасига кўп мурожаат этилади. *Фоя сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагича тушунтирилади: ФОЯ [а] 1. Бирор иш-ҳаракат қилиш ҳақидаги фикр, ўй; ният, мақсад... 2. Дунёқарашининг асосий, муҳим принципи...*². Асар қаҳрамонларининг ўз олдига қўйган мақсадлари роявий интилишларини ифода этади. Унинг фазилатлари ана шу интилишлардаги муқимликни, иккиланишларни ва бошқа ҳолатларни белгилайдиган кўрсаткичлар бўла олади. Қаҳрамоннинг дунёқараши асар давомида ё ривож топади ёки маълум сабабларга кўра ўзгаради. Бинобарин, унинг шахсий фазилатлари, роявий интилишлари, дунёқараши бир бутуниликни ташкил этади.

Санъаткор воқеликни қайси мавқедан, қайси давр нуқтаи назаридан туриб идрок этса, уни шу давр ва мавқедан туриб, ўзи ўйлаганча, фикрлаганча ёритади, туйғу ва кечинмалари билан бойитади.

“Бадиий асарда ёзувчи ифодалаган асосий фикр, тасвир предметига берган баҳоси “асарнинг рояси” деб аталади”³.

Асарнинг роявий мазмунини тушуниш осон кечадиган жараёнлар сирасига кирмайди. Бунинг учун ўқувчи бир қатор психик босқичларни босиб ўтишга мажбур бўлади. Мутахассислар улар сирасида қуйидаги бир бутун тизимини кўзда тутади:

“1. Бирор асарни ўйлаб олишда асардан асарнинг роявий мазмунин очишга олиб келадиган асосий адабий образларни ажратиш зарур.

¹ Четверик Н.Ф. Особенности изучения эпических произведений в ср. школе (IV-V классы). Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Киев, 1975. – 14 с.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдли. З.М.Маъруфов таҳрири остида. П. С-Ҳ. – М.: Рус тили, 1981. – 663-б.

³ Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Тошкент, Ўқитувчи, 1980.- 168 б. Яна қаранг: Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш, Тошкент, ЎАЖБНТ” Маркази, 2003, 61-71- бетлар.

Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. Toshkent, Abdulla Qodiriy nomidagi xalq metosi nashriyoti, 2004, 93-98-betlar.

2. Ушбу етакчи образларнинг муҳим хусусиятларини: уларнинг хатти-ҳаракатлари, фикр-ўйлари, дунёқараси, характеристерини таҳлил қилиб чиқиш лозим.

3. Асарнинг етакчи, шунингдек, иккинчи даражали образларини бир-биридан ажralган ҳолда идрок этмай, балки бир-бiri билан таққослаб идрок этиш даркор.

4. Фоявий мазмунини аниқлаш учун бадиий асарни ҳаёт билан, жамият олдида турган вазифалар билан қиёслаш, асарнинг тарихий аҳамиятини аниқлаш керак”¹.

Шунга кўра ҳам баъзи асарларнинг foявий мазмунини аниқлаш, англаб этиш қийин кечади. Ф.Эгамбердиеванинг фикрича, бадиий матнлар мавзуси жиҳатидан ҳам мураккаблик касб этади: “Хусусан, ватан озодлиги, ҳалқ эркинлиги ва инсон ҳурлиги мавзусида яратилган асарларнинг айримлари умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари томонидан бирдек ўзлаштирилмайди”².

Лиро-эпик асарларда илгари сурилган мақсад авторнинг шахсий кечинмалари ва образларнинг ҳиссиётларида ўз ифодасини топади. “Бундай асарларда лиризм алоҳида ўрин тутади, чунки у насрый асарларга ҳиссиёт руҳи – гўзаллик бағищлайди”³. Шунга кўра ҳам санъат асари, шу жумладан адабиёт ҳам инсон руҳиятининг айрим томонларига – хотираси, тафаккури, хаёлоти, ҳис-туйғуларига эмас, балки унинг бир бутун шахсиятига таъсир этади.

Ҳ.Каримов академик Д.С.Лихачевнинг қуйидаги фикрини ўрини келтиради: “...давр инсонни четлаб, ҳеч нарса яратса олмайди. Давр инсон ва унинг мақсади орқали таъсир омилига айланади. Бунда у ҳар кимга ҳар хил таъсир этади”⁴. Бошқача айтганда, ҳар бир асар кенг китобхонлар оммасини назарда тутиб ёзилса-да, уни тўғри

¹ Петрова Г.А. Эстетическое восприятие художественных произведений школьниками старших классов. Изд-во Казанского университета, 1973. – 62 с.

² Эгамбердиева Ф.О. Адабий таълимга илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш методикаси: Пед. фан. номз. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2005. 5- бет.

³ Орифий Ш. Мактабда лиро-эпик асарларни ўрганиш: Адабиёт ўқитувчилари учун кўлланма. Тўлдирилган 2-нашири. - Тошкент.: Ўқитувчи, 1981.4 - бет.

⁴ Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрода ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси (70-80-йиллар). Филол.фан.доктори ... дисс.автореферати. – Тошкент: 1994. 3- бет.

тушуниш, муаллиф фикрларини қабул қилиш-қилмаслик, эстетик таъсиrlаниш хусусийлик касб этади¹.

Бугунги кунда жамиятда инсоннинг тутган ўрни бекиёс. У кўп ўқиган бўлиши керак. Маълумотларга қараганда, ҳозир ҳар 7 йилда ахборот тўлиқ янгиланиб турибди. Бу бир томондан. Иккинчи томондан -бугун ёшлар компьютерлаштириш таъсирида бадий асар ўқимай қўйдилар.

“Методика преподавания русской литературы в национальной школе” китобида Ю.Г. Нигматулинанинг қўйидаги фикри миллӣй адабиётни бадий идрок этишнинг ўзига хос хусусиятини очишга ёрдам беради: “Бадий асарни идрок этиш – бу репродуктив бадий фикрлаш жараённида амалга ошириладиган уни мураккаб қайта ишлашдир. Репродуктив бадий фикрлаш деганда руҳшунослика доир адабиётларда тавсифига миллӣй воқеаликнинг бутун мураккаб спектри таъсир кўрсатадиган алоҳида руҳий фаолият тушунилади”². “Миллӣй мавқе (позиция) ҳар бир миллатнинг ахлоқий-эстетик анъаналари билан белгиланади. Айни шулар асосан алоҳида олинган шахснинг китобхонлик дидини, унинг ҳаётни образли идрок этиш тизимини, ўзга адабиётта берадиган баҳосини шакллантиради”³.

Бу жараёнларда яна бир нарсани эсда тутиш лозим бўлади. Гап шундаки, олам ҳодисаларидағи қонуниятлар қанчалик ягона ва умумий бўлмасин, уларни қабул қилиш, идрок этиш шунчалик хилмажил ва ранг-барангдир. Бошқача айтганда, ”Ҳар бир асар кенг китобхонлар оммасини назарда тутиб ёзилса-да, уни тўғри тушуниш, муаллиф фикрларини қабул қилиш-қилмаслик, эстетик таъсиrlаниш хусусийлик касб этади”⁴. Йирик танқидчи ва адабиётшунос О.Шарафиддиновнинг бу ҳақдаги фикрлари янада эътиборлидир: «Бу ўринда китобхоннинг роли ҳақида ҳам алоҳида гап айтиш керак.

¹ Матжон С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар: Ўқитувчилар учун методик қўлланма. - Тошкент: Ўқитувчи, 1996. 18- бет.

² Методика преподавания русской литературы в национальной школе / Под ред. М.В.Черкезовой и А.Д.Жижиной. – Л.: Просвещение, 1984. – 121 с.

³ Зальдинер М.А., Тодоров Л.В., Губина Ф.И. Методика преподавания русской литературы в старших классах национальной (узбекской) школы. Под общей ред. проф. М.А.Зальдинера. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 26 с

⁴ Матжон С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар: Ўқитувчилар учун методик қўлланма. - Тошкент: Ўқитувчи, 1996. 18- бет.

Бадий асар китобхон учун яратилади, унинг гўзаллиги, ундаги туйғулар, фикрлар ўқувчи қалбидаги акс садо бериб унинг қалбидаги ҳам гўзаллик туйғусини уйғотса, унинг қалбидаги ҳисларни алангагатса, уларнинг қўшилишидан асарнинг таъсир кучи вужудга келади. Бироқ китобхон ҳар хил бўлади. Уларнинг баъзилари ўткир дидли, чуқур билимли бўлса, баъзилари ҳали адабиётнинг гўзалликларини тўғри пайқай олмайдиган, улардан етарли баҳра ололмайдиган бўлади. Бинобарин, санъат ва адабиётнинг тарбиявий роли, улардан максимал фойдаланиш ҳақида гапириш ўқувчининг эстетик дидини, бадий адабиётга тўғри муносабатини тарбиялаш ҳақида ҳам гапириш демакдир»¹.

Бадий асарларда санъаткор инсон руҳиятининг янги қирраларини очади, “кашф этади”, бошқача айтганда, янгилик яратади. Бу янгиликларнинг асосий қисми муайян миллатнинг оламни кўриш ва ҳис этиши билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. “Миллий мавқе (позиция) ҳар бир миллатнинг ахлоқий-эстетик анъаналари билан белгиланади. Асосан айни шу анъаналар ҳар бир шахснинг китобхонлик диди, унинг ҳаётни образли идрок этиш тизими, ўзга адабиётга берадиган баҳосини шакллантиради”². Демак, бадий адабиёт намуналари билан танишиш замирида шу адабиётга эга бўлган ҳалқнинг миллий анъаналари, қадриятлари, бадий-эстетик олами билан ҳам танишиш демакдир. Зоро, «бадий адабиётнинг фойдалилиги асарда фақат шу бугун учун хизмат қилувчи бирон маслаҳат ёки консультациянинг мавжудлиги билан эмас, «яхши одам бўл, ахлоқли бўл, одобли бўл» деган қуруқ насиҳатлар билан эмас, балки ҳар қандай асарнинг онгимизга ва қалбимизга берадиган озиғи билан, дунё ҳақидаги билимларимизни бойитиши, маънавий дунёмизни кенгайтириши, гўзаллик туйғусини ўткирлаштириши, ҳисларимизни тарбиялаши билан ўлчанади»³.

Адабиётнинг миллийлиги фақат шу миллатгагина хос бўлган дунёқараш, оламни кўриш, шу миллатта мансуб воқеа-ҳодисалар ҳақидагина гапириш дегани эмас. Бу ерда миллийлик ва умуминсо-

¹ Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. Адабий-танқидий мақолалар. – Т: 1979. - 21 б.

² Зальдинер М.А., Тодоров Л.В., Губина Ф.И. Методика преподавания русской литературы в старших классах национальной (узбекской) школы. Под общей ред. проф. М.А.Зальдинера. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 26 с.

³ Ўша асар. 20-21 – бетлар.

нийлик тушунчаларининг яхлитлиги ҳам мавжуддир. «Чинакам санъаткор нима ҳақида ёзишидан қатъий назар, - у маънавий муаммоларни бадиий тадқиқ этадими, ўзининг қалб қаърларига нигоҳ ташлайдими, ишқ-муҳаббат ҳақида ёзадими ... - ўзи бадиий тасвир ва тадқиқ предмети сифатида олган нарсани умуминсоний қадриятлар, эзгулик, инсонийлик нуқтаи назарларидан ёритар ва баҳолар экан, у миллий мағкурамизнинг шаклланишига, мустаҳкамланишига, жамият аъзолари шуурига сингишига хизмат қилаётган бўлади. Зоро, ... жамиятимизнинг шаклланаётган мағкураси умуминсоний қадриятларга ҳар жиҳатдан мувофиқдир»¹.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг бадиий асарларни қандай идрок этишларини назарий таҳлил қилиш ва қайта яратувчи тасаввурларини ривожлантириш шарт-шароитларини аниқлаш натижасида таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-хунар коллажларида адабий материалларни ўқиб ўрганишга доир талабаларда ҳосил қилиниши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар қайси йўналишларда шакллантирилиши кераклигини тайин этидик, шу асосда методик хулосалар тайёрладик. Шуни ҳам эътироф этиш керакки, адабиёт ўқитиши билан боғлиқ психологик ва методик манбаларда асосан Ўзбекистон Республикасининг “Гаълим тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинганидан кейин узлуксиз таълим тизимида янги ташкил этилган ўқув муассасалари – академик лицей ва касб-хунар коллажларидаги адабий таълим хусусиятлари ёритилган илмий ишлар кўп эмас. Академик лицейнинг ҳам, касб-хунар колежининг ҳам I босқич талабалари ўзбек тилини, ўзбек тили машғулотлари таркибида адабий материалларни ўрганишга деярли бир хил билим, кўникма ва малакаларга эта бўлган ҳолда бошлайдилар. Ушбу икки ўқув муассасаси талабаларининг адабий тайёргарлигидаги фарқлар, таълим олишидаги динамика кўрсатилган маълумотларни учратганимиз йўқ. Психологик тадқиқотларни амалга ошириш бизнинг тадқиқот мақсадимизга кирмайди. Қолаверса, академик лицей ва касб-хунар коллажларида ўзбек тили I ва II босқичлардагина ўқитилади.

Юқорида баён этилганлар бадиий асарни идрок этиш жараёни ҳақида қўйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

1) асарни ўқиш жараёнида билиш фаолияти орқали ундаги маълумотларни ўзлаштириш асосий мақсад бўла олмайди; ўқувчи воқеавий

¹ Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. Toshkent, Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004, 51-52-betlar.

сюжет алоқалари (матн мазмуни) даражасида қолиб кетмаслиги, аксинча, бадий образларни идрок этиш даражасига күтарилиши керак;

2) асарни илк бор ўқиши пайтида унда тасвирланган образлар ўқувчининг кўз ўнгидаги гавдаланиб, эсда сақлаб қолинади, лекин улар ҳали тўлиқ англанмайди, шу боис ўқишининг бу босқичи дастлабки идрок этиши деб номланади;

3) бадий образнинг тўлиқ англаб олинини учун таҳлил усули қўлланади, бунда бадий образнинг умумлашма тавсифи очилади, дастлабки тасаввур “барқарорлаштирилади”;

4) таҳлил усулининг яширин шакли ўқувчининг ўз тасаввурига кўчган асар мазмуни асосида расм чизишидир; бунда оғзаки расм чизиш ҳам қўй келади; расм чизиш асарни чуқурроқ ўрганишга ундейдиган усул саналади, чунки ўқувчи тасвирда иоаниқ бўлиб турган жиҳатларни яна асардан қидиради;

5) бадий матн устидаги таҳлилий ишлар натижасида нутқ ўстириш билан бирга бадий образларни қайта яратиш жараёни кечади, бунда ўқувчи ўзи чизган расм билан асарни таққослайди, ўз муносабатини қатнаштириб мушоҳада юритади, ўз турмуш тажрибасини ишга солади, синтезлаш жараёни якунида ўқувчининг асардаги образ ҳақидаги тасаввuri субъектив образ-тасаввурга айланади, унга ўқувчининг шахсий мулоҳазалари кўшилган бўлади;

6) ўқувчи фикран (ҳаёлан) қайта яратган бадий образ субъектив образ-тасаввурни ўзида акс эттириб, идрок этиш жараёнининг мукаммаликка эришганидан далолат беради;

7) бадий асарни идрок этиш жараёни икки босқичли структурани ифода этиб, биринчисида бадий образ бир бутун идрок этилади, иккинчисида аналитик-синтетик фаолият якунида образнинг умумлашган маъниси (маъно-мазмуни) қабул қилинади.

8) Китобхонлик идроки қўйидаги меъёрлар (кўрсаткичлар) асосида баҳоланади: тасаввурларнинг аниқлик даражаси; бадий умумлашмага кириб бориш даражаси. Бунда китобхоннинг аналитик-синтетик фаолияти ҳам ҳисобга олинади: образли конкретлаштириш; образли умумлаштириш.

9) узлуксиз адабий таълим тизимида ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш лозим:

-бошланғич синф ўқувчилари ёрқин образларда таъсирланиши натижасида фактларни, воқеа-ҳодисаларни, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини англаш ва баҳолашга интиладилар; образларни қайта яратса олмайдилар;

-5-7-синфлар ўқувчиларида синтезлаш жараёни заиф, ҳиссиётларни назорат қилиш ўз такомилига етмаган, асар қаҳрамонига нисбатан ҳис-туйруларида субъективлик кучли бўлади; бу даврда бадий образларни қайта яратиш малакаси ҳам етарлича шаклланмайди.

1.2. Узлуксиз таълим тизимида адабий материалларни ўрганишнинг бугунги ҳолати

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллекларининг ўзбек тили дарс(машгулот)лари таркибида адабий материалларни ўрганиши ишини рӯёбга чиқарувчилар ўзбек тили ўқитувчилариdir. Даставвал уларнинг ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш методикаси бўйича методик тайёргарлиги хусусида бир-икки оғиз сўз айтиш жоиз кўринади, чунки кўп нарса адабий таълимни амалга оширувчиларнинг билими ва маҳоратига боғлиқдир. Бугунги кунда ўзбек тили ўқитувчилари таянч маълумотига кўра турли соҳа кишилариданлар. Булар ўзбек мактабларида она тили ва адабиёт ўқитувчилари, рус гуруҳларида ўзбек тили ихтисослиги бўйича олий маълумот олган ўқитувчилар, чет тили ўқитувчилари, ўзбек мактабларида рус тили ўқитувчилари. Айтиш мумкинки, айрим ўзбек тили ўқитувчиларининг адабиёт ўқитиш методикасидан маҳсус тайёргарлиги йўқ. Уларнинг яна бир қисми ўзбек адабиёти назариясидан, ўзбек адабиёти намуналаридан, адабиёт ўқитишнинг шакл, восита ҳамда усуllibаридан қисмангина хабардор.

Шубҳа йўқки, ўзбек мактабларида она тили ва адабиёт ўқитувчилари ўзбек адабиётининг назарий масалаларидан, адабий материалларни ўқитиш методикасидан хабардор мутахассислар саналадилар. Рус гуруҳларида ўзбек тили ихтисослиги бўйича олий маълумот олган ўқитувчилар адабиёт ўқитиш методикаси бўйича музайян тайёргарлик кўрадилар. Чет тили ўқитувчилари на ўзбек адабиёти назариясидан, на ўзбек адабиёти, умуман адабиёт ўқитиш методикасидан маълумотга эга бўлмаган мутахассислар сирасига кирадилар.

Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг она тили ва адабиёт ўқитувчилари қайси даврда олий ўқув юртини битиргандарига қараб, ўша даврда шаклланган методика билан қуролланган ўқитувчилар ҳисобланадилар.

Ууман олганда, таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-хунар колледжларида ўзбек адабиётини ўқитиши методикаси маҳсус ишланмаганлигини назарда тутадиган бўлсақ, ўқитувчиларнинг назарий ва методик тайёргарликлари талаб дараражасида эмаслигига ажабланмаса ҳам бўлади.

Ўзбек тили ўқитувчиларининг иш тажрибалари

Узлуксиз таълим тизимида (умумий ўрга таълим мактаблари, ўрта маҳсус таълим босқичи) ҳар хил миқдорда, ҳар хил ҳажмда берилиши, баъзи синфларда адабий материалларнинг кескин камаийиб кетиши русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекона адабий тайёргарлигига ҳам, бошқа тарбиявий мақсадларга ҳам салбий таъсир кўрсантиши аниқ.

Ўқитувчилар орасида ўтказилган сўровнома натижасидан маълум бўладики, улар адабий материаллар устида қуидаги тарзда иш олиб борадилар:

Адабий матнни ўқишдан олдин:

Маълум бўлишича, 100 ўқитувчининг 62 нафари адабий матнни ўқитищдан аввал лугат иши ташкил этади. Бундай лугат иши ўқувчи-(талаба)ларни бадиий асардан олинган парча мазмунини дастлабки мутолаадан кейиноқ тўлиқ тушунишдан ташқари эстетик завқ олишга тайёрлайди. Янги сўзлар, айниқса, асосий мазмун билан боғлиқ лексик материаллар, бунинг устига кўпшаб маъноси унutilган сўзларни эътиборсиз қолдириб, фақат янгила-ри билан ишлаш ҳам кутилган натижани йўққа чиқариши мумкин. Ўқитувчиларнинг 62 фоизи юқоридаги каби бир ёқламаликка йўл қўйганда, дарснинг самарасига путур этиши мумкин бўлган бир вазиятда 38 нафар муаллимнинг иш усули мақбул эмаслиги ўз-ўзидан аён бўлади.

73 ўқитувчи матнни ўқишидан олдин ўқувчиларга савол ва топшириқлар ҳавола қиласи. Бундай савол ва топшириқлар тингловчи-ларнинг ҳам диккатини матн мазмунини тушунишга, уни бадиий идрок этишига сафарбар этади. Акс ҳолда айрим ўқувчилар ўқиётган одамни эшиитмасдан, ўз ишлари билан банд бўлиб ўтиришлари мумкин. Буни кузатилган дарслар ҳам гўлиқ тасдиқлайди.

51 ўқитувчи кириш сўзидан илгари болалар олдига муаммолар кўяди. Маълум бўлишича, ўқишидан олдин матнга доир савол ва топшириқлар ҳавола этиш керак деб ҳисоблаган 73 ўқитувчи улар-

ни муаммо қўйиш билан тенглаштиргаган. Аслида савол ва топшириқ билан муаммо қўйиш ҳам мумкин. Бошқа жиҳатдан қараганда, матн мазмунига доир савол ва топшириқларнинг муаммоли вазият ҳосил қилишга даҳли йўқ. Нима бўлган тақдирда ҳам, ўқишидан олдин юзага келтириладиган муаммолилик тарафдорлари камайган (51%). Ёшларни қизиқтириш учун эса ўқищдан аввал улар олдига бирор бир муаммо қўйиш бадиий матн устида ишлашнинг муҳим жиҳати саналади.

44 ўқитувчи кириш сўзида давр шарҳига ўрин ажратади. Айрим ўқитувчиларнинг давр шарҳига тўхталмаслиги бунга зарурят йўқлиги билан изоҳланishi мумкин. Чунки айрим асарларда тасвирланган даврга шарҳ бериш шарт бўлмай қолади.

69 ўқитувчининг кириш сўзида ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот акс этади. 59 ўқитувчи ўз кириш сўзида асарнинг яратилиш тарихи ҳақида маълумот берабиб ўтади.

Адабий матнни ўқиши пайтида:

Ўқитувчиларнинг бир қисми бадиий матнни ўқувчиларга овоз чиқариб ўқиши топширсалар, яна бир қисми буни талаб этмайди. Ваҳолонки, адабий материалларни ўрганишнинг асосий унсури – бу уларни ўқишидир. Ўқувчилардан матнни овоз чиқариб ўқиши талаб этмаслиги амалиётда йўл қўйилиши мумкин бўлган энг жиддий камчиликлардан бири деб баҳоланиши керак.

Ўқитувчилар матнни ўқиши жараёнида унда учраган нотаниш сўзларни тушунитирадилар. Айтиш жоизки, асосий лугат ишини ўқиши чоғига қолдираётган ушбу ўқитувчилар ўқувчиларнинг адабий матнни биринчи ўқищаёқ мазмунини тўлиқ тушунишларига эришиш, шу йўл билан асарнинг уларда эстетик завқ уйғотишини таъминлаш чорасини кўрмайдилар, ана шундай чора-тадбир сифатида олдиндан лексик-грамматик тайёргарлик олиб бормайдилар.

Ўқитувчи матндаги миллий қадриятлар билан боғлиқ тушунчаларни изоҳлайдилар. Русийзабон ўзбек халқига хос қадриятлар асосида яратилган бадиий образларни тўғри қабул қила олсин ва шу қадриятдан кўзда тутилган эстетик завқ юзага келиши учун тегишли изоҳлар берилиши шарт.

Кўпчилик ўқитувчилар изоҳли ўқиши ўтказадилар. Лекин бундай усулдан фойдаланмайдиганлар бадиий идрокнинг дастлабки эришилган марра савиясида тўхтаб қолиши билан тавсифланувчи камчиликка йўл қўядилар.

Ўқитувчи ўқувчиларни ифодали ўқишиш зарур деб ҳисоблайди. Аслида ифодали ўқиши адабий матн таҳлили йўлидаги дастлабки қадамдир. Асарни ифодали ўқитмаслик унга ўқув матни сифатида қарааш натижаси саналади.

Ўқитувчилар бадиий матнни сўзма-сўз ўқиб тушунтириш методидан ҳам фойдаланадилар. Бундай ўқиши ўзбек тили дарсларида кўпинча таржимали ўқиши тусини олади. Асарни сўзма-сўз ўқиб тушунтириш ўқувчиларнинг лексик ва грамматик ҳозирлиги бўш бўлган, улар матнни биринчи ўқищдаёқ мазмунини англашга олдиндан тайёрланмаган синфларда вазият тақозоси билан кўлланадиган усулдир. Бундай ўқиши чогида асар эстетик завқ уйғота олмайди, албатта.

Ижобий ҳолат сифатида таъкидлаш лозимки, айрим ўқитувчилар бадиий матн мазмунни асосида расм солиш усулини кўллайдилар.

Адабий матн ўқилгандан кейин:

Айрим ўқитувчиларгина бадиий асарни таҳлил қилиш усулидан, эвристик суҳбатдан, қисман изланиш ёки эвристик методдан фойдаландилар. Таъкидлаш жоизки, ушбу методлар бадиий матн устида тажриба олиб боришни кўзда тутади. Демак, ўқитувчилар бу йўналишда оз ишлайдилар.

Баъзи ўқитувчилар парчага доир режа туздирадилар, образларга қиёсий тавсиф бериш устида иш олиб борадилар. Бугунги кунда ҳар бир асар қаҳрамони ўзига хос эканлиги назарда тутилганда, “образларга тавсиф” тушунчаси билан кифояланиш тўғри бўлади.

Сўровномадан адабий материалларни ўрганишда лекция ва семинар усулларидан фойдаланувчилар кўп эмаслиги маълум бўлди.

Адабий материални ўрганишнинг энг муҳим жиҳати уни ҳаёт билан боғлашдир. Бундай тадбирни амалга оширадиган ўқитувчилар кўп эканлиги кишини қувонтиради.

Асар тили устида олиб бориладиган ўқитувчилар кўп эмас. Бу нарса аксарият мактабларда бадиий асардан келтирилган парчанинг бадиий хусусиятларини ўрганишнинг яхши аҳволда эмаслигидан далолат беради.

Ўқитувчилар асарда тасвиirlанган воқеа-ҳодисаларни ҳаётдан кўчирилган нусхадан фарқлашга ўргатиш устида иш олиб боришини акс эттирганлар; айрим ўқитувчилар ҳиссий-тимсолли идрок ва фикрлаш фаолиятига эътибор берадилар; уларнинг кўпчилиги парча устидаги ишлар якунида ўқитувчининг хулоса сўзига ўрин ажратади.

Китобхон ўқишидан уч хил мақсадни күзлайди: 1) билиш учун ўқыйди, 2) бажара олиш учун ўқыйди, 3) завқ олиш учун ўқыйди. Буларнинг биринчиси маърифий, иккинчиси ақлий-иродавий, учинчиси эстетик мақсадни кўзда тутади. Қайси мақсад билан ўқиш адабий материалга боғлиқ бўлса, шу мақсадга эришув ўқувчиларнинг китобхонлигига, билим ва ёш савиёсига боғлиқдир. Шубҳасиз, ўқитувчи дарсдан кўзлаган ният ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди. Биз кузатган дарсларда бирор ўқитувчи адабий матндан эстетик самара олиши режалаштиргмаган. Дарснинг мақсади деб матннинг ўзигина тарьидланган: “Абдулла Қаҳҳор” матни устида ишлаш, “Фафур Ғулом” матнини ўқиш, “Кўк конверт” матни билан ишлаш ва ҳоказо.

Аксарият ўқитувчилар матн устидаги ишларни мазмуни юза-сидан саволларга жавоб олиш, мазмунини сўзлатиш билан яқун-лайдилар.

Хоҳ умумтаълим мактабида бўлсин, хоҳ академик лицей ва касб-хунар коллежида бўлсин муаллимлар шеърларни ўқувчиларга ўқитиб, рус тилига таржима қилирадилар. Навбатдаги бутун бир дарс шеърни ёддан айттириб сўрашга бағищланадики, бундай машғулотда эстетик самара эмас, шеърдан безиш кузатиласди. Ўқувчилар шеърни ифодасиз, бетаъсир, фуж-фуж талафуз хатолари билан, баъзан чалкашликларга йўл қўйиб айтсалар ҳам, ўқитувчи кўпингча уларни тұхтатмайди, тузатмайди ҳам. Шеър ўқиётган болага ўртоқдари кулоқ солмайди, эътибор бермайди. Бундай дарсда ўқитувчи ўқувчиларни ёмон баҳо қўйиш билан даҳшатга солади, шеърни сўраш билан кўрқитади, айни пайтда ушбу санъат асарининг завқ улашиш учун яратилганини унугиб қўяди, шоирнинг шеър ижод қилишидаги изтиробларини хаёлига келтирмайди, бинобарин, асар болалар маънавияти учун хизмат қилмайди.

Т.Ф.Курдюмова ўқитувчиларнинг иш тажрибасидаги қўйидаги камчиликларга эътиборни алоҳида қаратади:

- ўқувчиларнинг бадий асар билан дастлабки танишувини дарснинг эмоционал марказига айлантира олмаслик, уларда кечинмалар уйғота билмаслик;

- бадий асар таҳлилида ўқувчиларнинг матн билан мулоқот усулларида бир хиллик ва сўзга етарли эътибор қаратмаслик;

- асар билан танишув нима берганини таъкидловчи дарснинг ёрқин хотималанмаслиги¹.

¹ Курдюмова Т.Ф. Право выбора как гарантия творческих решений // Литература в школе. – 2004. № 12. – С. 29.

Баъзан дарсда асар бир-икки марта ўқиб чиқилгач, образлари ҳақида, уларнинг характер хусусиятлари тўғрисидаги савол-жавобларга ўтилади, лекин матнга бошқа қайтилмайди. Биз аниқланган ушбу камчиликни В.А.Кан-Калик, В.И.Хазанларнинг қуидаги хulosаларига уйғун келади: “Амалиётда дарснинг эстетик вазифалари ахлоқий-этик масалалар мажмуаси билан ҳамма вақт ҳам боғланавермайди. Айрим ўқитувчилар асарнинг эстетик жиҳатларига моҳирлик билан шўнғиб кетадилар, натижада ижтимоий-тарбиявий, яъни ахлоқий жиҳатларини етарли баҳоламайдилар, кенг маънода олганда дарснинг педагогик йўналғанлигини эътибордан четда қолдирадилар; баъзи ўқитувчилар эса, аксинча, асарнинг бадиий қийматини очмасдан, дарсни дидактикага айлантирадилар”¹. Шунинг учун таъкидлашимиз мумкинки, адабий материалларни ўрганиши методикасини билмаслик дарсларнинг таълимий ва тарбиявий мақсадларини рӯёбга чиқара олмасликдек жиддий нуқсонларга сабаб бўлади.

Т.Г.Браже методик қўлланмаларни амалиётга жорий этиш ҳақида гапириб шундай дейди: “Ўқитувчи амалий ечимлар асосига сингдирилган қонуниятлар ва принципларни англаб етган тақдирдагина методик қўлланмадан самарали фойдаланиши мумкин. Назарий англанмаган амалий ечимлар ўз ҳолича ҳамма вақт ҳам ўқитувчининг методик бойлигига органик равишда қўшилавермайди ва муваффақият келтирмайди. Агар ўқитувчи назарий позициядан туриб англаб етмаса, ҳатто бой ва қизиқарли тажриба ҳам “сандиққа тушиб кетиши” тенденциясига эга”².

Адабий материаллар устидаги ишларни ташкил этишга даъват қилинган ўзбек тили ўқитувчиси ўзбек адабиётини ҳам, рус адабиётини ҳам яхши билиши, адабиёт ўқитиши методикаси билан қуролланган бўлиши керак. Адабиёт ўқитувчиси эгаллаши лозим бўлган билим ва малакалар тавсифи Р.Келдиёровнинг тадқиқот ишида³. атрофлича ёритилган.

¹ Кан-Калик В.А., Хазан В.И. Психолого-педагогические основы преподавания литературы в школе. – М.: Просвещение, 1988. -С. 4.

² Браже Т.Г. Проблемы изучения русской литературы в IX классе вечерней школы: Книга для учителя. – М.: Просвещение, 1986. – 8 с.

³ Келдиёров Р.А. Адабиёт дарслари самарадорлигини оширишнинг иммий-методик асослари (Ўқитувчи касбий-маънавий фазилатлари асосида). Пед.фак.номз. ... дисс.автореферати. - Тошкент, 2001. - 20 бет.

Ўзбек тили ўқитувчилари адабий материалларни ўқитиш ишларини ташкил этишда мавжуд манбаларга: концепция, стандарт, дастур ва дарсларнинг методик структурасига асосланадилар. Айниқса, дарсларнинг методик структураси маълум маънода йўл кўрсаткич вазифасини бажариши мумкин, чунки дарслик қолипидан четга чиқмайдиган ўқитувчи унинг савол ва тошириқлар тизимиға эргашади. Илфор иш тажрибасига эга бўлган ўқитувчиларгина мавжуд қолипдан четга чиқиб ишлай оладилар. Лекин, ҳамонки, ўқитувчи концепция, стандарт, дастур ва дарслар билан иш кўтар экан, академик лицей ва касб-хунар коллежи учун адабий асар танлаб, ушбу матн устида мактабда қўлланадиган методика асосида иш олиб борар экан, шу ҳужжатларда қандай йўл-йўриқлар берилганини кўриб чиқиш зарурияти цайдо бўлиши турган гап.

Русийзабон ўқувчи(талаба)ларга ўзбек адабиётини ўқитиш зарурлиги дастлабки расмий ҳужжат – концепция талабидир. Дастлабки лойиха Р.Йўлдошев томонидан тузилган. 1992 йили лойиха сифатида яратилган “*Рус мактабларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш концепцияси*” лойиҳасининг иккинчи қисми¹ ўзбек адабиётини ўқитишга доир йўриқларни ифода этади. Бу ерда таъкидланишича, “Адабиёт ўқитиш қуйидаги шаклларда ва изчиликда амалга оширилади: изоҳли ўқиши, адабий ўқиши, адабиёт назарияси (тарихи). Ҳар бир босқич ўзига хос жиҳатлари билан ўзаро фарқланади, ўзига яраша иш усуллари билан ажralиб туради” (18-бет). “Бадиий асарларни ўқишига ўргагишида уларнинг табиатидан келиб чиқадиган ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинishi зарур. Образли санъат асарларини “ўқишига” ўргатиш образларни кўз олдига келтира билишга ўргатиш демакдир. Бундай ўқищдан ўқувчиларнинг тасаввuri боййиди” (19-бет). “Ўқувчи ўзбек тилидаги бадиий асарни ўқиши жараёнида матн мазмунини тушунишдан ташқари уни образли идрок этмоғи керак. Ифодали ўқиши асарни образли идрок этишига ёрдам беради. Ўқувчиларни асар матнидан образларни (манзараларни, картиналарни) кўра билишга ўргатиш, уларда ички кечинмалар уйфота билишга эришиш даркор” (19-бет.) “Ўқувчиларнинг тасаввурини кенгайтиришда уларни ўзбек тилидаги бадиий тасвир усуллари билан танишириб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, рус адабиётини ўрганиш жараёнида ҳосил қилин-

¹ Йўлдошев Р.А. Рус мактабларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш концепцияси (лоиҳа). - Тошкент: ЎзПФИТИ, 1992. -17- 21- бетлар.

ган малакалар назарда тутилмоғи лозим” (20-бет). “Дастлаб бадиий асар мазмуни устида иш олиб борилади, сұнгра уни таҳлил этишга киришилади. Үқувчининг диққати асар қаҳрамонига қаратиласы. 5-синф үқувчилари қаҳрамоннинг асосий фазилатларини күрсатиши билан кифояланадилар. 8-синфдан бошлаб ҳикоя ёки парчадан келиб чиқиб унга кенгроқ тавсиф бериш талаб этилади” (20-бет).

Маълум бўладики, концепция лойиҳасида адабий материаллар устида олиб бориладиган ишларнинг асосий йўналишлари (асар мазмуни устида ишлаш, уни таҳлил қилиш, асар қаҳрамонига тавсиф бериш) ўз аксини топган. Бу йўналишлар қуидагилар учун имкон беради: *асарни ифодали ўқиши ва ундан эстетик завқ олиши* (кечинмалар уйготиш); сўз асосида манзара яратиш; *асарни образлилик ва тил воситалари нуқтаи назаридан таҳлил қилиши;* образларга тавсиф бериш; *адабий-назарий тушунчаларни ўзлаштириши.*

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган “*Таълим рус тилида олиб бориладиган синф/гуруҳ-ларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиши концепцияси*”¹ “Ўзбек адабиёти намуналаридан фойдаланиш” деган бўлим ажратилган бўлиб, бу ерда шундай йўриқ берилади: “Таянч ва ўрта мактабларда ўзбек адабиёти материаллари изоҳли ўқиши тарзида берилади. Изоҳли ўқиши орқали бадиий асардан олинган парча мазмуни ва унинг тил хусусиятлари англатилади, матнни ифодали ўқиши ва образли идрок этиш кўникмаси шакллантирилади. Үқувчилар тасвирланаётган воқеа ёки лавҳани, асар қаҳрамоннинг фазилатларини изоҳлаб умумий тарзда фикр ифодалаш, санаш ва кўрсатишида машқ қиласидилар.

Ўқувчи ўзбек тилидаги бадиий асарни ифодали ўқиши жараёнида матн тузилишини тушунишдан ташқари, унинг мазмунини идрок этади. Бунда ўқувчиларни асардаги образлар (манзаралар, лавҳалар), қаҳрамонларнинг кечинмаларини тушуна билишга ўргатиш катта аҳамият касб этади”².

Кўриниб турибдики, академик лицей ва касб-хунар колледжлари учун ҳам асосий йўриқ саналмиш ушбу ҳужжатда адабий матнни

¹ Таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган синф/гуруҳ/ларда ўзбек тили ва адабиёти ўқитиши концепцияси // Тил ва адабиёт таълими. – 1994. - 4-6-сон. - Б. 21-24.

² Ўша манба.

изоҳли ўқишини қўллаш, ўқувчиларнинг уни образли идрок этишила-рига эришиш талаб этилган. Бу талаб бугун ҳам ўз кучида.

“Академик лицей ва касб-хунар коллажлари ўқувчилари ўзлаштириши зарур бўлган умумтаълим фанлари мазмунига қўйиладиган талаблар” да “Ўзбек тили. Давлат тили” ўқув фани бўйича ўрганиб олиши керак бўлган билим, малака ва қўниқмалар сирасида куйидагиларни ўқиш мумкин: “Ўзбекистон тарихи, миллӣ адабиёт намуналаридан парчаларни ўқиш, мазмунини сўзлаб бериш, ёдлаш” деган талабларини қўришимиз мумкин¹. Англаш қийин эмаски, таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-хунар коллажларида ўзбек адабиётидан намуналар ўрганилиши керак. Лекин ушбу намуналарнинг “мазмунини сўзлаш” талаби адабий тайёргарлик натижасини назорат этиш учун ўлчов бўла олмаслиги ни юқорида бадиий идрок ҳақидаги талқинларимизда кўрсатиб ўтганимиз.

Бундан ташқари, ўрга маҳсус касб-хунар таълими босқичи учун мўлжалланган “Ўзбек тили. Давлат тили” ДТС - умумтаълим босқичи “Ўзбек тили” ДТСининг мантиқий давоми, узвий ривожи бўлмоғи лозим. Ушбу ДТС лар орасидаги фарқни кўрсатиш ниятида умумтаълим босқичи талабларига назар ташлаб чиқамиз.

Таълим бошқа тилларда (аслида рус тилида) олиб бориладиган мактаблар учун яратилган “Ўзбек тили” давлат таълим стандартида² талаб этилишича, бошланғич синфларда ўқувчилар “шеърни, бадиий парчани ифодали ўқий олишлари, синфда ва синфдан ташқари ўрганилган 20-25 та шеърни ёддан айта билишлари”, “воқеа-ҳодисаларга ва асар қаҳрамонларига муносабат билдирган ҳолда тушуниб ўқишли” (254-бет) керак бўлади; умумий ўрга таълим босқичида эса улардан куйидагилар талаб этилади: “Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндалари, XX аср замонавий ўзбек адабиётининг йирик намояндалари, халқ қўшиқлари, ривоятлари ва латифалари. Фазал, робоий, достон” (258-бет).

¹ Ўрга маҳсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001. – Б. 36-37.;

² Давлат таълим стандартига шарҳ. Ўзбек адабиёти (Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун): “Таълим тараққиёти” ахборотномаси: 1-маҳсус сон. - Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 1999. - Б. 246-261

Шунингдек, “Бадиий асарни (ёки ундан олинган парча), шеърни ифодали ўқий олишлари.

V-IX синфларда ўрганилган шеърлардан 50 га яқинини ёддан ифодали айта билишлари, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан (мақол, топишмоқ, қўшиқ, матал) айта олишлари.

Матнни тил хусусиятларини изоҳлаган ҳолда ўқишилари” (261-бет) лозим.

Кўриниб турибдики, мазкур ДТС да асарни ўқиш, унда баён этилган воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш, ўзбек адабиётининг йирик намояндаларини билиш, ўзбек адабиётига хос жанрлар (разал, рубойй, достон) билан танишиш, адабий асарлардан намуналар айта олиш, асарнинг тил хусусиятларини изоҳлашдан иборат талаблар ўз аксини топган. Лекин булар ўқувчиларнинг адабий тайёргарлигини ошира бориш учун кифоя қилмайди. Бизнингча, ДТС талабларининг таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда адабий материалларни ўрганишга доир қисмida бадиий идрок, бадиий образ устидаги ишлар, асар таҳлили масалалари етарли акс этмай қолган.

Таълим бошқа тилларда (аслида рус тилида – Р.Н.) олиб бориладиган мактаблар учун яратилган “Ўзбек тили” давлат таълим стандарти билан бир вақтда, бир ҳужжатнинг ўзида таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун яратилган “Ўзбек адабиётти” давлат таълим стандарти¹ ҳам эълон қилинган. Эндиликда ушбу стандарт таълим ўзбек ва рус тилларидан бошқа тилларда олиб бориладиган таълим муассасаларида ўзбек адабиётини ўқитиши мазмунини меъёrlаши керак. Унда “таълим бошқа тилларда олиб бориладиган таълим муассасаларида ўзбек адабиётини ўқитишининг мақсади маънавий дунёси бой, ўзбек халқининг ахлоқий қадриятларини биладиган, шу боис, ўзбекларни чуқурроқ англайдиган қалби ўйгок ўзбекистонликни тарбиялашдир”², деб белгиланган. Стандартда таъкидланишича, “V-VII синфларда ўзбек адабиётига доир материаллар “Ўзбек тили ва адабиёти” дарслиги таркибида берилиши ва алоҳида соатларда ўрганилиши зарур”, “Тавсия этилган ма-

¹ Давлат таълим стандартига шарҳ. Ўзбек адабиёти (Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун): “Таълим тараққиёти” ахботномаси: 1-максус сон. - Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 1999.

- Б. 158-163

² Ўша асар. 158-бет

териаллар изоҳли ўқии (курсив –Р.Н.ники) шаклида ўрганилади”; ўқувчи “ўзбек ва ўз адабиёти намуналарини таққослаб, икки халқнинг борлиқни англаши ва бадий тасвирилашидаги ўзига хосликларни илгаб олади”¹.

Ушбу стандартда таълим бошқа тилларда олиб бориладиган умумий ўрта мактаб битирувчисининг билими, кўнинма ва малакаларига нисбатан қўйидаги талаблар ҳам белгиланган:

“Асарни идрок этиши ва таҳлил қилишига доир: бадий асар намуналарини ифодали ўқий олиши; достонлар қаҳрамонлари ҳақида мулоҳаза юрита билиши; латифалардаги Афанди образига муносабат билдириш ва ўз халқи оғзаки ижоди қаҳрамони билан таққослашни улдалаш; лугат ёрдамида таҳлил қилинган асарларнинг мазмунига (бу ҳам кўпроқ мумтоз асарларга нисбатан қўлланади); шунингдек, ўрганилган ғазални лугат ёрдамида ўқиб, мазмунига қисқача муносабат билдира олиши (ўрганилган эмас, ўрганилаётган ғазал); ўқилган асарларга таянган ҳолда ўзбек халқига хос бўлган эстетик-психологик хусусиятларни ажратиш ва ўз халқи хусусиятлари билан таққослаш; ўрганилган бадий асар образларига оғзаки ва ёзма таъриф бериш; ўрганилган ғазални лугат ёрдамида байт-ма-байт ўқиб, таҳлил қилиш; ўрганилган мумтоз адабиёт намуналари қаҳрамонларига ёзма ва оғзаки тавсиф бериш; ғазални ўз тушунчалиси доирасида мустақил шарҳлай олиши; ғазаллардаги инсоний ва илоҳий муҳаббат талқинини ажратиб, улардаги ошиқ-маъшуқа образларини таққослай олиш; ўрганилган асарлар юзасидан содда ва мураккаб режалар тузиши ҳамда иниш ёза олиш; ўзбек адабиёти намуналарини ўрганиш мобайнида ўзбекларнинг миллий тафаккурига хос бўлган жиҳатларни илғай олиш; ҳозирги замон ўзбек адабиётидаги адабий турлар, жанрлар ва адабий тушунчалар дефинициясини билиши ҳамда китобхонлик амалиётида қўллай олиш; ўрганилган асарнинг зарур жиҳатини очиб берувчи унсурларни топа олиш; замонавий адабий қаҳрамонларнинг хусусиятларини оча олиш;

Адабиёт назариясига оид маълумотларга доир: эртак, мақол, топишмоқ, тез айтиш ва ҳикмат каби атамалар моҳиятини билиш, уларни бир-биридан ажратса олиш; ўрганилган ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарига нисбатан ўз халқи ижодидаги мазмунан мос келадиган намуналарни айта олиш ва уларга муносабат билдира

¹ Ўша асар. 158-бет.

олиш; замонавий ўзбек адабиёти жанрларини билиш ва ўз адабиёти билан таққослай олиш; ўзбек халқ қўшиқлари, ривоятлари ҳақида дастлабки тасаввурга эга бўлиш ва улардан намуналар айта олиш; ўз халқи қўшиқлари билан таққослаб, ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсата олиш; **рубоий** жанри хусусиятлари ҳақида маълумот бера олиш ва ўз адабиёти билан таққослаш; **туюқ, қитъа, ғазал, достон** тушунчалари фақат Шарқ адабиётига хос эканлигини билиш ва ўз адабиёти тушунчалари билан таққослай олиш; ўзбек мумтоз адабиётининг шоҳ жанри - **ғазал** ҳақида фикр айта олиш; мумтоз ва замонавий ўзбек адабиётига хос бўлган адабий жанрларни фарқлай олиши, уларни ўз адабиёти жанрлари билан таққослай олиши (юқорида шу каби талаб бор эди, яъни такрор);

Амалий малакалар: 5-6 бадиий матнни ёддан айта олиш; ўзбекча **тез айтишлардан** талаб даражасида (нафас олмасдан ким кўп айта олиш) 6-8 тасини айта олиш; ўзбек адабиётига ҳурмат билан қарайдиган ва мустақил равища ўзбекча бадиий асарлар ўқидиган бўлиш; мумтоз асарлар учун тузилган луғатлардан фойдалана олиш; бунга учча зарурят бўлмайди, чунки мумтоз асарлар бу даражада ўрганилмайди – Р.Н.); матн юзасидан саволларга жавоб берса олиш **мақсадга мувофиқдир**¹.

Эслатиш жоизки, “ӯзбек классик адабиёти жанрлари (достон, шеърий ҳикоя, “саёҳатнома”лар) ва улардаги вазн, қоғияланиш системаси, сюжет, композиция каби назарий масалалар ўргатилиши натижасида ўқувчиларнинг адабиёт ҳақидаги билим доираси янада кенгайтирилади”².

Демак, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ўқувчилари ўзбек халқ оғзаки ижодидан намуналар (ӯзбек халқ қўшиқлари, ривоятлари, эртак, мақол, топишмоқ, тез айтиш ва ҳикмат, латифалар, бизнингча, энг мураккаби – достонлар) билан, ўзбек мумтоз адабиёти асарларидан намуналар (туюқ, қитъа, ғазал, достон) билан танишишлари кераклиги йўриқнинг минимал талабларига кирган. Бу ўринда адабий материалларни ўқиб-ўрганиш билан боғлиқ эгалдана

¹ Давлат таълим стандартига шарх. Ўзбек адабиёти (Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун): “Таълим тараққиёти” ахбортономаси: 1-максус сон. - Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 1999. - Б. 159-161

² Аҳмедов С. Адабиёт дарсларида эпик жанрларни ўрганиш: Адабиёт ўқитувчиларига ёрдам. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. 4- бет.

диган билимлар, кўникма ва малакалар сираси ҳам максимал даражада кўрсатилган деб ҳисоблаш мумкин. Масалан, ўрганилган мумтоз адабиёт намуналари қаҳрамонларига ёзма ва оғзаки тавсиф берса олиши; разалини ўз тушунчаси доирасида мустақил шарҳлай олиши; улардаги ошиқ-маъшуқа образларини таққослай олиши; ўрганилган асарлар юзасидан иншо ёза олиши ва бошқалар. Кўриниб турибдики, бу талаблар ўзбек мактабларининг ўқувчилари эгаллаши лозим бўлган талабларга яқин туради. Бинобарин, таълим ўзбек ва рус тилларидан бошқа тилларда олиб бориладиган таълим муассасаларида ўзбек адабиётини ўқитиши мазмунини меъёrlashi учун мўлжалланган “Ўзбек адабиёти” ДТС шу таълим муассасалари ўқувчилари имкониятига мос келади. Лекин улар русийзабон ўқувчиларга нисбатан максимал даражада ҳам, минимал даражада ҳам бўла олмайди. Чунки адабий материаллар ўзбек тили дарслари таркибидагина ўрганилади. Ўқув режасида русийзабон ўқувчиларнинг бу даражада адабий тайёргарликка эга бўлишларини таъминлаши мумкин бўлган маҳсус адабиёт дарслари кўзда тутилмаган.

Бизнингча, таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицеј ва касб-хўнар коллежлари учун мўлжалланган “Ўзбек тили” ДТС талабларини таълим рус тилида ва рус тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун яратилган ДТС лар асосида узлуксизлик ва узвийликка амал қилган ҳолда тақомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Миллий мактабларда рус адабиётини ўқитишининг умумий масалалари, рус бўлмаганлар учун дарслик яратиш амалиёти А.А.Липаев, К.В.Мальцева, Е.Ф.Инфантьев, Л.А.Шейман ва бошқалар томонидан ёритилган. Бу ишларда дарсликларнинг таркибий компонентлари белгиланган: бадиий матнлардан ташқари ўқув мақолалари, турли хил лугатлар, кенг тармоқланган савол ва топшириқлар тизими ва б.; бунда қуйидаги асосий принципларга риоя этиш тавия қилинган: адабий асарларни чуқур ўйлаб текстуал ўрганиш, ўрганишининг тарбиявий йўналганлиги, ўқув фанининг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш.

Бугунги кунда узлуксиз ўзбек тили таълими тизимида адабий материалларни ўрганиш қай аҳволда эканлигининг дастлабки кўрсаткичи “Ўзбек тили” дарсликларида берилган парчалар ва шу парчалар юзасидан ўз ифодасини топган методик структурада, хусусан, савол ва топшириқларида яққол намоён бўлади.

Амалдаги 7-синф “Ўзбек тили” дарслигида¹ адабий материалдан аввал “адабий ўқиши”га доир шартли белги қўйилган (доира ичидаги китоб).

Адабий материалдан кейин дастлаб луғат жойлаштирилган. Бу ерда 7 тадан 17 тагача сўзнинг русча таржимаси берилган. Масалан, X.Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” романидан келтирилган парча юзасидан 8 та сўз, П.Қодировнинг “Кийик пойлаган қоплон” ҳикоясига 17 сўздан иборат луғат илова қилинган. Бизнингча, матнга доир луғатлар тўлиқ эмас. (Бу масалага қузатилган дарслар, айрим назорат ишлари муносабати билан яна қайтамиз.)

Адабий асарлар юзасидан берилган савол ва топшириқлар асосан мазмун устида ишлашга қаратилган. Зулфиянинг “Мактаб очилди” шеъри бўйича саволлар ичидаги биринчиси (Янги мактаб нима билан қиёсланади, ўқувчилар-чи?) тасвирий воситага (нурли бешик) эътиборни қаратади. Эътиборга молик ушбу усул ривожлантирилмайди, кейинги матнларда давом эттирилмайди.

F.Гуломнинг “Билиб қўйки, сени Ватан кутади” шеъри юзасидан берилган биринчи савол (Шоир “Сени Ватан кутади” деган жумласи билан нима демоқчи?) мушоҳадага, иккинчиси (Шеър сизга ёқдими?) эстетик баҳо беришга, учинчиси (Faafur Гуломнинг яна қандай асарларини биласиз?) синфдан ташқари ўқилган асарларни эслашга ундейди.

Маълум бўладики, дарсликларда адабий материал юзасидан тавсия қилинган савол ва топшириқлар ўқитувчиларни ҳам, ўқувчиларни ҳам бадиий образлар устида етарли даражада иш олиб бориш сари даъват этмайди. Асосан асар мазмунини ўзлаштириш, шу асосда нутқ ўстириш, гоҳида ифодали ўқиши, онда-сонда тасвирий воситаларни (ўхшатиш) аниқлаш тавсифидаги иш турларини кўзда тутади. Шубҳасиз, узлуксиз адабий таълимни булар сира ҳам қондира олмайди. Савол ва топшириқлар тизимини қайта ишлаб чиқиш талааб этилади.

Дарсликларнинг методик структурасига қараганда, ўзбек тили дарслари таркибида адабий материалларни ўқиб-ўрганиш методикасини жорий этиш учун йўналиш бериши мумкин бўлган савол ва

¹ Tolipova R., Tursunova I., Ochilova M., O'zbek tili. Ta'lim boshqa tillarda olib boriladigan mакtabalarning 7-sinfi uchun darslik. - T.: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi, 2005.

топшириқлар асосан бадий матн мазмунини ўзлаштириш атрофи-даги иш турларини тақозо этади, холос.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 10-синф “Ўзбек тили” дарслигидаги¹ адабий материалларни асосан шеърий асарлар ташкил этади. Насрий асарлар оз. Чунончи, Ў.Хошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асаридан парча (“Қарз”), F.Абдуллаевнинг “Нон” асари берилган, холос. Бири 0,7 бет, иккинчиси 0,3 бет ҳажмда. Эртакларнинг ҳам ҳажми кичик.

Дарсликда шеърий асарлар юзасидан асосан ифодали ўқиши, мазмунини сўзлаб бериш, ёд олиш каби топшириқлар тавсия қилинган. Баъзи ўринларда шеърий парчага сарлавҳа топиш сўралган.

Насрий асарларни ўқиб рус тилига таржима қилиш талаб этилган. Бундан ташқари, тестлар берилган бўлиб, улар асарнинг мавзуси, мазмунини аниқлаш кўзда тутилган. Шуни ҳам эслатиш жонизки, биргина “Қарз” матни бўйича ҳам тестлар, ҳам саволлар, ҳам топшириқлар (4 та топшириқ) тавсия этилган. Топшириқларнинг биринчисида асарнинг асосий ғоясини ифодалаш, иккинчи сида “Болаларнинг катталардек фикрларни яхшими?” гапи юзасидан фикр билдириш, учинчисида парчадаги каби воқеани учратган-учратмаганлигини айтиш, тўргинчисида одоб-ахлоқ, сахийлик ва баҳииллик ҳақидаги ҳикматларни изоҳлаш ва уларни ёд олиш вазифаси берилади. Бу ўринда бир асардан келтирилган парча асосида таҳлилнинг барча кўринишларини амалга ошириш мақсади қўйилган. Бу ҳолат адабий материалларни ўрганишдаги маромни бузишга олиб боради. Бундай пайтларда профессор Б.Тўхлиевнинг қуйидаги сўzlари қоида сифатида олинини зарур: “Агар битта асарнинг барча жиҳатларини қамраб оладиган таҳлилни амалга оширмоқчи бўлсақ, бунинг умуман мумкин бўлмаслигини тасаввур этишимиз қийин бўлмайди... у фойдадан кўра кўпроқ зарар” келтиради². Айниқса, ўзбек тили машруотлари таркибида бир асарга бир ёки иккى ўқув соати тўлиқ ажратилган тақдирда ҳам бундай таҳлилни амалга ошириш мумкин эмас. Чунки матнни ўқиб тушуниш, уни ифодали ўқиши жараёнининг ўзи дарснинг кўп вақ-

¹ Тўхтамирзаев М. Ўзбек тили: Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 10-синфи учун дарслик. – Т.: Билим, 2004. – 208 бет.

² Тўхлиев Б. Бадий асар таҳлили // Тил ва адабиёт таълимида янги педагогик технологиялар. 1-қисм. – Тошкент: ТДПУ, 2006. 3-бет.

тини олади. Асарнинг бир жиҳати билан боғлиқ таҳлилни охирига етказмай иккинчи, учинчи ва бошқа томонларига ўтиш бериладиган билим, ҳосил қилинаётган қўникма ва малакалар сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Амалдаги 11-синф “Ўзбек тили” дарслигига¹ ҳам асосан шеърий асарлар берилган. Уларга доир савол ва топшириқлар 10-синф дарслигидаги кабидир. Халқ оғзаки ижоди асарларидан эртаклар, ҳикматлар келтирилган. “Яхшидан боғ қолади” матни 1 бетлик. Ушбу матн бўйича мазмунини сўзлаб бериш, нотаниш сўзларни аниқлаш, матн мазмунини очувчи саволларга диалогик тарзда жавоб бериш топшириқлари тавсия қилинган.

Р.Расулов, А.Мирализовларнинг ўрта маҳсус касб-ҳунар таълими муассасаларининг таълим бошқа тилларда² олиб бориладиган гуруҳлари учун тайёрланган ўкув қўлланма шу‘кунларда нашрдан чиқди³. Унда ўзбек адабиёти намояндадаридан Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Гулханий, Абдулла Авлоний, Зулфия, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Ҳудойбердиевалар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилган бўлиб, таржимаи ҳолдан кейин, асосан, “Матни ўқинг”, “Матн мазмунини айтиб беринг”, “Матни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг” деган топшириқлар берилган. Қўлланмада шеърий асарлардан А. Ориповнинг “Ўзбекистоним, сенга” ва С.Солиевнинг “Устоз” шеъри ўрин олгани ҳолда насрый асардан бирорта парча келтирилмаган.

А.Рафиев ва бошқа муаллифлар томонидан яратилган касб-ҳунар коллежларининг рус гуруҳлари учун “Ўзбек тили” ўкув қўлланмаси³ ҳам янги нашрлардан бири ҳисобланади. Бу қўлланма амалдаги дастур асосида яратилган⁴ бўлиб, унда адабий мате-

¹ Rafiyev A. O'zbek tili. Ta'lim boshqa tillarda olib boriladigan maktablarning 11-sinfi uchun darslik. Toshkent: "O'qituvchi" nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2005.

² Rasulov R., Mirazizov A. O'zbek tili. Toshkent: "Fan va texnologiya", 2006.

³ Rafiyev A. va boshqalar. O'zbek tili. Kasb-hunar kollejlarining rus guruhlari uchun o'quv qo'llanma. Toshkent: Ilm Ziyo, 2006.

⁴ Ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълим мининг умумтаълим фанлари давлат таълим стандартлари ва ўкув дастурлари. Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2001. – Б. 36-37.; Номи тилга олинган китоб, 168-184-бетлар.

риалларга кенг ўрин берилган. Таңланган шеърий асарлар юзасидан берилган савол ва топширикларнинг аксарият қисми грамматик материалларни ўзлаштиришга йўналтирилган. Иқтидорли талабалар билан ишлаш ва мавзуларни чукурлаштириб ўрганиш учун берилган адабий материаллар “Илова”да берилган. Чунки дастурда бу асарлар кўрсатилмаган. Таңланган шеърий ва насрый асарлардан, адаб ҳаёти ва ижоди юзасидан берилган маълумотлардан, касбга йўналтирувчи матнлардан ўқитувчи ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларидан келиб чиқиб қўшимча материал сифатида фойдаланиши мумкин.

“Ўзбек тили” дарслеклари ва дастурлари таҳлилидан аён бўладики, таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўзбек тилидаги адабий материалларни ўрганиши таълим мазмуни нуқтаи назаридан умуман қониқарли аҳволда эмас.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўзбек тили дарс (машғулот)лари таркибида адабий материалларни бадиий-эстетик жиҳатдан ўрганиш сари ундаши мумкин бўлган ўқув фани концепцияси, ДТСи, дастурлари мавжуд. Ўзбек тили ўқитувчиси ана шу ҳужжатлар талабларидан келиб чиқсан ҳолда ўзи мустақил изланиши натижасида адабий таълимга монанд қўшимча иш турлари, савол ва топшириқлардан фойдаланиши мумкин.

Мавжуд шароитларда ўзбек тили ўқитувчиси адабий материал устида ишлашга доир методик тавсияларни “Ўқитувчи китоби”дан олиши мумкин эди. Лекин б-синф учун ҳозирланган “Ўқитувчи китоби”да¹ “адабий ўқиши” тушуңчаси остида оддий ўқув матни юзасидан бажариладиган иш турлари тилга олинган, холос. Бу ерда қуйидаги мазмунда тавсия берилади:

“Адабий ўқиши дарсларида ўтган тил дарси мавзусига мос равицда таңланган ўқиши материалининг устида ишлаш мақсадлари кўзда тутилиши тушуңтирилади:

-ўзбек тилидаги матнни талаффуз қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда матнни тўғри, ифодали ўқишига ўрганиш;

-матннадаги янги сўзларни тушуниб олиш ва ўзлаштириш ҳисобига сўз бойлигини ошириш;

¹ Tolipova R. O’zbek tili. O’qituvchi uchun qo’llanma. - T.: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi, 2005.

-керак бўлса, луғат асосида матндан материал мазмунига тушуниш, берилган саволларга жавоб бўладиган керакли материални ажратиши;

-матндан қаҳрамонлар, уларнинг хатти-ҳаракатини тўғри баҳолаш, улар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалаш, яъни матн асосида фикр ифодалашни ўрганиши” (31-бет).

Бу ерда ўқувчиларни адабий матн мазмунини тушунишга тайёрлаш мақсадида унуглиганин кўплаб сўзларни олдиндан такрорлаш, айрим сўз ва сўз биримларига изоҳ бериш, бадиий матнни идрок этишини таъминлаш, асар таҳлили каби талай иш турлари эътибордан четда қолган. Лекин мазкур “Ўқитувчи китоби”да “Мавзуга кириш” рукни остида ўқитувчининг кириш сўзи тавсия қилингандаги мақтovга лойиқ. Масалан, “Навоийнинг дўсти” матни бўйича қуидаги кириш сўзини ўқиймиз: ўқитувчи “буғун буюк ўзбек мутафаккири ва шоир, ўзбек ҳалқининг буюк аждоди Алишер Навоий ҳаётидан бир лавҳани ўрганилиши ҳақида гапиради. XV асрда яшаб ижод қилган Алишер Навоий нафақат шоир, балки тиљшунос олим ва жамоат арбоби бўлган. Болаликдан бирга ўсган дўсти Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган даврда унинг энг яқин маслаҳатчиси сифатида мамлакатда адолат ва фаровонлик ўрнатиш ишида катта ҳисса қушганлигини айтади. Буғун ўрганиладиган парча эса Навоийнинг яқин дўсти Паҳлавон Муҳаммад ҳақида эканлиги ҳақида гапиради” (47-бет). Қўлланмада яна бирмунгча маъкулроқ гап айтилган: “Ўқитувчи “Навоий ва Паҳлавон Муҳаммад” ҳикоятини ўқиб, бу ҳикоят юзасидан дарсликда берилгая лурагта қўшимча сўзларни хаттахтага ёзади. Ўқувчилар бу сўзларни луғат дафтарларига кўчириб оладилар”. Лекин сўзларни кўчириш дарс вақтини беҳуда сарфлашгига олиб келади. Бу ўринда техник воситалардан фойдаланиш зарурияти кўпроқдир.

“Сўзловчи ёмғир” шеърини ўрганиш муносабати билан берилган “Мавзуга кириш”да тасвирий воситалар устида ишлаш кўзда тутилади: “... ўқитувчи ўтган тил дарсида табиат ҳодисаларини тасвирлашни ўргангандар, шу жумладан, бадиий асаларларда истиора (метафора) ҳамда жонлантириш ҳақида тушунчага эга бўлганларини эслатади...”. Шеър бўйича ўтилганларни мустаҳкамлашда унда қандай ўхшатиш ва жонлантиришлар қўлланганлигини айтишга доир топшириқлар берилган. (53-бет).

8-синф учун тайёрланган “Ўқитувчи китоби” нинг “Сўзбоши” қисмида матнларни ўқув ва бадиийга ажратиш кўзда тутилмаган

ҳолда ифодали ўқиши, мазмунини қайта ҳикоя қилиш каби иш турлари тавсия қилинганд¹.

Шундай қилиб, таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун ўзбек тилидан яратилган концепция, стандарт, ўқув дастури, дарслерлар, методик қўлланмаларда адабий материалларни ўрганиш юзасидан қандай йўриқлар баён этилгани, талаблар қўйилгани, тавсиялар берилгани, қандай методик структура ҳавола этилганини таъкидлаб, буларнинг етарли ёки етарли эмаслигини кўрсатиб ўтдик. Авваламбор, ушбу ашёлар қайси принципларга амал қилиб яратилиши кераклиги Қ.Хусанбоеванинг номзодлик диссертациясида атрофлича ёритилган. Қолаверса, йўриқлар, талаблар, тавсиялар, методик структура кабиларнинг қандай бўлиши зарурлиги масаласини адабий материалларни ўрганиш методикасини бир қадар ишлаб чиқмасдан туриб ҳал қилиш мумкин эмас.

Русийзабон ўқувчига уч хил қийинчилик туғилади: миллий реалиялар, тасвириларни бадиний усуслари, тил.

Русийзабон ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги сўз бойлиги, гап түзиш малакалари аксарият синф(гурух)ларда талаб даражасида эмас. Бундай пайтларда улар адабий материалнинг мазмунини бир ўқишида керагича тушуна олмасликлари намоён бўлмоқда.

Р.Йўлдошев ва бошқалар муаллифлигидаги 8-синф “Ўзбек тили” дарслигида² келтирилган адабий материалларни ўрганишга бағишланган дарсларни кузатишдан маълум бўлишича, ўқувчилар матн мазмунини тушунишда катта қийинчиликларга дуч келадилар. Учтўрт русийзабон ўқувчининг вазифани удалаганини ҳисобга олмагандан бу қийинчиликлар талай сўзларнинг маъноларини билмаслик, қатор гапларнинг мазмунини тушунмаслиқда намоён бўлди. Бир қатор сўзлар, миллий маънавият билан боғлиқ тушунчалар матнга доир лугатдан ҳам, дарслек охиридаги “Ўзбекча-русча лугат”дан ҳам жой олмагани ўқувчилар учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам мушкулликлар келтириб чиқарди. Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасидан келтирилган парча (“Гилампайлоқ”) 2 саҳифа

¹ Muhitdinova X., Ikromova N.T. O'qituvchi kitobi. Ta'llim rus tilida olib boriladigan mактабларнинг 8-sinfi uchun o'quv-uslubiy qo'llanma. - T.: Im-Ziyo, 2004. 7- bet.

² Йўлдошев Р., Тўхтамирзаев М., Рихсиева М., Ниёзметова Р. Ўзбек тили: Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 8-синфи учун дарслек. - T.: Ўқитувчи, 2000.

дан сал кўпроқ бўлгани ҳолда 8-синф ўқувчилари маъносини унуган жами сўзлар 40 тадан 50 тагача бўлди. Албатта, ҳар бир ўқувчи ўзи билмаган сўзни белгилаган. Шунинг учун сўралган сўзлар ҳар хил чиқкан. Тўғри, бу сўзлар орасида лугат иши юқори самара билан ташкил этилмаганилиги сабабли унугтилганлари ҳам кўп. Лекин лугатда *кавишандоз*, *сарпойчанг* каби сўзлар, айниқса, таржима қилиш қийин бўлган тақлидий сўзлар, айрим равишлар (кув-кув, хиппа, эс-эс, фира-шира), тақлидий сўзлардан ясалган феъллар (чирқиллаб, милтираб, типирчиламоқ, пиқиллаб) ўз аксини топмаган. Булар ҳам, хусусан, қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини ифода этадиган равишдош шаклидаги феъллар (чирқиллаб, милтираб) кўшимча мушкулликлардан далолат беради.

Ўқитувчининг топшириғи билан ўқувчи Н. “Ҳақимни беринг” парчасини рус тилига таржима қилган. Парчанинг биринчи абзацини аввал айнан келтирамиз:

Atrofni qorong’ilik bosdi. Yo’lchi jumjit ko’chada tanho aylanib yuriib, boynikiga qaytdi. Odatda Mirzakarimboy o’tiradigan mehmonxonanining derazasidan chiroq yarqirar edi. Yo’lchi uy eshigini ochishi bilan ko’zları boyning o’qraygan ko’zları bilan uchrashdi. Lekin u loqaydlik bilan tiz cho’kdi. Ular bir-ikki daqqa sukut qilib, bir-birlarining g’azabli ko’zlaridan ma’no qidirishdi. Mirzakarimboy yonboshdag'i katta par yostiqni bir tomonga itarib tasbehni sandalga qo’ydi.

Ана шу парчани рус тилига ўгиришда ўқувчи айни қаҳрамонларнинг муносабатини нотўғри англашга сабаб бўладиган хатоларга йўл қўйган. Чунончи, у “Lekin u loqaydlik bilan tiz cho’kdi” гапидаги “лоқайдлик” сўзини ташлаб кетган, “тиз чўқди” биримасини рус тилида “поклонился” деб ифодалаган. Натижада Йўлчининг Мирзакаримбойнинг олдига келгандаги руҳий ҳолати нотўғри англанган. Гўё Йўлчи қўрқув остида бўлган, шунинг учун Мирзакаримбойга таъзим бажо келтирган. Аслида Йўлчи лоқайд бўлган, яъни бирор бир қўрқувни ҳис этмаган ҳолда, дадиллик билан бой ҳузурига кириб келган. Воқеанинг ривожи ана шу руҳий ҳолат билан боғлиқ равиша содир бўлган. Асосий тафсилни (лоқайдлик билан) ташлаб кетганлик, бир нотўғри таржима (тиз чўқди – поклонился) матнни хато тушушишга олиб келган.

Ўзбек тили дарсларида адабий материални фақат оддий ўқув матни сифатида қабул қилишга сабаб бўладиган омиллар кўп. Улардан бири ўқувчиларнинг ўзбек тилини, унинг лексик ва грамматик

материалларини эгаллашда дастурдаги талаблар даражасидан орқада қолаётганликлариdir. Ўзбек тили дарсларида давлат таълим стандарти талабларига кўра II-IV синфларда 700, V-IX синфларда 1400 туб сўз ўрганилади. Бу сўзлар асосан оғзаки нутқда ишлатиладиган сўзлардир. Шеърлар, насрй асарлардан олинган парчалар, таржимаи ҳоллар китобий нутққа хос, услубий бўёқдор сўзларга бой. Бундай ҳолатлар ўкув юкламасининг ошириб юборилишига, ўкувчиларнинг таълимда зўриқишиларига сабаб бўлади.

Таълим рус тилидаги мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллажларининг ўзбек тили дарсларида ўкувчи(талаба)лар ўкув матнини ўқиши ва мазмунини тушуниш, ўзлаштиришга шу даражада одатланиб қоладиларки, бадий асардан олинган парчани ҳам ўкув матни деб қабул қиласидар. Ўқитувчи кўллаб келган ўқишига ўрганиш методикасидан андоза олиб, ушбу парчани ҳам ўқиб, мазмунини тушуниш ва ўзлаштириш пайида бўладилар.

Вилоят туманларида жойлашган мактабларнинг русийзабон ўкувчилари ўзбек тилини амалий билганикликлари учун уларда матн мазмунини тушуниш билан боғлиқ қийинчиликлар йўқ даражада. Улар бадий матнни идрок этишга ҳам қодирлар. Бу мактабларда бадий асарлар устидаги ишларни ташкил этишда ўқитувчилар адабиёт ўқитиш методикасидан фойдаланадилар. Биринчидан, русийзабон ўкувчиларга ўзбек адабиётини ўқитишида ўзбек тили дарслари таркибида адабий материалларни ўрганиш методикасига муоржаат этиши керак, иккинчидан, бу жараёнда ўкувчиларда учрайдиган қийинчиликлар ҳисобга олиниши лозим.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўкувчиларининг ўзбек тилидаги бадий асарларни деярли мутолаа қиласлиги, том маънодаги китобхон эмаслиги, уларнинг адабий таълимини тўлиғича фақат ва фақат дарсликлар имкониятларига боғлиқ қилиб қўяди. Ёшлиарнинг ўзбек ёзувчи ва шоирларини билишлари, уларга ўзбек ҳалқининг атоқли адиблари сифатида эъзоз кўрсатишлари, миллӣ маънавиятини ўз қалбига жо этишлари ёки булардан бебаҳра қолишлари, табиийки, дастур ва дарсликларга, уларда белгиланган таълим мазмунига боғлиқ бўлади.

Методик адабиётларда, хусусан, А.А.Абдуллина, Глинтершчик, Н.Д.Молдавская, Қ.Йўлдошев, Т.Бобоев, М.Мирқосимова, С.Матчонов ва бошқа методист олимларнинг тадқиқот ишларида, методик кўлланмаларида ўкувчиларнинг адабий тайёргарлигидаги баъзи аниқланган камчиликлар айтиб ўтилган.

Ўқувчи(талаба)ларга адабиёт ўқитишининг психологик, педагогик ва методик (методологик) асослари таълим рус тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар колледжларининг ўзбек тили дарс(машгулот)ларида адабий материалларни ўрганиш методикаси қайси йўналишларда бориши қераклиги ҳақида умумий тущунчага, холосага келиш, айrim фаразларни илгари суриним имконини берди. Бундан ташқари, умуман мактабда адабиётни ўрганиш амалиётида шу вақтга қадар аниқланган ютук ва камчиликлар, ўқувчиларнинг нимага одатланганиларни ва бошқа бир қатор масалалар ойдинлашди. Шунга қарамай ана шу тўхтамлар, ютуқ ва камчиликларни кўзда тутган ҳолда, муайян нуқтани назардан русийзабон ўқувчи(талаба)ларнинг ўзбек тилидаги адабий материалларни ўқиб ўрганишлари қай ҳолатда эканлиги таҳдидлига ўтишимиз мумкин бўлади. Бунинг муҳимлиги шундаки, ҳақиқий аҳволни билмасдан туриб уни ўнглаш, узлуксиз адабий таълимни яхшилаш, янгидан ишлаб чиқиш ва бошқа шу каби режалар хусусида фикр юритиш ноаниқликка асосланишдан бошқа нарса бўла олмайди.

Узлуксиз таълим тизимида адабий материалларни ўқиб-ўрганишнинг талаб даражасида эмаслиги, бир томондан, ўзбек тили ўқитувчиларининг қўлларида методик қўлланмаларнинг йўқлиги туфайли содир бўлаётган бўлса, иккинчи томондан, дастур талабларининг дарсликларда ўз аксини етарлича топмаётганлигига, уларнинг адабий матнларни ўрганишга доир методик структураси камчиликлардан холи эмаслигига кўринади.

Ҳозиргача мавжуд бўлган дастур, дарслик ва ўкув қўлланмалири таҳлили қуйидаги холосаларни чиқаришга имкон беради:

- Ўқувчиларда билим олишига қизиқишлир уйғотувчи манба ҳеч шубҳасиз китоб, биринчи навбатда дарсликдир. Афсуски, ўзбек адабиётидан маҳсус дарсликнинг мавжуд эмаслиги ана шу қизиқишиларнинг шаклланиши ва ривожланиши йўлидаги биринчи тўсиқ бўлиб келмоқда;

- VII-X синфлар “Ўзбек тили” дарсликлидаги бадиий материаллар (таржима ҳоллар, шеърий ва насрый асарлар ва улардан олинган парчалар) педагогик-дидактик талабларга кўпинча жавоб бермайди (лексик, грамматик мураккабликлар, “нокулай” избора ва грамматик конструкциялар, матнларнинг адаптация қилинмаслиги в.б.).

Холоса қилиб айтганда, бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида русийзабон ўқувчи (талаба)ларга ўзбек адабиёти материаллари-

ни ўргатиш мазмунини белгилаш ва унинг методикасини ишлаб чиқишда муайян ютуқлар қўлга киритилган:

- умумий ўрта таълим босқичи учун яратилган “Ўзбек тили” дастури ва дарсликларида адабий материаллар ўз аксини топган;
- бу материалларнинг аксарият қисми сара бадиий асарлардан олинган парчалардир.

Айни пайтда концепция, стандарт, “Ўзбек тили” дастур ва дарсликлари, методик кўлланмаларида қуйидаги каби камчиликлар ҳам мавжуд:

-VIII ва IX синфлар “Ўзбек тили” дарсликларида қутийи синфлар дарсликларига қараганда адабий материалларга, айниқса, насрый асарларга эътибор камайган;

-академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун яратилган “Ўзбек тили” дастурида адабий материаллар кўрсатилмаган;

-умумтълим мактаби ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида адабий материалларни тақдим этишида узилишлар, такрорлар кўзга ташланади, узвийликка етарли эътибор берилмаган;

-“Ўзбек тили” дарсликларининг методик структурасида адабий материалларни асосан илмий мақола типидаги ўкув матнларини ўқиши билан боғлиқ методика асосида ўрганиш жорий этилган, савол ва топшириқлар ҳам шунга қаратилганки, булар адабий ўқишидан йироқдир;

-русийзабон ўкувчиларга адабий материалларни ўргатиш методикаси ишланмаганлиги ўқитувчиларнинг назарий тайёргарлигига ҳам, бадиий матнларни ўрганиш дарслари самарадорлигига ҳам салбий томондан акс этмоқда;

-узлуксиз адабий таълим тизимига доир ўкув адабиётлари мажмуасида адабий материалларни ўқиб-ўрганишга доир йўл-йўриқлар деярли ўз аксини топмаган, шу боисдан “Ўзбек тили” ДТСи, дастури ва дарсликлари қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

1.3. Ўзбек тили машқулотларида адабий материалларни умумий ўрта таълим босқичи билан узвийликда ўрганиш мазмунини белгилаш

Бадиий асар танлашда уни ўкувчи (талаба)ларнинг идрок этиши билан боғлиқ қуйидаги муаммоларга аҳамият бериш лозим:

-бадиий асардан ташланадиган парчанинг адабий таълимни амалга ошириш учун берадиган имкониятлари;

-русийзабон ўқувчи (талаба)ларнинг парча мазмунини тушунишдан ташқари уни бадиий идрок этиши имкониятлари ва хусусиятлари;

-парчани ўқиб-ўрганиш жараёнида бадиий тимсоллар, тасвирий воситалар, назарий маълумотлар устида олиб бориладиган ишлар, ахлоқий ва эстетик тарбия муаммолари;

-русийзабон ўқувчи (талаба)ларнинг ўзбекча нутқини ўстириш;

-китоб ўқиши ва унга ўқитувчи томонидан қилинадиган раҳбарлик.

Адабий материалда ҳаёт тажрибаси ўз аксини топади. Ўзбек адабиёти намуналарида ўзбек ҳалқининг ҳаёт тажрибаси, турмуш тарзи ёритилади. Буни билмаган русийзабон талаба баъзи масала-ларда ўзбекларни тушуна олмаслиги мумкин. Бу тажриба асарнинг бадиий образлари орқали китобхон қалбига ва шуурига йўл топади. Лекин IV-VI синф ўқувчилари, С.Исматов амалга оширган кузатишиларга қараганда, “...адабий асарда тасвирланган турли характердаги кишиларни мустақил равишда бир-биридан ажратса олиш қобилиятига эга бўлолмайдилар, албатт”¹. Чунки улар бу ёшда энг яхши фазилатлар ҳақидагина дастлабки тасаввурга эга бўладилар, тавсиф билдирувчи сўзларни ҳам оз биладилар.

Академик лицей ва касб-хунар колледжларида ўзбек адабиёти намуналарида парчалар устида ишлаш қераклигига муносабатимиз ижобий. Бундай муносабатнинг ўз асослари бор, албатта. “Таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган синф(гуруҳ)ларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш концепцияси”нинг номи далолат бериб турганидек, умумий ўрга таълим босқичидан кейин ҳам (эндиги босқичда синф эмас, гуруҳларда) бадиий асарлардан намуналар ўрганиш иши давом эттирилади². “Ўзбек тили” давлат таълим стандартига берилган шарҳларда ”нутқий коммуникатив малакани эгаллаш орқали ўзбек тилини ўргатишнинг умумтаълимий мақсадини, миллий маданиятни эгаллаш малакаси эса тарбиявий мақсадни кўзда тутади” дейилиб, уч хил малака изоҳланади. Бу малакаларнинг учинчиси “Адабий ўқиш ва миллий маънавият” сарлаҳаси остида тавсифланади. Стандартда

¹ Исматов С. Мактабда Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш. - 2-нашри. Адабиёт ўқитувчилари учун қўлланма. - Т.: Ўқитувчи, 1978. 7 - бет

² Таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган синф/гуруҳ/ларда ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш концепцияси // Тил ва адабиёт таълими. – 1994. - 4-6-сон. - Б. 21-24.

таъкидланишича, “Ўзбек адабиётининг ихчам ва гўзал намуналари, халқнинг тарихий, маданий ҳаётига хос муҳим лавҳалар, жаҳон миллий маданиятига ҳисса кўшган ўзбек халқи вакилларининг ижодий меросини ўрганиш ҳам кўзда тутилади”¹. Таълим босқичларига нисбатан олганда ва узлуксизлик ҳамда узвийлик принципига амал қилинганда буни шундай тушуниш мумкинки, адабий ўқиш ҳеч дақ-шубҳасиз ўрта маҳсус таълим босқичида ҳам тўхтамаслиги керак.

“Ўзбекистон давлат стандарти: Ўзбекистон узлуксиз таълим стандартлари давлат тизими. ўрта маҳсус, касб-хунар таълими умумтаълим фанлари” деган ҳужжатнинг “5. Академик лицей ва касбхунар коллежлари ўқувчилари ўзлаштириши зарур бўлган умумтаълим фанлари мазмунига қўйиладиган талаблар” қисмida ўзбек тили бўйича белгиланган талаблар орасида қўйидаги сўзларни ўқиш мумкин: “Ўзбекистон тарихи, миллий адабиёт намуналаридан парчаларни ўқиш, мазмунини сўзлаб бериш, ёдлаш”². Афсуски, ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг “Ўзбек тили” ўқув дастурнида ўзбек адабиёти намуналаридан парчалар ўқиш ҳақида бирор сўз айтилмаган³. Шунга қарамай, давлат таълим стандартини жорий этиш кераклиги ана шу парчаларни танлаш, ўқиб ўрганиш ишларини ташкил этиш ва шу асосда ўзбек адилларининг мероси ҳақида русийзабон талабаларда тасаввур пайдо қилиш, яъни таълим мазмуни ва методларини ишлаб чиқиш долзарб, айни пайтда методист олимлар жиддий шуғулланмаган бир муаммо саналади.

Методика фани олдида давр билан ҳамоҳанг ўзгариб турадиган ижтимоий буюртмадан келиб чиқсан ҳолда нимани, қанча, қачон ва қандай ўқитиш керак деган адабий савол туради. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги мустаҳкамланаётган, миллий маънавият, миллий истиқболояси ёш авлод онгига пухта сингдирилаётган бугунги кунда таълим бошқа тилларда олиб бориладиган сининф ва гуруҳларда ўрганиш учун ўзбек адабиёти намуналаридан парчалар танлаш, уларни қайси тамойиллар асосида, қай ҳажмда ажра-

¹ Давлат таълим стандартига шарҳ. Ўзбек адабиёти (Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун): “Таълим тараққиёти” ахборотномаси: 1-маҳсус сон. - Т.: “Шарқ” нашриёт-матббаа концерни, 1999. - Б. 249

² Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари. Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матббаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001. – Б. 36-37.;

³ Ўща асар 168-184-бетлар.

тиш, бу парчалар устида қай тарзда ишлаш зарурлиги масалалари ўз аҳамиятини йўқотаётганий ўқ. Бадий асарлар коммуникатив мотивлар ранг-баранглиги билан кенгроқ танишиш ва ўзлаштириш учун, яъни ўзбек тилида фикр баён қилиш ва фикр алмасиш ниятларидан атрофлича хабардор бўлиш, ифодали нутқни эгаллаш учун ҳам зарур. Шунингдек, лексика, морфология ва синтаксиснинг функционал-стилистик тавсифини ўзлаштириш мақсадида ҳам юқори синфларда адабий материалларни кўпайтириш керак.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 9-10-синфлари учун рус адабиётидан бериладиган адабий таълим мазмуни қуйидагича тавсиф этилади: “а) реалистик адабиёт қисқа курси ўргатилади; б) ёзувчининг бирор асари эмас, балки ижоди ўрганилади; в) ўрганилаётган асар тарихий-адабий жараён унсури сифатида тақдим этилади, г) рус ва ўзбек адабиёти алоқалари ўрганилади, д) ёзувчиликар эмас, балки ўрганилайдиган замонавий аҳамиятга молик бўлган асарлар миқдори кўпайтириллади, е) билимларгина эмас, балки малакалар ҳам чукурлаштириллади, яъни таҳлил қилинади ва иншо ёзилади; ё) таълимда техник воситалар хилма-хиллашиб бормоқда; ж) адабиёт назарияси мунтазамликда алоҳида асар билан боғланишда ўрганилмоқда”¹. Ўзбек тили дарслари таркибида ўзбек адабиётини маҳсус курс сифатида ўрганиш мумкин бўлмагани учун юқоридаги таълим мазмунини андоза этиб олишнинг сира ҳам иложи ўқ.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўрганиш учун мўлжаллаб ўзбек адабиёти намуналаридан парчалар танлаш иши умумий ўргта таълим мактабларидан ўзбек тили ўқув фани мазмунини узвийлик тамойилига асосланган ҳолда ривожлантириш ўнанишида амалга ошириллади. Русийзабон ўқувчиларга ўзбек адабиётини ўқитиши мазмунини белгилаш тамойиллари, назарий негизлари томонидан тадқиқ этилган. Таълимнинг навбатдаги босқичларида ушбу тадқиқот натижаларидан фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Р.Р.Майман В.И.Водовозовнинг қуйидаги бизга ҳам мақбул бир фикрини келтириади: “...бир асарни ўрганиб бўлмасдан бошқасига ўтгандан кўра бир неча асарни асосли равишда тўлиқ ўрганган яхши;

¹ Зальдинер М.А., Тодоров Л.В., Губина Ф.И. Методика преподавания русской литературы в старших классах национальной (узбекской) школы. Под общей ред. проф. М.А.Зальдинера. -- Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 44 с.

лекин меъёрни ҳам билиш керакки, бир асар билан ҳамма нарсани бир йўла тушунтиришга эришиш мумкин эмас. Агар ўқитувчи бир асар устида узоқроқ қолиб кетса, машғулот ҳанчалик моҳирона олиб борилмасин, ўқувчилар машғулотга бўлган қизиқишларини йўқота боришлари мумкин”¹.

Бадий асарни она тили заминида ўрганишнинг ўзи осон эмас. Бопша тилдаги адабиётни ўрганишда бу қийинчиликлар икки ҳисса кўпаяди. М.В.Черкезова таъкидлаганидек, “Миллий мактабларда асар танлаш ва уни ўрганиш учун илмий адабиётшунослик мезонлари, тарихий-генетик, тарихий-функционал ва қиёсий-типологик ёндашуввлар бирлиги адабиётнинг факт ва ҳодисаларини кўриб чиқиш учун асос бўлади”².

Академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўрганиш маъқул бўлган асарлардан парчаларни танлашда нималарга эътибор бериш лозимлиги муҳим масала саналади. Бу ўринда талабанинг матнни ўқишидан нимани кутаётганигини билиш керак бўлади. Албатта, биринчи навбатда улар ўзбек халқини англаб етгиси, унинг ҳаёти, анъаналари, урф-одатлари, орзу-умидларини, интилаётган миллий истиқлол гоясини, маънавиятини билгиси келади. Зоро, М.М.Имомкаримова тўғри тушунтириб ўтганидек, “Ҳар бир миллатнинг ўзи қадрлайдиган маданияти, тили, маросимлари ва одоб-ахлоқ нормалари, ўзига хос маданий ва маънавий қадриятлари, миллий қаҳрамонлари, таҳқирланиши асло мумкин бўлмаган урф-одатлари, удумлари, турмуш тарзи ва қон-қардошлиқ белгилари мавжуд”³.

Чексиз ҳаётий масалалар, улар билан боғлиқ бадий образлар орасидан русийзабон талабаларни таништириш учун энг кераклиларини ажратиш бениҳоя катта ва масъулиятли ишдир. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун бир ўқув йилида (Ўзбек тили ўқув фанига ажратилган ўқув соатларининг учдан бир қисмida) 30 атрофида (бу бизнинг таҳминимиз, шунингдек, ўзбек тили ўқитувчилари билан бўлган суҳбатлarda улардан олинган мулоҳазалар,

¹ Майман Р.Р. Практикум по методике преподавания литературы. Москва: Просвещение, 1985. – 63 с.

² Черкезова М.В. В поисках новых подходов к созданию учебников по литературе. На материале учебников по русской литературе для национальной школы. Литература в школе. 2006, №6, С. 23.

³ Имомкаримова М.М. Ўткир Ҳошимов асарларида миллий қадриятлар талқини. Филол.ф.н. ... дисс.ав-ти. – Тошкент, 2004. 8- бет.

албатта) адабиёт намуналаридан парча ўрганиладиган бўлса, бу намуналар барча педагогик ҳамда методик талабларга жавоб бермоғи лозим. Зоро, машғулотларда муҳокама қилинадиган тор доирадаги масалалар ташкил этадиган кичик кўламнинг ўзи юритилалидиган мушоҳадалар, ҳосил қилинадиган тасаввурлар, уйғотилажак ҳиссиятлар самарадорлигини таъминлаб беради.

Русийзабон ўқувчи(талаба)ларга ўзбек адабиёти намуналарини ўргатиш методикасига келганда, бу борадаги тадқиқотлар эндиғина бошланмоқда. Лекин таълим методлари парча қай тарзда ва қай даражада ўрганилишига қараб ажратилади. Амалиётда бўлаётгани каби асарни ўқиши ва мазмуни юзасидан савол-жавоб ўтказиши, мазмунини сўзлатиши каби олиб бориладиган ишларда адабиётни ўрганиш, адабий тайёргарлик унсурлари кўзга ташланмайди.

Услуб – бу асосида бадиий мазмун бирлиги юзага келтириладиган принциплар сифатидаги методлардан фарқли ўлароқ уларга асосланиб бадиий шакл бирлиги вужудга келтириладиган принциплар. Бошқача айтганда, “метод бадиий мазмун структурасини, услуб – бадиий шакл структурасини белгилаб беради”¹.

«Адабий таълимда ўқувчиларнинг ёшига қараб қайси синфда қандай ўқув-билив мақсадлари қўйилаётганлигини аниқ белгилаб олиш керак. Агар, табиийки, қўйи синфларда асарнинг воқеа-ҳодисалар томони, қаҳрамонлар образларининг хусусиятлари ажратилса, юқори синфларда қонуний равишда бадиий адабиётнинг эстетик, идеологик, ижтимоий моҳия гидан келиб чиқадиган янада ҳар томонлама ва мураккаб вазифалар қўйилиши даркор»².

Юқоридаги мушоҳадалардан маълум бўладики, таълим рус тирида олиб бориладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўзбек тили машғулотларида адабий материалларни ўрганиш мазмуни ва методлари борасида амалга ошириладиган бир қатор тадқиқотларнинг йўналишларини белгилаб берувчи назарий асослар мавжуд. Ана шу асосларга таянган ҳолда қуйидаги масалаларга ойдинлик киритиш талаб этилади:

- ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, адабий тайёргарлиги, ДТС талабларига мос ва муносиб бўлган асарларни танлаш;

¹ Волков Ф.И. Литература как вид художественного творчества. – Москва: Просвещение, 1985. – 128 с.

² Щербина В.Р. Проблемы литературного образования в средней школе: Пособие для учителя. - Изд. 2-е, перераб. - Москва: Просвещение, 1982. – 52-53 с.

- ўзбек тили машғулотларида талабаларнинг истаклари, адабий материалларни ўрганиш имкониятларини аниқлаш;
- ҳажман кичик парча устида олиб бориладиган ишлар кўламини ажратиб, чегарараб олиш.

XX аср ўзбек адабиётининг нодир намуналари орасидан русийзабон ўқувчилар учун мўлжаллаб асар танлашда юқорида санаб кўрсатилган талаблардан ташқари ана шу давр адабиётига нисбатан адабиётшунослик ва танқидчиликдаги мавжуд қарашлар назарда тутилмоғи лозим. Бу борада У.Норматов, Б.Назаров, Н.Каримов, Б.Саримсоқов, Б.Тўхлиев, Б.Каримов, А.Расулов, Д.Қуронов, У.Ҳамдамовларнинг яратган асарлари, тадқиқот ишлари муҳим йўналиш беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, русийзабон талабаларга ўзбек адабиёти намуналаридан парчалар танлаши ва улар устида олиб бориладиган ишларни белгилаб чиқиши машғулотлар самара-дорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Е.Абдувалитов таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун тузилган “Ўзбек тили” дастурини таҳдил қилас экан, куйидаги каби камчиликка эътиборни қаратади: “...ундаги адабий ўқиши учун тавсия этилган асарлар бадиий мукаммалигига кўра танланмай, балки мавзу талаби бўйича нутқ ўстириш мақсадига хизмат қилиши кўзда тутилган”¹. Дарҳақиқат, бугунги кунда дастурлар асосан мавзувийлик тамойлига амал қилиб, ўқув йилига мўжалланган материалларнинг тахминий, дарслар кўринишидаги режалаштиришига яқин шаклда яратилган. Бинобарин, бундай вазиятда адабий материал бирор мавзу таркибида (Масалан: I. Tanishuv va tarjimai hol. II. Mening qiziqishlarim va mashg’ulotlarim. III Sevimli gazetam /jurnalim/. IV. Tavsif va ta’rif. V. Men yoqtirgan narsalar. VI. Taqdir ajoyibotlari va dunyo sirlari. VII. Kasb/hunar/imni sharaflayman² берилиши керак.

Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-хунар колледжларида олиб борилган кузатишлардан маълумки, ўзбек адабиёти намуналари уч хил йўналишда ўрганилади: 1) ўзбек тили

¹ Абдувалитов Е.Б. Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг V-IX синфларида ўзбек адабиётини тил таркибида ўқитиши асослари. Пед. фан. номз. ... дисс. - Тошкент, 2002. – 19 б.

² Ўрга маҳсус, касб-хунар таълим мининг умумтаълим фанлари давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари. Тошкент: “Шарқ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001. – Б. 36-37.; Номи тилга олинган китоб, 168-184-бетлар.

машғулотларида дастурий талаблар (дарслар учун режалаштирилген мавзулар) доирасида; 2) мустақил ўқиши жараёнида; 3) машғулотлардан ташқари олиб бориладиган ишларда. Ана шу йұналишларда умумий ўрта таълим босқичида танишиладиган адабий материаллар билан ўрта маҳсус таълим босқичида ўқыладиган адабий материаллар ўргасида узвийлик таъминланиши кераклыги исбот талаб этмайдиган ҳолдир.

Академик лицей ва касб-хунар колледжларидаги ўзбек тили машғулотлари учун мұлжалланадиган адабий асарлар ва улардан олиниадиган парчаларга нисбатан бир қатор талаблар қўйилади. Асар танланаш уч нұқтаи назардан амалга оширилади: 1) танланадиган асарнинг мазмун хусусиятлари; 2) ўқув йили бўйича асарлар миқдори; 3) ажратиладиган парчалар ҳажми.

Танланадиган асарлар мазмуни талабаларнинг ўзбек халқини билдишларига ёрдам берипши ва айни пайтда ҳаётий тажрибаларини ҳам орттириши мақсадга мувофиқdir. Бу нарса улардаги ўзбекона турмуш тарзини билиш эҳтиёжи билан қувватланади. Равшанки, ўзбекларнинг ҳаёт тарзida бошқа миллат вакилларининг ҳаёт тарзидан фарқ қиласидиган жиҳатлар бор. Ана шу томонларини англаб етиш мулоқот маданиятини эгаллашда ва самимият, маънавиятимизга, қадриятларимизга ҳурмат кўрсатиш туйғуларини қалбига жо этишда муҳим ўрин тутади. Таниқли адабиётшунос О.Шарафиддинов таъкидлаганидай: «Замондошимиз образини яратадигандан терен ўйлардан ҳам, эҳтиросли завқлардан ҳам, енгил ҳазилдан ҳам, баъзан эса ҳасрат ва мунгдан ҳам фойдаланиш керак»¹. Бу фикрлар фақат асар яратиш учун эмас, уни ўрганиш жараёни учун ҳам муҳимдир.

Е.Абдувалитовнинг таъкидлашича, “Турли олди-қочди, ишқий-саргузашт китобларга кенг йўл очиб қўйилган ҳозирги шароитда дуч келган асарни мутолаа қилиш зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмаганидек, миллий истиқлол ғоясини сингдиришга, руҳан ва маънан баркамол инсонни тарбиялашга хизмат қилувчи асарларни мутолаа қилиш имкониятини бой беришнинг ўрнини ҳам ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди”².

¹ Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. Адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: 1979. - 189 б.

² Абдувалитов Е.Б. Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг V-IX синфларида ўзбек адабиётини тил таркибида ўқитиш асослари. Пед. фан. номз. ... дисс. - Тошкент., 2002. – 28 б.

Ўқитувчи шуни қоида қилиб олиши керакки, русийзабон талаба ўзбек тили машғулотларида ўзи ўрганадиган бадий асарлардан ўзбек халқининг ҳаёти ва урф-одатлари, удумлари ҳақидаги маълумотларни кутади. Бу ерда турли миллат кишилари орасидаги муносабатлар (ҳаёт мактаби) билан танишиш зарурати ҳам бор, албаттга.

Р.В.Глинтершчик айтганидек, “адабий асардаги чек-чеки йўқоялар, масалалар, образлардан синфда ўқувчилар олдига қўйиш зарур бўлган муаммоларнинг нисбатан тор доирасини ажратиш”¹ масаласи таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллажларининг ўзбек тили машғулотлари имконияти нуқтаи назаридан ниҳоятда долзарб саналади. Олимнинг фикридан шуни англаш мумкинки, таълим мазмуни учун асардан кўра кўпроқ унда акс этган ҳаётий масалани танлаш муҳимроқдир. Лекин Р.В.Глинтершчик тавсия этган бу йўл сира ҳам ягона бўлиши мумкин эмас. Асар асосан ўзбек халқини англаш учун хизмат қиласидан бўлиши, шу билан бирга баъзан русийзабон талабаларнинг турмуш тажрибасини ҳам ортиришга ёрдам бериши керак. Шунинг учун танланадиган асарларнинг ўзбек халқи билан боғлиқ воқелик ҳақида билим бериши ҳам талаб этилади. Ўзбек халқининг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, удумлари – булар тўқима эмас. Бадий асарнинг ўқув-билиув қиймати ҳам шунда. Асарга баҳо берганда, у ҳаётнинг қайси муаммоларидан сабоқ бера олади, русийзабон талабага миллийликдан нималарни ўргата олади, деган савол бериш керак.

Зеро, “айrim китоблар борки, бадий жиҳатдан у қадар юқори саналмас, лекин ўқувчининг тақдири ва ахлоқий қиёфасини шакллантиришда муҳим роль ўйнаши мумкин”, деган фикрлар ҳам бор².

Академик лицей ва касб-ҳунар коллажлари учун танланадиган асарлар умумий ўрта таълим босқичида ўрганилаётган асарлар билан узвийликка эга бўлиши керак. Таълимнинг ушбу босқичи учун яратилган «Ўзбек тили» дастурларида мавзувий узвийликни таъминлашга ҳаракат қилинган (айни бир мавзунинг такрор кири-

¹ Глинтерщик Р.В. Ученик и учитель на уроке литературы (К проблеме психологического обоснования методики преподавания литературы) // Восприятие учащимися литературного произведения и методика школьного анализа: Пособие для учителей. Под ред. Проф. А.М.Докусова. - Москва: Просвещение, 1974. - С. 10-11.

² Ильин Е.Н. “Минувших дней итоги...”. Педагогический перекресток: школа, дети, общество. – Ленинград: Лениздат, 1991. – 26 с.

тилиши йўли билан тадрижий такомилга эришиш кўзда тутилган). Адабий материалларни танлашда мавзувий яқинлик йўлидан бориши мумкин.

Ўқишилар бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг V-IX синфлари учун ўзбек тили ўқув фанидан яратилган амадаги дастурга¹ қараб ҳукм чиқариладиган бўлса, айтиш лозимки, 7-9-синфларда адабий-тарихий давр шарҳлари ҳам, таржимаи ҳолларга оид маълумотлар ҳам, адабий-назарий тушунчалар ҳақидаги маълумотлар ҳам кўзда тутилмаган. Биз буни камчилик деб айта олмаймизки, дастлаб ушбу масаланинг ўзини илмий жиҳатдан асосслаб ўрганиб чиқиши лозим. Жуда бўлмаганда, рус адабиёти дарсларида ўрганилган маълумотларни эсга тушариши режалаштириш мумкин.

Умумий ўрта таълимдан кейин ўқувчиларнинг бир қисми академик лицей ва касб-хунар коллежларига бориб ўқишини давом эттиrsa, яна бир қисми 10-синфга боради. Айтмоқчимизки, ўрта маҳсус таълим даври учун адабий таълим мазмунини белгилаш ўтмиш тажрибасига эга деб ҳисоблаш мумкин: бу босқичда таълим олувчиларнинг ёш хусусиятларига кўра 10-11-синф ўзбек тили дарсларида кўлланган таълим мазмунига мурожаат этиш тўғри бўлади. Бу синфлар дарсларидан, масалан, дастур талабига мувофиқ А.Қаҳҳорнинг “Кўк конверт” ҳикояси алоҳида қизиқиши билан ўрганиб келингган².

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари талabalari ёш жиҳатдан кечки (сменали) мактаблар ўқувчилари билан тенг келгани учун ана шу ўқувчилар учун ўзбек тилидан яратилган дастур ва дарсларда берилган адабий материалларга кўз ташлаш ўринли деб ҳисобладик. Ўзбек адабиётiga доир материаллар мазмунини белгилашда таълим рус тилида олиб бориладиган кечки (сменали) мактабларнинг X-XII синфлари учун 1991 йили нашр қилинган “Ўзбек тили ва адабиёти” дастури ўзига хос олға кўйилган қадамдир. Бу дастурда адабий материалларга катта эътибор қаратилган. 10-12-синфларнинг ўқув соатлари имкон беришига кўра унда энг қадимги ёдгорликлардан

¹ Умумий ўрта таълим ўқув дастури. Ўзбек тили (Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун): Муаллифлар: Р.Толипова ва бошқалар. “Таълим тараққиёти” ахборотномаси: 1-маҳсус сон. - Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 1999. - Б. 262-302.

² Азларов Э., Раҳимов А., Асалов Х., Холиқбердиев К. Ўзбек тили: Рус мактабларининг 9- ва 10-синфлари учун дарслар. - Т.: Ўқитувчи, 1993. 18- бет.

бошлаб замонавий адабиётга қадар хронологик изчилликда давр шарҳлари, таржимаи ҳоллар, адабий асарлар тавсия этилган. Албатта, бундай таълим мазмунида русийзабон ўқувчиларнинг имкониятлари ҳисобга олинмаган. Адабий материаллар сонига кўра ҳам, ҳажмига кўра ҳам ҳаддан ташқари кўп тавсия қилинган.

Ушбу дастур асосида X-XII синфлар “Ўзбек тили ва адабиёти” дарслиги яратилган ва 1995 йили нашр қилинган. Унда давр шарҳлари, ёзувчи ва шоирларнинг таржимаи ҳоллари ўрганиладиган асарлар билан кўпинча боғланмаган. Умуман, дарслик адабиёт ўқитиш сари қўйилган дастлабки тажриба, илк қадамлар сифатида тадқиқ этилиши мумкин.

Ўқитувчи “Ўзбек тили ва адабиёти” дарслигига берилган, амалиётда синалган адабий материаллардан бир қадар фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Миллий маънавият, миллий қадрияллар, миллий истиқбол мағкураси, ниҳоят, мактабда буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг асарларини ўрганиш таълим бошқа тилларда олиб бориладиган синф (гурӯҳ)лар учун тайёрланган дастур ва дарсликларни қайта ишлаб чиқиши, янгиларини шу нуқтаи назардан яратишни тақозо этади. Шунга кўра ҳам русийзабон ўқувчилар ҳикоядан йирикроқ адабий материалларни ўрганиш орқали ўзбек миллий характеристерини, унинг шаклланишидаги тарихий ҳусусиятларни билиб олишлари, изланишларидаги миллий ва умуминсоний мазмунни, бу изланишлардаги анъана ва динамикани англаб етишлари даркор.

Мактаблар, туман ва шаҳар миқёсида ўтказилаётган олимпиадалар, шеърхонлик кечалари шундан далолат берадики, Алишер Навоий асарларини ўрганиш алоҳида йўналиш касб этганлиги ғазалхон, билимдон ўқувчиларнинг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳатто бир русийзабон ўқувчининг 20 дан ортиқ ғазални қироат билан ёддан айтиб меҳмонларни кутиб олганлиги ундаги қизиқишининг нечоғлик катта эканлигини кўрсатади. Шу муносабат билан айтишимиз ўринли бўлар: буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини русийзабон ўқувчи(талаба)ларга ўргатиш маҳсус тадқиқот олиб боришини тақозо этадиган долзарб муаммодир. Диссертация ишининг бир фаслида ушбу йирик ва ҳал этилиши ўта муҳим муаммони ҳал этишининг иложи йўқ.

Умумий ўрта таълим мактабини битирган русийзабон ўқувчилар академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўзбек адабиётидан маълум даражадаги тайёргарлик билан келадилар. Бу тайёргарлик

8-9-синф “Ўзбек тили” дарслклариға XX аср ўзбек адабиёти ҳақида умумий тасаввур пайдо этувчи материалларнинг етарлича кири-тилгани билан тавсифланади. Бундан ташқари, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда дарсдан ташқари тадбирлар (ўзбек ёзувчи ва шоирларининг таваллуд кунлари, улар билан ўтказиладиган учрашувлар, китобхонлик анжуманлари ва б.) орқали тасаввурлари янада кенгайтирилади. Шундай бўлгач, академик лицей ва касб-ҳунар коллекларида олиб бориладиган машғулотлар ва машғулотлардан ташқари тадбирларда бу ишлар давом эттирилиши табиий.

Асардан таҳлил бўйича ишларни ўтказиш учун парча (фрагмент) танлаш юзасидан “Совершенствование преподавания литературы в школе” қўлланмасининг Э.А.Красновский қаламига мансуб қисмида уч хил талаб қўйилган:

“Биринчидан, парчалар асарнинг ғоявий-бадиий ўзига хослигини тўлароқ акс эттириши, характерли, асар учун “ваколатли” ва айни пайтда унга сингдирилган ғоя ўқувчиларга … етарлича тушунарли бўлмори лозим…

Иккинчидан, тарбия вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда таҳлил учун тавсия қилинаётган саҳна ва эпизодлар ўқувчиларни муаллиф билан бирга ғоявий-бадиий, фалсафий ечимларини қидиришга, муаммоларни очиб берган ҳолда уларни ўз шахсий позициясини танлаш ва англашга мажбур қилиши муҳимдир. Бунга эса матннинг очиқ муаммолилиги, мазмунининг зиддиятилиги ёрдам беради…

Ниҳоят, таҳлил қилиш учун асардан парча танлашга қўйилган кейинги энг муҳим талаб – ўқувчи фаолиятидаги мустақиллик ва, бинобарин, унга таклиф этиладиган матннаги янгиликни ҳисобга олиш” дан¹ иборатdir.

Ҳар бир янги матннинг янгилиги нисбий бўлиб, олдинги билим ва малакаларни қўллаш учун янги ўқув-билув вазиятини яратади. Бунинг учун қанчалик таниш эканлигини аниқлаб олиш лозим. Ҳатто аввалги дарсда ўқилган матнни ўқиш ва таҳлил қилишга берганда, қилинган таҳлилларни умумлаптириш, бирлаштириш мумкин. Ғоявий маъно-мазмунни шакл билан солиштириш мумкин. Адабиёт фани шундай имкониятга эга. Бунга идрокнинг шахсий тавсифга эга эканлиги, китобхоннинг индивидуаллиги имкон беради. Ўқув-

¹ Красновский Э.А. Руководство учебной деятельности школьников на уроках литературы // Совершенствование преподавания литературы в школе. – М.: Просвещение, 1986. – С. 116-117.

чиларга парча олиб ўрганилган асардан бошқа парча танлаб ўқишига бериш мумкин. Бунда эгалланган малакалар ва ғоявий талқин методларини күллаган ҳолда мустақил ишлаш кўзда тутилиши мумкин. Бу ўринда билим ва малакалардан фойдаланиш янада ижодий характерда бўлади. Ниҳоят, ўкувчиларга янги асардан олинган, лекин ўз ғоявий-мавзувий асоси, пафоси, услугубий хусусиятлари ўргангандарига яқин парча тавсия этилиши мумкин. Бу ҳолатда ўкувчилар матнни мустақил ўқиганда уни таҳлил қилиш ва ғоявий-бадиий мазмунига баҳо бериш малакасини янада пухта эгаллаб борадилар.

Таълим мазмунидаги қўйидагиларни ҳам назарда тутиш лозим бўлади:

1. Дарсдан ташқари ўқиладиган асарлар, бериладиган адабий-назарий маълумотлар.
2. Ўзбек тили дарсларининг айрим босқич иш турлари (эшитиш машқлари, диктант, баён) билан боғлаб таништириладиган адабий материаллар.
3. Дарсдан ташқари тадбирлар орқали танишиладиган адабий материаллар (ёзувчи ёки шоирнинг таржимаи ҳоли, ижодий фаолияти, айрим асарлари, шарҳли ваъзлар).

Эшитиш машқи бирор асардан олинган парча, ёзувчининг таржимаи ҳоли, ижодий фаолияти билан қисқа тарзда таништиришнинг кулай шаклларидан биридир. Ҳар учинчи ёки тўртинчи дарс бошида ёки ўртасида ўтказиладиган эшитиш машқлари учун (йил бўйи бу машқлар анҷагина бўлади) танланадиган материал шу синифда ўқув йили мобайнида ўрганиладиган адабий материаллар билан уйғун келгани маъқул. Шунда улар тизимли равишда бойитилиши мумкин.

Масалан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фурқат, Муқимий, Завқий, Ҷўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Саида Зуннунова ва бошқа ёзувчи ҳамда шоирларнинг таржимаи ҳолларидан лавҳалар, ижодий фаолиятидан бирор воқеа, айрим асарларининг яратилиши билан боғлиқ ҳодиса, жараён ва бошқалар олиниши мумкин.

Диктантлар учун бадиий-тасвирий воситалари (ўхшатиш, сифатлаш ва бошқалар) бўлган кичик-кичик парчалар ёки айрим-айрим гаплар олиниши мақсаддага мувофиқдир.

Хулоса ўринда шуни таъкидлаш жоизки, асар мазмуни ҳақида гапирганда “тушуниш” эмас, адабий материалларга хос равишида

“идрок этиш” тушунчасини қўллаш; ўқувчиларнинг бадий асардан олинган парчани ўқув матни деб қабул қиласликларига эришиш; бадий матнда тасвирланган воқеа-ҳодисалар реал борлиқнинг нусхаси бўлмаганлигини назарда тутиб, ўқувчиларни унинг мазмунини ўзлаштиришга, тўқима гапларни эслаб қолишга унда маслик; бадий асарни ўрганишда уни идрок этиш жараёни билан боғлиқ изчиликка амал қилиш; асар қаҳрамонларини тушуниш йўлида шахснинг ахлоқий, интеллектуал фазилатларини англаш, аниқлаш, фарқлаш, мос сўз топиб аташ устида иш олиб борилади.

Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллекцияларининг “Ўзбек тили” дастурига адабий материаллар мундарижасини киритиш даркор.

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ХУНАР
КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ РУС ГУРУҲЛАРИДА
ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ АДАБИЙ МАТЕРИАЛЛАРНИ
ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ**

**2.1. Узлуксиз таълим тизимида адабий
материалларни ўрганишга доир ёндашувлар,
принциплар ва асосий йўналишлар**

Бадиий асарларни ўқувчи (талаба)ларнинг идрок этиш муаммолари бўйича ўtkазилган назарий таҳлил ҳамда ёшларнинг қайта яратувчилик тасаввурларини ривожлантириш шарт-шароитларини аниқлаш натижасида бир қатор муҳим методик хуносалар чиқардик, идрок билан боғлиқ психологик асосларни аниқлаб олдик. Адабий материал устида олиб борилаётган ишларнинг бугунги ҳолатига ана шу психологик асослар нуқтаи назаридан ёндашиб баҳо бердик. Энди адабиёт ўқитиш методикасида бадиий асарларни ўрганишга доир қандай ёндашув ва принциплар борлигини кўриб чиқамиз. Ушбу ёндашув ва принциплар узлуксиз таълим тизимида умуман, таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-хунар коллажларида хусусан адабий материалларни ўрганиш мазмунни ва методларини ишлаб чиқиш учун йўналиш сифатида ажратилиши лозим.

Узлуксиз адабий таълимнинг бугунги ҳолатини ўрганишдан чиқарилган хуносалардан кўриниб турибдики, ўзбек тили дарс (машғулот)лари таркибида бадиий асарлар ёки улардан олинган парчалар устида қандай ишлаш кераклиги ҳақида ўқитувчилар ҳам, русийзабон ўқувчилар ҳам аниқ тасаввурга, шунингдек, дастурий кўрсатмаларга эга эмаслар. Шундай бўлгач, таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллажларида ўзбек адабиётини ўқитиш мақсади, вазифалари, методикасига йўналиш бера оладиган ёндашув ва принципларни ажратиши зарурити туғилди.

Ўқув фанини ўқитишида кўзда тутилиши лозим бўлган принциплардан бири асосий мақсадни белгилаш ва уни деталлаштириш принципидир. Ўзбек тили дарс (машгулот)ларида ўқув матнлари икки хил мақсад учун хизмат қиласди: 1) ўқувчи (талаба)ларни ўқишига, яъни ўзбек тилидаги матнни ўқиб ундан ахборот олишга ўргатиш; 2) нутқ ўстириш. Ўзбек тили ўқитувчиси бадиий матнни русийзабон ўқувчи (талаба)га ўқитиб, мазмунини ўзлаштириш юзасидан-гина иш олиб борар экан, бунда у матндан ахборотни қўлга киритиши матн устида ишлашнинг асосий мақсадига айлантиради. Адабий материал шунчаки ўқув матни эмас. Шунинг учун ҳам ўқишига (матнни тўғри, мазмунини тушуниб ўқишига) ўргатиш мақсадининг ўзи адабий асарни ўқиб-ўрганишнинг асосий мақсади бўла олмайди. Бугунги кунда ўқитувчи кўзлаган мақсад билан бадиий матндан кўзда тутилган мақсад ўртасида ўзаро уйғунлик мавжуд дея олмаймиз. Шунга кўра ҳам ўқув матни билан бадиий матнни фарқлаб ўқиб-ўрганиш принципига амал қилиш ана шу уйғунликни юзага келтириш омили бўла олади.

Методист олима М.С.Тесемницина илмийлик, таълимни ҳаёт билан боғлап, мунтазамлилік, изчиллик, савияга мослик, ўқишига ижобий муносабатни рағбатлантириш, ўқувчидаги онглилик, фаоллик ва мустақиллик, бутун синф, гуруҳ билан олиб бориладиган ва якка тартибдаги иш шаклларини оптималь бирлаштириш каби принципларни изоҳлайди¹.

Буларнинг ёнида умумдидактик талабларнинг ҳам мавжудлигини эслаш керак бўлади. Уларга ўргатувчи, тарбияловчи ва ривожлантирувчи таълим бирлигини амалга ошириш, ўқувчиларнинг фикрлаш ва ижодий фаоллигини рағбатлантириш, адабий таълимга ёрдам бериш, ўқувчиларнинг эстетик ва эмоционал ривожланишига кўмаклашиш ва бошқа (Ф.И.Коровкин, Е.В.Квитковский, В.Н.Федорова, Т.И.Шамова ва б.) талабларни киритиш мумкин. Алоҳида, кўшимча талабларга эса иккала (ўз ва ўрганилаётган) адабиёт курсларининг ўзаро боғланишини амалга ошириш; адабиётларнинг ўзаро таъсирини очиб берадиган материалларни жалб этиш; ўқувчиларнинг нутқини ўстиришга диққатни чуқурроқ қаратиш; дарсликда лугат ишига доир мақсад сари йўналтирилган тизимнинг мавжудлиги (фаол

¹ Уроки русского языка и литературы в национальной школе: Раздел I. Современные требования к уроку: М.С.Тесемницина. Под ред. З.С.Смелковой. – Л: Просвещение. Ленинградское отделение, 1986. – 14-20 с.

ўзлаштиришга қаратилган лексикани минимумлаштириш, фаол ва пассив ўзлаштириш учун мұлжалланған сұзларни киритишни фарқлаш, лексик топшириклар) ва б. мансуб бўлади¹.

Таълим ва тарбия бирлиги принципига кўра “Ўзбек адабиёти” давлат таълим стандартига² белгиланған мақсад – “маънавий дүнёси бой, ўзбек халқининг ахлоқий қадриятларини биладиган, шу боис, ўзбекларни чуқурроқ англайдиган қалби уйғоқ ўзбекистонликни тарбиялаш” – асосий мақсад эмас, балки таълим ва тарбия билан боғлиқ икки асосий мақсаднинг бири, лекин адабий таълимдан кейингиси саналади. Адабий матнни тўғри ўқий олмаган, образли ифодаларни тушунмаган ўқувчининг ундан тарбия тоғиши кутилганидек бўлмаслиги аниқ. Лекин адабий материални ўқиб ўрганишдан кўзланадиган асосий мақсад таълим ва тарбиядир. Адабий таълимни тарбиядан ажратиб бўлмайди.

Методик адабиётларда белгиланишига кўра, муайян қонуниятлар, принципларнинг ўзига хос иерархияси мавжуд. Булар:

1. Умумпедагогик принциплар.
 2. Умумметодик қонуният ва принциплар.
 3. Хусусий методика талаблари.
 4. Аниқ (алоҳида олинган) соҳага йўналтирилган принциплар.
- Умумпедагогик принципларга таълим билан тарбиянинг ўзаро алоқаси, тарбияга комплекс ёндашув, ўқув фани учун умумий ҳамда ўзига хос бўлган мақсадларни аниқлаш ва бошқалар мансуб бўлади.

Умумметодик қонуниятлар ва принциплар сифатида эса адабиёт ўқитишининг аниқ мақсадларини белгилаб олиш, таълимнинг турили босқичларида адабий асарни таҳдил қилиш принциплари, адабий машғулотни ташкил этиш ва бадиий асарни таҳдил қилишга оид методлар тизими ва шу кабиларни кўрсатиш мумкин.

Хусусий методик қонуниятлар ва принципларга эса алоҳида олинган бир ижодкор ёки унинг асарини, айрим жанрларни, ёзувчи

¹ Ганженко М. Б. Проблема оптимизации методического аппарата учебника русской литературы для нац. школы. Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Москва, 1981. - 11 с.

² Давлат таълим стандартига шарҳ. Ўзбек адабиёти (Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун): “Таълим тараққиёти” ахборотномаси: 1-максус сон. - Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 1999. -Б. 158.

биографиясини ўрганишдаги ўзига хосликлар, курснинг йирик бўлимлари бўйича машғулотларнинг қурилиш хусусиятлари ва бошқалар киритилиши мумкин.

Алоҳида олинган бир ижодкорнинг таржимаи ҳолини ўрганиш, унинг битта аниқ асарни таҳлил қилиш, унга доир адабий машғулотни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ишлар конкрет методик принципларни ташкил этади¹.

Адабий материал устида олиб бориладиган ишларнинг асосий йўналиши таълим ва тарбия бирлигига таянишни талаб қиласди. Аслида яхши бадиий асар (ёки бадиий матн)нинг ўзиёқ таълим беришдан ташқари, катта тарбиявий кучга ҳам эга бўлади. Бадиий асарни ўқиш жараёнида талабаларнинг маърифий билими кенгаяди, нутқи ўсади, эстетик завқланиш юзага келади, бадиий дид ривож топади. Бунинг устига матннадаги тасвир объектига нисбатан унинг шахсий-эмоционал муносабати ҳам юзага чиқади.

Ўзбек тили машғулотларида адабий материалларни ўрганишнинг ҳар бир босқичидан кўзланадиган мақсадлар ҳам мавжуд. Булар сирасига русийзабон талабаларни бадиий матнни тўлиқ ва чуқур тушунганд ҳолда идрок этишга тайёрлаш, мўъжаз парча асосида уларда эстетик завқ уйғотиши, ёшларни адабий матнни ифодали ўқишга ўргатиш, асарнинг таълимий ва тарбиявий таъсирини ошириш ниятида уни таҳлил қилиш ва бошқалар киради.

Баъзи хусусий мақсадлар адабий материалларни танлашга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Масалан, ифодали ўқиш хусусий мақсад саналади. Лекин адабий материал танлашда унинг ифодалилик жиҳати таълим мазмунини белгилашга йўналтирувчи тус беради.

Табиийки, хусусий мақсадларни амалга ошириш зарурияти таълимнинг тегишили усусларини танлашни ҳам тақозо этади.

Асарнинг таълим-тарбиявий жиҳати инсонларнинг ўтмиш тажрибаси, ҳаёт тажрибасини бугунги кун мавқеидан туриб англаш ва хulosалар чиқаришда намоён бўлади. Шунга кўра ҳам бадиий асарга тарихийлик принципи нуқтай назаридан ҳам муносабатда бўлиш талаб этилади.

“Бадиий асарларнинг мазмунини ҳисобга олмасдан бир томонлама иллюстратив талқинлар тарафдорлари одатда тарихийлик прин-

¹ Бу ҳақда қаранг: Браже Т.Г. Проблемы изучения русской литературы в IX классе вечерней школы: Книга для учителя. – М.: Просвещение, 1986. – 8 с.

цилига амал қилиш зарурлигига ишора қилишади. Лекин тарихий-лик принципи, маълумки, у ёки бу асарни дунёга келтирган аниқ, тарихий реалияларни ёритишдан ташқари, унинг мазмунига, шунингдек, жамиятнинг тараққиётидаги асар ўйнаган объектив ролига бўлган қарашларнинг кенглигини ҳам кўзда тулади. Буларсиз тарихийлик тушунчаси соддалаштирилган маъни касб этади. Айниқса, санъат ҳодисаларига татбиқан тарихийлик уларнинг ўзига хос синтезловчи, умумлаштирувчи аҳамиятини синчиклаб ҳисобга олишни зарур қилиб қўяди”¹.

Адабий асарнинг айни умумлаштирувчилик аҳамияти ўз давридан кейин ҳам яшаш, барҳаёт қолип, бошқа даврлар, бошқа авлодларнинг ҳаракатдаги мулкига айланиш, улар маънавий ҳаётининг бир қисми бўлиб қолиш, ўтмиш тажрибасини замона билан боғлаш имконини беради.

Таълим тизимида жорий этилаётган коммуникатив ёндашув, инсонпарварларлаштириш, узлуксизлик ва узвийлик каби принциплар адабий материалларни ўрганишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айни пайтда қуйидаги принципларни кўзда тутишнинг ҳам ўз ўрни бор:

Ўқувчиларнинг рус адабиёти дарсларида олган билим, кўнишка ва малакаларига таяниш принципи. Ушбу принципларни амал қилишнинг аҳамияти шундаки, ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг адабиёт назариясига доир рус адабиёти дарсларида олган билимларни такорор ўрганишнинг олди олинади, шу билимларга таяниш зарурлиги асосланади.

Ёш хусусиятларини ҳисобга олиш принципи академик лицей ва касб-хунар колледжи талабаларининг мустақиллиги билан умумтаълим мактаби ўқувчиларининг мустақиллиги ўртасидаги фарқли жиҳатларни ҳисобга олишда намоён бўлади.

Узлуксиз адабий таълим тизимида бадиий асарларни ўрганиш тажрибаларининг ўзбек тилини ўрганишдаги муваффақиятларга боғлиқлиги принципи. Айниқса, лугат минимумида адабий мавзуларда муаммоли суҳбатларда ишлатиш учун имкон берадиган лексик материаллар кўзда тутилиши лозим.

¹ Щербина В.Р. Проблемы литературного образования в средней школе: Пособие для учителя. - Изд. 2-е, перераб. - Москва: Просвещение, 1982. -С. 41.

Бадиий асарлар тили сўзлашув нутқидан кескин фарқ қиласди. Ўзбек тили лугат минимумида фаол ўзлаштириладиган сўзларгина қамраб олинган. Лекин бугунги кунда амалдаги “Ўзбек тили” дарсликлари га киритилган сўзларни танлаш учун хизмат қилиши керак бўлган лугат минимуми ҳам йўқ. Дарсликлардаги сўзлар мавзувийлик талаби, матнларда учраганилигига қараб ҳавола қилинган, оқибатда улар муайян тартиб ва изчилликда эмас, балки аралаш-куралаш жойлашган.

Илмий мақола типидаги матнларда ишлатиладиган сўзлар кўпроқ илмий услугга хос бўлиб, улар жонли сўзлашув нутқидан йироқ. Бадиий асарларнинг таркибидағи диалоглар айни сўзлашув нутқини ифода этади.

Бадиий асар мазмуни икки даражада қабул қилинади: фактик (мантиқий) мазмун даражасида, эмоционал-бадиий идрок қилиш даражасида. Эмоционал-бадиий идрок даражасига кўтарилиш учун асарнинг бадиий матнига кириб бориш керак. Таҳлилни ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтиришгагина қаратилмасдан, айни пайтда уларнинг бадиий-эстетик ҳодисалар мөҳиятини идрок этишларига ҳам ёрдам бериши керак.

Ўқув фани сифатида адабий машғулотларда аниқлик принципи таъминланиши керак. Аниқлик қўйидагиларда намоён бўлади:

- 1) қўйилган мақсад ва вазифаларнинг аниқлигига;
- 2) ўқув предметининг кимга (ўз она тилида ўрганаётган ёки иккичи тил эгаси сифатида ўрганилаётган) мўлжалланганлигининг муайянлашганилигига;
- 3) педагогик жиҳатдан аниқ мақсадни кўзда тутишида намоён бўлади.

Мактабнинг эҳтиёжи билан конкрет олинган бир асар имкониятларининг ҳам ҳар доим уйғун келавермаслигини тан олишга тўғри келади. Шу ерда дастур билан адабий материал ўртасидаги зиддијатлар мавжудлигини ҳам эслатиш ўринли кўринади.

Ўқувчилардаги билим ва малакалар базаси ҳар хил мактабларда, ҳатто, бир мактабдаги турли синфларда ҳар хил бўлиши амалиётда кўп учрайдиган ҳодиса. Шунга кўра, уларнинг бирида мавжуд талабларни пасайтириш, бошқасида эса кучайтиришга тўғри келади.

Ниҳоят, ўзбек тили дарсларида адабий материалларни ўрганишида узлуксизлик ва узвийлик таъминланиши мухим аҳамият касб этади. Дарслар оралиғидаги узилишлар, синфлар бўйича узилишлар уларни мутолаа қилиш юзасидан ҳосил қилинаётган малакаларни

бир маромда юксалтириб боришига салбий таъсир кўрсатади. Узлуксиз таълим тизимида адабий материалларни ўрганишда юқорида баён этилган ёндашув ва принципларга амал қилиш орқали ўқитиш соҳасида мавжуд зиддиятларни бартараф қилиш мумкин бўлади. Бу зиддиятлар бизнинг назаримизда қуйидагиларда намоён бўлади:

1) Бадиий асарни тўлиқ ва чукур идрок этиш билан луғат иши яхши йўлга қўйилмаганлиги;

2) Таҳлилни амалга ошириш жараёни ва нутқ ўстиришнинг талаб даражасида эмаслиги.

Умуман олганда, русийзабон мактаблардаги ўзбек тили дарслари асосида адабий материалларни ўрганишнинг ҳозирги ҳолати таълимнинг турли босқичлари учун ягона талаблар тизимининг мавжуд эмаслигни кўрсатади. Биз таклиф этаётган шакл ва усуллар эса мана шу нуқсонларни бартараф этишига амалий жиҳатдан ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

2.2. Узлуксиз таълим тизими босқичларидаги ўзбек тили дарсларида адабий материалларни ўрганиш методлари

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўзбек тили дарсларида бадиий матн устидаги ишларни ташкил этиш ва амалга оширишда эришиладиган самарадорлик таълим методларини тўғри танланашга бевосита боғлиқdir. Турли-туман методлар орасидан энг моси ва хосини ажратиш, бунда янги педагогик технологияни ҳам назардан қочирмаслик керак. Лекин амалиётда айни шу юмушлар муайян қийинчилклар туғдиради. Шунинг учун ҳам адабиёт ўқитиш методикасида методлар тадқиқига алоҳида эътибор берилади.

Н.И.Кудряшов, Р.Р.Майман, Е.Н.Ильин, М.Г.Качурин, М.А.Зальдинер, Л.В.Тодоров, К.Т.Голенкиналар юқори сининфларда рус адабиётини ўқитиш методларини ёритганлар. Ўзбек адабиётини ўқитиш методикасида бадиий асарларни ўрганиш шакл, восита ва методлари атрофлича кенг ва чукур ёритилган. Бу бойликни яратишда А.Зунуннов, С.Исматов, Т.Бобоев, Қ. Йўлдошев М.Мирқосимова, С.Матчонов, Ф.Бадриев, А.Тожиев, Қ.Хусанбоева ва бошқа методист олим-

ларнинг хизматлари катта. Адабиёт ўқитишни давр талаблари даражасига кўтариш ишига У.Норматов, Н.Каримов, А.Каттабеков, Б.Тўхлиев, О.Мадаев, В.Қодиров сингари олимларнинг қўшган ҳиссалари ҳам катта.

Лекин ўзбек тилидаги бадиий асарларни (тўғрироғи, улардан олинадиган саноқли, бор-йўғи бир неча бетлик парчаларни) русийзабон ўқувчи (талаба)ларга ўқитишда бу хазинани билган ҳолда ундан зарурларини, ўқитувчи ўз тажрибасида кўллай оладиган, ўқувчи кўтара оладиганларини ажратишиб, ўзига яраша янгича бир тизим ҳолига келтириб фойдаланиши биз амалга оширадиган тадқиқотнинг муҳим жиҳатларидан бири саналади. Зоро, ўқитувчи мудом методларни нотўғри ташлаб дарс берса, ўқувчилар ё ана шу нотўғри ташланган методлар билан қуролланадилар, ёки бу методларни қабул қилмайдилар, натижада ўқишида малакасиз бўлиб қолаверадилар.

Н.И.Кудряшовнинг кўрсатишича, ҳар қандай “метод” объектив ва субъектив усуслар бирлигини ифода этади, чунки унда объектив воқелик ҳодисалари ва қонуниятлари билан шулар асосида инсон томонидан ишлаб чиқилган объектив оламни ўрганиши, тадқиқ этиши ва ўзгартиришиб усусларини билиш ўзаро бирлашади¹. Бошқача айтганда, таълим методлари ўқувчиларнинг таълим мазмунини ўзлаштиришларини таъминловчи ўқув-билув фаoliyatни ташкил этиши йўлида ўқитувчининг мақсад сари қаратилган амалий ҳаракатлари (амаллари) тизимини ифода этади. Таъкидлаш жоизки, бугун ўқувчилар таълим субъекти сифатида ўзининг ўқув-билув фаoliyatини уюштириш кўнималарини эгаллаб боришига кўпроқ йўналтирилмоқда.

Муаммоли таълим, изланиш, тадқиқот олиб бориш, ижодийлик характеристига эга бўлган методлар ўтган асрнинг 70-80-йилларида ёқ методист олимларнинг дикқат марказида турганлиги бежиз эмас. Бунда Н.И.Кудряшовнинг қарашлари алоҳида ўрин тутади. Булар қуйидагилар: 1. *Тушунтириши-иллюстратив метод*. 2. *Репродуктив метод*. 3. *Муаммоли баён*. 4. *Қисман изланувчан ёки эвристик метод*. 5. *Тадқиқот методи*². Ушбу методлар М.А.Зальдинер, Л.В.Тодоров, Ф.И.Губиналар томонидан ҳам маъқул топилган. Юқорида санаб кўрсатилган методлар назарий жиҳатдан аниқ, тушунарли, бир-бирини тўлдириб борадиган, айни пайтда содда ва

¹ Кудряшов Н.И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы: Пособие для учителя. - Москва: Просвещение, 1981. - 6 с.

² Кудряшов Н.И. Номи кўрсатилган китоб. 11-бет.

универсал деб эътироф этилган. Бизнингча ҳам, ушбу методлар орқали ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, ўзаро фаолликка (интерфаолликка) эришиш учун ҳам кенг имкониятлар очилади.

Юқоридаги методлар доирасида ишлаб чиқиладиган усуллар ўқувчиларнинг ўқув-билив ва амалий фаолиятини тақомиллаштириш, яхшилаш чора-тадбирларини айтарли кенг қамраб олиб, бир тизимни ташкил этади ва таълим-тарбия самарадорлигини ошириш учун хизмат қиласди. Шунингдек, ушбу метод ва усулларни кўллаш орқали ўқувчиларнинг ўз билимларини мустақил бойитиб бориш малакаларини эгаллашларига эрнисилади.

Н.И.Кудряшов методист олимларнинг талқинларидан келиб чиқсан ҳолда адабиёт ўқитишининг қўйидаги уч асосий методини тавсия этади. Улар:

1. Ижодий идрок этиши (*ижодий ўқиши*)—талқин қилиши (*изланиши, тадқиқ этиши*) методи.
2. Таҳлил этиши-талқин қилиши методи.
3. Синтезлаши (*биралаштириши*) методи¹.

Ижодий ўқиши методига “Адабиёт ўқитиши методикаси” китобида ҳам кенг ўрин ажратилган².

Бадиий асарни ўқишида илмий, публицистик, ўқув матнини ўқишидан фарқли ўлароқ сўзга, жумлагга, ритмга катта эътибор берилади. Бундай ўқиши ўқувчининг қайта яратиш фаолиятини, ижодий тасаввурини (хаёлотини) уйғотади, уни образли фикрлашга ундейди, ҳис-туйгуларини жонлантиради, жунбушга келтиради. Табиийки, асарлар жанри (эртак, ҳикоя, тошишмоқ, разал, масал...) га қараб ҳар хил ўқилади. Ижодий ўқишининг ўзига хослиги айни бадиий идрокни, бадиий кечинмаларни фаоллаштиришда, санъат воситалари ёрдамида бадиий мойиллликлар ва қобилияtlарни шакслантиришда яқдol кўринади.

Ижодий идрок этиши (ижодий ўқиши) методи адабиёт ўқитиши методикасида янгилик эмас. Ўзбек мактабларининг адабиёт дарсларида ўқитувчинини ифодали ўқишига, бадиий сўз усталаринини ўқишига, пьесалардан айрим саҳналарни актёрларнинг ўқишига (магнит ёзуви орқали, радио- ва телевизиттиришларда) тез-тез мурожаат этиб

¹ Ўша асар. 17-18-бетлар.

² Зуннунов А. ва б. Адабиёт ўқитиши методикаси: Педагогика олий ўкув юртлари ва адабиёт факультетлари талабалари учун кўлланма. – Тошкент: Ўқигувчи, 1992.

турилади. Янгилик жиҳати шундаки, Н.И.Кудряшов ҳам, “Адабиёт ўқитиши методикаси” муаллифлари ҳам бу метод таркибиға күйидаги иши усулларини киритадилар: ўқувчиларни ифодали ўқишига ўргатиш, ўқитувчининг бадий матнни шарҳлаб ўқиши (изоҳли ўқиши) ҳамда уларнинг асарни тўғри ва имкон қадар янада чуқурроқ, эмоционал идрок этициларини таъминлаш мақсадини кўзда тутувчи сўзи; ўқилган асардан ўқувчиларнинг бевосита олган таассуротларини чуқурлаштириш мақсадига эга бўлган ва уларнинг дикқатини унинг муҳим ғоявий ва бадий хусусиятлари сари йўналтирадиган суҳбат ёки бевосита ўқилган асардан келиб чиқадиган бирор – бадий, ахлоқий, ижтимоий-сийёсий – муаммо ќўйиш; асар ўрганилгандан кейин ўқувчиларнинг асарни тадқиқ этиш жараёнида тўйинган бадий кечинмаларини фаоллаштириш мақсадини кўзда тутувчи ўқитувчининг сўзи ёки суҳбат¹. Кўриниб турибдики, бадий матн устидаги барча иш турлари ижодий ўқиши методи остида ягона тизимга бирлаштирилган. Бугунги кунда айрим дидактлар бу каби ҳолатларни “дарсни ижодий ташкил этиш” биримаси орқали ҳам ифодаламоқдалар.

Лекин юқоридаги усуллар сирасида яна бир неча усулни ўз ичига қамраб олиши мумкин бўлгани ҳам бор. Бу асарни изоҳли ўқиши усулидир. Назаримизда, бадий матнни ўқиши босқичи биргина усул тариқасида ажратиласлиги керак. Бу ерда парчани ўқиши, сўз билан ёки иллюстратив расм чизиш, қаҳрамонларга тавсиф бериш, асар тили устидаги ишлаш кабилар алоҳида усуллар тизимини ташкил этиши мумкин.

Бугунги кунда дарсларда “Ўзбек тили” дарслкларига кирган, қўшиқ қилиб кўйланадиган шеърлар асосида яратилган видеокассеталардан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” қўшифи асосида шундай кассета тайёрланган. Шунингдек, дарсларга радиопостановкалар олиб кириш имкониятлари ҳам мавжуд. Булар ижодий ташкил этиладиган дарсларни яна ҳам бой ва сермазмун қиласи.

Бирор шоир лирикаси ўрганиладиган бўлса, эмоционал туйфуларга тўлиб тошиш, бадий кечинмалар бойлигига эришиш зарурити ижодий ўқиши методини қўллашга ундейди. Бунга шеърни

¹ Кудряшов Н.И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы: Пособие для учителя. - Москва: Просвещение, 1981. - 60 с.

Зуннунов А. ва б. Адабиёт ўқитиши методикаси: Педагогика олий ўқув юргулари ва адабиёт факультетлари талabalari учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 66-67- бетлар.

ўқитувчининг ўқиши, магнит ёзувларидан фойдаланиш, ўқитувчинаң ҳаяжонли кириш сўзи, суҳбати орқали эришилади. Булар бадиий идрокни рафбатлантиради.

Е.Н.Ильин адабий таълим мазмуни ва методларида, бир томондан, ўқувчи эҳтиёжларини, иккинчи томондан, таълимнинг долзарб муаммоларини қамраб олган ҳолда *маънавий контакт (яқинлик) методи* моҳиятини доира орқали бирлаштирилган кўйидаги чизмада кўзда тутивчи жиҳатлар тарзида акс эттиради¹:

Русийзабон ўқувчи ўзбек адабиёти намуналарини ўқир экан, ўзи учун маънавий-ахлоқий яқинлик топа билиши, шу яқинлик орқали асар қаҳрамонларини севиб қолиши, уларни тушуниши, дардларига шерик бўлиши, ўзи қалбига олиб кириши, ўз яқин кишиларига кўмак бериш ҳиссини туйиши кўзда тутилади.

Ичига олиб кўрсатилган унсурларни бирлаштирувчи д о р а марказидан таянч бош принцип – билимларни инсонпарварлаштириш принципи жой олган. Ушбу принцип танланадиган асарга ҳам, таълим оладиган ўқувчига ҳам бирдай тааллуқли. Асар тўғри танланмас экан, таълим жараёнини инсонпарварлаштириш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.



¹ Ильин Е.Н. “Минувших дней итоги...”. Педагогический перекресток: школа, дети, общество. – Л.: Лениздат, 1991. – 10-11 с.

Чизмадан аён бўлишича, билимларни инсонпарварлаштириш принципи асосан оқил ва доно инсонга, унинг қалбига қаратилади. Айниқса, компьютер ўйинлари ёш қалбларни дагаллаштираётган бугунги кунда комил инсонни тарбиялаш имконини берадиган адабий материаллар, таълим методларидан муҳим ва масъулиятли вазифаларни ҳал этиш воситаси бўла олиш кутилади.

Маънавий яқинлик методи кўллангандা, дарс санъат ҳодисаси сифатига эга бўла боради.

Методист олима М.Мирқосимова таъкидлаганидек, “...Ўқиш давомида ижодкор яратган тафаккур тарзи англанади, ўзлаштирилади, муҳокама қилинади, китобхон кўз ўнгидаги яратилган поэтик манзара ёки ҳолат ҳам ташқи, ҳам ички ҳаракатлар, туйғулар орқали идрок этилади, ҳис қилинади, Ўша таъсирчан манзарани яратишда шоир ё ёзувчи қўллаган тасвир воситаларига сиртдан аҳамият берилмайди, асосий эътибор ўқиш жараённида мазмунга, образнинг ички маъноларига жалб этилади”¹.

Г.И.Саранцевнинг кўрсатишича, бугунги кунда ўқув фанини ўқитиш методикаси зиммасида қатор вазифалар мавжуд. Булар: «методологик, башорат қилиш, изоҳлаш (тушунтириш), тасвирлаш, тизимга солиш, таълимий, эвристик, эстетик, амалий, меъёрий ва баҳолаш вазифалари»². Эвристик вазифа таълимнинг ижодий томонини очишга ёрдам беради. Тизимга солиш вазифаси таълим методлари ва усуллари орасидаги алоқалар, боғланишларни аниқлашда кўринади. Муаллифнинг фикрича, “Ўқувчини ривожлантириш – билимларини кўпайтириш эмас. Ривожланиш - ўқув билув руҳий жараёнларининг шаклланишидир”³. Шунга кўра ҳам, адабий материалларни ўрганишда, бир томондан, ижодий иш турларига, иккинчи томондан, талабаларнинг мустақил мутолаа билан боғлиқ руҳий сифатларини ривожлантиришга, адабий тайёр гарлик даражасини ошириб боришга устувор аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир.

¹ Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштири асослари. –Тошкент: Фан, 2006. 18 - бет.

² Саранцев Г.И. Методическая подготовка будущего учителя в современных условиях // Педагогика. Научно-методический журнал. – 2006. - № 7. – С. 62-68.

³ Ўша жойда 63 бет.

Адабиётшунослик методи ўқувчиларнинг санъатга, унинг ўзига хос хусусиятларига бўлган қарашлари тизимини, шунингдек, дунё-қарашини шакллантиришда катта аҳамият касб этади¹. Ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолияти мантиқига кўра асарни чукурлаштириб ўрганиш босқичига ўтилганда рус адабиётси дарсларида олинган адабий-назарий билимлар, илгари эгалланган кўникма ва малакаларни сафарбар этган ҳолда асар таҳлил қилинади, шунингдек, бу жараёнда янги билимлар ва малакалар кўлга киритилади. Ўзбек тили дарсларида адабиётшунослик методи айни шу маънода, яъни ўқувчидаги мавжуд билимлардан фойдаланиш маъносида жорий этилади. Ўқув-билувнинг бу босқичида дастлабки ўқиш чорида туғилган ҳис-ҳаяжон бадиий идрокни чукурлаштиришга олиб келади.

Методлар дарснинг тури, мақсад ва вазифлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Адабий материалнинг мазмуни уни етказиш шакли ҳақида ўйлашга мажбур қиласди. Масалан, адабий-назарий тушунчаларни ўқувчиларга етказиш йўллари ҳақида ўйлаб кўрайлик. Бу жиҳатдан проф. Қ. Йўлдошевнинг қўйидаги фикри эътиборга лойиқ: “Эндиликда адабиёт назарияси бўйича бериладиган билимлар ҳам ўқувчилар тафаккурини синаш ва уни қўйнаш воситаси эмас, балки бадиий асарни ўқиш ва таҳлил этишга кўмак берадиган маълумотлар тарзида қараладиган бўлди... Аслида, адабиёт тарихига дахлдор бирор фактни шариллатиб айтиб бера оладиган, аммо маънавиятида эзгу фазилатлар бўлмаган ўқувчидан кўра, айрим адабий фактларнинг ҳронологиясини билмаса ҳам, бадиий асарларнинг қаҳрамонларига хос энг инсоний фазилатларни ўз табиатига сингдириб ола билган ўқувчилар жамиятимиз учун кўпроқ зарурдир²”.

Асарни ўзлаштириш одатда кишининг ўзида пайдо бўлган саволларни, ё ахлоқий, ёки ижтимоий, ёҳуд бадиий муаммоларни англаб этиши, ҳал этишга интилиши билан боғлиқдир. Ўқитувчи ўқувчиларга ушбу муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш йўлларини топишга ёрдам беради; асарни таҳлил қилишга, жанр хусусиятлари ранг-баранг бўлган ҳолатида яхлит бир бутунилигини тушунишга ўргатади, мушоҳада юритиши, ўз ўйларини образли сўзлар орқали,

¹ Кудряшов Н.И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы: Пособие для учителя. - М.: Просвещение, 1981. - 55 с.

² Йўлдошев Қ. Янгилangan педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишининг илмий-методик асослари. Пед. фан. доктори... дисс. – Тошкент: 1997. 77-88 – бетлар.

богланишлы, изчил, исбот қилувчи нутқ шаклида оғзаки ёки ёзма ифодалаш құннымаларини ҳосил қилиш сари йўналтиради. Бунга *эвристик метод* ёрдам беради.

Н.И.Кудряшов адабиёт үқитиши методлари ҳақидағи ўз талқинларини давом эттириб, *ижодий ўқиши методига* алоҳида ургу беради. Ушбу методнинг ифодали ва шарҳли ўқиши, ўқитувчи ва ўқувчиликтарнинг сўзи, ўқувчилар билан суҳбат, бадиий асар ва ҳаётий кузатишлар асосида топшириқларни мухокама қилиш, саволлар ва режалар тузиш, ёзма ишлар ва бошқа кўринишларини таъкидлайди. Шу аснода *эвристик суҳбат, мусобақа методи, тадқиқот методини тилга олади*. Лекин ўқувчилар керакли малакаларни эгаллаган бўлсалар, суҳбат ўқувчиларнинг саволлар ёки топшириқлар асосидаги мустақил ишлари билан алмаштирилиши мумкинлиги ҳам уқтирилади¹.

Эвристик суҳбат усулига хос таҳлилий иш турлари: эпизод ёки яхлит асар таҳлили, қайта ҳикоя қилиш, қўйилган саволга жавоб бериш учун цитаталар танлаш, режа тузиш, қаҳрамон образини таҳлил қилиш, қаҳрамонларга қиёсий характеристика бериш; ўз кенгайтирилган жавобига, маъруzasига, иншога режа тузиш; асар таҳлили, турли хил санъат асарларининг қиёсий таҳлили, қўйилган муаммо таҳлили натижаларининг конспекти тариқасидаги баённи; баҳс-мунозара даги чиқишилар, хусусий ва умумлаштирувчи мавзулардаги иншолар; асар, танқидий мақола ва бошқалар устидаги мустақил ишлар.

Лекин кейинги йилларда методик адабиётларда суҳбат методи амалиётда ног’уғри шакилар касб этиб, ўқувчиларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, деган фикрлар ҳам учрай бошлиди. Кўпинча ўқитувчи суҳбат йўли билан мутлақо янги ёки талай янгиликларни ўзида акс эттирган ўқув материалини тушунтиришга ҳаракат қиласиди. Бундай суҳбатда одатда зуккороқ ўқувчиларнинг катта бўлмаган қисми қатнашиади. Фаоллиги камроқ бўлган ўқувчиларнинг қолган қисми саволлар ва жавоблардан оз нарса олади, кўпинча суҳбат мазмунини илғай билмайди. Ўқитувчи бундай “баён қилиш”дан кейин янги материални мустаҳкамлашга ўтади². Ваҳо-

¹ Кудряшов Н.И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы: Пособие для учителя. - Москва: Просвещение, 1981. - 61 с.

² Голенина К.Т. Активизация методов преподавания чтения и письма в начальных классах // Активизация методов преподавания русского языка и литературы: Сб.ст. – Л.: Госучпедгиз, 1960. - С. 11.

ланки, суҳбат бадиий асар ғоясини аниқ ва яққол очиб берадиган, образларини ёрқин чизиб кўрсатадиган, чуқур кечинмалар уйғотадиган, бир сўз билан айтганда ўқувчиларни бадиият оламига чорлайдиган, уларнинг қизиқишиларини оширадиган бўлсагина мақсадга мувофиқ бўлади.

К.Т.Голенкинанинг фикрича, “Ўқитувчи суҳбат чоғида ўқувчиларни мустақил ишлашга: ўз мисолларини келтириш, дарслидан, ўқиши китобидан тегишли материални топишга жалб этиши, бундан ташқари, бу ишларни ўзлаштиришга ёрдам берадиган керакли мисолларни ёзиб бориш, чизмалар чизиш билан бақамти ташкил этиш лозим”¹.

Лекин ўзбек тили дарсларида юқоридаги методларни жорий этиши қийин кечмоқда. Баъзи ўқитувчиларнинг дарсдаги “Ута фаоллиги”, кўпинча жавобларини ҳам ўзи айтиши, кўп гапириши русийзабон ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишга салбий таъсир қўрсатади. Улар ўзлари савол бергандан кейиноқ ўқувчи қийинчиликка дуч келди дегунча “ёрдам” кўлини чўзадилар, аслида бундай “ёрдам”нинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ бўлади. Бунинг энг ёмон оқибатларидан бири сифатида болаларнинг муаммони мустақил ҳал этиш йўлларини қидиришга рағбат сезмасликларини кўрсата оламиз.

Суҳбатга таяниб интерфаол усул кўлланган дарсларда ўқувчиларнинг жуфт-жуфт ёки жамоа бўлиб қатнашиши талаб этилади. Бундай жамоавий суҳбатлар чоғида ўқилган китоб ҳақида ўз таассуротлари билан ўртоқлашадилар, бутун асарни баҳоловчи фикр (тақриз)ларини, шунингдек, қаҳрамонларга ва ёзувчининг маҳоратига берган қисқа тавсифларини айтадилар ёки ўқийдилар. “Ҳамма ҳаммага ўргатади” интерфаол усули ҳам шундай ҳамкорликдаги ҳаракатни кўзда тутади.

Суҳбат ўқувчиларни мустақил ақлий фаолиятга сафарбар этиши учун уларнинг диққатини парчада кўтарилган асосий масалаларга қаратиш керак. Бунга эришиш учун суҳбат структураси ўқитувчи томонидан олдиндан ўйлаб чиқилади, режаси тузилади².

Шуни ҳамиша ёдда тутиш керакки, адабий мавзуларда ўтказилидиган суҳбатлар ўқитувчиларни асосий вазифадан: адабий асар асосида ўқувчиларни ғоявий, ахлоқий ва эстетик тарбиялашдан четга олиб кетмаслиги керак.

¹ Ўша асар. 14-бет.

² Бадриев Ф. Методы и формы организации внеклассного чтения по литературе в старших классах (На материалах школ Узбекской ССР). – Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Тошкент, 1969. - 16 с.

Суҳбатларни баҳс-мунозара тариқасида ташкил этишнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти катта. Баҳс-мунозара ўқувчиларни мантиқий фикрлашга, уларда юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради. Ёшлар асар қаҳрамонларининг хулқи, хатти-ҳаракатларининг сабаблари, мақсадлари ҳақида бир-бирларига нисбатан одоб доирасида мулоқотга кирадилар. Бир томондан, ўз фикрларини асослаш ва ҳимоя қилиш пайида бўладилар, иккинчи томондан, ўз қарашларини, эътиrozларини самимий тарзда ифодалашга интиладилар. Бундай баҳс-мунозараларда ўқувчилар берилиб қатнашадилар. Шубҳасиз, бундай усуулнинг муваффақияти уларни тўлқинлантирадиган, фаол фикрлашга ундирайдиган саволлар берилишига боғлиқ. Албатта, Ф.Бадриевнинг фикрича, баҳс-мунозара учун танланган масала ўқувчиларнинг билим савиасига мос келиши, хоҳиш-истаклари ва қизиқишиларини ҳисобга олиши, дафтарга қарамай сўзга чиқишиларига имкон бериши даркор¹.

М.Мирқосимова ёзувчининг ҳаёти ва ижодини ўрганишда, асарларни таҳлил қилишда мунозара, ижодий баҳслашиш усули фойдали эканлигини алоҳида таъкидлайди. Зоро, мунозара дарсларининг мазмунли ўтиши учун ҳар икки тараф: ўқитувчи ва ўқувчилар мавзуга нисбатан ўз мулоҳазаларини, баҳсли фикрларини тўплаган бўлишлари, ижодий таҳлил этилаётган асарларни мустақил ўқиб ўрганган бўлишлари керак². Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-ҳунар колледжларида ўзбек адабиёти намуналарини ўрганиш юзасидан ташкил этиладиган дарсларда талабаларнинг мустақил фикрлашлари билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш борасидаги барча муваффақиятлар гарови саналади. Ёшларнинг мустақил фикрлашлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш эса самарали таълимнинг муҳим омиллари сирасига киради. Тафаккур мустақиллиги маълум даражада билим олишдаги мустақилликка таянади, ўз навбатида уни маънан ва руҳан озиқлантириб туради. Лекин русийзабон талабаларни ўзбек тилидаги адабий матнларни ўқиш жараённида мустақил фикрлашга ўргатиш масаласида жиддий илмий тадқиқотларнинг мавжуд эмаслигидан, илмий-методик йўл-йўриқларнинг жуда озлигидан ўзбек тили ўқитувчилари талай қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

¹ Ўша асар. 20-бет.

² Мирқосимова М. Адабий таҳлил методикаси (Адабиёт ўқитувчилари ва талабалар учун қўлланма). - Тошкент: РЎММ, 1993. 17 - бет.

«Мустақил фикрлашни ривожлантириш ва адабиётшунослик методи унсурларининг эгалланишидаги навбатдаги поғонани *тадқиқотчилик методи таъминлайди*. Унинг мақсади – ўқувчиларни адабий асарни мустақил ўрганишга, уларни баҳолаш меъёрларини ишлаб чиқиш, бадиий дидни такомиллаштириш»¹. Бу метод эвристик методга яқин, бирининг иккинчисидан жиддий фарқи ўқитувчининг таълим берувчилик роли ҳамда ўқувчиларнинг ўқув, билув фаолиятидаги тафовутларда кўринади. Ўқитувчи бутун синф олдига умумий муаммо қўяди, бунда ушбу муаммонинг бир қатор қирраларини ўқувчилар гурух бўлиб ёки якка тартибда ишлаб чиқлади.

«Гадқиқотчилик методида ўқувчиларнинг фаолияти турлари: ўрганилаётган асардан парча, лавҳанинг мустақил таҳлили, яхлит, мактабда ўрганилмайдиган асар таҳлили; икки ёки бир неча асарни мавзувий, муаммоли-ғоявий, назарий-адабий, тарихий-адабий планларда таққослаш; танқид пайтида асарга, қаҳрамон образига ўз фикрларини асослаган ҳолда икки ёки бир нечта нуқтаи назарни таққослаш, таҳлил қилиш; адабий асарни унинг саҳналаштирилиши билан таққослаш; спектаклни, драма қаҳрамонининг актёrlар томонидан ҳар хил ўйналишига мустақил баҳо бериш; кўрилган кинокартина, тасвирий санъат кўргазмаси, теле- ва радиопостановкаларга баҳо бериш; ўлкашунослик изланишлари ва бошқа ишлар. Уларнинг натижалари семинар ёки одатдаги синф машғулотларидағи маъруза кўринишида, бошқа син麸ар ўқувчилари учун қилинган маърузаларда, иншоларда, баҳслардаги чиқишиларда, мактаб газетасида ёки мактаб адабий журналида, туман ёки шаҳар газетасида ёки журналидаги мақолада расмийлаштирилиши мумкин»².

Репродуктив метод ҳам фаол ўқув фаолиятини талаб этади: ўқувчиларга етказилаётган билимларнинг характеристи механик ёдда сақлаб қолишини эмас, балки онгли ўзлаптиришини талаб этади. Бундан ташқари, билимларнинг мустаҳкамлиги ҳам ёдда олиб қолишига бўлган кўрсатмагагина эмас, балки фикрлаш фаолияти жадаллигига ҳам борлиқдир.

¹ Кудряшов Н.И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы: Пособие для учителя. - Москва: Просвещение, 1981. - 63 с.

² Кудряшов Н.И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы: Пособие для учителя. - Москва: Просвещение, 1981. 63-64-бетлар.

«Репродуктив методда ўқувчилар бажарадиган фаолият турлари: ўқитувчи лекциясининг режаси ва конспектини ёзиб бориш, дарслидан ўқилган мақолалар, танқидий мақолаларнинг режаси, конспекти ёки тезисларини тузиш, синхроник жадваллар тузиш; ўқитувчининг лекцияси, дарслик, ўқув қўлланмалари бўйича барча мавжуд материаллардан фойдаланган ҳолда умумлаштирувчи тавсифдаги маъruzалар, рефератлар, иншолар тайёрлаш»¹. Эслатиш жоизки, русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча нутқи етарли шаклланмаган синф(гурух)ларда ушбу метод доирасида юқорида тилга олинган даражада бажарилиши лозим бўлган иш турларидан фойдаланишнинг иложи йўқ. Лекин вилоятларда туман марказидан олисроқда жойлашган таълим муассасаларида, шунингдек, ўзбек тилини амалий биладиган талабалар йиғилиб қолган гуруҳларда уларни қисман қўллаш мумкин бўлади.

Бир метод доирасида бажариладиган амаллар, ўқувчилар кўрсатадиган фаолият турлари операциялар кўринишида изчил, лекин мустақиллик ва уни ижодий ижро этишдаги ўсиб борувчи босқичлилик асосида амалга оширилади. Шундай бўлгач, таълим методи ҳам муқаррар равища бир метод доирасидаги ўқувчи кўрсатадиган фаолият босқичларига монанд танланади. Баъзан ҳар бир босқич алоҳида метод ҳолида иш олиб боришни тақозо этиши ҳам мумкин. Бунда методлар босқичлиликка монанд қўйидагича номланади: «*пропедевтик – асарни идрок этиш учун, асл ўқиши таълим методи сифатида, баён этиши-изланиши метод, ўқувчиларнинг репродуктив-эмоционал ва фикрлаши фаолиятини бошқарши методи, изланиши-баён этиши метод, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини яратиш ва мустаҳкамлаш методи*»².

Таълим методини нима билан боғлаш керак деган савол туғилади. Шубҳасиз, метод адабий асарни ўрганиш босқичлари, ўқув-билув жараёнининг мантиқи, ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолияти, уларнинг адабий таълимини чуқурлаштириш мантиқи билан танланади. Умуман, методларнинг бир қисми асарни ўқиб бадиий идрок этиш, яна бир қисми адабий-назарий тушунчаларни ўрга-

¹ Кудряшов Н.И. Номи кўрсатилган китоб. 65- бет.

² Зальдинер М.А., Тодоров Л.В., Губина Ф.И. Методика преподавания русской литературы в старших классах национальной (узбекской) школы. Под общей ред. проф. М.А.Зальдинера. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 21-22 с.

ниш билан боғланади. Ўзбек тили дарсларида назарий билимлар оз кўзда тутилади: фазал, рубойй, қитъа, фард ва бошқалар. Лекин ўқувчиларнинг рус адабиётидан олган билимларини улар ёдига тушириш ва ушбу билимлардан фойдаланиш ишларига тез-тез мурожаат этиб турилади.

М.А.Зальдинер, Л.В.Тодоров, Ф.И.Губиналар ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолияти билан боғлиқ босқичларни қўйидагича тавсифлайдилар¹:

Биринчи босқич – асар билан танишиш, унинг мазмунини тушуниш, аслиятдан ўқишга руҳан тайёргарлик. Бу босқич учун *пропедевтик метод* тавсия этилади. Ўқувчилар асарни идрок этишга ўқув-билув, эмоционал ва луғат жиҳатдан ҳозирлик кўрадилар.

Ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолияти мантиқидаги **иккинчи босқич** – матнни дастлабки идрок этиш, ўқиши маданияти шаклланмаган ўқувчилар аввал луғат иши билан машғул бўладилар, бунда матн мазмунини мантиқий тушуниш жараёни кечади. Эмоционал идрок кейин юзага чиқади. Бу босқичга таълим методи сифатидаги *асл ўқии* кўлланади. Бундай ўқишида кўлланадиган усуllар: нутқ маҳсули ва сўз санъати ҳодисаси бўлмиш матнни таркибий таҳлил қилиш, сюжетнинг ривожлантирилиб борилиши, персонажлар хатти-ҳаракатини антиципациялаш ва б.

Учинчи босқич – асарни чукурлаштириб ўрганиш, турли томонларини таҳлил қилиш. Мақсад – ўқувчиларнинг эмоционал идрокини чукурлаштирган ҳолда интеллектуал фаолиятини уйғотиши. Унга баён этиши-изланиши методи мос келади. Ўқитувчи ўқувчиларга муайян билимларни баён қиласди, айни найтда изланишга доир вазифалар қўяди, ўқувчиларни уларни бажаришга доир ақлий операциялар билан қуроллантиради, ўқувчиларда репродуктив-маҳсулдор тафакур-нутқий маҳсулотни яратиш малакасини шакллантиради (ўқитиш усуllари: билимларни муаммоли баён қилиш, топшириқларни бажаришга мўлжал берувчи кўрсатма, ифодали ўқишига ўргатиши, қайта яратувчи тасаввурни ривожлантириш, малакаларни кўчиришини эгаллаш, адабий таҳлил усуllаридан фойдаланиш ва б.).

Ўқув-билув фаолияти мантиқидаги **сўнгги босқич** – билимларни ижодий қўллаш. Билимларни қўллаш олдинги босқичларда ҳам бор. Лекин бу ерда у шу маънода асосан репродуктив характерда бўладики, ўқувчи ўзи тайёр ҳолда эгаллаган билимларни онгли ра-

¹ Ўша асар. 22-24-бетлар.

вишда тилга олади (ұқытувчининг хабаридა; дарслык материалида; мазмуну бүйіча топшириқлар бажарылған бадий матнда).

Ұқув-білуге фаолияттың мантиқидаги сұнгаттың босқичда эса билимларни күллаш гарчи ұқытувчи томонидан йұналтирилиб, башқарылса ҳам, күпроқ мустақил харектерда бўлади. Фаолиятнинг бундай тавсифини *изланиши-баён этиши методи* ифода этади.

Гап ұқувчидардың босқичлари ва уларга муносиб методлар устида борар экан, методларнинг сараланиш жараёни кечишини унутмаслик керак. Бу энди ұқычуның ёши, адабий тайёргарлиги, шу синфдаги умумий анъаналар билан алоқадор эканлигини таъкидлаш үринли бўлади.

Кўриниб турибиди, методларнинг бир қисми асар матнини үқиб үрганиш, яна бир қисми адабий-назарий тушунчалар устида ишлаш билан боғланади. “Ўзбек адабиёти” ДТС ида ўзбек тили дарсларида үрганиш учун адабий-назарий билимлар оз кўзда тутилади: ғазал, рубоий, қитъа, фард ва бошқалар. Лекин ұқувчиларнинг рус адабиётидан олган билимларини улар ёдига тушириш ва ушбу билимлардан фойдаланишга тез-тез мурожаат этиб турилади.

“Адабиёт үқитиши методикаси”да адабий асарни үрганишнинг қуйидаги босқичлари кўрсатилған: а) кириш машғулотлари; б) матн устида ишлаш; в) мавзуга боғлиқ адабий-назарий тушунчаларни үрганиш; г) адабий асар таҳлили; д) якунловчи машғулотлар¹. Булар шартли, албатта.

Профессор Қ. Йўлдошев адабий таълимнинг вазифаларини амалга ошириши ишларини шартли равишда уч босқичга бўлади: биринчи босқич – кузатиш ёки қабул қилиш босқичи ...; иккинчи босқич – музоҳада босқичи...; учинчи босқич – фаролият босқичи². Бизнингча, ушбу таснифда адабий үқиши билан боғлиқ бўлган жараёнлар анча тўлиқ қамраб олинганилиги билан эътиборлидир.

Ұқув йили давомида ҳар бир ұқувчи дарсда ҳам, уйда ҳам адабий материаллар устида олиб бориладиган турли хилдаги ұқув ма-

¹ Адабиёт үқитиши методикаси (Педагогика институтлари ва университетларнинг филология факультетлари учун дастурий кўлланма). - Тузувчилар: Қ. Йўлдошев ва бошқалар. - Тошкент: РУММ, 1994. 38 - бет.

² Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт үқитишининг илмий-методик асослари. Пед. фан. доктори ... дисс. – Тошкент: 1997. 119 - бет.

лакаларини эгаллаб олишлари керак. "...Бинобарин, ўқувчиларга иш усуларини кўрсатибина қолмасдан, ҳар бир иш турини ўргатиш керак, уларни шу усуллар билан қороллантириш лозим. Амалиётда эса кўпинча шундай бўладики, ўқувчилар уйга вазифа қилиб берилган янги ишларни бажариш усулларини ўзлари қидиришга, баъзан куч ва вақтларини беҳуда сарфлаб, самарасиз изланишларга мажбур бўладилар"². Ўқувчиларнинг адабий асарни ўқиб ўрганиш, таҳлил қилиш, ўзлаштириш методларини аста-секин эгаллай боришлиари таълим жараёнининг энг муҳим унсури ҳисобланади. Русийзабон ўқувчиларнинг муайян қисми ана шундай билим ва малакаларни, иш усулларини кўлга киритган бўладилар. Ўзбек тили дарс (машғулот)ларида буни инобатга олмоқ жоиз.

С.Матчонов ўқув-билив малакалари ҳақида гапириб шундай дейди: "Таълим олишдаги малакасизлик, ўқув предметларини ўзлаштиришга нисбатан бўлган лоқайдлик ҳар қандай фанни тинкани куриладиган оғир меҳнат ва мажбуриятга айлантиради... Билим ва уни ўзлаштириш ўргасидаги номутаносиблик шундаки, ўқитувчи ҳали бу борада тегишли кўникма ва малакаси бўлмаган ўқувчилардан янги-янги билимларни эгаллашни талаб этади"³.

Педагогик технология – ўзаро боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатувчи бўйимлар ва тизимлар мажмуаси. У таълимни маълум тизимга келтириш ва ривожлантиришга хизмат килади. Бундай таълим турларида эса, юксак ахлоқий фазилатларга, ҳуқуқий маданиятга эга бўлган шахсларни камол топтиришга ёрдам берувчи педагогик технологиилар қўлланади.

Ҳозирги кунда фидойи ўқитувчиларнинг ижодий изланишлари орқали бир қанча замонавий таълим усуллари ишлаб чиқилди. Бундай усуллардан самарали фойдаланиш учун ўқитувчи ўз фанини пухта билиши, илфор замонавий ўқитиш усулларидан яхши хабардор бўлиб, улардан самарали фойдаланиш йўлларини кашф эта оли-

¹ Адабиёт ўқитиши методикаси (Педагогика институтлари ва университетларнинг филология факультетлари учун дастурий қўлланма). - Тузувчилар: Қ. Йўлдошев ва бошқалар. - Тошкент: РЎММ, 1994. 38 - бет.

² Кудряшов Н.И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы: Пособие для учителя. - Москва: Просвещение, 1981. - 68 с.

³ Матчонов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш. Пед.фан.докт. ... дисс.автореферати. – Тошкент, 1997. 3 - бет.

ши лозим. Шундагина ўқитиши сифати ҳам, ўқувчиларнинг фанни ўзлаштириш самарадорлиги ҳам юқори бўлади. Лекин дарсларда шаблонга ўрин бўлмаслиги, янгилкларни, янги усулларни тинмай излаш ва жорий этиши лозим. Бутунги кунда замонавий машғулотларни ноанъанавий дарсларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин, А.А.Мурашов айтганидек, “...ҳар қандай янгилликка ўқувчилар тез орада кўнишиб кетадилар, шунинг учун ахборот ва тарбия бериш вазифаси дастурда белгиланган қатъий чегарага сифадиган, равшани, илғор ўқитувчилар қуролланиб бўлган янги усулларни истисно этмаган ҳолда ушбу оригиналликни одатдаги дарслар цикли якуни сифатида тақдим этиши керак”¹.

Давлат тилидан дарс берувчи ўқитувчи том маънода ижодкор бўлиши шарт. Зоро, адабиёт, она тили, давлат тили дарслари тарбия-ташвиқот, ҳам нотиқлик, ҳам санъаткорлик, ҳам саводхонликнинг мужассамлапланган кўринишлари ҳисобланади.

Бугунги кунда адабиёт дарсларида муаммоли таълим масалала-рига эътибор катта. Ўқувчи таълим субъекти сифатида бадий асарни ўқишидан ташқари шу асар устида изланишлар ҳам олиб боради. Айниқса, у ерда кўтарилиган ҳаётий сабоқлар, қаҳрамонларнинг ахлоқий камолот сари интилишлари шулар ҳақидаги ўйларга туртки беради. Шу боисдан ҳам муаммоли таълим усулига айрим тадқиқотчиларнинг кенг ўрин ажратишлари бежиз эмас¹.

Дарсда ўқувчилар олдига муаммоли саволлар қўйилиб, шу саволлар атрофида баҳс-мунозара ўюнтирилади, шу йўл билан яратилган муаммоли вазиятда ҳар бир ўқувчи ўз мавқенини ҳимоя қилишини ўрганади. Муаммоли савол ёки топшириқ олдиндан уй вазифаси сифатида бериб қўйилиши ҳам мумкин.

Адабий материалларни ўрганиши машғулотларида ўқитувчи ўқувчилар олдига муаммоли саволлар қўяр экан, бу билан у ёшларнинг ҳаётий таассуротларини бойитишига, асарнинг бадий жиҳатлари, тил ҳодисалари ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиши лозим.

² Мурашов А.А. Из тонких линий идеала. - Москва: Просвещение, 1990. – 11 с.

¹ Карап: Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишининг илмий-назарий асослари. – Т: Ўқитувчи, 1996. – 197 б.

Хусанбоева Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. – Тошкент: Ўзинкомцентр, 2003. – 103 бетн.

Академик лицей ва касб-хунар колледжлари талабаларида мустақил фикрлаш билан боғлиқ шахслик сифатлари барча ўқув фанлари дарсларида шаклланиб боради. Ўзбек тили машғулотлари ана шу йўнилишдаги ишлар жараёнида ўзининг муносабиҳиссини қўшмоғи зарур.

Ўзбек мактабларида адабиёт ўқитиши методикаси соҳасида С.Долимов, А.Зуннунов, С.Исматов, Қ.Аҳмедов, Қ.Йўлдошев, С.Матчонов, М.Мирқосимова, Т.Ниёзметова, Қ.Хусанбоева, С.Яминова каби методист олимлар ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш муаммоларини ёритиб берганлар. Мустақиллик йилларида ўқувчи (талаба)ларни эркин фикрлашга ўргатиш ишига қўйиладиган талаблар тубдан ўзгарди. Аслида, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатининг ўзи ҳам тубдан ўзгарди, деб айта оламиз. Лекин узлуксиз ўзбек тили таълимида ушбу муаммо маҳсус ёритилмаганлиги адабий материалларни ўзлаштириш самарадорлигига яққол намоён бўлмоқда.

Академик лицей ва касб-хунар колледжларининг ўзбек тили машғулотларида адабий материалларни ўқиб-ўрганиш жараёнини эркинлаштириш, мустақил фикрлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтириш, бу жараёни методик жиҳатдан қўллаб-кувватлаш муаммони ҳал этиш чора-тадбирлари сирасига киради.

Машғулотларни эркинлаштириш шунинг учун ҳам керакки, талабанинг адабий матнни ўқиш ва таҳдил қилишида йўл қўядиган хатолари кўпинча баҳога (баллга) таъсир этади. Шунинг учун баҳони мустақил фикрлашга ғов бўладиган омиллардан бири сифатида эмас, балки унга рағбатни уйғотадиган восита сифатида қўллаш йўлларини излаш лозим. Албатта, бу иш ташкилий масалани қайта кўриш, ислоҳ қилиш йўли билан қисқа фурсатда амалга оширилиши мумкин. Лекин асосий қийинчилик бунда эмас. Гап мақбул методик ечимлар топа билишдадир.

Кишининг билими қанчалик кўп бўлса, маънавияти қанчалик бой бўлса, ўз билим кучига ишончи қанчалик барқарор бўлса, у қарор қабул қилишда шунчалик мустақил бўлади. Зоро, билим, маънавият кўшилиб, қарашларни, эътиқодни юзага келтиради.

Дарҳақиқат, талаба адабий матнни ўқиш жараёнида тўлиқ мустақил бўлиши мумкин. Бунинг учун унда етарли сўз бойлиги, турли хил синтактик қурилишдаги гаплар мазмунини тушуниш йўлидаги таҳдил қилиш ва синтезлаш, умумлашмалар чиқара олиш куввати шаклланган бўлиши даркор. Бу борада қўйидаги ишларни амалга ошириш жоиз:

1) адабий матнини ўқишига қадар ўзбек тилини ўрганиш жараёнида луғат иши ҳамда турлича синтактик қурилмаларни таҳлилий ўқишини йўлга қўйиш ва талабаларда бу борада тегишли билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш лозим;

2) адабий матнни мустақил ўқиши учун машғулотда каттароқ луғатта, грамматик воситалар, сўз бирикмалари изоҳига эга бўлган зарур ахборот технологияларидан фойдаланиш керак.

Албатта, адабий матн мазмунини тўлиқ тушунишни таъминловчи ацёлар мавжуд бўлган шароитда ҳам мустақил фикрлашни тайёрловчи чоралар кўрилмофи, иш турлари жорий этилмофи даркор. Бунда талабаларнинг таълимий ўқиши чорига айrim лексик ва грамматик хато қилишларга йўл қўйиш, гуруҳли ишлар жараёнида бир-бирининг нуқсоинларини кўрсатиб туриш ва аста-секин, оғриқлариз бартараф этиш ана шундай чоралардан биридир.

Ўқувчи (талаба)ларни мустақил фикрлашга ўргатища ўзбек тили дарсларида, адабий матн устидаги машғулотларда бажариладиган ҳар бир иш турида муаммоли таълим унсурларини қўллашга ҳаракат қилиш, уларни баҳс-мунозарага, фикрлар беллашувига тортиш муҳим ўрин тутади.

Адабий материални ўқиши жараёнида талабаларнинг сўз бойлигини, грамматик воситаларга доир билимларини ошириш асосий мақсад эмас. Булар адабий ўқишига ўтища бир кўприк, холос. Асосий мақсад бадиий асарнинг мўлжалидан келиб чиққан ҳолда талабани миллий маънавият, ўзбек халқининг ҳаёти билан яқиндан таништириш, ёшларнинг турмуш тажрибасини ортиришидир.

Ўзбек халқининг миллий маънавияти, турмуш тарзи билан танишмоқчи бўлган одамга бадиий асарлар ёрдамга келади. Аксинча, шунчаки унинг кўрган-кечиргандарни эса таассуротларнинг юзаки, нуқсоини бўлишига ўрин қолдиради. Бадиий фильмларда ҳам ўзбекларнинг ҳаёти яққол тасвирланади. Лекин ҳаётда ҳам, фильмларда ҳам одамлар орасидаги шарқона муносабатларнинг мотивларини илгаи қийин кечади. Бадиий асарда эса ёзувчининг муносабати, позицияси, қаҳрамонларнинг бир-бирларига берган баҳолари қўшилиб боради. Мустақил фикрловчи талаба учун адабий материални ўқиб-ўрганиш билан боғлиқ билим, кўникма ва малакалар ниҳоятда зарурлиги ана шунда ҳам намоён бўлади.

Буларнинг барчаси рус гуруҳларидаги ўзбек тили дарсларини ташкил этища, хусусан, уларда адабий материаллардан фойдаланишда манбаларнинг айни мана шу жиҳатларининг бўртиб кўрини-

шига эътибор бериш мақсадга мувофиқ эканлигини яна бир марта тасдиқлайди.

Бинобарин, ўқувчи (талаба) ўзининг фикрини мустақил баён эта олишдан тортиб айрим муаммоли вазиятларда мустақил қарор қабул қила билишигача бўлган дараражаларда малака ҳосил қилиши лозим. Адабий материаллар талабанинг ҳаёт тажрибасини ишга солиш асосида турли хил ҳаётий вазиятларда ўринли хуносага, асосли ечимга, тўғри йўл танлаш, белгилашга ўргатувчи мактаб вазифасини ўтайди.

Кузатишларнинг кўрсатишича, юқори синф ўқувчилари, айниқса, академик лицей ва қасб-хунар колледжлари талабалари баҳслар, мунозаралар, ўзаро фикр алмашувларни нисбатан жонли қабул қилишади, шундай ўринларга алоҳида қизиқишиларини ошкора на-мойиш ҳам этишади. Зеро, “Ҳеч ким ўз фикрини билдиримагандан дарс зерикарли бўлади, ҳамма китобдан ёд олган гапларини так-рорлайди...”¹.

Яна бир нарсани ҳам эсда тутиш лозимки, “Ўқиши-ўрганиш малака ва қўниммаси шаклланган кишигина билимларни пухта ўзлашибириши мумкин”².

Баҳслашибиши эҳтиёжи етилиб келаётган фикрлаш жараёнининг ифодаси бўлибгина қолмай, шаклланиб келаётган шахснинг ўзлиги-ни қарор топтириши, ўзининг баҳслапиши, бирор нарсани ҳал этиш, мустақилликда каттадар билан тенг ҳуқуқли эканлигини ёқлаш эҳтиёжидир. Баҳс чоғида ўқитувчи ўқувчилар билан баббаравар ҳақиқат изловчиси бўлиб ҳаракат қиласди. Ана шу баҳсада у ўз билимдонлигини намойиш этади, чунки кенгроқ фикрлайди, яхши асослайди, бу фазилатлар эса ўқувчиларда катта ҳурмат уйғотади. Баҳсларда ҳар бир ўқувчининг “шахсий фикри”, ўз мавқеини ифодалаш ва асослаш малакаси жуда қадрланади.

Ўқувчи адабий матнни ўрганишда фаол мавқеда бўлса, шундай мавқе таъминланса, унинг мустақил фикрлаши ўз қобилияти-

¹ Глинтерщик Р.В. Ученик и учитель на уроке литературы (К проблеме психологического обоснования методики преподавания литературы) // Восприятие учащимися литературного произведения и методика школьного анализа: Пособие для учителей. Под ред. Проф. А.М.Докусова. - М.: Просвещение, 1974. - С. 16.

² Матчонов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш. Пед.фан.докт. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 1997. 3-бет.

дан куч олади. У бошқаларнинг фикрлари билан ҳам қизиқади, баъзан уларга танқид кўзи билан қарайди. Р.В.Глинтершчикнинг аниқлашича, “ўқув-билув фаоллиги методик фаолликка олиб келади: дарсда бундай ўқувчи фақат эмоционал ва ақлий зўриқиши дақиқаларинигина қадрлайди, адабиётни қандай ўрганган бўлишини аниқ ва равшан англайди, ўз ақлий фаолиятини назорат қилиш ва йўналтиришга ҳаракат қиласди”¹. Методист олим С.Матчоновнинг куйидаги таъкиди ҳам фоятда ўринли: “Ўқиши-ўрганиш мала-ка ва кўникмаси шаклланган кишигина билимларни пухта ўзлашибириши мумкин”².

Дарсда кучли эмоционал муҳит пайдо бўлиши учун ўқувчи “материал ичида” бўлиши керак, адабий матнни уйда ўқиб чиқиши ва ўз таассуротлари ҳақида ўзига ҳисобот бериши лозим. Мана шунинг учун ҳам уйга бериладиган вазифалар тизими шундай курилиши керакки, талаба топшириқларнинг катта қисмини “дарсдан кейин” эмас, балки “дарсга” мўлжаллаб тайёрлаб келсин.

Хуллас, таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-хунар колледжларида ўзбек адабиёти намуналарини ўрганиш юзасидан ташкил этиладиган дарсларда талабаларнинг мустақил фикрлашлари уларда мустақил билим олиш, ўзларида шунга монанд кўникма ва малакаларни шакллантириш замирида амалга ошади, мустақил фикр баён қилиш, фикр алмашиш, айниқса, баҳслашиб жараёнида ривожланади, натижада машғулотлар са-марали ўтади.

2.3. Узлуксиз таълим тизимида адабий материалларни ўрганиши жараёнида лугат иши

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-хунар колледжларининг ўзбек тили дарс (машғулот)ларида адабий матнларни ўқиб мазмунини тушуниш, бадий идрок

¹ Глинтерщик Р.В. Ученик и учитель на уроке литературы (К проблеме психологического обоснования методики преподавания литературы) // Восприятие учащимися литературного произведения и методика школьного анализа: Пособие для учителей. Под ред. Проф. А.М.Докусова. - М.: Просвещение, 1974. - С. 25-26.

² Матчонов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиши. Пед.фан.докт. ... дисс.автореферати. – Т., 1997. – 3-бет.

этишнинг тўрилиги, тўлиқлиги, чуқурлиги кўп жиҳатдан улардаги лексик, ҳамда грамматик материалларнинг қанчалик ўзлаштирилганлигига боғлиқдир. “Сўз бойлигини ҳосил қилиш, - дейди Л.А.-Шейман, - асл нусхада рус адабиёти намуналарини ўзлаштиришдаги ўқувчилар йўлида турган тил “тўсиги” ни енгиб ўтишнинг асосий ўйлидир”¹. Ўзбек адабиёти намуналарини ўрганишда, русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча нутқи талаб даражасида эмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу йўл яна ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бадиий асарларда ишлатиладиган сўзлар жонли сўзлашувга хос лексикадан ҳам. илмий-оммабоп матнлардаги лексикадан ҳам маълум тафовутларга эга. Бундай фарқлар, айниқса, нутқ услубларидағи тафовутлар тилшуносликда атрофлича ёритилган. Бадиий асарларда сўз ишлатилиши қўлланиш частотасига кўра ҳам ўрганилган. С.Ризаев, Н.Бўроновларнинг “Абулла Қаҳҳор “Синчалак” повести тилининг частотали лугати” да ҳисоблаб чиқилишича, мазкур асарда жами 37482 сўз ишлатилган бўлиб, булар 10590 лугат бирлигини ифода этади². “Ўзбек тили” ДТСи талабига кўра эса 2-9-синфларда жами 2100 лугат бирлиги ўрганилади. Ушбу рақамлар орадаги фарқларнинг жуда катталигини кўрсатиб турибди. Ушбу фарқланиш бадиий матнни тушунишда лексик қамров билан боғлиқ бўлган қийинчиликларнинг бир жиҳати, холос. Бошқа қийинчиликлар кўп маънолилик, сўз маъноларининг кўчиши ва бошқа ҳодисаларга бориб тақалади.

Бадиий асарнинг тил хусусиятлари назарий томондан атрофлича ёритилган. Адабиёт назариясига оид китобларда ҳам, адабий-назарий тушунчаларни ўрганишга доир қўлланмаларда ҳам, бадиий асар тили таҳлил этилган тадқиқотларда ҳам бу масала атрофлича кўриб чиқилган. Хусусан, кейинги йилларда М.М.Йўлдошев, М.А.Мамадалиева, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, Т.Бобоев, М.Мирқосимоваларнинг монография ва қўлланмаларида ушбу мавзу бир мунча ёритилган.

Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловлар ўзбек тили лексикасини узвий (компонент) таҳлил асосида ёритар эканлар, сўз маъносининг таркибидаги ифода семаларига “семема таркибидаги аташ семасидан ташқ-

¹ Шейман Л.А. Основы методики преподавания русской литературы в киргизской школе. - Фрунзе: Мектеп, 1982. -С.141

² Ризаев С., Бўронов Н. Абулла Қаҳҳор “Синчалак” повести тилининг частотали лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. 6-бет.

ари турлича құшымча маңноларни (услубий бүёкни, шахсий муносабатни, құлланиш доирасини) англатувчи семалар” деб таъриф берадилар¹.

М.М.Йұлдошев “Чүлпоннинг бадий тил маҳорати” мавзусидағи тадқиқот ишида маңнодош, зид маңноли сўзларнинг тасвирий имкониятлари ҳақида атрофлича сўз юритади. Чуноичи, “...ўзбек тилида ўрамоқ, буркамоқ, чулгамоқ, чирмамоқ тарзидаги маңнодош сўзлар қаторидаги буркамоқ сўзида ўрамоқ сўзига нисбатан ўраш белгиси анчайин ортиқ, яъни унинг маъно қурилишида “ҳеч бир очиқ жойини қолдирмай” деган құшымча ифода семаси мавжуд. Шунинг учун ҳам ушбу парчада Чүлпон тегишли мазмун ифодаси учун ўрамоқ сўзини эмас, балки айни буркамоқ сўзини танлаш орқали тасвирдаги аниқлик ва экспрессивликни оширишга муваффақ бўлган”².

Кўпинча, асарда бирданига учта маңнодош сўз ёнма-ён қўлланади ва ифода семалари белгининг даражаланган ҳолда ифодаланишига хизмат қиласди³.

“Романда фразеологик маңнодошликнинг ҳам гўзал намуналари мавжуд. Тилимиздаги аччигини чиқармоқ ва гашини қўзгатмоқ иборалари ўзаро маңнодош, улар романда бир қадар бир-бирига қаршилантирилган ҳолда қўлланган: Бунинг учун сўфининг аччигини чиқарарадиган эмас, унинг бир оз гашини қўзгатадиган бир гап айтиб қўйди”⁴.

Лексик-фразеологик маңнодошлик романда муайян мазмунни қуюқ экспрессия билан ифодалашга хизмат қиласди.

М.М.Йұлдошевнинг таъкидлашича, “Ҳар қандай бадий нутқ назариясида кўчимлар марказий фигура сифатида қаралади, чунки кўчимларнинг аксарияти бадий нутқда эмоционаллик, экспрессив-

¹ Нельматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент.: Ўқитувчи, 1995. 60-бет.

² Йұлдошев М.М. Чүлпоннинг бадий тил маҳорати (“Кеча ва кундуз” романни мисолида). Филол.фан.номз. ... дисс. автореферати. Тошкент, 2000. 8- бет.

³ Ганженко М. Б. Проблема оптимизации методического аппарата учебника русской литературы для нац. школы. Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Москва, 1981. - 8 с.

⁴ Йұлдошев М.М. Чүлпоннинг бадий тил маҳорати (“Кеча ва кундуз” романни мисолида). Филол.фан.номз. ... дисс. автореферати. Тошкент, 2000. 9 - бет.

лик, таъсирчанлик, образлилик каби муҳим сифатларни беради. Ҳар қандай ўхшатишнинг лингвопоэтик асосини ўхшатиш эталони ташкил этади. Ўхшатишнинг оригиналлиги ўхшатиш эталонининг оригиналлигига кўра юзага келади. Нутқимиздаги айикдай қўпол, қўйдай ювош, тулқидай айёр, пахтадай оқ, тошдай қаттиқ каби бир қанча ўхшатишлардаги ўхшатиш эталонлари оригиналлигини йўқотганилиги учун анъанавий ўхшатишлар деб қаралади”¹.

М.М. Йўлдошев М.Мукаррамовнинг анъанавий ўхшатишлар образлилик ва эмоционал-экспрессивлик хусусиятларини йўқотган деган фикрини эслар экан, тилдаги ҳар қандай сўз ёки иборани тасвирийлик, образлилик мақсадига хизмат қилидириш ёзувчининг маҳоратига боғлиқ деб алоҳида таъкидлайди. Ҷўлпон бундай ўхшатишларга, улар билан бир қаторда тасвирии кучайтирувчи турли воситаларни келтириб, гўёки янгидан экспрессив нур беради.

Тадқиқотчи метафора хусусида тўхталиб, мутахассисларнинг бу воситадан номи йўқ бўлган нарса-тасаввурларга ном бериш мақсадида фойдаланиш фақат ана шу эҳтиёжгагина боғлиқ эмас, у инсон табиатидаги образли ифодага ўчлик билан алоқадор, номи бор нарсаларни ҳам метафорик йўл билан ифодалашга инсонда ички бир табиий интилиши мавжуд деган фикрларига тўхталиб, бундай деди: “Метафоралар, айниқса, хусусий-муаллиф метафоралари кўпроқ эстетик мақсад, яъни борлиқни субъектив муносабатни кўшиб ифодалаган ҳолдә номлари асосида юзага келади. Шунинг учун ҳам уларда ҳамиша коннотатив маъно мавжуд бўлади”... “Асарда яратилган баъзи метафоралар ўша давр ижтимоий ҳаётига янги кириб келган тушунчаларни ифодалайдиган сўзларга асосланган. Масалан, *Мунча сергап экан бу хотин?* – деди Мирёқуб. – Грамофон-а!”².

Бадиий асарнинг тил хусусиятлари ҳақида гапирганда шуни ҳам назардан қочирмаслик керакки, поэтик сўз кўп маъноли бўлади, лекин ушбу ўзбекча сўзнинг рус тилидаги муқобили поэтик бўлмаслиги мумкин. Бу ўринда ўқитувчи ўкувчиларни русча муқобиллар орасидан

¹ Йўлдошев М.М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати (“Кечава кундуз” романни мисолида). Филол.фан.номз. ... дисс. автореферати. Тошкент, 2000. 16 - бет.

² Йўлдошев М.М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати (“Кечава кундуз” романни мисолида). Филол.фан.номз. ... дисс. автореферати. Тошкент, 2000. – 19 бет.

жумлага бадийлик бахш этадиган сўзларни билиб, аниқ танлашга ўргатиши, уларда кези келганда ўзи таржима қилиб тушунадиган ўзбекча гапнинг русча ифодасида ҳам ҳиссиёт сезилиб туришига эътибор бериш одатини ҳосил қилиши лозим. Чунки бадий матнда сўз қўллаш сўзнинг энг асосий хусусияти - кўп маънолиликка асосланади. Бундай сўз қўллаши барқарор бўлмай, доимий равища ўзгариб туради.

Адабиётнинг айрим тушунчалари тил дарсларида яхшироқ ўзлашади. Масалан, эпитет: *олтин қўллар; туча мрачная*.

Шу билан бирга сўзларнинг ассоциатив алоқаларига ҳамма вақт эътиборни қаратиш, шу ассоциацияларни уйғотиб туриш муҳим бўлиб, айни шу ерда кичик ёцдаги ўқувчиларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш имкониятлари яширинган. Бу фаолият бадий асарни эстетик идрок этишга йўнлатирилиши керак¹.

А.Т.Рубайлонинг изоҳлашибача, “Бадий сўз билан нутқнинг мутаносиблиги муайян қийинчиликлар тудиради. Ана шу мутаносибликни тушунишга ўргатиш эстетик жиҳатдан онгли ўқиши қўникмаларини ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратади”². Шунинг учун жонли нутқ таҳлилига ҳам эътибор бериш лозим. Сўзнинг жарангдорлиги шунда тўлиқ намоён бўлади. Ўқувчи эшишиб қабул қилиш ва ҳис этишга ўрганади.

“Методика объяснительного и литературного чтения” китобида илгари сурилган қўйидаги фикр ўринли: “Русча сўзлар (бизнинг ҳолатда – ўзбекча сўзлар) она тилининг шакллари билан эмас, балки тушунчалари билан ассоциацияланиши керак. Айни кўрув образи ўзга тил шаклларининг объектив воқелик буюмлари, ҳодисалари билан бевосита ассоциатив боғланишларини уйғотади, ўқувчиларнинг ушбу тилда образли ва тушунчали фикрлашини ривожлантиришга ёрдам беради”³.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тили машғулотларида русийзабон талабаларнинг мустақил фикрлашларига монелик қўрсатадиган ҳолатлар жуда кўп. Масалан, адабий матнда учраган нотаниш сўзни лу-

¹ Абдуллина А.А. Формирование умения воссоздавать художественные образы в процессе чтения литературных произведений (1-3 классы): Автореф.канд.дисс... пед.наук. - М., 1977. - 9 с.

² Рубайло А.Т. Художественные средства языка: Пособие для учителя. – М.: Госучпедгиз, 1961. – 9 с.

³ Методика объяснительного и литературного чтения. Под ред. К.В.Мальцевой и З.С.Смельковой. – Л.: Просвещение, 1978. – 221 с.

ғатдан қидириб топиш, топганды эса бу сўзниңг русча муқобили икки ва ундан ортиқ бўлганда, қай бирини танлаш керак деган вазифа юзага келади. Бу вазифани тўғри ҳал этиш, мустақиллик намоён қилиш учун талабада ўз кучига ишонч ҳисси намоён бўлиши керак. Ўз кучига ишончи қатъий бўлмаган ўқувчининг мустақил қарор қабул қила олмаслиги эса ҳаммага аён ҳақиқат.

Адабий асарда сўзга бадий образлилик юкланади. Бу ҳолат таржимада ҳам услубий бўёкли муқобилларни танлашга ундейди. Грамматик воситалар хусусида ҳам худди шу вазиятга дуч келиш мумкин. Хуллас, адабий материални ўрганишда қадам-бақадам мустақил қарор қабул қилиб боришини тақозо этадиган жиҳатлар ниҳоятда кўп.

Адабий матнни ўқиш жараённда талай лексик ва грамматик қийинчиликлар юзага келади. Шу қийинчиликларни бартараф этишга қаратилган қўйидаги иш турлари бажарилиши тақозо этилади:

1. Янги, шунингдек, маъноси унтилган сўзлар устидаги лугат иши.
2. Матндан гаплар мазмунини тушуниш ўйидаги лексик ва грамматик таҳлил ишлари.
3. Тасвирий ифодалар устидаги ишлар.

Ўзбек тилини ўрганиш машгулотларида адабий материал таълим ва тарбиянинг мұхим ва салмоқли омили саналади. Бир томондан, лексик ва грамматик материаллардан реал муроқотга яқин шароитда фойдаланиш адабиёт орқали осон кечади, иккинчи томондан, лексик материаллар билан танишишда ўзига яраша айрим қўшимча қийинчиликлар ҳам түғилади. Лекин, нима бўлган тақдирда ҳам, бадий асарларни ўрганиш охир оқибатда бадий бўлмаган матнларни ўқишини енгиллаштиради.

Таълим рус тилидаги мактаблар, академик лицей ва касб-хунар колледжларининг ўзбек тили дарс (машгулот)ларида ўрганиладиган сўзларниң ажратилиш тартибиға назар ташланса, икки хил ёндашув бўлганлиги маълум бўлади: 1) янги сўзлар ҳар бир синф лугат минимумига мувофиқ танланади ва дарсларга бўлиб чиқилади; 2) янги сўзлар матнда учрашига, мавзуйий хослигига қараб ўрганилади.

Биринчи хилдаги ёндашув Р. Йўлдошев бошчилигида яратилган “Ўзбек тили” дарсликларига¹ хос бўлиб, бу дарсликлар қатъян синф-

¹ Йўлдошев Р., Тўхтамирзаев М., Рихсиева М., Ниёзметова Р. Ўзбек тили: Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларниң 8-синфи учун дарслик. - Т.: Ўқитувчи, 2000. Йўлдошев Р., Мулламуҳамедов С. Ўзбек тили ва адабиёти / Кечки (сменали) рус ишчи ёшлар мактабининг X-XII синфлари учун. - Т.: Ўқитувчи, 1995.

лар бўйича тузиб чиқилган луғат минимумига риоя этган ҳолда яратилган, яъни сўзлар тасодифий (матнда учрашига қараб) танланмаган, балки аниқ сўзлар рўйхати билан иш кўрилган. Бу тартибда бадиий матнлар ўрганилган лексика ҳажмида танланган; ўқувчиларни матнни ўқиб мазмунини тушунишга олдиндан тайёрлаш мақсади илгари сурилган.

Иккинчи хилдаги ёндашув профессор Р.Толипова бошчилигидаги яратилган “Ўзбек тили” дарслекларига¹ хос саналиб, бу ерда дарслар учун янги сўзлар мавзувийлик асосида, шунингдек, матнларда учрашига қараб ажратилган. Ўқитувчи учун мўлжалланган методик қўлланмада таъкидланишича, янги сўзлар лексик мавзу билан семантик мавзу мутаносиблигига танланган².

Умуман, “Ўзбек тили” дарслекларида асосан услубий нейтрал сўзлар фаол ўзлаштириладиган лексик бирлик сирасига киритилган. Айрим (acosan, китобий) сўзлар бир марталик принципига кўра матнни ўқиш муносабати билангина таништирилади.

Ўзбек тили машғулотларида адабий асарлардан олинган парчаларни ўқиб-ўрганиш муносабати билан луғат ишини тўғри ташкил этиши ва ўтказишининг аҳамияти бениҳоя ортди. Лекин бу масала ҳануз русийзабон ўқувчи (талаба)ларга ўзбек тилини ўқитиши жараёнида адабий материаллар устида ишлаши методикасида жиддий тадқиқ этилганича йўқ. Ваҳолонки, бадиий асар сўзни турли хил оҳанг жилоларида кўриш учун кенг имкониятлар яратади. Шундай тажрибалардан бири сифатида расмли луғатлардан фойдаланиш имкониятини эслатиш мумкин. Н.Махмудов ва Б.Тўхлиевлар гайёрлабан расмли луғат китоби бу соҳада ўқитувчиларга яқиндан ёрдам бера олади³.

Тўғри, русийзабон ўқувчиларни ўзбекча сўзлар билан дастлаб нейтрал услубда таништириш одат тусига кирган. Асарда учраган янги сўз

¹ Tolipova R., Yo‘ldosheva H., Umarova F., Shomirzayeva M., Qosimxo‘jayeva D. O‘zbek tili. Ta’lim rus tilida olib boriladigan maktablarning 6-sinfi uchun darslik. - T.: O‘qituvchi, 2001. Tolipova R., Tursunova I., Ochilova M., O‘zbek tili. Ta’lim boshqa tillarda olib boriladigan maktablamning 7-sinfi uchun darslik. - T.: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi, 2005.

² Tolipova R., Tursunova I., Ochilova M., O‘zbek tili. Ta’lim boshqa tillarda olib boriladigan maktablarning 7-sinfi uchun darslik. - T.: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi, 2005. 15 -b.

³ Махмудов Н. Тўхлиев Б. Ўзбек тилини ўрганамиз. - Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – 128 бет.

эса ифодали булиб, таъсирчан ҳолатда илк бор идрок этилади ва бундай сүз тезроқ ёдда олиб қолинади. Лекин бадий асардан олинган парчани эстетик идрок этишнинг биринчи шарти ундаги барча сўзларни ўқиб тушуна оладиган даражадаги тайёргарлик амалга оширилган бўлиши керак. Кузатишлардан маълумки, ўқувчи бир матндан баъзан 20-30, баъзидан эса 30-40 сўзнинг маъносини тушуна олмайди. Шунга кўра ҳам дастлаб бу сўзларни ўқиб тушуниш мумкин бўлган (нофаол, рецептив) даражада ўзлаштиришга эришини лозим. Бунга бир неча дарс олдин озодлан луғат ишини ташкил этиш орқалигина эришиш мумкин.

Тажриба олиб борилган синфларда ҳар бир адабий материал бўйича 40 сўз атрофида янги ва маъноси унutilган сўзларни ажратдик ва аввал русийзабон ўқувчиларнинг уларни билиш-билимслекларини аниқлаб олдик, тахминимиз тўғрилиги маълум даражада тасдиқлангач, луғат тайёрлаб, икки дарс олдин ўқувчилар қўлига бериб қўйдик, уларни ўқитиб, талаффузини машқ қилдиргач, таржимасини эслаб қолишни уйга вазифа қилиб топширдик. Навбатдаги дарсдан 3-4 дақиқа ажратиб, сўзларни ялпи тақорглаш ўтказдик. Шундагина учинчи дарсга келиб янги ва маъноси унutilган барча сўзларнинг адабий матнини ўқиш чоғида англанишини таъминлаш мумкин бўлди.

Бадий нутқни кузатиши луғат ишининг мазмуни борасида алоҳида аҳамият касб этади. Бу иш ўқувчиларнинг нутқини янги лексик-фразеологик материаллар билан бойитибгина қолмай, тил ҳиссенини яна ҳам ўстиради.

Бадий асар тилини ўрганишда кенг тарқалган икки асосий йўналиш мавжуд: 1) лингвистик йўналиш; 2) стилистик йўналиш. Биринчи йўналишда лексика устида иш олиб борилади. Иккинчи йўналишда ёзувчининг умумхалқ тилига бўлган муносабати, тил бойликларидан фойдаланиши, ёзувчи маҳорати, услуби билан борлиқ кузатишлар амалга оширилади.

Л.Г.Байкиева адабий матнни ўқиш жараённида бажариладиган луғат иши билан боғлиқ муаммоларнинг методик жиҳатдан ишланмаганлиги амалиётда бир қатор камчиликларни келтириб чиқараётганлиги (таҳлилнинг тасвирийлиги; тил устидаги кузатишларнинг тасодифийлиги; бадий нутқ устида чуқур иш олиб боришнинг луғатни шарҳлаш билан алмаштирилаётганлиги) ни аниқлаган¹.

¹ Байкиева Л.Г. Работа над языком произведений русской литературы в старших классах татарской школы (на материале прозаических произведений). Автореферат дисс. ...канд.пед.наук. – Куйбышев, 1973. – 3 с.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида бадиий асардан олинган парча кўн вақт ўкув матни сифатида ўрганилаётганлиги учун сўз тасвир ва ифода воситаси сифатида таҳлил қилинмаётганлиги яна ҳам ачинарли ҳолдир. Ўкув матни билан ишлаган ўқитувчи матннаги минимумдан ташқари сўзларга бир маротаба ўргатиладиган нофаол сўзлар сифатида муносабатда бўлиб, шунга одатланган. Адабий парчада айни шу сўзлар кўпинча образ яратишда иштирок этаётган бўлиши мумкин. Баъзи эскирган сўзлар тарихийлик принципига кўра маъноларидағи ўзгаришларни кузатиш имконини беради. Лекин лугат иши одатда янги ва маъноси унутилган сўзларнинг рус тилида ифодаланишини кўрсатишдан нарига ўтмайди.

Одатда, сўз бадиий матнда икки даражада – лексик ва поэтик, образли тарзда қўлланади. Дастрраб, сўзниң бош, асосий маъноси устида иш олиб бориш лозим бўлади. Бу машқларнинг туб фарқи – улар сўз, сўз биримаси, гап даражасида мустаҳкамланади. Лекин барча янги сўзлар иштирокида жумлалар тузиш нотўғри. Чунки уларнинг бир қисми фаол, бир қисми нофаол бўлади.

Адабий матнни ўқишидан олдин лугат иши кўзда тутилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда:

1. Нотаниш сўзларни таниш сўзлар қуршовида англашга доир машқлар.

2. Таркибига қараб сўз (ясама сўз) маъносини аниқлаш.

Бу ишлар бадиий матннинг мазмунини тўғри тушунишга, матннаги сўзларнинг ўқувчи нутқида фаоллашувига имконият яратади.

Мавзу (асар мавзусини аниқлаш), мавзуга доир сўзларни эслаш, мавзувий лугат билан ишлаш каби қўшимча машқлар лугат иши миқёсини бирмунча кенгайтиради.

Бадиий асардан олинган парча ўқилгандан кейин қўйидаги каби лугат-ахборот жадваллари билан ишлаш мақсадга мувофиқдир:

“Олой маликаси”

Ҳикоянинг бош қаҳрамонлари.

1. Қурбонжон додхоҳ – ўзбегу қирғизлар ҳукмдори; “Олой маликаси; хотин-қизлардан чиққан биринчи генерал...

Бадиий матн устида ишлашнинг барча босқичларида йўл-йўла-кай бажариладиган лексик машқлар давом эттирилади. Бунда ясама

сўзлар, маъноси унуглигани сўзлар аниқланади, гапни синтагмаларга бўлишга доир кўрсатмалар муносабати билан айрим сўз бирикмалари, ёрдамчи сўзлар, кўчма маъноли сўзларга эътибор қаратилади. Гаплар ўргасидаги сабаб-натижа алоқалари муносабати билан шу алоқаларни тъминловчи лексик материаллар кўрсатилади ва ҳоказо.

Асар таҳлили жараёнида воқеа-ҳодисага, қаҳрамонга муаллифнинг берган баҳосини ифодаловчи сўзларни топиш; сўз нима мақсадда танланганини аниқлаш; сўз билан тасвирлаб (оғзаки) расм чизиш каби ишлар бажарилади. Булардан ташқари, ўзбек тили дарсларида ўтилган материалларни эсга олиш ҳам луғат ишини давом этириш имконини вужудга келтиради.

Навбатдаги босқичда асарниң бадиий жиҳатларини ўрганиш устидаги ишларга киришилади. Бунда ўқувчиларга тимсоллар ҳамда тафсилларни (деталларни) англатиш муҳим ўрин тутади.

М.Мирқосимова шеърий асарларда тимсол яратиш хусусияти ҳақида тўхталар экан, шундай дейди: "...оламни (ёки инсон дунёсини) гўё ичдан ёритувчи эҳтиросли фикр, кечинма шу қадар кучли, ривожланиш суръати шу қадар шиддаткорки, у бизни тамом асир этади, натижада, шоир кўллаган теран ва ҳаяжонли сўзлар, ифодалар, уларнинг стилистик хусусиятлари назаримиздан четда қолади. Аммо шеър таҳлилида бадиий ифоданинг мазмунли, ҳаяжонли бўлишини тъминлаган сўзлар, тимсоллар, шеърий шаклларнинг аҳамияти бекиёс"¹. Бадиий асар билан боғлиқ луғат ишининг вазифаси ҳам шунда.

Бадиий асарни идрок этиш ўқувчи-китобхоннинг ақл-заковати, туйғулари ва тасаввурини батамом забт этадиган жараён сифатида биринчи навбатда унинг тилига – сўз ёрдамида образ яратишнинг асосий заҳираасига чуқур кириб боришни талаб этади. Асардан олинган парчани, айниқса, шеърий нутқни ўрганиш образ яратиш тизимиға доир билимларни эгаллаш учун мустаҳкам замин вужудга келтиради. Ўқувчи образларнинг умумлаштирувчилик хусусиятини англаб олишдан ташқари, асарниң ғоявий мазмунини тўғри ва кутилганидек тушуниш имконига эга бўлади.

Бадиий нутқда ҳатто ўзининг тўғри маъноси билан қўлланган сўз луғатдаги айни шу сўз билан тенг эмас. У эстетик бутунлик бўлган яхлит бадиий асар матни таркибида бошқа сўзлар билан

¹ Мирқосимова М. Адабий таҳлил методикаси (Адабиёт ўқитувчилари ва талабалар учун қўлланма). - Тошкент: РЎММ, 1993. 7- бет.

фақат семантик-грамматик жиҳатдангина эмас, балки ҳиссий-эстетик жиҳатдан ҳам муносабатда бўлади.

Тилдаги номинатив бирликларнинг маъно тузилишини ўрганишда тилшуносликда семантиканинг коннотатив жиҳати тушунчасига алоҳида эътибор қилинади. В.Н.Телияning таърифлашича, “...коннотация – тил бирликлари семантикасига узуал ёки оқказионал равишда кирадиган, нутқ субъектининг борлиқни жумлада ифодалашида унинг айни шу борлиққа бўлган ҳиссий-баҳолаш ва стилистик муносабатини ифодалайдиган ҳамда шу ахборотга кўра экспрессив қиммат касб этадиган мазмуний моҳиятидир”¹. Коннотация семантиканинг экспрессив қийматга эга бўлган узви сифатида номлаш жараёнларидаги борлиқни баҳолаган ҳолда идрок қилиш ва акс эттириш маҳсули ҳисобланади. Тадқиқотчи М.А.Мамадалиева ҳам “коннотациянинг асосий вазифаси сўзловчининг ифодаланаётган предметга субъектив муносабатини акс эттириш асосида таъсир этиш, таъсирчанликни таъминлаш” эканлигини алоҳида таъкидлайди².

Чўлпоннинг асл тил маҳорати унинг лексик маънодошдикдан тасвир тиниқлиги, ифодадаги муайян нуқтага урғу бериш мақсадларида фойдаланишида яхши кўринади. Масалан, қуйидаги гапда “китобий” ифода семасига эга “қалб” ва одатдаги “дил” маънодош сўзларини ёнма-ён қўллаш орқали ёзувчи айни шу обьектга алоҳида урғу, таъкид берган: Ҳолбуки, мусулмонлик кийимда эмас, қалбда, дилда (186). М.М.Йўлдошевнинг фикрича, “Ҳар қандай бадиий нутқ назариясида кўчимлар марказий фигура сифатида қаралади, чунки кўчимларнинг аксарияти бадиий нутқда эмоционаллик, экспрессивлик, таъсирчанлик, образлилик каби муҳим сифатларни беради”³.

Русизабон ўқувчи учун анъанавий кўчимларни (ўхшатиш ва бошқалар) тушуниш осон. М.М.Йўлдошев адабиётшунос олим

¹ Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. Москва: Наука, 1986. - С. 5.

² Мамадалиева М.А. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти. Филол.фан.номз... дисс.автореферати. Тошкент, 1998. – 10-бет.

³ Йўлдошев М.М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати (“Кеча ва кундуз” романи мисолида). Филол.фан.номз. ... дисс. автореферати. Тошкент, 2000. – 16 бет.

М.Мукаррамовнинг анъанавий ўхшатишлар образлилик ва эмоционал-экспрессивлик хусусиятларини йўқотган деб қаралади деган фикрига эътиroz билдириб, бундай дейди: “Аммо тилдаги ҳар қандай сўз ёки иборани тасвирийлик, образлилик мақсадига хизмат қилдириш ёзувчининг маҳоратига боғлиқ. Чўлпон бундай ўхшатишларга, улар билан бир қаторда тасвирини кучайтирувчи турли воситаларни келтириб, гўёки янгидан экспрессив нур беради. Девдай улкан (бакувват) анъанавий ўхшатиши романда мана бундай контекстда қўлланган: “Мен, - дейди Зеби, - якка бошим билан қаршилик қилиб эплай оламанми? У – девдай бир эркак бўлса, мен бир сиқим жони бор қиз бўлсан? (219) Мисолда анъанавий ўхшатиш бир сиқим жони бор қиз бирикмасига зидлантирилган ҳолда қўлланган ва кучли контраст юзага келтирилган, шу асосда девдай ўхшатиши кучли экспрессивлик касб этган”¹.

Русийзабон ўқувчилар ўхшатиш, метафора ва бошқа назарий тушунчаларни рус адабиёти дарсларида ўрганадилар. Ўзбек тили дарсларида тегишли терминларни таржима йўли билан англатиш асосида адабий-назарий тушунчаларга асосланган ҳолда бадиий асардан олинган парча устидаги таҳлил ишларини бажаришга киришавериш мумкин.

Лекин, С.Матчоновнинг кўрсатилича, “...асар тилига оид таҳлил жараёнида ўқувчиларга матндан сифатлаш, ўхшатиш, жонлантириш, киноя ва муболага каби тасвирий ифода воситаларини топиш ва тагига чизиш вазифаси топширилса, улар бу ишни қойилмақом қилиб бажаришлари мумкин. Аммо шунинг билан чекланилса, таҳлил номигагина бўлади. Агар ўқитувчи асар матни устида ишлаш жараёнида муаллиф нима учун сифатлаш, ўхшатиш, жонлантириш, киноя ва муболагага қайта-қайта “мурожаат қилиш сири”ни очса, яъни уларнинг асарда бадиий тасвир воситаларини қўллаш орқали қандай мақсадни кўзлагани ва унинг мазкур асарда нечоғли амалга ошганига эътиборни қаратасигина ижодкор яратган бадиий оламга йўл очилади”².

Л.Г.Байкиева ўтказган тажрибага ўхшатиб ўзбек тилидаги адабий материал устида иш олиб борилганда шу нарса маълум бўлди-

¹ Йўлдошев М.М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати (“Кечава кундуз” романни мисолида). Филол.фан.номз. ... дисс. авттореферати. Тошкент, 2000. – 16 бет.

² Матжон С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар: Ўқитувчилар учун методик қўлланма. - Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 21-22- бетлар.

ки, ўзбекча сўздан таъсиранган русийзабон ўқувчилар жуда оз бўлди, ҳолбуки шу сўз russe tiliga таржима қилингандан, ушбу бадиий тасвирий восига - тимсолдан кўпчиликнинг таъсирангани яқол сезилди. Кутилаётган самараага эришиш учун бадиий асардан олинганд парча устидаги ишларни қўйидаги изчилликда ташкил этган маъкул:

а) асар матнининг тўлиқ тушунилишига эришишни таъминлайдиган луғат ишини амалга ошириш;

б) парчани тушуниб ўқиш;

в) бадиий тимсоллар устидаги ишлаш, шу жумладан нутқ ўстириш машқларини ўтказиши;

г) парчани ифодали ўқиши.

Луғат иши бадиий асар тилини ўрганиш билан боғлаб ташкил этилганда русийзабон ўқувчиларнинг диққати сўз ифодалилигига қаратилади. Уларга “Эпитетлар луғати”ни туттириш ҳам катта наф келтиради. Луғатдан намуна:

Инсон.

Фикрлар. Ташибишли, қайсар, ижодий, туссиз (рангсиз), ёйик,..

Шубҳа. Азобли, дилни эзувчи, таҳликали, чекинмас,..

Табиат.

Куёш. Мехрибон, ёрқин, тантанавор,..

Ёмғир. Бир маромдаги, этни жунжиктирадиган,..

Тил устидаги кузатишлар учун бир дарсда муайян тасвирий восита, адабий-назарий тушунча ажратилгани, асардан ҳажман кичик бир парча (масалан, портрет, шароит тасвири, пейзаж, диалог саҳнаси, муаллиф тавсифи, кичик бир сюжет ва бошқалар) танлангани мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи матн билан уйғун кела оладиган лексик машқ турларини танлаши, уни ўқувчиларга тақдим қила билиши керак.

Сўзнинг поэтик функциясини аниқлаш талаб этиладиган машқлар тизимини турлича тасаввур этиши мумкин. Фикримизнинг аниқроқ бўлиши учун айрим мисолларга мурожаат этайлик. 9-синфлар учун янги “Ўзбек тили” дарслигига² П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” асаридан олинган бир нечта парчалар мавжуд. Улардан бири қўйидагича берилган:

¹ Rafiyev A. O'zbek tili. Ta'lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan mакtablarning 9-sinf uchun darslik. T.: “O'qituvchi”, 2006. – 168 b.

...Dunyoda eng mash'um baxillik iste'dodlarning yo'lini to'suvchi baxillikdir. Dunyodagi eng oliv saxovat esa nodir iste'dodlarni yuzaga chiqaruvchi saxovatdir.

- Ayni haqiqat! –zavqlanib xitob qildi Bobur. Xondamir bu xitobdan ruhlanib, ovozini xiyol ko'tarib davom etdi:

-Biz biron safardan qaytsak yoki hazrat Alisherga bir-ikki ko'rinnmay yurib, keyin huzurlariga kelsak: „Qani, xo'sh, yana qanday ajoyib iste'dod uchratdingiz?” -deb so'rар edilar. Biz uchratgan nodir iste'dodlarning ba'zilari o'n-o'n besh yoshlik o'spirinlar bo'lar edi. Hazrat Alisher: „Bo'ladijan bola o'n besh yoshida bosh bo'lur, bo'lmaydigan odam qirq yoshida ham yosh bo'lur”, der edilar, topilgan iste'dod o'spirin bo'lsa ham huzurlariga chorlar edilar. Sohib Doro iste'dodli shoir Zayniddin Vosifiyini o'n besh yoshida hazrat Mirning huzuriga keltirgan edi. Hazratning saxovatlaridan baxramand bo'lgan bu yosh shoir juda tez ulg'ayib, butun Xirotda mashhur bo'ldi. Ulug' musavvir Kamoliddin Behzod ham yoshlikdan hazrat Mirning tarbiyalari bilan ulg'aydilar. Shoir Hiloliy, xattot Sulton Ali Mashhadiy ham hazrat Alisher kashf etib, tarbiyat qilgan iste'dodlardandir...

-Rost! Ko'z o'ngimizda turgan barcha obidalar-ulug' iste'dodlar xazinasidan chiqqan gavharlardandir.

(*Pirimqul Qodirov. "Yulduzli tunlar"*)

Биз мазкур парчага боғлиқ ҳолда бир қатор топшириқлар устида ишланишимиз мумкин бўлади.

1. Муайян топшириқли жадвалларни тўлдириш. Масалан:

Эпитетлар	Шахс номлари	Руҳиятни ифодалайдиган сўзлар	Жой номлари	Ҳаракат ва ҳолатни ифодалайдиган сўзлар
engoliy	Sohib Doro	Zavqlanib	Hirot	xitob qildi

2. Кўчма маънода қўлланган сўзларни белгиланг. Уларнинг ўз ва кўчма маънолари орасидаги боғланишларни аниқланг.

3. а) ижобий маъно ташийдиган сўз ва сўз бирикмаларини аниқланг..

б) салбий маъно ташийдиган сўз ва сўз бирикмаларини аниқланг..

4. Матннаги синоним сўзларни аниқлаш. Бундай топшириқларни берилган сўзларга синоним сўзлар танлаш билан ҳам алмашти-

риш имконияти мавжуд. Муҳими, синоним сўзларнинг ҳар бирига оид луғавий маъноларни тегишли луғатлар орқали муайянлаширишга эришиш мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Матнадаги, бадиий асар парчасидаги иштирок этаётган қаҳрамонлар ёки персонажни тавсифлаш мақсадида қўлланган сўзларни аниқлаш ва уни фаол нутқда қўллаш (Ҳазрат, хаттот,).

6. Қаҳрамонлар ва уларнинг ...фазилатларини билдирувчи сўзларни топинг.

7. Матнда қўлланган ҳалқ мақоллари, фразеологик ибора ва ноодатий қўлланган сўзларни белгиланг:

8. Матнда келтирилган диалогларни “давом эттириш”:

9. Қаҳрамон нима учун айнан шундай деганини изоҳлаш, далиллаш.

Табиийки бу ишларнинг барчаси ўқувчилар учун нотаниш бўлган, янги сўзларнинг маъноларини ойдинлаштириш билан ёнма-ён олиб борилгандагина қўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлади. Ундай сўзларни қайд этиш учун синф дафтари ёки маҳсус карточкалардан фойдаланиш тажрибаларда фойдали эканлиги кузатилади.

Хуллас, таълим рус тилида олиб бориладиган синф (гуруҳ)ларнинг ўзбек тили машғулотларида адабий материалларни ўқиш жараёнида амалга ошириладиган луғат иши ўзига хос, ўқув матнлари устидаги ишлардан фарқли жиҳатлари билан ажралиб туради, лексик материалларнинг эмоционал жиҳатларини ўзлаштириш билан тавсифланади.

2.4. Адабий материалларни ўрганишда ўқитувчи- иинг кириш ва якуний сўзи

Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касбхунар колледжларининг ўзбек тили машғулотларида адабий матн кўпич билан 2-3 бетлик ҳажмда бўлади. Шу боис унга ўқувчини тайёрлаш учун лекция эмас, балки мўъжаз кириш сўзи, дарсда ўтилганларни умулаштириш учун эса якуний сўзи зарур.

Кириш сўзидан қуидаги мақсадлар назарда тутилади:

“- асарнинг тояйий-мавзуйий асосини тушуниш учун енгиллик туғдириш;

- дастурий материалга қизиқиши уйғотиш;

- адабий материални идрок этишга муайян ҳиссий тайёрлик вужудга келтириш;

- тил қийинчиликларини ва бадий матнни идрок этишдаги мушкүлтларни бартараф этиш”¹.

Бошқача айтганда, бундай кириш сүзининг мақсади ўқувчиларни ёзувчи ёки шоирнинг атоқли шахс, ўқилажак асарнинг эса юксак бадий асар эканлигига ишонтириш, асарга нисбатан ижобий муносабат ва эмоционал ҳис-туйғу уйғотишдан иборат.

Ўқитувчи ўзининг кириш сүзи орқали “ўқувчиларни иш истиқболлари билан ром этади, яқиндаги ва якуний мақсадларни белгилайди, ўқувчилар олдида асарга китобхон сифатида қандай ёндашиш кераклигини намоён қиласди”².

Адабиёт ўқитиши методикасида дарсда бадий асарни ўқишидан олдин ўтказиладиган ўқитувчининг кириш сүзи, айниқса, лекцияси қандай бўлиши кераклиги кенг ёритилган. Айниқса, “Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах”³, “Методика преподавания русской литературы в национальной школе”⁴ кўлланмаларида бу масалаларга катта ўрин ажратилган.

Кириш сүзининг бошланиш қисми алоҳида эътибор беришини талааб этади. Баъзан уни асарнинг яратилиши тарихидан эмас, балки парчадаги ёрқин эпизоддан, фактдан, картинадан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бадий матн синфда ўқиласди, деб кириш сўзидан воз кечиб бўлмайди. Чунки ўқитувчининг кириш сүзи асарни ўқишига ўзига хос муқаддима бўлиб хизмат қиласди. Ушбу муқаддиманинг мақсади русийзабон ўқувчиларни қизиқтириш, уларнинг дикъатини бадий матнни идрок этиш сари марказлантиришдан иборат. Ўкувчи ўзига хос китобхон, шунинг учун асарни ўқишидан олдин ўқитувчи кириш сүзи орқали ўқувчилар олдига маҳсус вазифалар кўяди. Дарснинг ушбу босқичи бир хиллиқдан қочиш ва ўқувчиларнинг қизи-

¹ Методика преподавания русской литературы в национальной школе / Под ред. М.В.Черкезовой и А.Д.Жижиной. – Л.: Просвещение, 1984. – 121 с

² Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. - М.: Просвещение, 1991. – 68 с.

³ Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. - М.: Просвещение, 1991. - 174 с.

⁴ Методика преподавания русской литературы в национальной школе / Под ред. М.В.Черкезовой и А.Д.Жижиной. – Л.: Просвещение, 1984. – 311 с.

қишини ошириш, бутун дарс давомида болаларнинг ишчанлик қоби-
лиятини қўллаб-қувватлаб туриш имконини беради.

Ўқитувчи кириш сўзида ҳикоялаш усулини қўллайди. Бу усул
асардан парча ўқишини ҳам, тарихий характердаги ахборотни ҳам
ўз ичига қамраб олади. К.Т.Голенкинанинг ўқитувчига қўядиган
талабини инобатга оладиган бўлсақ, “...болалар кириш сўзини қуруқ
эштигибина қолмасинлар, балки кўрсинлар, бунинг учун эса ҳико-
яни турли хил кўрсатма қўлланмаларни намойиш этиш, дидактик
материалларни қўллаш билан кўшиб олиб борсинлар”¹.

Ўқигувчининг муқаддимаси ўқувчига мўлжал беради, асарни
идрок этиш сари тўғри йўл кўрсатади. Кириш сўзида болалар олди-
га матнини ўқиш чоғида бажариладиган вазифа қўйиш уларни мақ-
сад сари тўлиқ сафарбар этишга ёрдам беради.

Ўқитувчи янги материални баён этади, ўқувчиларнинг фикр-
ларини маълум мақсад сари йўналтиради, болаларни фаолиятга,
фаоллик кўрсатишга ундейди, ўқувчилар эса тинглаш жараёни-
да ўзларига топширилган конкрет вазифаларни ҳал этадилар,
фикрлайдилар, ўзлари учун бирор янгилик очадилар. Ўқитувчи-
нинг тингловчиларга берадиган саволлари табиий чиқиши, яъни
баён давомида туғиладиган фикрларни ифодалashi, уларга бери-
ладиган жавоблар эса ўқувчиларнинг мушоҳадалари сифатида
юзага келиши лозим.

Ўқитувчининг тингловчиларга берадиган саволлари табиий чи-
қиши, яъни баён давомида туғиладиган фикрларни ифодалashi, улар-
га бериладиган жавоблар эса ўқувчиларнинг мушоҳадалари сифа-
тида юзага келиши лозим. Бунда ўқувчилар бажарадиган мустақил
ишларнинг хилма-хил шакллари (режа ёки тезис тузиш, саволларга
жавоб бериш ва бошқалар) қўл келади².

Ўқитувчи ўз сўзини ҳаяжон билан баён этиши лозим бўлади. Бу
адабиёт дарсларининг асосий талаби. Бунда ишонтириш, ҳис-туй-
гу уйротиш мақсад қилиб қўйилади. Шундагина ўқитувчининг сўзи
кагта тарбиявий аҳамият касб этади.

¹ Голенкина К.Т. Активизация методов преподавания чтения и письма
в начальных классах // Активизация методов преподавания русского
языка и литературы: Сб.ст. – Ленинград: Госучпедгиз, 1960. - С. 9.

² Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на
уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. - Москва:
Просвещение, 1991. - 29 с.

Бадий асар ёки ундан олинган парча, шеърни ўқишдан аввал ўтказиладиган кириш сўзи қандай бўлиши зарурлиги долзарб муаммолардан биридир. Унда нари борса 3-4 дақиқага мўлжалланган маълумот кўзда тутилади. Русийзабон талаба учун бу маълумот ўта муҳимдир. Нутқий фаолият турларига нисбатан айтганда, у бу маълумотни эшитиб қабул қиласди: кириш сўзи жараённида ўқувчиларнинг эшитилаётгандарни тинглаб тушунишлари содир бўлади. Ўқитувчи ана шу жараённи ташкил этиши ва бошқариши керак.

Шунга кўра ҳам, кириш сўзи билан боғлиқ қуидаги масалалар ўқитувчига аён бўлиши керак:

1) нима ҳақида қандай гапириш, қандай қилиб ўқувчиларда қизиқиши уйғотиш ва уни ушлаб туриш, ўқувчиларда қандай қилиб ҳиссий тайёргарлик юзага келтириш; кириш сўзни қандай сўзлар билан бошлаш; бунда баъзан эпиграфга эътибор бериш;

2) кириш сўзи пайтида ўқувчилар нима қилишлари кераклиги, кириш сўзи пайтида ўқувчиларни фаоллаштириш масаласи; бунда муаммоли саволнинг ўрни;

3) қандай воситалардан фойдаланиш кераклиги;

4) ўқувчиларга кўрсатиладиган тарбиявий таъсирининг моҳияти;

5) ўқиладиган асарнинг нимасига ўқувчиларни тайёрлаш;

6) баён этилаётгандарга ўқитувчининг шахсий муносабати; адибга нисбатан шахсий фикри; унинг ижодидан ҳайратланиш сабаблари;

7) кириш сўзидан олинган таассуротларни аниқлаш.

Ўқитувчи дарсга тайёрланаётib, ўз кириш сўзida нимани қандай гапириб бериш ҳақидагина ўйламай, балки уни қандай етказиш ҳақида ҳам бош қотириши лозим. У ёзувчи ёки шоирнинг ижоди, унинг асарни яратиши билан боғлиқ воқеалар тўғрисида сўзлаб берса, буни ҳаяжон билан сўзласа, унинг берган маълумотлари қизиқарли бўлса, ўқувчиларга ҳам шу ҳаяжон таъсир ўтказади, уларда қизиқиш пайдо қиласди. Бериладиган маълумотлар бирор турмуш тажрибасидан, ҳаётий тажрибадан воқиф этса, унинг қиймати яна ҳам ортади. Ёзувчининг таржимиҳоли ҳақидаги кириш сўзи ўқувчиларни унинг фуқаролик мавқеидан, маънавий изланишларидан хабардор этади.

Б.Тўхлиевнинг таъкидлашича, “Кириш машғулотлари ўқувчилар эътиборини асар муаллифининг алоҳида хислатлари ёки шу асарга хос бўлган энг муҳим қирралариниг асосий бадиий -эсте-

тик жиҳатларини англашга, ҳис этишга имкон бериши билан эътиборлидир. Янада аникроқ айтиладиган бўлса, кириш машғулотлари ўқувчиларни бадииятнинг навбатдаги янги оламга олиб киришдаги ўзига хос йўлдир... Кириш машғулотларининг шакл ва мазмуни хилма-хил бўлиши мумкин”¹. Бу фикрларда кириш машғулотининг ўрни ва аҳамияти яққол ифода этилади.

Дарсда ёзувчи биографияси билан танишиш жараёнида ўқитувчининг лекция имкониятидан фойдаланишга интилиши анъанавий тус олганлигини эътироф этишга тұғри келади. Зоро, “Ўқитувчининг сўзи тингловчиларни ёзувчининг бетакрор шахси, унинг маънавий изланишлари тарихи, кўпинча – жасорати билан таништиради”².

Ўқитувчи ўқувчиларнинг кўз олдида ёзувчининг жонли сиймосини гавдалантира олиши, унинг ўзига хос ижодий маҳорати қираларини кўрсатиб бериши, шахсиятига хос бўлган маънавий-ахлоқий фазилатларидан воқиф этиши даркор. Шунда ҳам меъёр ҳиссини унутмаслик шарт. Ҳуда-бехуда фактларнинг кетгма-кет келтирила берилиши ўқувчининг ортиқча зўриқишига олиб келади. Бу нарса ўқувчининг ўқув предмети ва мазкур мавзуга бўлган қизиқашларининг сўнишига ҳам олиб келиши мумкин.

Тажрибанинг кўрсатишича, кириш сўзида ёзувчи ҳақида гап кетганда, ўқувчиларни бир талай маълумотлар билан зўриқтириб юбормаслик керак. Ўқитувчи ўқувчиларнинг кўз олдида ёзувчининг жонли сиймосини гавдалантиришга эришиши, ижодий маҳоратидан баҳс юритиши, ахлоқий фазилатларидан воқиф этиши даркор. Тингловчида ёзувчи ва унинг ижодидан ҳайратланиш ҳисси уйғонса, кириш сўзидан куттилган самара содир бўлган бўлади.

Ўқитувчи олдида туғиладиган қийинчиликлардан бири шундаки, у ўз сўзини ҳаммага мўлжаллаб гапиради, лекин ҳар бир ўкувчига айрим-айрим таъсир кўрсатишни ҳам унутмайди.

Ўқитувчи ёшларда асарни ўқишига қизиқиш уйғотиши уни кутилганидек мутолаа қилишларига эришиш учун сира ҳам кифоя қилмайди. Чунки баъзан «... ўқувчи китобдан у бериши мумкин

¹ Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиши методикаси. –Тошкент: “Янги аср авлоди”. 2006. 59 - бет.

² Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. - Москва: Просвещение, 1991. - 44 с.

бўлган керакли нарсани эмас, балки тамоман бошқа нарсани қидиради, ёзувчи қўзда тутган энг муҳим ва қимматли нарсани эса пайқамай қолади. Ўзи излаган нарсани топа олмагандা, ҳафсаласи пир бўлади, китобни ва унинг муаллифини айблайди. Аслида ҳамма гап шундаки, ўқувчи китоб ўқиши пайтида мўлжал олишга ўрганмаган бўлади»¹.

Кириш сўзи орқали дастурий асарни ўрганишга қизиқиш уйғотиш, ўқиши тўғри йўналтириш мақсади қўзланади. Китобхон асарни ўқишидан завқ олиши аниқ бўлса, қизиқиши барқарор бўлади. Ҳар қандай кириш сўзида қўйилган муаммо муҳим ва ўқувчилар учун қизиқарли бўлмоги лозим. “Агар ўқитувчининг сўзи болалар онгига интилиш уйғотган муаммони ҳал этишга жавоб бўла оладиган бўлсагина болалар уни тўлақонли тарзда идрок эта-дилар”².

Агар ўқитувчининг сўзида ҳаётий муҳим, ўқувчилар учун қизиқарли муаммо қўйилса, болалар онгига билиш сари интилиш уйғотган муаммонинг ечимини берса, берилган жавоб уларни қаноатлантира, бундай нутқ тўлиғича эътибор билан қабул қилинади.

Кириш сўзи воситасида ўқувчи (талаба)ларни фаоллаштириш усуслари хилма-хилдир. Ўқитувчи ўрганилаётган асар матнидан кичикроқ бир лавҳани эсга олиши (уни ўқиб бериши), таҳлилга тортилаётган адабий ҳодисага муаллиф ва асар қаҳрамонларининг муносабатлари акс этган ўринларни жалб қилиши, тарихий ҳужжатларни далил сифатида келтириши, тингловчиларнинг ўзини жонли мuloқотга жалб этиши, бошқа санъат асарларида акс этган ҳолатларни эслатиш ёки намойиш этиши, айни ҳодиса ҳақида турли тадқиқотчи ва мутахассисларнинг бир-биридан фарқланадиган фикрларини қиёслаш учун ўргатга ташлаши мумкин.

Кириш сўзи қурилиши ҳам иккинчи даражали масалалар қато-рида турмайди. Бу ерда бир хиллик ҳар қандай муваффақиятнинг йўлига ғов қўйиш билан баробардир. Барча мавзуларда бир хил

¹ Глинтерщик Р.В. Ученик и учитель на уроке литературы (К проблеме спиритологического обоснования методики преподавания литературы) // Восприятие учащимися литературного произведения и методика школьного анализа: Пособие для учителей. Под ред. Проф. А.М.Докусова. - Москва: Просвещение, 1974. - С. 68.

² Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. - Москва: Просвещение, 1991. - 14 с.

шакл ва оҳаиг, бир хил усул ва ёндошишлар дарсни жонлантирмайдигина эмас, балки уни йўқقا чиқаради.

Ўқитувчининг жонли ҳикояси, ёзувчи ёки шоирга, унинг асарларига шахсий муносабати, шахсий фикри ўқувчилар учун ҳамма вақт муҳимдир. Нимани кўргани, ҳис этгани ва ўйлагани, қандай излагани ва жавоб топганини ҳикоя қилиш – бу тингловчиларда қизиқиш уйғотишининг энг таъсирчан усуllibаридан бири. Кириш сўзи жонли ўтиши, ўқувчиларда аналитик фикр уйғотиши, уларда ўрганилаётган мавзуга оид жонли тасаввур пайдо қилиши, умумий эмоционал фон яратиши керак.

Кириш сўзи орқали ўқувчиларни асар билан танишишга тайёрлаш кўзда тутилади. Бу тайёргарлик асарнинг ғоявий-мавзувий асосини тушунишни осонлаштиради. Бунда асарни тушуниш учун зарур бўлган маълумотлар берилади. Айниқса, синфни дарсга руҳий жиҳатдан тайёрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки санъат инсонга биринчи навбатда туйғулар орқали таъсир этади, биз асарни аввал қалбан, сўнг ақлан қабул қиласиз.

Кириш сўзида шаблонга ўрин бўлмаслиги керак. Бир қолипдаги гаплар дарсни жонлантирмайди. Аксинча, кириш сўзи чорига ўқувчининг тафаккури, хотираси, туйғуси, нутқи ривожланибгина қолмай, балки унинг шахси камол топади.

Ўқитувчининг кириш сўзи билан бадиий матнни ўқишидан аввал кўрсатма бериш, ўқишидан кейин умумлаштириш мақсадини кўзда тутади. 9-синф ўқувчиларини энг муҳим ва қийин китобхонлик маракасига: асардан муаммоларни кўриш, эпизоднинг маънисига етишга ўргатамиз. Бунда ўқувчилар мавҳумдан (ўқитувчи таърифлаган муаммодан) бу муаммо ҳал этиладиган эпизодга ёки қаҳрамон мушоҳадаларига, ундан – аниқликка қараб борадилар. Бундай йўл умуман илмий билиш ва хусусан бадиий асарни англаш йўли бўлиб, ғоявий-бадиий маъно-мазмунни тушунишга олиб келади.

Олдиндан фикр уйнотадиган савол бериб қўйиш, ҳаяжон билан бошланган кириш сўзи ўқувчиларни тинглашга тайёр ҳолатга келтиради. Лекин шуни унутмаслик керакки, бундан кейин ушбу шайлик ҳолати бутун дарс давомида қўллаб-куvvatlaniб турилмаса, у тезда сўниши ҳам мумкин. Бир оз вактдан кейин ўқувчиларнинг диққати ҳам пасаяди.

Ўқитувчининг кириш сўзида асосий фикр, ғоявий-образли марказ бўлиши даркор. Фактлар ана шу асосий фикрлар атрофида уюштирилса, марказий образни англаш содир бўлиб, ҳикояни тинглаш-

га қизиқиши кучаяди. Кириш сўзининг асосий томони – ҳиссий таъсир. Бундай таъсир мазмунли ва ҳаяжонли нутқ орқали юзага келтирилади. Ўқувчи ўқитувчи ўз сўзидан олдин ўртага ташлаган саволига жавоб топиш учун диққат билан тинглайди. Ана шу диққат нутқни тушунишни таъминлайди, нутқ мазмуни етарлича англанса, ундан кутилган таъсирланиш ҳам юзага чиқади.

Кириш сўзи ва якуний сўзининг назарий тушунчаларни ёритишига бағишиланган қисми ўқувчиларда қизиқиши уйғотмаслиги мумкин.

Ўқитувчи ўзининг кириш сўзи қандай чиққани ҳақида ҳам ўйлаб кўриши лозимки, бу нарса кейинги дарсларда киритиладиган тузатишлар учун турткى бўлиб хизмат қилади. Бунда у сўзларининг ўқувчилар томонидан тўғри тушунилишига; нутқни диққат ва қизиқиши билан тинглашларига; таъсирланишларининг сезилиш дараҷасига; асосий фикрнинг мантиқли ифодаланишига; исбот ва далилларнинг етарли бўлишига; ҳикоя жараёнида ундан таъсирланиш туфайли юзага келадиган ҳаяжоннинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига қўйидаги масалаларга ўз эътиборини қаратади.

Биз ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида, ўқилажак асарнинг яратилиши тўғрисида гапирав эканмиз, бу маълумотлар талабаларни нимаси билан жалб этади, унинг учун қандай сабоқ бериши мумкин? деган саволни беришимиш керак. Адабиётнинг муайян босқичдаги ривожи хусусидаги ҳикоя тингловчиларни даврнинг ижтимоий-сиёсий манзараси билан таништириш учун хизмат қилиши лозим. Адабий кураш, атоқли адиллар ҳаёти ва ижоди олис даврни замонамиз билан таққослаш имконини беради. Ўтмиш ва бугунги кун маданияти янгиликлари талабаларда катта қизиқиши уйғотади. Лекин ҳамма гап бу маълумотларни қай тарзда ҳикоя қилишда. Энг муҳими, ўқитувчининг адигба бўлган бекиёс ҳурмати сезилиб туриши даркор.

Кириш сўзида кўрсатмаликка ҳам алоҳида эътибор бериш жоиз: шахси ҳақида гап очиладиган ёзувчининг портрети, китобнинг муқоваси, ҳикоя жой олган саҳифалари, асар қўлёзмаси ва ҳоказолар. Шоирнинг шеърларига басталанган қўшиқ, давр ёки шоирнинг шахсини кўз олдига келтиришга ёрдам берадиган мусиқий асардан лавҳа эшилтирилиши мумкин.

Дарс жиҳозлари сифатида портретлар, китоб кўргазмалари, стендлар, саҳна тарихини акс эттирувчи экспозициядан фойдаланиш мумкин бўлади.

Кириш сўзи қурилишининг ўзи материалга боғлиқ, лекин ҳамма вақт унда фоявий-образли негиз бўлиши даркор. Фактларни шунча-

ки маълум қилиш, қалаштириш эмас, балки улар атрофида асосий фикрларни уюштириш лозим бўлади, марказий образ эса кириш сўзини қизиқарли қиласди. Ўқитувчи ўзининг кириш сўзи ўрнида бирор ўқувчининг ахборотини ташкил этиши мумкин. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг билим савияси, ўзбек тилида нутқининг ривожланганлик даражаси, ёш ва индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб уларга 2-3 дарс олдин қисқа маъruzага тайёргарлик кўришни топширади, шу орада маслаҳатлар бериб, маъruzани кўради ва пишитишга ёрдам беради. Бундай материалдан фойдаланилган дарс катта қизиқиш билан ўтади, ахборот берган ўқувчидага ҳам, тинглаганларда ҳам руҳланиш ҳиссини пайдо қиласди.

Кўпинча ўқувчилар ахбороти юзаки фаоллик кўринишинигина эга бўлиши мумкин: танқидий ишлардан кўчириб олинган, ифодасиз ўқилган бегона фикрлар тингловчиларга таъсир қилмайди.

Кириш сўзида ишлатиладиган лексика адабий матн лексикасидан фарқ қиласди. Шунга кўра ҳам кириш сўзини тайёrlашда масаланинг бу томонига ҳам эътибор бериш, айрим лексик материаларни изоҳлаб ўтиш чорасини кўриб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман, ўқитувчининг шахсий фикри ўқувчилар учун ҳамма вақт муҳимдир¹.

Умуман ўқитувчининг шахсий фикри ўқувчилар учун ҳамма вақт муҳимдир. Нимани кўргани, ҳис этгани ва ўйлагани, қандай излагани ва жавоб топганини ҳикоя қилиш – бу тингловчиларда қизиқиш уйғотишининг энг таъсирчан усууларидан бири. Ўқитувчининг бундай “очиқ мавқеи (позицияси)” билим, фикр-ўйларга обрў, фуқаролик, ҳалоллик ва самимиyilik яратишга ёрдам беради. Ўқитувчи асар унда қандай таассурот қолдиргани ҳақида гапириб берар экан, болалар асарнинг замонамиз учун аҳамиятини жонлироқ ва чуқурроқ англаb етадилар, ўз шахсий таассурлари тўғрисида ўйлайдилар².

¹ Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. - Москва: Просвещение, 1991. - 18 с.

² Глинтерщик Р.В. Ученик и учитель на уроке литературы (К проблеме спиритологического обоснования методики преподавания литературы) // Восприятие учащимися литературного произведения и методика школьного анализа: Пособие для учителей. Под ред. Проф. А.М.Докусова. - Москва: Просвещение, 1974. - С. 18.

Масалан, “Ўзбек тили” дарслигига берилишига кўра 8-синфда Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикоясини ўқишдан олдин адиб ҳақида қўйидаги мазмунда кириш сўзи бўлиши мумкин:

Абдулла Қаҳҳор адабиёт майдонида унумли ижод қилиб, юздан ортиқ ҳикоя ва фельетонлар, бир қанча бадиий очерк ва танқидий мақолалар, пъесалар ва романлар яратиб, ўзбек адабиётини дурдона асарлар билан бойитган ўзбек ёзувчисидир.

Абдулла Қаҳҳор маданият оламига Махмур, Гулханий, Муқимий, Завқий, Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода каби моҳир санъаткорларни етказиб берган Кўқон шаҳрида 1907 йилнинг 17 сентябрида косиб-темирчи оиласида туғилди.

Абдулла Қаҳҳор адабий фаолиятини жуда эрта бошлади. Кўқон техникумидаги ўқиб, деворий газетага шеър ва мақолалар ёзиб юрганида, у ўн беш ёшларда эди.

Даставвал, у машқ ҳикояларни ёзди, кейин аста-секин мукаммал, пухта характерлар чизиб бера бошлади. (Ўқитувчи шу ўринда Абдулла Қаҳҳорнинг ижоди ҳақида бошқа адибларнинг фикрларидан ўқиб бериши мумкин.)

Ёзувчининг “Ўғри” ҳикоясида камбағал Қобил бобонинг уйига ўғри тушиш воқеаси тасвирланади. Қобил бобонинг уйига ўғри тушгани камлик қилгандай у амалдорлар томонидан ҳам таланади.

Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчиларга Абдулла Қаҳҳорнинг қайси асарларини ўқигансиз? “Ўғри” ҳикоясини ўқиганмисиз? Каби саволлар билан мурожаат қиласи. Кейин уларга қўйидаги топшириқни беради:

-Болалар, ҳозир “Ўғри” ҳикоясини ўқиймиз. Нима учун асарга шундай ном берилгани ҳақида ўйланг.

Академик лицей ва қасб-ҳунар колледжида эса адибнинг ўрганиладиган асаридан келиб чиқсан ҳолда, шунингдек, ўқувчиларнинг имкониятларига, ўзбек тилини эгаллаганлик даражасига қараб бу мазмун қисман кенгайтирилиши ва янги фактик маълумотлар билан бойитилиши мумкин. Лекин кириш сўзни лекцияга айлантириб юбор-маслик ҳам керак.

Ўқитувчи Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида юқоридағи мазмунда, лекин ўз сўзи билан жонли қилиб сўзлаб беради. Бошқа асарга доир кириш сўзида нимани гапириши зарурлигини умумий талаблардан келиб чиқсан ҳолда муаллимнинг ўзи белгилайди.

Кириш сўзини тинглаш чоғида ўқувчилар оғзаки тақдим этилган материални эшитиб идрок этадилар. Бунда эшитилганларнинг

мазмунини тушунишдан ташқари ўқитувчининг ҳаяжонли ҳикояси уларда муайян ҳис-туйғулар уйротади, фаол фикрлаш жараёни кечади, хотира, рецептив нутқий фаолият ишга тушади. Ўқитувчи гапириб бўлгач, 1-2 та муаммоли саволга жавоб олиши, эштилганлардан олинган таассуротларни сўраши мумкин.

Ўқитувчи асар (масалан, “Ўғри” ҳикояси) ўзида қандай таассурот қолдиргани ҳақида гапириб берар экан, болалар асарнинг замонамиз учун аҳамиятини жонлироқ ва чуқурроқ англаб етадилар, ўз шахсий таассуротлари тўғрисида ўйладидилар.

Кириш сўзида ҳам ўқувчилар таълим субъекти сифатида қолаверишлари керак. Бунинг учун эса улар инофоол тингловчи эмас, балки бирор муаммо устида ўйладиган бир вазиятга тушишлари лозим.

Кириш сўзи чоғида ўқувчи уч хил фаолият билан машғул бўлади: нутқни тинглайди ва тушунишга ҳаракат қиласди, ҳис-туйғулар оғушида бўлади, муаммоли саволга жавоб излайди. Ўқитувчининг фаолияти ҳам ўқувчиларнинг фаолиятидан ажралмасдир: у сўзлайди, айни пайтда тингловчиларни бошқаради.

Ўқитувчи ўзининг кириш сўзида ёзувчи ёки шоирнинг бирор асаридан лавҳа келтириар экан, уни ҳам ифодали ўқишига катта эътибор беринши лозим. Одатда шундай бўладики, ўқитувчи келтирилаётган парчаларни ҳам монологик нутқ оҳангига бўйсундириб, умумий интонацияяга монанд ўқиб беради, натижада бадий асарнинг таъсир кучи фақат мазмунига кўчирилиб қолади. Аслида ўқитувчининг майин, самимий, ҳаяжонли, турли кечинмаларга рагбат берувчи сўзи бўлиши керак.

Ўқитувчи келтирадиган парча ўқиш ва таҳлил унсурлари билан бирлашиб, ҳам таълимий, ҳам тарбиявий, ҳам ҳиссий таъсир кўрсатиши керак.

Ўқитувчининг якуний сўзи ёзувчининг шахси ёки асарнинг ундаги муаммолар ва образлар доирасига олиб киравчи яратилиш тарихи ҳақидаги ҳикоя ҳам, матннинг ўзига хослигини очувчи таҳлил намунасини ҳам, асар устида дарсда амалга оширилган ишларни умумлаштиришни ҳам ифода этиши мумкин.

Шеър мазмунини сўзлаб бериб бўлмайди. Ўқитувчининг сўзи шеър ўрнини босмаслиги, аксинча, унга ҳамроҳлик қилиши лозим. Шунда ҳам муайян мезёрга амал қилиш зарур.

Ўқитувчи шеър устидаги ишлар сўнгидаги ўз якунловчи сўзи билан ўқувчиларнинг шеърни таҳлил қилиши чоғида бажарилган кузатипларни умумлаштиради. Бундай умумлашма таҳлил пайтида ай-

тилганларнинг фалсафий холосаси характерида бўлади. Бу ўринда шеърнинг маъно-мазмуни кенг шарҳланмайди, аксинча, асар ҳақида атрофлича умумий фикр баён қилиади. Ўқитувчининг умумлаштирувчи сўзи шеър устидаги ўйлардан униб чиқади.

Баъзан шеър ҳақида ўқувчиларнинг таассуротлари ҳам сўралади. Бу уларнинг мустақил кузатишлари, мустақил мушоҳадаларига мурожаат этиш ҳолатини юзага келтиради. “Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах” номли китобда айтилганидек, фикр мустақил равиша то-пилган сўзда ифодаланмас экан, у ҳали фикр эмас, билим ҳам эмас¹.

Хуллас, таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва қасб-ҳунар колледжларининг ўзбек тили машғулотларида ўқитувчининг адабий матнни ўқишидан олдин ўтказиладиган кириш сўзи катта таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга.

2.5. Адабий материалларни ўқиш ва таҳлил қилиши: савол ва жавоблар устида ишлаш

Бадиий асарларни ўқиш, таҳлил қилиш, савол ва топшириқлар устида ишлаш муаммолари хусусида Р.В.Щербина, Р.Р.Майман, Н.И.Куряшов, Н.Д.Молдавская, Л.А.Шейман, А.Зуннунов, Қ.Йўлдошев, М.Б.Ганженко, Л.И.Коновалова, С.Матчонов ва бошига бир қатор методист олимлар сўз юритишган. Бу масалага алоҳида боблар ажратилган методика китоблари ҳам мавжуд. Таълим рус тилидаги мактаблар, академик лицей ва қасб-ҳунар колледжларининг ўзбек тили дарс (машғулот)ларида адабий матнни ўқиш устидаги ишларни ташкил этишида ана шу манбалар назарий асос вазифасини бажарди.

Руҳшуносликка оид адабиётларда бадиий асарни идрок этиш хусусиятлари ҳақида ишимиznинг 1.1 қисмida баён этилган маълумотлар, узлуксиз ўзбек тили таълими жараёнида адабий материалларни ўрганишнинг бутунги аҳволи, амалдаги “Ўзбек тили” дарслекларининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда айрим мулоҳазаларимизни билдирган эдик. Шу мулоҳазаларга кўра бадиий асардан олинган парчани ўқиб ўрганиш босқичлари белгилантган эди. Асарни ўқиш, таҳлил қилиши

¹ Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. - Москва: Просвещение, 1991. - 97 с.

тўғрисида гап кетганда, назаримизда бажариладиган иш турларини қўйидаги босқичларга монанд ажратиш мақбул саналади:

- 1) асарни ўқишидан олдин бажариладиган иш турлари;
- 2) асар устида ишлаш жараёни билан боғлиқ ишлар;
- 3) асар ўқиб бўлингандан кейин бажариладиган иш турлари.

Асарни ўқишидан олдин бажариладиган иш турлари сирасига лугат иши, грамматик материалларни ўрганиш, ўқитувчининг кириш сўзи киради.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва қасб-ҳунар коллекларининг ўзбек тили дарсларида матнни ўқиш билан боғлиқ босқични “Матн устида ишлаш” деб аташ расм бўлган. Биз ҳам ана шу анъанага эътиroz билдирмаган ҳолда мавзумизга мос тарзда “Асар устида ишлаш” деган ифодани ишлатамиз.

Ўзбек тили дарсларида бевосита матн устидаги ишлар ўқишидан бошланади. Табиийки, бадиий асарни ўқиши ўқитувчининг ўзи ёки тилни амалий биладиган, яхши ўзлаштирадиган, ифодали ўқиш қўлидан келадиган ўқувчилардан бири бошлаб беради. Умуман, русийзабон болаларни ўқишига ўргатили масалалари методик адабиётларда қисман бўлса-да, ёритилган¹. Шунга кўра, биз ўзбек тили дарсларида ўқишига ўргатили масалаларини четлаган ҳолда бевосита адабий материални ўқишига ўргатили масалаларига тўхталамиз.

Асар устида ишлаш жараёни билан боғлиқ ишлар матнни ўқишидан бошланади. Бадиий асар ёки ундан олинган парча ўқилади. Бунда ўқувчи (талаба)ларнинг талафузига, ўқиши тезлигига

¹ Йулдошев Р. Ўзбек тили дарсларида ўқиши пайтида лексик анализга ўргатиш // Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш масалалари. – Тошкент, 1982. – Б. 14-16.

Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқиши пайтида грамматик анализга ўргатиш. / “Ўзбек тили ўқитиш масалалари” тўпламида. Тошкент: ЎзПФИТИ, 1979. – Б. 78-84.

Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчилар нутқини ўстириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 80 бет.

Йўлдошев Р. IV-VPI синф ўзбек тили дарсларида синтетик ўқишига ўргатиш методларини такомиллаштириш. / “Ўзбек тили ва адабиёт ўқитиш методикасини такомиллаштириш” тўпламида. Тошкент: ЎзПФИТИ, 1983. - 54-61-бетлар.

Тошхўжаева Д.Р. Матн мазмунини ўз сўзлари билан қайта ҳикоялашга ўргатишнинг методик асослари: Пед. фан. номз. дисс. автореферати. - Тошкент., 2000. – 22 бет.

алоҳида эътибор берилади. Р.Йўлдошевнинг таъкидлашича, “...ифодали ўқиш чорида суръат ўртача (нормал) ўқиш тезлигининг учдан бирига қисқаради. Синф ўқувчиларининг ўртача ўқиш тезлиги бир дақиқада 90-120 сўз бўлса, ифодали ўқиш суръати бир дақиқада 60-80 сўз атрофида бўлади”¹. Бизнингча, бу фикр тўғри. Сўзларни, сўз биримларини алоҳида ифода, оҳанг билан ўқиш (талаффуз қилиш) суръатнинг пасайишига сабаб бўлади. Лекин кўрсатилган миқдордан ҳам секинроқ ўқиш матннаги лексик ва грамматик материалларнинг яхши ўзлаштирилмаганидан, айrim гаплар мазмуни тушунилмаганидан далолат беради.

Матнларда маъносини изоҳсиз англаш қийин бўлган лингвистик ва экстралингвистик жиҳатлар учраб туради. Чунончи:

1. Тарихий шахслар, касб-хунарлар, лавозимларни билдирувчи сўзлар кўпроқ тарихий асарларда учрайди. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикоясида элликбоши, пристав ва бошқалар. Бундай асарларда қуидаги каби гаплар учрайди: *Сен пири комилсан, мен сенга муҳиб.*

2. Ўтмиш буюм ва турар-жойлари билан боғлиқ сўзлар, сўз биримлари: *човгун, томма-том ўтиб* каби.

3. Файриоддий сўз ишлатишлар: *патнис тузаш, омонатга ўхшамоқ, кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолмоқ. Бир оғиздан, гул-гул яшина-моқ, ишдан бошимиз чиқмайди.*

4. Ўзбек ва рус тилларида фарқли сўз ишлатишлар: *омонатга ўхшамоқ, бир бало бўлиб қолмоқ* каби.

5. Ўзбек халқига хос миллый удумлар: Энгагини ким боғлайди? Таомилда қанча бўлса, шунча тўланг. ...келину куёвларини ўртага қўйиб. Марҳумга фотиҳа ўқиди. Беш кунлигим борми, ийқми? Тасаддуқ қалмоқ.

6. Ўзбек тилига хос ундалмалар: *чирогим, тайлогоим, бўтам, ўргилай.*

7. Ўзбекона тасвирий ифодалар: *юзи нақши олмадек, ҳурилиқо қизлар* каби.

Юқоридаги лингвистик ва экстралингвистик омиллар адабий матн мазмунини тушунишда катта қийинчиликлар туғдиради. Бу

¹ Йўлдошев Р.А. “Ўзбек тили” давлат таълим стандартини амалиётга жорий этиш юзасидан методик тавсиялар. – Тошкент: РТМ, 2002. – 13- бет.

каби қийинчилеклар ва уларни бартараф этиш йүллари айрим методик адабиётларда¹ атрофлича ёритилган.

Баъзан ўқувчиларга асарни уйда ўқиб келиш топширилади. Лекин дарсда уни ўқишиш ишлари қайта бошдан ташкил этилади. Бу нарса болаларни ажаблантириши мумкин. Шунинг учун ўқитувчи қайта ўқишиш жараёнида асар мазмун-моҳиятини чукурроқ ўрганиш имконияти борлигига болаларни ишонтириши, қизиқтириши керак².

Маълумки, киши бошқалар билан маълум мақсадда сўзлашади, ўз фикрини баён этади. «Ифодали ўқишида ҳам маълум мақсад бўлади»³. «Ифодали ўқишида асарда тасвиirlangan шарт-шароитга, образларнинг руҳий ҳолатига ҳам эътибор берилади»⁴. «Асарни ифодали ўқиган ўқитувчи ва ўқувчи асар билан тингловчи ўртасида воситачи, бадиий текстни талқин қилувчи ҳисобланади, ўзининг жарангдор товуши билан бадиий асарнинг фоясини ва эмоционаллигини ёритади»⁵.

Ифодали ўқиши билан махсус шуғулланган мутахассислар унинг эстетик таъсир қўзғаш⁶, тасвиirlанаётган образдаги руҳий ҳолатни кўрсата олиш имкони⁷ каби жиҳатларига ҳам эътибор беришган.

Насрий асарда ифодалилик овоз даражаси ва турига ҳам боғлиқ. Овозни салгина (тасвир талабига мослаб) ўзгартириб ўқиши ҳам таъсирчанликнинг қўшимча воситаси сифатида намоён бўлади. Бу матннинг тагзамииннинг англанишига асос яратади. Асарни турли оҳангда ўқишига уни ролларга бўлиб ўқишини ташкил этиш орқали эришиш мумкин. Эпик, драматик асарларни ролларга бўлиб ўқишининг моҳияти шунда яққол кўринади. Пъесани овоз чиқариб ўқиши дра-

¹ Кулибина Н.В. Методика лингвострановедческой работы над худ.тек-стом. – Москва: Русский язык, 1987. – 142 с.

² Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. - Москва: Просвещение, 1991. - 68 с.

³ Зуннунов А.. Бадиий асар таҳлили методикаси: Адабиёт ўқитувчилари учун қўлланма. - Тошкент, Ўқитувчи, 1989. – 10 б.

⁴ Ўша асар. 12-бет.

⁵ Ўша асар. 8-бет.

⁶ Горбушина Л.А. Обучение выразительному чтению младших школьников: Пособие для учителя. – Москва: Просвещение, 1981. – 3 с.

⁷ Зуннунов А.. Бадиий асар таҳлили методикаси: Адабиёт ўқитувчилари учун қўлланма. - Тошкент, Ўқитувчи, 1989. – 12 б.

матик характерлар ва драматик ҳаракатнинг мураккаблиги, ҳаётий ҳаққонийлигини кўрсатмали тарзда намойиш этувчи таҳдилнинг биринчи ва зарурий босқичи саналадики, бусиз ўкувчиларни муаллифнинг асосий ғоясини тушуниш, зиддиятни англапга, маҳсус китобхонлик малакаларини эгаллашга олиб келиш мумкин эмас.

Талабалар бадиий нутқ оқимидан нотаниш сўзнинг изоҳини бадиий идрокка зиён етказмасдан илғаб олишлари лозим. Китобда коннотатив изоҳ ҳам тилга олинади. Бундай изоҳ сўзнинг қўшимча бадиий маъносини очишдан иборат бўлади. Ўқитувчи айrim сўзларни матнни ифодали ўқиш жараёнида алоҳида урғу билан ажратади. Агар дарсликда берилган лугатдаги таржима сўзнинг қўшимча маъносини тушуниш учун етарли бўлса, катта бўлмаган тўхтам талабаларнинг ушбу сўзни лугатдан кўриб олиши учун кифоя қиласди. Бундан ҳам секинлашиш қизиқишининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Аслида яхши асар қизиқиши барқарор ушлаб туради. “Яхши асар” тушунчаси эса ҳаммада бир хил эмас. Бу ўкувчиларнинг умумий адабий тайёргарлиги, синф анъанаси, алоҳида олинган ўкувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, ўқитувчи маҳорати каби омиллар билан уйғун ҳолда баҳоланадиган ҳодисадир. Кўнгил очар нарса борки, ўз-ўзидан ўкувчиларни жалб этади, алоҳида куч-ғайрат талаб этмаган ҳолда ишга боши билан шўнғиб кетиш ҳолатини юзага келтиради. Вазифа ташқаридан қараганда қизиқарли бўлмаган, кийин нарсани биринчи қарашдаёқ кўнгил очарга айлантиришдан иборат. Аслида муайян куч сарфламасдан туриб буни бажариш мумкин эмас. Мазмунни, бадиийлиги ёққан асардан парча ўқилгач, уни охиригача ўқиб чиқиши истаги пайдо бўлади. Ана шу истак китобхонга куч бағищлайди.

Русийзабон ўкувчи (талаба)ларнинг ўзбекча нутқи яхши ривожланмаган ёки умуман шаклланмаган, ўзбек тили бўйича олган билим, ҳосил қилган кўникма ва малакалари матнни бадиий идрок этиши учун етарли бўлмаган гуруҳларда асосий эътиборни матннинг ғоявий-бадиий мазмунига қаратиш, ғояси ва бадиий жиҳатларини тадқиқ этиши билан боғлиқ жiddий ва асосли ишлар олиб бориш зарурияти мавжуд.

Ўкувчилар нутқини оширишнинг самарали воситаларидан бири сифатида дастлабки кезларда бадиий асарга ишланган расмлардан фойдаланиш ҳам тавсия этилади. Тажрибали ўқитувчилар томонидан “таҳдилнинг очиқ усувлари”дан ташқари қўйидаги “яширин”

*усуллар ҳам кенг қўллангани яхши маълум: оғзаки тасвирлаш, хаёл қилинаётган фотомонтажларни, киносценарий фрагментларини яратиш, сиртиқи экспурсиялар ва ҳоказолар шу сирага киради:*¹

Эстетик туйгуларни рафбатлантириш ва ҳар бир ўқувчи хаёлида ёзувчи томонидан яратилган образга мос тасаввур ва хulosаларнинг вужудга келишига кўмаклашиш – ўқигувчининг энг муҳим вазифаси. Методика ўқитувчига ўқувчиларнинг китобхонлик идрокини жиддий ўрганишни тавсия этади; унда китобхон ўзини муаллиф мақомида кўриши учун ёрдам берадиган усуllibар ҳам тавсифланади. Булар қаторида ҳар хил иллюстрациялар тузиш, оғзаки тасвир, ҳажман ихчамроқ бўлган матн (асар)ларни қайта ҳикоялаш, ижодий ҳикоя қилиш; асар матни бўйича саволлар тузиш ва шу саволларга жавоб бериш; матнда тасвирланаётган аниқ бир щахс, предмет ёки ҳодисага нисбатан шахсий муносабатини билдириш ва бошқалар шу сирага киради².

Китобхоннинг “ижоди” ёзувчи яратган образни, унинг ҳис-туйгуларини, ўй-фикрларини қайта ифодалашдагина намоён бўлмай, балки ижодий эртак тўқишиларида, кичик-кичик ҳикоялар ёзишиларида, тасвирлар битишиларида, берилган асар асосида оғзаки расм чизишиларида, саҳна кўринишларини тайёрлаш ва уларнинг ижро этишиларида, бадиий ўқишиларида, ўқилган асар ҳақида танқидий фикрлар билдиришиларида ҳам кўринади.

Табиийки, асарни биринчи марта ўқигандан туғилган китобхонлик образи асарни қайта-қайта ўқишиш пайтида, уни таҳлил қилиш жараёнида ўзгариб, чуқурлашиб боради, ўқувчилар ана шу жараёнда ўз китобхонлик камолотларини англаб борадилар. Шу жиҳатдан қараганда методистлар томонидан тавсия қилинадиган қуидаги усул самаралидир: “...асарни ёки ёзувчининг ижодини яхлит ўрганиш шировардидаги ўзларининг дастлабки тақризларини таҳрир қилиб беришлари ёки янгисини ёзишилари учун (ёзсинлар деб) ўқувчиларга уларнинг асар, айрим парча, дарсда маҳсус таҳлил қилинмаган шеър ҳақида ёзган дастлабки фикрлари қайтариб берилади. Бу усул ўзи бераётган билимларнинг самарадорлигини баҳолашда ўқитув-

¹ Қаранг: Майман Р.Р. Практикум по методике преподавания литературы. – Москва: Просвещение, 1985. – 68 с.

² Қаранг: Кудряшов Н.И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы: Пособие для учителя. - Москва: Просвещение, 1981. - 52 с.

чи учун ҳам қизиқарлидир”¹. Амалиётда бундай тажрибалар яхши самаралар берган².

Раҳбатлантирувчи саволлар бериш, муқокама вақтида янги ах-борот билан таништириш; жавобга, баҳога, умумлаштиришга ундаш; ўқув фанига бўлган жонли қизиқиш сақлаб турилади, юқори фаолликка эришилади.

Албатта, келгусида кабинетда видеотека бўлади деб умид қилиш мумкин, ўқитувчи истаган вақтда кассетани олиб қеракли саҳнани намойиш қилиш имкониятига эга бўлади. Замонавий аудио ва видео техника воситаларидан фойдаланиш ҳам бу жараёнлардаги са-марадорликка ижобий таъсир кўрсатади. Ҳамма гап улардан ўрин-ли ва унумли фойдаланишда қолган, холос.

Савол ва топшириқлар тизими

Савол ва топшириқлар ўқувчиларнинг ақлий ва эмоционал ри-вожланишига қаратилган бўлиши, бадиий матнни ўрганиш жараё-нида мулоқотнинг қулай вазиятини яратиш учун шароит таъминла-ши даркор.

Бунинг учун биринчи навбатда дарслик ва қўлланмаларда ало-ҳида эътибор бериш зарурати бор, Уларнинг “... адабий қаҳрамон-ларнинг ҳарактери, ички оламини англаб етишга йўналтирилган, ўқувчиларнинг мустақиллигини оширишга ва баҳо ҳамда мушоҳа-даларнинг мотивланганлигини ривожлантиришга қаратилган бўли-ши”³, мақсадга мувофиқ бўлади.

Савол ва топшириқлар тизимини яратишида адабий асарни бир бутунича таҳлил қилиш принципи асосий қоидалар сифатида ажра-тилади. Йунга кўра ҳам дарсликда образ-персонаж ҳарактерини англашга йўналтирилган савол ва топшириқлардан кенг фойдала-ниш, бир туркум савол ва топшириқлар асосида ўқувчиларни бади-

¹ Кудряшов Н.И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы: Пособие для учителя. - Москва: Просвещение, 1981. - 53 с.

² Ҳусанбоеva Қ. Рус мактабларида ўзбек мумтоз адабиётини ўқитишига доир ўқув материалы. - Тошкент: ЎзПФИТИ, 1994. - 51 б.

³ Ганженко М. Б. Проблема оптимизации методического аппарата учебника русской литературы для нац. школы. Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Москва, 1981. - 16 с.

ий асар тилини ўрганишга сафарбар этиш, шунингдек, ўрганилаётган асарнинг жанр хусусиятини ҳисобга олиш зарур бўлади.

Савол ва топшириқлар бадиий матнни ўрганишнинг энг тўғри ва рационал йўлларини танлаш имконини беради, адабий материал устида ишлаш жараёнида таълим, тарбия ва ўқувчиларни ривожлантириш вазифаларини яхлит ҳолда ҳал этишга ёрдам беради, бошқача айтганда методик йўналиш беради, нутқ ўстириш учун ҳам хизмат қиласи. Улар ўқувчиларнинг адабиётга оид тасаввур ва билимларини оширишга ҳам, уларнинг нутқини ўстиришга ҳам асосий восита ва омил бўлади¹.

Гаълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касбхунар коллежларининг ўзбек тили машғулотлари тарқибida бадиий асарлардан олинган парчалар, шеърий асарларни ўқиб мазмунини тушуниш уларни эстетик идрок этишнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Ўзбекларнинг обьектив оламини қандай идрок этиши билан боғлиқ хусусиятлар ўзбек тили ва шу тилда яратилган асарларда ўз аксиини топган. Айниқса, мумтоз адабиётни идрок этиш тил эгалари учун ҳам муайян қийинчиликлар туғдиради, шунга кўра, бундай асарлар русийзабон ўқувчилар нуқтаи назаридан қараганда, мазмунан замонавий бўлиши керак.

Ш.М.Искандарова ўзбек лексикасининг “мазмуний майдони” ҳақида сўз юритар экан, шундай ёзади: “...инсон обьектив олам элементларининг умумлашган образини онга акс эттиради ва уларнинг умумлашган образини акс эттириш жараёнида ҳар қайси олам предметининг умумий ва хусусий белгиларини ажратади”². Табиийки, ўзбеклар яшаётган макро ва микро олам Россияда яшовчилар оламидан айрим томонлари: географик жойлашуви, иқлими, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ва бошқалардаги тафовутлари билан ўзига хослик касб этади. Бу ўзига хослик уларнинг тилига ҳам, адабиётига ҳам кўчган бўлади. Гарчи русийзабон ўқувчилар Ўзбекистонда яшаб улгаяётган бўлсалар-да, уларнинг бадиий тимсолларни идрок

¹ Қаранг: Ганженко М. Б. Проблема оптимизации методического аппарата учебника русской литературы для нач.школы. Автореф. дис. ... канд. пед.наук. – Москва, 1981. - 19 с.

² Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс майдони). Филол.фан.номз. ... дисс.автореферати. – Тошкент, 1999. – 22 бет.

етишида рус адабиёти таъсири ҳал қилувчи роль ўйнайди. Зоро, “Ҳар бир ҳалқнинг ўз тарихий тараққиётидаги энг ноёб ва мукаммал бойлиги унинг тилидир. Тил ҳалқнинг тақдиди, яшаш тарзи, маънавий бойлиги ҳисобланади”². Русийзабон ўқувчилар рус тилида фикрлрагани учун ҳам ўзбек тилидаги бадиий асарларни идрок этишида муайян қийинчиликларга дуч келиши табиий.

Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицейларга ҳам, қасб-ҳунар коллажларига ҳам ўзбекча нутқи деярли бир хил даражада ўсган русийзабон ўқувчилар ўқишга кирадилар. Лекин, зътироф этиш керакки, ушбу иккала ўқув юртида ўзбек тилида бемалол фикр алмаша оладиган талабалар озчиликни ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги саноқли гапларни айта олади, холос. (Ўзбек тилини амалий биладиган миллат вакиллари бундан мустасно.) Академик лицейларга интеллектуал салоҳияти кучли ўқувчилар ўқишга кирган бўлса-да, ўзбек тилида сўзлай олиш ёки сўзлаша олмаслик умумий ўргта таълим мактабида ўзбек тили дарсларининг қандай ташкил этилаётганига боғлиқ.

Умумий ўргта таълим мактаблари, академик лицей ва қасб ҳунар коллажларининг ўзбек тили дарсларида олиб бориладиган ишлар сирасида матн устидаги ишлар ҳаддан ташқари кўп вақтни эгаллайди. Бу ишларнинг муайян қисми матнни рус тилига таржима қилиб ўқиши, матннаги янги ва тушунарсиз сўзларга луғат тузиш билан боғлиқ бўлади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай типдаги ишларни умуман фойдадан холи деб бўлмайди. Аммо бундай ўқиши асосан, грамматик билим ва сўз бойлигини шакллантиришга маълум даражада ёрдам берса-да, адабий асарнинг яхлит бутунлик ва санъат асари сифатида идрок этилишига жуда кам ҳисса қўшади.

Маълумки, асар таҳлили – методиканинг марказий муаммоси, бинобарин, ушбу муаммога методик ишларнинг катта қисми бағишиланган. Таҳлил йўллари, асар тури ва жанрига, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва имкониятларига, мактабда адабиётнинг бошлиғинич ва систематик курси тизимига кўра унинг хусусиятлари кенг ишилаб чиқилган.

Таҳлилнинг моҳияти шундаки, у ўқувчини асар мазмунига чукурроқ кириб боришга, шу мақсад билан уни қайта ўқиб чиқишига ундейди, ёзувчининг шоирона фикрида қандай мантиқ борлигини,

² Мусаев А.С. Ўзбек сўзлашув нутқи услубида гап бўлаклари тартиби. Филол.фан.номз. ... дисс.автореферати. -- Тошкент, 2000. – 7-бет.

образларнинг мантиқий алоқадорлигини, воқеа-ҳодисаларнинг, қаҳрамонларнинг ҳаётга нечоғлик яқинлигини англашга кўмаклашади. “Дарсда яхши таҳлил қилинган ҳар бир инсон образи ўқувчилар кўз ўнгидаги жонли кишидек намоён бўлади”¹.

Ўқувчиларнинг матн таҳлили жараёнида назарий билимлар қандай аҳамиятга эга эканлигини сезишлари, маълумотларни тушунишлари ва улардан фойдалана билишлари, аста-секин бу билимларни тизимга солишлари, ўзбек адабиётига хослари билан бойитишлари роятда муҳимдир.

“Албатта, бунда ўқувчиларнинг китобхонлик тажрибаси ва кузатишиларини жалб этишининг содда шакиллари: ифодали ўқиш, ёзувчи ҳақида маълумот бериш, сюжет мазмунини қисқа қайта ҳикоя қилиш, лавҳа таҳлили, севимли қаҳрамон ҳақида ҳикоя қилиш, иллюстрацияларни шарҳлашдан ҳам фойдаланиш зарур”².

Буларнинг ҳаммаси ўқитувчига адабий-бадиий асарни ўрганиш ишларини ташкил этиш, дарснинг методик структурасини белгилаш, адабий асарда кўтарилиган ранг-баранг foялар, масалалар, образлар орасидан синфда муҳокама қилиш лозим бўлган муаммоларнинг аниқ доирасини ажратишга ёрдам беради.

“Аммо шуниси ҳам борки, ҳар қандай таҳлил, ёзувчининг бадиий маҳоратига доир изоҳ асар мутолаасининг ўрнини босолмайди”³. Инсоний фазилатлар ҳақидаги тушунчалар адабий матнни уқиши ва чукур англаб етиш, ахлоқий масалалардан баҳс юритиш жараёнида содир бўлади. Бунда ўқитувчи дарсни эркин фикр юритиш учун трамплинга, старт майдончасига айлантиrmайди; баҳс адабий материал мазмунидан келиб чиқади, лекин ундан нари кетмайди. Аммо, О.Мусурмонованинг ҳақли огоҳлантиришича, “...бадиий асарнинг тарбиявий табиати эътиборга олинмай, ундаги маънавий-ахлоқий хуносалар бадиий воситалардан ташқарида изланса, бунда маънавий маданиятни тарбиялашга оид ишнинг самараси бўлмайди, албатта”⁴.

¹ Охунова М. Адабий ўқиш дарсларида эстетик тарбия: Ўқитувчи тажрибасидан. Проф. А.Зуннунов таҳрири остида. - Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – 23- бет.

² Уроки внеклассного чтения: Пособие для учителя. Составитель Я.Г.-Нестурх. Москва: Просвещение, 1980. – 121 с.

³ Матжон С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар: Ўқитувчилар учун методик қўлланма. - Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 102 бет.

⁴ Мусурманова О. Адабиёт дарсларини ташкил этишининг самарали усуллари. - Т.: Ўқитувчи, 1993. – 17- бет.

М.Мирқосимованинг “Биз ўз тажрибамиз ва илмий қузатишилари мизга асосланган ҳолда бадиий асарлар таҳлили адабий жаңр талаблари асосида қуий ва юқори синфларда шакл жиҳатдан фарқли, аммо мазмуни ва мақсадига кўра тадрижий кўринишда: аввал оддийроқ, сўнгра мураккаброқ усусларни қўллаш тарзида ташкил этилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, қуий синфларда адабий таҳлили жараёни: а) асарни ифодали ўқишига ўқувчиларни ўргатиш; б) асарнинг боясини белгилаш ва мазмунини баён этиш; в) етакчи қаҳрамонларга тавсиф бериш ва уларнинг асар бадиий тўқиимасида тутган ўрнини, бадиий қимматини ёритишга эришиш; г) хилма-хил асарларни жаңр жиҳатидан фарқлашга доир назарий тушунчаларни сингдириш; д) асардан олган таассуротларига таянган ҳолда ўқувчиларни унинг бадиий қимматини белгилашга ўргатишни қамраб олиши лозим”¹. Бизнингча, бундай адабий таҳлилини юқори синфларда ҳам давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Лекин ушбу таҳлилда адабиёт назариясига доир тушунчаларни ўрганиш, ёзувчининг маҳоратини белгилаш кабилар қоришган. Улар адабиёт дарсларида таҳлилдан олдин ёки кейин ўрганиладиган, лекин таҳлил жараёнида ўзининг амалий қўлланишини топадиган, яъни таҳлил қуролига айланадиган, таҳлиллар пировардида амалга ошадиган масалалардир. Лекин асарнинг боясини, ундаги тагзаминни англамаслик ифодали ўқишига салбий таъсир кўрсатади. Бундай пайтда ўқувчи қаҳрамонларининг қандай оҳангда гапиришини ажратса олмаслиги мумкин.

Ёзувчининг маҳоратини баҳолаш ижодкорларнинг услубларини ўзаро фарқлаш, асарнинг бадиий қимматини аниқлаш малакаси, шунингдек. академик лицей ва касб-хунар коллежларида асарларнинг тил хусусиятларини фарқлай олиш замирида шаклланади.

В.Б.Иванихин ўқувчиларга ўқитувчи берадиган изоҳ ва шарҳлар ҳақида гапириб, ҳамма нарсада “ўқувчидан”, унинг шахсий, кўпинча тушунтириб бўлмайдиган ҳолатларидан, баъзида эса умуман ғалати саволларидан келиб чиқиши лозимлигини ўқтиради². Муаллифнинг бу фикридан асар таҳлилида, бояси, ёзувчининг маҳоратини аниқлашда ўқувчиларнинг эстетик туйгулари, дардларига қулоқ солиш керак, деган маъною англашилади.

¹ Мирқосимова М. Адабий таҳлил методикаси (Адабиёт ўқитувчилари ва талабалар учун қўлланма). - Тошкент: РЎММ, 1993. - 5 -бет.

² Иванихин В.Б. Почему у Ильина читают все: (Об учителе ... Е.Н.Ильине). Москва: Просвещение, 1990. – 14с.

Бадиий матнни таҳлил қилишда бир қатор мақсадлар кўзда тутилиши мумкин. Жумладан:

“-муҳим тафсилларга: матннинг услубий хусусиятларига эътиборни қаратиш;

-ўқувчиларни изоҳлашга, шарҳ беришга ундаш;

-бундан кейинги мақсад сари йўналган ўқиши ва англаш учун муаммоларни илгари суриш;

-руҳиятта оид терминлар бойлигини кенгайтириш, инсоннинг ички оламига бўлган диққатини кучайтириш;

-муаллиф нуқтаи назари қандай намоён бўлаётганини, унинг ифодаланиш хусусиятларини аниқлаш;

-эътиборни асарнинг жанр хусусиятларига ва композициясига қаратиш;

-мустақил холоса ва баҳо беришдек ижодий фаолиятни рағабатлантириш”¹.

Ҳар бир асар муайян инсоний хислатларга, ижтимоий муносабатларга бағишиланган бўлади. Масалан, “Гилам пайпоқ” да онага меҳр-муҳаббат, “Жасур қиз” да зулм ва зўравонликка нафрат ва ҳоказо. Бу асарларни ўрганишда уларнинг шу йўналишларига таянилади. Бошқачароқ айтиладиган бўлса, материалнинг мазмунни дарс турини ҳам тайин этади.

Инсоний муносабатлар, ижтимоий ҳодисалар, асарнинг тил хусусиятлари, ёзувчинининг мәҳорати, асарнинг яратилиш тарихи каби қатор масалаларга эътиборнинг оз-кўплиги дарс турларини ташлашга сабаб бўлади. Эндиликда анъанавий дарс турлари билан бир қаторда ноанъанавий дарс шакллари ҳам кенг қўлланмоқда. Дарс-сұхбат, дарс-анжуман, дарс-баҳс, дарс-практикум ва бошқалар шулар туркумига киради.

Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-хунар колледжларининг ўзбек тили машғулологлари таркибида адабий матнни ўқиб ўрганиши бадиий асардан эстетик завқ ола биладиган китобхонни тарбиялаш учун хизмат қилибгина қолмай, бадиий адабиётнинг мазмунини ташкил этувчи миллий анъаналар, маънавий қадриятларни сингдириш мақсадини ҳам кўзда тутади. Ўзбек тилидаги асар ўзбек халқининг руҳияти, ҳаёт тарзини англашга, урф-одатлари, удумлари билан танишишга ёрдам беради. Шунга

¹ Пустошкина А.А., Филатова Е.А. Современные открытые уроки литературы. 8-9-е классы. -- Ростов-на-Дону: Феникс, 2003. -- 352 с.

кўра ҳам адабий матн устидаги ишларни педагогик ва методик жиҳатдан тўғри ўюнтириш ҳар жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Ўспирийлик ёшида ўз-ўзини англаш, атрофдагиларнинг ахлоқий-руҳий фазилатларини билиш ва баҳолаш, ўз ҳис-туйғулари ва кечинмаларини тушунишга эҳтиёж пайдо бўлади, бу ҳолат туфайли ана шу эҳтиёжни қондира оладиган адабий матнларни ўқиб ўрганиши истаги юзага келади. Ўқувчи асар муаллифининг ниятини, қаҳрамонга муносабатини, воқеа ва ҳодисаларнинг сабаб ва натижаларини мушоҳададан ўтказа бошлайди. Бу жараён турмуш ҳақиқатини тадқиқ этиш билан боғлиқ ҳолда кечади. Унинг мустақил изланишлари тўғри йўлдан борса ва тўғри ечимга олиб келсагина, ўз ишидан қаноатланади, бу ишни давом эттириш сари руҳланади. Ана шу изланишларда ўқувчига тўғри йўналиш берадиган, баъзан икки йўлдан бирини танлаш вазиятига соладиган, чуқур мушоҳадага ундейдиган турткilar керак бўлади, холос. Матнга доир бериладиган савол ва топшириқлар ана шундай туртки вазифасини бажармоғи лозим.

Асарни ўқишидан олдин бериб қўйиладиган савол ва топшириқлар ўқувчиларнинг олдиндан (илгарилаб) тайёргарлик кўришларини тақозо этади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, дарсда дафъатан бериладиган савол ва топшириқларга қараганда олдинроқ маълум қилинадиган савол ва топшириқлар чуқурроқ англанади, уларни бажаришда онглилик юқори бўлади.

Адабий асарнинг мазмуни ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Кузатишлардан маълумки, дарсда ўқиб ултурилмаган, оз қисми қолган адабий парчани қўнғироқдан кейин ҳам қолиб охиригача ўқиб чиқиш хоҳишини билдирадиган синф ўқувчилари ҳам учраб туради. Бадиий матнларнинг ҳиссиз ўқув матнларига нисбатан афзаллиги ҳам шунда.

Русийзабон ўқувчи топшириқ шартини ўқигандан кейиноқ ўзидағи ҳадикнинг асоссиз эканлигини кўнглига тугиб қўйиши керак. Зоро, савол ва топшириқларни адабиёт назариясини эмас, балки бадиий асарнинг ўзини ўрганишга йўналтирилиши мақсадга мувофиқидир. Аслида ҳам шундай: савол ва топшириқлар матн мазмунини, унинг тимсолларини тадқиқ этиш орқали ҳаётнинг бадиий акси бўлмиш асарга чуқурроқ кириб бориш учун хизмат қиласди, холос. Бу ишларнинг эса адабиёт назариясини ўрганишга бевосита алоқаси йўқ. Ўзбек тили дарслари таркибида адабий материалларни ўқиш том маънода назарий жиҳатдан адабий тайёргарлик кўришнинг

айнан ўзи ҳам эмас, балки матн мазмунини бадий-эстетик идрок этишни таъминловчи воситадир. Шунга кўра ҳам савол ва топшириқлар ўқувчиларнинг эстетик тафаккури ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам бермоги лозим.

Ўзбек тилидаги адабий матн устидаги ишлар ўқувчининг рус адабиёти дарсларида олган билим, эгаллаган кўникма ва малакалирини кўчириш, улардан фойдаланиш, ўзбек тилидаги асарга татбиқ этиш мазмунидаги ишларни ифода этади. Тўғри, баъзан рус адабиёти дарсларида ўтилган назарий маълумотларни эсга олиш зарурити ҳам туғилар, лекин, барибир, бу нарса назарий машғулот - шаклбозлик тусини олмаслиги даркор.

Юқорида баён этилганлар ўзбек тили дарслари таркибида миллий маънавият тарбияси учун хизмат қилувчи адабий матн юзасидан бериладиган савол ва топшириқлар тизимини яратиш учун асос қилиб олинади. Буни қўйидаги принциплар қўринишида ифодалаш ҳам мумкин:

1) бадий асар устида олиб бориладиган ишлар мазмунини ўзлаштиришга қаратмаслик, уни бадий идрок этишгагина йўналтириш;

2) ўқувчиларнинг рус адабиёти дарсларида олган билим, кўникма ва малакаларига таяниш;

3) савол ва топшириқларни адабиёт назариясини ўрганаётгандик тасаввурини ўйғотмайдиган қилиб тузиш;

4) савол ва топшириқларни образ-персонажларнинг хатти-ҳарачатларини, матнда ишлатилган тасвирий воситаларнинг, асар жанрининг эстетик қийматини, жозибасини англаб етиш сари йўналтириш.

Русийзабон ўқувчини ҳам, ўзбек тили ўқитувчисини ҳам адабий матннаги нотаниш сўзлар ташвишлантиради. Матн мазмунини тушуниш учун бу сўзларни маъносини англаш даражасида бўлса ҳам билиш керак бўлади. Руҳшуносларнинг аниқ маълумотларига кўра иккинчи тилни ўрганаётган одамнинг диққатини талаффузи ва имлоси жўн оддий бир сўзга қараганда талаффузи, имлоси қийинроқ, маъноси қизиқиш ўйғотган сўз кўпроқ торгади, шу сўзни ўзлаштиришда кўпроқ ушланиб қолади, натижада қийин сўз ўзлашиб, эътиборни жалб қилмаган осон сўз ўзлашмай қолиб кетиши ҳам мумкин. Шунинг учун методист олим енгил ўзлашади деб ўйлаган сўзларга нисбатан “қийин” сўзлар пухтароқ эслаб қолинади. Адабий асардан олинган парчаларда, шеърларда маъноси ва ишлатили

ши ғайриоддий туюлган сүз, гап, мисра катта қизиқиш билан идрок қилинади. Бадий асарнинг асл моҳияти ҳам шунда бўлса керак. Демак, адабий матн бирмунча “қийин” сўзларга эга бўлса-да, ўқиб ўрганиш учун фойдалари оқидир.

Бадий асардан олинган парча муайян адабий тайёргарлиги бўлган (бу тайёргарлик рус адабиёти дарсларида шаклланган) русийзабон ўқувчидаги эстетик завқ уйғота олади. Лекин бунинг учун биринчи навбатда матн ўқиб чиқилмоғи, қолаверса, мазмунни тушумилмоғи даркор. Демак, ўқувчини шунга тайёрлаш, лексик ва грамматик машқларни бир неча дарс олдин бошлаш лозим.

Методист олим С.Матчонов «ўқиган одам» ҳамда «ўқимишли одам» тушунчаларининг кескин фарқ қилиши ҳақида тұхтаркан, «китобхонлик тор маънода китоб ўқишини билдириса, кенг маънода танлаб ўқиши, ҳис этиш, англаш ва фикр билдириш тушунчаларини ўз ичига қамраб олади. У бадий адабиётдан озиқланади, адабий танқид ва педагогика кўмагида юксала боради», - деб ёзади¹. Бу жараёнларда ҳам савол ва топшириқлардан фойдаланишнинг рангбаранг шакллари мавжуд.

Н.Д.Молдавская адабий ривожланишнинг энг “ташқи”, бевосита кузатиш учун қулай кўрсаткичи бу ўқувчининг ўқиганлиги, яъни унинг китобхонлик тажрибасидир², деб ҳисоблайди. Буни назоратнинг дастлабки, энг қуий параметри сифатида қабул қилиш мумкин. Асар устида олиб бориладиган ишлар эса бадий асарнинг эстетик идрок этилишини таъминлайдиган тимсолларнинг тўғри идрок этилган-этилмаганлигини аниқлаш ва идрокни чуқурлаштириш мақсадини кўзда тутади. Ана шу ишларни ташкил этишда ўзбек тили ўқитувчисига матнни дастлабки ифодали ўқиши ҳамда илк таҳлилий ишлар билан боғлиқ савол ва топшириқлар ёрдамга келади.

Ўзбек мактабларидаги бадий асар юзасидан тузиладиган савол-топшириқларга кўйиладиган методик талаблар Ҳ.Суюновнинг “Адабиёт дарсларида ўқувчиларни савол-топшириқлар устида ишлашга ўргатиш усувлари” номли тадқиқот ишида³ атрофлича ёритилган.

¹ Матжон С. Китоб ўқиши биласизми? Китобхон билан мuloқот. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. 4- бет.

² Молдавская Н.Д. Литературное развитие школьников в процессе обучения. – Москва: Педагогика, 1976. –30 с.

³ Суюнов Ҳ. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни савол-топшириқлар устида ишлашга ўргатиш усувлари. Пед. фан. номз. дисс. автореферати. – Тошкент, 2004.

Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва қасб-хунар колледжларининг ўзбек тили машғулотлари таркибида ушбу тавсиялардан ўз ҳолича фойдаланишнинг иложи йўқ, албатта.

Ўқитувчи учун ҳам, таълим субъектига айланиб бораётган ўқувчи учун топшириқ, ижодий, муаммоли савол асар устида мустақил, мақсад сари изланиш йўлидаги фаолият характерини белгилайдиган очқич бўлиб хизмат қиласди. Ўқитувчининг таълим жараёнини бошқариши мақсад сари элтадиган тўғри йўлни (қаерга олиб бориши ноаниқ бўлган сўқмоқни эмас) кўрсатиб туришда намоён бўлади, ўқувчилар фаолиятини тартибли, изчил, янги педагогик технология даражасида ўюнтиришини кўзда тутади. Бунда ҳар бир адабий материални ўқиб ўрганиш натижаси ҳам эътиборга олинади.

Савол ва топшириқлар матнга нисбатан жойлаштирилишига кўра иккни турга ажратилади:

1. Адабий матнни ўқишгача бўлган даврда бериладиган топшириқлар.

2. Адабий матн билан танишиб бўлинганидан кейин бериладиган савол ва топшириқлар.

Аксарият ҳолатларда “Ўзбек тили” дарслкларида¹ матндан аввал “Матнни ўқинг”, “Матнни ўқинг. Саволларга жавоб беринг”, “Эртакни ўқинг, мазмунини ўз сўзингиз билан қайта ҳикоя қилинг”, “Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг”, “Шеърни ифодали ўқинг ва қандай таассуротлар уйротганини айтинг”, “Парчани ўқинг ва ...” каби топшириқлар келтирилади.

Адабий матнни ўқиши ўқитувчининг қисқа кириш сўзидан сўнг бевосита бирор топшириқдан бошланади. Топшириқ эса дарсда бажариладиган ишлар кўламига ишора қиласди. Масалан, “Матнни ўқинг” деганда матн устида олиб бориладиган ишларни уни ўқиб тушуниш даражасида чегаралаш кераклиги ифода этилади.

Методикада ўқувчиларга асарни мустақил ўқиб чиқишига қадар савол ва топшириқлар бериш керакми ёки йўқми деган масалага турлича муносабат билдириб келинди: топшириқлар ўқувчилар-

¹ Йўлдошев Р., Мулламуҳамедов С. Ўзбек тили ва адабиёти / Кечки (сменали) рус ишчи ўшлар мактабининг X-XII синфлари учун. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995. -237 бет. Йўлдошев Р., Тўхтамирзаев М., Рихсиева М., Ниёзметова Р. Ўзбек тили: Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 8-синфи учун дарслик. - Тошкент: Ўқитувчи, 2000. - 110 бет.

нинг диққатини асарнинг ўзлари мустақил пайқамай қолишлари мүмкун бўлган баъзи муҳим томонларига йўналтиради, лекин, бошқа томондан, савол ва топшириқлар, айниқса, улар бир қанча бўлса, асарни идрок этишнинг бевоситалигига ҳалақит беради, улардаги қизиқишни пасайтиради. Буни кузатишлар ҳам тасдиқлайди.

Матндан кейин бериладиган савол ва топшириқлар ўқувчиларнинг ақлий ва эмоционал ривожланишига қаратилган бўлиши, бадиий матнни ўрганиш жараёнида шунга қўшимча равиша ўзбек тилидаги мулоқотнинг қулай кечиши учун мос нутқий вазият яратиши даркор.

Баъзи “Ўзбек тили” дарслеридаги¹ адабий матндан кейин берилган савол ва топшириқлар унинг мазмунини ўзлаштириш учунгина қаратилган. Масалан, “Сариқ девни миниб” романидан келтирилган парча юзасидан қўйидаги топшириқлар тавсия этилган: *Матнни дикқат билан ўқинг. Сеҳрли қалпоқча Ҳошимжонга қандай ёрдам бергани ҳақида айтиб беринг. Матнни ролларга бўлиб ўқинг. Мактабда яхши ўқимаган бола бирор касбни эгаллаши мумкин эмаслигини тушиунишиб беринг.*

Айрим матнлар юзасидан берилган савол ва топшириқларда асарояси, ҳаёт билан бояланиш каби жиҳатлар ҳам акс этган. Лекин булар бадиий матнни чуқур ва тўлиқ идрок этиш учун асло етарли эмас.

Биз ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг ҳамкорликда адабий асарни ўқиб ўрганишлари мобайнида кўрсатадиган фаолиятлари қай изчилилкда амалга ошса, савол ва топшириқларни шу фаолиятга йўналтириш мазмунида тузишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунончи:

1) бадиий асардан олинган парчани ўқищдан олдин бажариладиган лексик ва грамматик машқлар билан боғлиқ савол ва топшириқлар;

2) бадиий матнни бевосита ўқищдан олдин бериладиган савол ва топшириқлар;

3) ифодали ўқиш жараёнида ва дастлабки таҳлил чоридаги савол ва топшириқлар;

4) парча ўқилгандан кейинги савол ва топшириқлар;

5) навбатдаги дарсда ўтилганларни такрорлаш билан боғлиқ савол ва топшириқлар.

¹ Tolipova R., Tursunova I., Ochilova M., O'zbek tili. Ta'lim boshqa tillarda olib boriladigan maktablarning 7-sinf uchun darslik. - T.: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi, 2005.

6) уй вазифаси сифатидаги савол ва топшириқлар;

Методик адабиётларда бажариш усулига кўра савол ва топшириқлар таснифи ва типологияси, методик тавсифи хилма-хилдир. Айрим қўлланмаларда савол ва топшириқларнинг бошқачароқ турлари ҳам тавсия этилган:

“якка, гуруҳли (бир неча кишига мўлжалланган), умумий, яъни ялпи савол-топшириқлар;

уй вазифалари ва аудитория машғулотлари учун мўлжалланган савол ва топшириқлар;

ўқиши пайтида матн устида кузатиш ишларини ташкил этувчи ва умумлаштирувчи савол ва топшириқлар;

кенг доирадаги саволлар ҳамда зарур бўлганда қаердан қидириш кераклигини қўрсатувчи қўшимча савол ва топшириқлар;

материал танлаш ва тўплашга қаратувчи саволлар ҳамда магнинг англанишини ўюштирувчи саволлар;

ўқитувчининг ўқувчилар билан сұхбатлашиши учун ҳамда мустақил ишлар учун мўлжалланган саволлар тизими;

якка бир ҳодисани ёки ҳодисалар йиғиндинисини таҳлил қилишга, шунингдек, асарларни, тимсолларни таққослашга қаратилган саволлар тизими”¹.

Юқоридаги тасниф ўзининг кенг қамровлилиги билан ажralиб туради. Унда ўқилган матн юзасидан ўқувчиларнинг билимини назорат қилиш, уларнинг мавзуни чуқурроқ эгаллашларига ёрдам бериши мумкин бўлган, шунингдек, мустақил ва ижодий ишлашга оид кўнишка ва малакаларни эгаллашларига ундейдиган савол ва топшириқлар ўз аксини топган.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни жорий этишнинг ҳозирги иккинчи босқичи таълимни табақалаштириш билан характерланади. Бундай таълим иқтидорли ўқувчиларга якка ёки гуруҳли вазифалар беришни тақозо этади. Шунга кўра ҳам савол ва топшириқларни уч хил тайёрлаш кўзда тутилади:

1. Синфдаги барча ўқувчилар учун мўлжалланган савол ва топшириқлар.

2. Гуруҳга мўлжалланган савол ва топшириқлар.

3. Якка ўқувчига мўлжалланган савол ва топшириқлар.

¹ Методика преподавания литературы в средних специальных учебных заведениях. Под ред. А.Д. Жижиной. – М.: Высшая школа, 1982. – 8 с.

Табиийки, бир ўқувчига бериладиган вазифалар гуруұға бериладиган вазифалардан фарқ қылади. Чунки гуруұда бир неча кишининг биргаликта ишләши, күпчилик бўлиб муаммоларни ҳал этиши кўзда тутилади. Бир ўқувчининг имкониятлари эса чекланган бўлади. Лекин, умуман олганда, иқтидорли ўқувчи оладиган вазифа бутун синфга бериладиган савол ва топшириқлардан қийинроқ ва мураккаброқ бўлиши табиийдир.

Асарни жамоа бўлиб таҳлил қилиш иши қуйидаги кўринишларда кечиши мумкин: ўқитувчи берган саволлар асосида асар юзасидан суҳбат; бутун асарга доир уй ёки синф иши учун таклиф этилган топшириқларни жамоа бўлиб бажариш; айрим ўқувчилар томонидан қилинган ишларни синфда муҳокама қилиш. (Синфи гуруұларга бўлиб чиқиши, ўйин, баҳс, КВН тариқасида ўтказиш мумкин.) Лекин бунда асарни ифодали ўқиши унсури камайиб кетади.

Асарни ўрганиш юзасидан бутун синфга мўлжалланадиган савол ва топшириқлар яхши ўзлаштирадиган ўқувчиларни кўзда тутган ҳолда берилади. Бунда аксарият кўпчиликнинг имкониятлари назарда тутилади. Зеро, савол ва топшириқлар устида ҳар ким ўз имконияти доирасида тайёргарлик кўради. Иқтидорли ўқувчиларга қўшимча ёки мураккаблаштирилган савол ва топшириқлар бериш, синф ўқувчиларининг фаоллигига салбий таъсир кўрсатади: доим саноқли 3-4 ўқувчидан сўралавергач, бошқа ўқувчилар имкониятлари етмаётгандигини ҳис этиб, дарсга қизиқмай қўядилар.

Үй вазифалари ва аудитория машгулотлари учун мўлжалланган савол ва топшириқлар ўзаро фарқланади. Табиийки, дарсда саволларга оғзаки жавоблар олиш, бирор топшириқни оғзаки бажариш одатдаги ҳолдир. Лекин саволларга оғзаки жавоб қайтариш, топшириқни оғзаки бажаришгина уй вазифаси бўла олмайди. Бу ўринда бирор иш турига тайёргарлик кўриб келиш кўзда тутилса, ўқувчи тайёргарлик кўриш жараёнида вазифани оғзаки бажариб кўради.

Үй вазифаси сифатида ёзма бажариладиган ишларни назарда тутган маъқулроқдир. Лекин бу ишлар ўқувчидан кўп вақт талаб этмаслиги лозимлигини умумидидактик талаблар тақозо этади.

Ўқиши пайтида матн устида кузатиш ишларини ташкил этувчи ва умумлаштирувчи савол ва топшириқлар дарсда бажариладиган энг муҳим иш турларидан биридир. Масалан, энг оддий ва кенг тарқалган топшириқ – матнни қайта ўқиб чиқиб нотаниш сўзларни ёки мазмунни тушунилмаган гапларни аниқлаш; берилган саволлар-

га матндан жавоб топиш; қаҳрамоннинг фазилатини очишига ёрдам берувчи тафсилларни аниқлаш ва ҳоказо.

Ўзбек тили дарсларида кенг саволлар ҳамда зарур бўлганда қаердан қидириш кераклигини кўрсатувчи кўшимча савол ва топшириқларга камроқ мурожаат этилади. Бунинг сабаби шундаки, русийзабон ўқувчи ижодий саволдаги сўроқ сўз ўрнига матндан жавоб сўз топиб, ижодий (матнда ишлатилган гап билан эмас) жавоб қайтариши маълум куч-файратни талаб этса-да, уддалаш мумкин бўлган юмуш. Ўзбек тилида амалий сўзлаш малакаси бўлмаган ўқувчи ўз фикрларини бир нечта гап билан ифодалаш вазиятига тушадиган кенг саволга қониқарли жавоб бера олмайди. У матндан бирор парча ўқиб берган ҳолда жавоб қайтариши мумкин, холос.

Материал танлаш ва тўплашга қаратувчи саволлар ҳамда унинг англанишини уюштирувчи саволлар тасвирий воситаларни, тимсолларни, муаллиф муносабатини ифодаловчи сўзларни ва бошқа шу каби жиҳатларни матндан қидириб топиши, ажратиб ёзиши ёки айтиши мумкин. Бу материаллар асар қаҳрамонига тавсиф бериш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан суҳбатлашиши учун ҳамда мустақил ишлар учун мўлжалланган саволлар тизими, юқорида таъкидлагани-миздек, ижодий саволлардан иборат бўлиши лозим.

Якка бир ҳодисани ёки ҳодисалар йириндисини таҳлил қилишга, шунингдек, асарларни, тимсолларни таққослашга қаратилган саволлар тизими ўзбек тилини амалий биладиган, иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда қўл келади.

Айрим ўзбек тили ўқитувчилари адабий асардан олинган парчани, ҳатто шеърни оддий бир ўқув матни сифатида қабул қилиб, иккинчи тил методикасидаги матн устида ишлаш усуулларини қўллайдилар: матнни ўқитиш, мазмунини тушунтириш йўлида сўзлар ва айрим грамматик материалларни ўрганиш, мазмунни ўзлаштириш мақсади билан матнни рус тилига таржима қилиш, саволларга жавоб олиш, матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш ва бошқа шу каби тадбирларни ўtkазадилар. Тўғри, русийзабон ўқувчининг ўзбек тилидаги матнни ўқиб тушуниши қийин кечади, баъзан унинг учун энг машаққатли ишга айланади. Лекин адабий асарни ўқиб ўрганишдан кўзланган асосий мақсад унинг мазмунини ўзлаштириш эмас, балки бадиий идрок этишдир. Асарни бадиий идрок этиш устидаги ишлар жараёнида мазмунига чуқур кириб бориш ўз-ўзидан содир бўлади. Фақат ана шу йўлда

метод ва усуулар тизими тўғри танланмоғи ва жорий этилмоғи лозим, холос. Пухта ишлаб чиқладиган савол ва топшириқлар эса ана шундай кўникма ва малакаларнинг шаклланиши ва ривожига хизмат қўлмоги даркор.

Хулоса қилиб айтганда, таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-хунар коллажларининг ўзбек тили машғулотлари таркибида шарқона маънавий бойликни сингдиришга хизмат қилувчи адабий матнни ўқиб ўрганиш, бадиий асардан эстетик завқ ола биладиган китобхонни тарбиялашда савол ва топшириқлар тизимидан тўғри фойдаланиш ҳам педагогик, ҳам методик жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Асар тилини ўрганиш ўқувчиларнинг ўзбек тилини билишларига олиб келади, ўзбекча сўз ишлатиш маданияти эгалланади, нутқини ўстиради. Бу нарса олдиндан пухта тайёрлангандагина амалга ошади.

Ўқувчилар асар сюжетини ажратиш билан кифояланиб қолмасдан, асар тилига, тимсолларига ва композицион қурилишига ҳам эътибор берсинилар. Кейингисида режа тузиш муҳим роль ўйнайди. Бунда ўқувчилар ўз фикрларини тизимга солишини ўрганадилар.

Ўқувчи образли фикрлай бошлайди. Баъзи одамларнинг хатти-ҳаракатларини кўриб, уларни афанди деб атайдилар. Паҳлавон бўлса, нақ Алномиш дейишлади ва ҳоказо. Тарбиявий таъсирда фойдаланиш жараёни содир бўлади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, русийзабон ўқувчилар ўзбек тилидаги образларни ўз миллий позицияси нуқтаи назаридан туриб идрок этади.

Ўқувчи бадиий асарни ўқиётганда ўз ҳаёти билан эмас, балки бадиий асарда акс этган ҳаёт билан яшайди. Адабий асардаги образга қўшилиб ҳаракат қилади, ҳаётий қийинчиликларни енгиш йўлларини излайди, қаҳрамони хато қилса – куюнади, зафар қучса – суюнади, қийинчиликлардан қутулса - хурсанд бўлади, унинг бир маромдаги ҳаётта қайтишидан таскин топади.

Ўқитувчининг вазифаси ўрганилаётган матнда ўз аксини топган ҳаётий воқеа-ҳодислар ҳаққониятига ўқувчиларни ишонтириш, шу ердаги бадиий воқелик реалияларига ўқувчилар диққатини доимий равишда қаратиб туришдан иборат. Бунда яна савол ва топшириқларнинг пухта ўйланган мукаммал тизими амалий жиҳатдан катта ёрдам бера олади.

«Ўқув-билув қобилиятини ривожлантириш – бу ўқиб билинаётган нарсаларнинг моҳиятига чуқурлашиш, ушбу моҳиятни очиш

фаолиятига доир усулларни эгаллаш қобилиятини ривожлантириш дегани»¹.

«Адабиёт ўқитиш жараённада битта объект – бадий асар матни ўрганилади. Лекин бу объект алоҳида. У ҳамма нарсани ҳамма вақт ҳам оқимида, қонунларида, детерминлашганликда тушунтирмасдан ҳаётни кўрсатади. Бадий матннинг образли структурасида тушунчалар тизими, ёзувчининг матн юзасида аниқланмайдиган, балки унинг орқасида турадиган, бадий матнга доир қўшимча ахборотларни талаб этадиган фикр-ўйлари, ижодидан кўзланган мақсадлар туради»².

Шундай қилиб, бадий асар устида олиб боришида муаммоли баён, изланиш, тадқиқот олиб бориши каби методларга устувор аҳамият бериш, адабий материалларни ўрганиш билан боғлиқ босқичларни ижодий ташкил этиш, адабий таълим ва тарбиянинг бирлигини рўёбга чиқаришида маънавий-руҳий жиҳатларга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбек тили дарсларида русийзабон ўқувчиларнинг билим ва нутқий ривожланип савияси берадиган имкониятга кўра, бадий асардан олинган парчани эстетик идрок этишнинг биринчи шарти ундаги барча сўзларни ўқиб тушуна оладиган даражадаги тайёргарлик амалга оширилган бўлиши керак.

Русийзабон ўқувчилар ўхшатиш, метафора ва бошиқа назарий тушунчаларни рус адабиёти дарсларида ўрганадилар. Ўзбек тили дарсларида тегишли терминаларни таржима йўли билан англатиш асосида адабий-назарий тушунчаларга мурожаат этиш ва бадий асардан олинган парча устидаги таҳлил ишларини бажаришга тўғридан-тўғри киришавериш мумкин.

Адабий матнни ўқищдан олдин лекция ўрнини боса оладиган ўқитувчининг муҳтасар кириш сўзи жоиз. Берилаётган маълумотлар бирор турмуш тажрибасидан, ҳаётий тажрибадан воқиф этса, унинг қиймати яна ҳам ортади. Ўқитувчи кириш сўзи якуннида ўқувчилардан 1-2 та муаммоли саволга жавоб олиш, эшитилганлардан олинган таассуротларни сўраш фойдали.

¹ Зальдинер М.А., Тодоров Л.В., Губина Ф.И. Методика преподавания русской литературы в старших классах национальной (узбекской) школы. Под общей ред. проф. М.А.Зальдинера. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 47 с.

² Ўша асар. 49-бет.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎЗБЕК ТИЛИ- ДАГИ АДАБИЙ МАТЕРИАЛЛАРНИ ДАРСДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР ЖАРАЁНИДА ЎРГАНИШ

3.1. Академик лицей ва касб-ҳунар колледжларида дарс(машғулот)дан ташқари ишлар жараёнида адабий материалларни ўрганиш шакллари, воситалари ва методлари

Тадқиқот ишимизнинг навбатдаги босқичида таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар колледжларидаги узлуксиз ўзбек тили таълимини машғулотлардан ташқари ишлар билан қўшиб ташкил этиш, аввалгисида ечилмаган, ултурилмаган, ҳар бир дарс берадиган имконият доирасида ҳал этишининг иложи бўлмаган ушбу таълимий тадбирлар орқали тўлдиришдек муҳим методик масалалар устида изландик. Умумий ўрта таълим мактабларида ўзбек тили бўйича дарсдан ташқари ишларни уюштириш, шу жараёнда ўқувчиларнинг нутқини ўстириш муаммолари педагогика фанлари номзоди Г.Муҳаммаджонова томонидан ўрганилган. Унинг “Дарсдан ташқари машғулотларда русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча нутқини ўстириш методикаси (5-9-синффлар мисолида)” мавзусидаги номзодлик диссертацияси¹ ана шу йўналишдаги масалаларга бағишланган дастлабки илмий ишдир. Унда дарсдан ташқари иш турлари, уларнинг мазмуни, нутқ ўстиришдаги хизмати бирма-бир баён қилинган.

Тадқиқотчи дарсдан ташқари тадбирлардан адабий кеча, учрашувларга катта эътибор беради. Бошқа тадбирларни қўйидаги тарзда тасниф қиласди:

I. Оммавий тартибдаги ишлар.

¹ Муҳамеджанова Г.З. Дарсдан ташқари машғулотларда русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча нутқини ўстириш методикаси (5-9-синффлар мисолида). Пед.фан.номз. ... дисс.автореферати. – Тошкент, 2003. – 22 бет.

Оммавий байрамлар: 1. Китоб кўргазмаси. 2. Санъат асарлари кўргазмаси. 3. Фотолавҳалар. 4. Ўзбек тили куни. 5. Ўзбек тили ойлиги.

Оммавий танловлар: а) ифодали ўқиши; б) викториналар (топқирлар баҳси); в) чайнворд, бошқотирмалар кўргазмаси.

Оммавий тадбирлар: карнавал, фестивал, форум, сайил, саёҳат, маданий юриш, зиёрат, ҳашар, халқ ўйинлари.

II. Гурухий тадбирлар: 1. Тўгарак. 2. Клуб. 3. Лашкар. 4. Фольклорчилар жамияти. 5. Журналистлар жамияти. Таржимонлар тўгараги.

III. Якка тартибдаги тадбирлар: а) олимпиада; б) танлов; в) мусобақа; г) суст ўзлаштирадиган ўқувчилар билан ишлаш¹.

Юқоридаги таснифлар ичida ўлкашунослик, деворий газета, эртаклар оламга саёҳат, саҳналаштириш, оғзаки журнал, интермедия, латифачилик, фильм, китоб ўқиши (синфдан ташқари ўқиши), “Ўйла, изла, топ” ўйинлари ҳам тилга олинади.

Г.Муҳаммаджонова дарсдан ташқари ўтказиладиган ишлар (тадбирлар)нинг ҳар бирига атрофлича ва кенг тўхталади, уларнинг ўқувчилар нутқини ўстиришдаги имкониятларини очиб беради.

Айниқса, адабий кеча, учрашув каби тадбирларнинг адабий материалларни, миллий маънавиятни ўрганишдаги аҳамияти аниқ кўрсатиб ўтилган. Унда ўзбек тилидан дарсдан ташқари ишлар сирасида турли тадбирлар қатори ифодали ўқиши тўгараги, драма тўгараги, “Ўзбек қўшиқлари” тўгараги машгулотлари, китоб билан ишлаш, китобхонлар конференцияси каби иш турлари ҳақида ҳам бир қадар сўз юритилган. Лекин бу ишда адабий кеча, адабий эрталик каби дарсдан ташқари тадбирларда адабий материалларни ўрганишда давом этиш, русийзабон ўқувчиларнинг ўзбек тилида китоб ўқишиларига раҳбарлик, бу борада янги педагогик технологияларни жорий қилиш муаммоларига кам ўрин ажратилган.

“Мактабда адабиёт ўқитишдан мақсад ўқувчиларнинг маънавий дунёсини тарбиялаш, гўзаллик ҳақидаги тушунчаларини бойитиш, бадиий ижод ҳақида билим беришдан иборат”². Қ.Йўлдошев

¹ Мухамеджанова Г.З. Дарсдан ташқари машгулотларда русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча нутқини ўстириш методикаси (5-9-синфлар мисолида). Пед.фан.номз. ... дисс.автореферати. – Тошкент, 2003. – 20-24- бетлар.

² Мирқосимова М. Адабий таҳлил методикаси (Адабиёт ўқитувчилари ва талабалар учун қўлланма). - Тошкент: РЎММ, 1993. – 1- бет.

таъкидлаганидек, “..талаба бадиий асардан лаззат туйса, ўзининг завқини келтирган тасвирий унсурларни пайқай билса, чинакам бадиият намунасини сохта асарлардан ажратса олиш малакасини эгаллаётган бўлсагина китобхонга айланади”¹. Шундай бўлгач, таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида дарс (машғулот)лардан ташқари ишлар жараённада ўзбек адабиёти материалларини эстетик завқ олиш мақсади билан ўрганишга қаратилған тадбирларнинг мазмунни ва турлари умумтаълим мактабларининг 5-9-синфларида амалга ошириб келинган шу каби ишларнинг давоми, тадрижий такомили бўлиши кераклиги аниқ. Айниқса, тадбирларда қилинадиган маъруза ва чиқишларнинг мазмунида ҳам шу нарсалар кўзда тутилмоғи даркор.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўтказиладиган машғулотлардан ташқари тадбирларнинг маълум бир қисми (ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар билан учрашувлар, ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишлиган адабий кечалар, китобхонлик конференциялари, жамиятлар, клублар, деворий газета, алоҳида мавзуларга доир кўргазмалар, ўқувчилар анжуманлари, викториналар, олимпиадалар, танловлар ва бошқалар) адабий материалларни ўрганиш билан боғлиқ равища ўтади. Тўғарак фаолияти ўзбек тили дарслари таркибида, дарсдан ташқари тадбирлар жараённада ўрганиладиган адабий материаллар билан мавзувийлик ва муаммолилик жиҳатидан боғланышда ташкил этилиши керак.

Бугунги кунда дарсдан, синфдан, мактабдан ташқари машғулотлар, тадбирлар оммавий тус олган. Бу борада ўзбек тили ўқитувчилари бой тажриба тўплаганлар. Лекин улар тадбирларни ташкил этишда кўпинча бир масалада – алоҳида маъруза ва якка чиқишларнинг мазмунини белгилашда методик маслаҳатларга муҳтожлик сезадилар.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўтказиладиган машғулотлардан ташқари тадбирларнинг маълум бир қисми (ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар билан учрашувлар, ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишлиган адабий кечалар, китобхонлик конференциялари, жамиятлар, клуб-

¹ Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишининг илмий-методик асослари. Пед. фан. доктори ... дисс. – Тошкент: 1997. – 162- бет.

лар, деворий газета, алоҳида мавзуларга доир кўргазмалар, ўқувчилар анжуманлари, викториналар, олимпиадалар, танловлар ва бошқалар) адабий материалларни ўрганиши билан боғлиқ равишда ўтади. Тўғарак фаолияти ўзбек тили дарслари таркибида, дарсдан ташқари тадбирлар жараёнида ўрганиладиган адабий материаллар билан мавзувийлик ва муаммолилик жиҳатидан боғла нишда ташкил этилиши керак.

Бирор ёзувчи ёки шоирнинг таваллуд кунига, ижодига бағишлианган адабий кеча ёки адаб билан учрашув кечаси ўз мазмунидаги маъруза, шеърхонлик, саҳна кўринишлари, қўшиқларни акс эттиради. Демак, тадбирга кўриладиган тайёргарлик ишлари маъруза матнини тузиш, шеър ва қўшиқлар танлаш, сценарийлар ёзиш, саҳналаштириш кабиларни ўз ичига олади. Адабий кечанинг энг масъулиятли қисмларидан бири *маъруза ёки чиқишилардир*. Тадбирнинг руҳи, мақсад сари йўналганлиги кўп жиҳатдан ана шу қисмда очилади.

Адабий тадбирларда бирор адабий даврнинг шарҳи, бирор ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ва ижоди маъруза ва чиқишилар кўринишидаги тингловчиларга ҳавола қилиниши, шеърлар ўқилиши ва қўшиқлар куйланиши, саҳна кўринишлари ижро этилиши одат тусига кирган. Бундан ташқари, бирор адаб билан ўтказиладиган учрашув ҳам адабий тадбир сирасига киради. Шубҳасиз, адабий кеча ёки адаб билан учрашув чоғида маъруза ва чиқишилар режалаштирилади. Уларда адабнинг ҳаёти ва ижоди, ёзувчи (шоир) яшаб ижод қилган давр шарҳи муайян тарзда, яъни маърифий, таълимий ва тарбиявий аҳамиятга молик равища баян этилади.

“Ўқувчиларнинг фаолият шакллари ва турлари ҳақидаги масала ҳам муҳимдир. Ўқувчилар буларга бефарқ қарамайдилар: бирлари ифодали ўқиши билан чиқишини маъқул кўрадилар, бошқалари ёзувчи ҳақида ахборот беришни афзал кўрадилар, учинчилари – ўқилганлардан олган шахсий таассуротларини ҳикоя қилиш, тўртинчилари – ёлғиз ҳолда китоб ҳақида ёзув қолдиргилари келади, бешинчилари – у ҳақда очиқ баҳслапашини маъқул топадилар; бири ўртоқлари билан бирга ишлашини яхши кўради, бошқаси якка тартибда, учинчиси гуруҳ бўлиб ишлагиси келади”¹.

¹ Уроки внеклассного чтения: Пособие для учителя. Составитель Я.Г.-Нестурх. М.: Просвещение, 1980. – 120 с.

Умуман, юқорида баён этилган иш турларидა, тадбирларда, айниқса, маъруза ва чиқишиларга тайёргарлик кўришда, баҳс-мунозараларда қатнашиш пайтида ўкувчиларнинг ўзбекча нутқи ривожланади. Дарсдан ташқари тадбирларнинг, ушбу тадбирларга ҳозирланадиган маъруза ва чиқишиларнинг нутқи ўстиришдаги аҳамияти айрим илмий-методик адабиётларда баён этилган¹.

Хуллас, тадбирларда қилинадиган маъруза ва чиқишилар дарсдан ташқари ишлар жараёнида адабий материалларни ўрганишни давом эттиришда муҳим унсур саналиб, уларнинг мазмуни қандай бўлиши зарурлиги ўқитувчиларда тез-тез туғилиб турадиган саволлар сирасига киради.

Маъруза ёки чиқишиларнинг мазмуни

Ўкувчи рус адабиёти дарсларида олган билимларидан фойдаланиб, юқорида берилган режа асосида маъруза тайёрлашлари мумкин. Лекин бу ишни бир киши уddyalай олмайди, чунки режанинг ҳар бир моддаси вақт ва куч талаб этади. Шунинг учун бу ишни гурухга топширган маъкул. Ҳар бир гуруҳ ўз ичидан маърузачини ўзи белгилайди ёки ўқитувчи маслаҳат беради.

Маъруза ва чиқишиларга ўқувчиларни ҳам кенг жалб этиш мумкин. Тахминан бир ҳафта олдин синф топшириқ олади. Топшириқ мазмуни хилма-хил бўлиши мумкин. Жумладан: 1) илгари ўрганилган ёки янги шеърлардан бирини ифодали ўқишга тайёрланиш; 2) ўз танловини асослаш: бу шеърлар нимаси билан маъкул келди?

Маълумки, бирор адабий даврнинг шарҳига, бирор ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ва ижодига барисланадиган маъруза муайян талабларга жавоб бермоғи шарт. Биз бу талаблар хусусида ушбу тадқиқот ишимизнинг аввалги бобида, шунингдек, номзодлик диссертациямизда бир қадар тўхталганимиз. Шуларга, бундан ташқари, Қ.Хусанбоеванинг айрим мақолаларига таянган ҳолда айта оламизки, маърузачи (ўзбек тили ўқитувчиси ёки бошқа бир киши) маълум бир давр ўзбек адабиётидаги, айрим олинган ёзувчи ижодидаги энг жиддий воқеа-ҳодисаларни фақат энг муҳим ва тавсифли ўринларига таянган ҳолда очиб бериши керак.

¹ Леонов С.А. Развитие речи учащихся на уроках литературы. – М.: Высшая школа, 1988. – 118 с.

Маърузада айрим ҳолатларда адебнинг йирик асарларини тилга олишдан ташқари, улар ҳақида қисқа маълумот бериб ҳам ўтилади. Ёзувчининг бирор романи шарҳданаётганда, ишни асарнинг ғоявий-эстетик мазмунини тушуниш учун муҳим бўлган саҳна, эпизод, боб, қисмлар ҳақида сўзлапидан ташқари, парчалар ўқиш билан ҳам кўшиб олиб бориш лозим.

Маъруза шарҳли ваъзга тенг келмаса-да, унинг айрим унсурларини қамраб олиши мумкин. Шарҳли ваъзлар қандай мазмунда бўлиши кераклиги педагогика фанлари номзодлари Қ.Хусанбоева, Е.Абдувалитовларнинг тадқиқот ишларида¹ маълум даражада ёритилган. Қ.Хусанбоеванинг таъкидлашича, “Шарҳли ваъзлар асосан юқори синфларда қўлланади. Улар ўзбек мактабларининг адабиёт дарслкларида алоҳида мавзу шаклида берилса ҳам, асосан кейинги дарсларда ўрганилиши мўлжалланган ёзувчи таржимаи ҳолини, бадий асарни англаш учун замин яратиш мақсадини кўзлайди. Ўзбек адабиёти иккинчи адабиёт сифатида ўрганилган ҳолатларда эса шарҳли ваъзларнинг аҳамияти янада ортади. Бундай ҳолатларда адабиёт курси қанчалик сиқиқ бўлишидан қатъи назар шарҳли ваъзлар киритилиши лозим, чунки улар ўрганилаётган адабиётнинг ўзига хос хусусиятларини, тарихий, ижтимоий, аҳлоқий-эстетик мазмунга бой бўлган таъсир кучини намойиш қилиб беради”². Адабий кечадаги маъруза том маънодаги шарҳли ваъз бўлмаса-да, унинг асосий шартларини ҳисобга олиб тузилмоғи даркор.

Умуман олганда, методик адабиётларда мактабда ўтказиладиган адабий кечада ўқиладиган маъруза қандай бўлиши кераклиги ҳақида маълумотлар озроқ бўлса-да, бевосита дарс жараённада лекция, маъруза тавсифини акс эттирувчи тавсиялар кўп Бу хусусда “Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары

¹Хусанбоева Қ. Ноўзбек мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишида шарҳли ваъзлар мазмунини белгилаш // Рус ва қозоқ мактаблари ҳамда мұассасаларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш масалалари: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 1997. – Б. 38-46 бетлар.

Абдувалитов Е.Б. Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг V-IX синфларида ўзбек адабиётини тил таркибида ўқитиш асослари. Пед. фан. номз. ... дисс. - Тошкент, 2002. - 138 б.

²Хусанбоева Қ. Ноўзбек мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишида шарҳли ваъзлар мазмунини белгилаш // Рус ва қозоқ мактаблари ҳамда мұассасаларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш масалалари: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 1997. – Б. 38 6.

на уроках в старших классах” қўлланмасида атрофлича кўрсатмалар берилган¹.

Бизнингча, адабий мавзудаги тадбирда ўқиладиган маъруза – бу, бир томондан, санъят асари, бошқа томондан, - жиддий дидактик восита ҳисобланади. Маърузада адебнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятидан ўқувчилар учун маърифий, тарбиявий аҳамияти катта бўлган ўринлар акс этади. Айни пайтда унинг нима учун атоқли ёзувчи ёки шоир эканлигини кўрсата оладиган маълумотларга эга бўлади, шу билан бирга ўқувчилар олдига куннинг мавжуд муаммоларини қўяди, қандай ҳал этилганлигини маълум қиласди, шундай қилиб уларни муҳокама иштироқчисига айлантиради.

Маълумки, адабиётшуносликда биографик метод ёзувчи ижодини унинг ҳаётий тажрибалари ифодаси сифатида ўрганиш усулидир. Унга кўра, Н.Ш.Зиёдуллаеванинг хулосасига қараганда, “...ёзувчининг асарлари билан бирга унинг шахси, кечинмаси, ҳаёти, замони, муҳити яхлит биографияни ташкил этади”². Мактабда ўтказиладиган адабий кечага тайёрланадиган биографик маълумот (маъруза) ҳам ана шу қоиддан келиб чиқмоги мақсадга мувофиқдир.

Маъруза, бир томондан, ёзувчи ёки шоирнинг таржимаи ҳоли ва ижодий фаолияти баёнини ўз ичига олса, иккинчи томондан, адаб яшаб ижод қўлган давр шарҳи тузида бўлади. Адебнинг ижодий фаолиятини даврдан ажратиб тушунтириш қийин бўлганидек, бирор ижтимоий давр ҳақидаги тасаввурларимизни шу давр ҳаётини акс эттирган асарларсиз шакллантириш ҳам мумкин бўлмайди.

Адабий давр шарҳлари ҳақидаги маърузани тайёрлаганда муайян дидактик талабларни назарда тутиш даркор. Буларнинг энг муҳимлари сифатида маърузанинг янгилик даражаси, унинг ҳажми, тушунарлилигини кўрсатиш мумкин.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ташкил этилаётган адабий кечаларда бир қадар тажрибалар тўпланган. Қилинаётган маърузаларда ютуқлар билан бир қаторда айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланади.

¹ Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. - Москва: Просвещение, 1991.

² Зиёдуллаева Н.Ш. Ўзбек адабиётшунослигига ижодкор биографиясини ўрганиш муаммолари (А.Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди асосида). - Филол.ф.н. ... дисс.автореферати. – Тошкент, 2000 – 8 б.

ди. Уларда учрайдиган типик камчиликлар орасида одатда бадий матнга, эмоционал таассуротларга таянмаган ҳолда фақат мавхум тушунчаларга асосланиб гапиришга берилиб кетиш кучли эканлинин эслатиш жоиздир. Иштирокчиларнинг ўз маъruzаларида бадий матнга қанчалик кўп мурожаат қилса, сўзларининг таъсир кучи шунчалик ортади.

Баъзан адабий тадбирда нотиқ фактларни санашга ортиқ даражада урғу беради. Лекин фактларнинг ўзи кўплигидан вақт сира ҳам етарли бўлмайди. Тўғри, маъruzанинг ҳажми талай foялар, муаммоларни ўргага ташлаш ва дафъатан ҳал этиш имконини бермайди. Лекин унда бирор ғоя ёки муаммо кўтарилимаган ҳолатлар ҳам унчалик мақбул эмас.

Маъruzанинг жонли ёки зерикарли чиқиши мазмунининг қандай танланганига боғлиқ. Қизиқарлилик қуруқ фактларни санащдан воз кечиб, фикр уйғотиш, тингловчини туйғулар оғушига тортиш, шу билан маҳлиётиши, ҳаракатга ундашга қодирлик орқали таъминланади. Шунга кўра ҳам мазмунан яхши уюштирилган маъруза ахборотни етказишгагина қодир бўлмай, у билимларни тизимга солиб, тингловчиларни уларга ишонтириб, муайян дунёқарашни, энг муҳими, бадий дидни шакллантира олади. Нотиқнинг сўзи эмоционал-эстетик муносабат пайдо этади, “яхшилик туйғулари”ни уйғотади, шахсиятнинг қарор топишига ёрдам беради.

Ниҳоят, маъруза ёрдамида дарсда ва дарсдан ташқари ишларда ўқувчиларнинг фаолиятини ташкил қилишга қаратилган тадбирларга йўналиш берилади, маълум даражада ана шу ишларга раҳбарлик амалга оширилади, ўқувчиларда адабий таълим олиш билан боғлиқ хилмачил малакалар ҳосил қилинади. Шундай бўлгач, маъruzанинг мазмуни тингловчиларнинг ўзбек тилидаги нутқий имкониятларини, шунингдек, тушунча бериш лозим бўлган материални ҳисобга оладиган ўқитувчи томонидан белгиланади. Ўқитувчи маъруза матнини тайёрлар экан, у адабий давр, ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларни ижодий равишда аудиторияга мос slab қайта баён этади, яъни ижод қилади. Лекин бу йўсингдаги “ижод” янгилик кашф этиш мазмунида бўлмаслиги, адабиётшунослик, унинг бир қисми бўлган адабий танқидчилиқда тан олинган маълумотларга суюнмоғи шарт.

Адабий тадбирда ўқиладиган маъруза ўқувчиларни ёзувчи ёки шоирнинг тилга олинган асарини ўқиб тушунишга ундейдиган қилиб ҳозирланмоғи лозим. Тажрибанинг кўрсатишича, асарни ўқиб идрок этишдан олдин уни қисқа таҳлил қилиш ўқувчи(талаба) мав-

ҳум-мантиқий фикрлашда бирмунча орқада қолаётган ҳолатларда, айниқса, ўз афзалликларига эга. Асарни ўқишигача бўладиган таҳлилда очиб беришига ҳаракат қилинган ғоялар мутолаа пайтида унинг ана шу ўринларини яна ҳам чуқурроқ идрок этишга ёрдам беради.

Бугина эмас, мўъжаз давр шарҳи кўринишидаги маъруза ўқувчиларга бутунги билимларимиз сарҳадларидан туриб адабиётимиз босиб ўтган йўлни англаб этишга ёрдам бериши, адабий жараёнда жиддий ўзгаришларни белгилаб берган бирор бурилиш нуқтасини ажратиб кўрсатиши даркор.

Маърузууда ўзбек тили ўқитувчиси адабий тадбирни рус адабиёти, чет эл адабиёти, тарих билан ўқув фанлариаро боғлаш орқали ўқувчиларни тегишли даврлар ва миллий маданият хусусиятлари билан таништиришга эришади.

Чиқишларда адабий ўлкашунослик материалларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу масалада ўзбек тили ўқитувчи сига К.У.Хамролиевнинг “Адабиёт ўқитиш жараёнида адабий ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш”, А.Ш.Собировнинг “Адабиёт машғулотларида маҳаллий адабий ва маданий материаллардан фойдаланиш” номли тадқиқот ишлари¹ асқотади.

Ихчам, лекин таъсирчан этиб тузилган маъруза ўқитувчи ва ўқувчилардан катта куч-ғайрат талаб қиласди, эмоционал ва ақлий соҳаларни ишга солади, ўқувчиларнинг ҳаёт тажрибасини бойитади. Бунда тингловчилар тадбир давомида адаб ҳақида қандай таассуротга эга бўлишларини, нималарни кўнгилга яқин олишларини, нималарни бир умрга эслаб қолишларини ҳам олдиндан кўзда тутиш жоиз.

Баъзан ёзувчининг ҳаёти ва ижодидаги бурилишлар ҳақида мукаммалроқ гапириш учун ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари имкон бермайди. “Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах” қўлланмасида таъкидланишича, “Ёзувчининг шахси, унинг ижодий илҳомбахш меҳнати, унинг инсон, бутун халқ баҳти ҳақидаги чуқур ўй-хаёллари, табиий бойликларни кўпайтириш ҳақидаги ўйлари, ўз мамлакатининг ва инсиятнинг келажаги ҳақидаги фамхўрликлари, ўқитувчига баркамол

¹ Хамролиев К.У Адабиёт ўқитиш жараёнида адабий ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш. АКД пед.наук. – Т., 1993. – 22 б. Собиров А.Ш. Адабиёт машғулотларида маҳаллий адабий ва маданий материаллардан фойдаланиш: Пед.ф.н. ... дисс.ав.-ти. – Тошкент, 1995. – 23 бет.

намуналарда ҳозирги замон кишисида фуқарони, ватанпарварни, меңнаткашни, юксак ахлоқий фазилат кишисини тарбиялаш имконини беради”¹. Шунга кўра ҳам маърузада ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти болаларда қизиқиши уйғота оладиган йўналишларда олиб борилиши мақсаддага мувофиқдир.

“Ёзувчи биографиясини, ижод манбаларини, бирор асарининг ёзилиши мотивларини билиш аслида асарни тушуниш учун қўшимча имкониятдир. Буюклар таржимаи ҳолининг ўзиёқ катта маърифий аҳамиятга эга бўлиб, ўқувчилар учун жонли ибрат мактабидир. Амалиётчи ўқитувчи Н.А. Орехова тўғри кўрсатганидай: “Шеърлар ўзича аҳамиятли бадиий асаргина эмас, балки ҳаётгинг алоҳида саҳифаси ҳамдирки, уларда ғалабалар қувончи, мағлубијатлар алами ҳам акс этади”². Таржимаи ҳол адебининг ҳаёт ва ижод йўлиниңг ўзигина эмас, балки аввало унинг маънавий ўсишидир. Бу маълумотлар ёшларга улғайиш, маънавий камолотга етиш намунаси бўла олади. Маърузачи ўзининг жонли сўзи билан ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёт йўли, ижоди тўғрисида жўшиб гапирав экан, адигба хайриҳоҳ эканлигини намоён этади, шу билан ўзи ҳам ибрат манбага айланади. “Шундай ўқитувчилар ҳам бўладики, Некрасовни севмаган ҳолда ҳаддан ташқари субъектив равишда уни талқин қилишга киришиб кетадилар ва биографиясидан, афсуски, энг яхши саналмаган саҳифаларни танлайдилар”³. Айтиш жоизки, адигба нисбатан бефарқ бўлган ўқитувчи у ҳақда жўшиб сўзлай олмайди, оқибатда тингловчиларда у ҳақда яхши таассурот қолдира билмайди. Умуман, маъруза эҳтиросли баёни билан яхлитлик, композицион баркамоллик, далилланганлик, энг муҳими, материалдаги тингловчилар учун янгилик жиҳатлари билан ажralиб турмоги, бугунги кун билан боғланмони ва ёзувчининг бутун маънавий қиёфаси концепциясидаги аниқликни кўрсатиб бермоғи даркор.

¹ Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. - Москва: Просвещение, 1991. - 44 с.

Ўша жойда яна қаранг: 4-бет.

² Орехова Н.А. Как воспитать читателя? Из опыта работы // Литература в школе, 2006 № 8 С. 39.

³ Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. - М.: Просвещение, 1991. - 54 с.

Адабий кечада, ёзувчи ёки шоир билан ўтказиладиган учрашувда, бизнингча, танқидий фикр-мулоҳазаларга ўрин бўлмаслиги лозим. Маърузачининг асарга муносабати бошқа ўқувчиларга ҳам ўтади. Китобхонлик конференцияси бўлса, бошқа гап. Бу ерда са-мимилик - энг яхши инсоний фазилат. Ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам муҳокама қилинаётган асарга шахсий муносабатини баён этишга ҳақди. Лекин ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам ўқилган китоб ҳақида-ги ўз фикр-мулоҳазаларини етарлича исботлашга ҳаракат қилиб билдиришга одатланмоғи лозим.

“Шунинг учун ўқитувчи ҳар гал “сўз машаққати”ни ҳам, илмий изланиш зўриқишини ҳам, шоир илҳомини ҳам ҳис этган ҳолда бетакрор йўлдан боради. Лекин ўқитувчи асарнинг бутун бетакрор-лигига ундан ҳамма вақт бирор тақрорланадиган, қонуний, типик нарсалар топадики, бу ўрганилган бўлса-да, кўплар учун фойдали бўлиб қолади”¹.

Адабий кечалар юқори синфлар ўқувчиларининг мойилликла-рини аниқлаш, уларнинг ижодий фаоллигини ошириш, адабий тўга-раклар фаолиятини яхшилаш, адабиётга жонли қизиқиши уйрошиб ёрдам беради. Ф.Бадриевнинг таъкидлашича, “Яхши ташкил этилган ва ўтказилган адабий кеча хотирада ўчмас таассуротлар қолди-ради. Шунинг учун адабий кечаларнинг сифати ҳақида, унга син-чиклаб кўриладиган тайёргарлик тўғрисида ҳар томонлама ғамхўр-лик қилиш даркор”².

Адабий кечалар, айниқса, юбилей кечалари ўқувчиларнинг адаб ҳаёти ва ижодий фаолияти, асарлари ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш, уларни эстетик тарбиялашнинг ажойиб воситаси бўлиш билан бирга, мактабда адабий материалларни ўрганиш билан боғлиқ равишда олиб борилган ишлар натижаларини намойиш этувчи ҳисоботdir.

Маърузани тинглаш – бу мураккаб психологик жараён. Ҳаттоқи агар тингловчилар олдида битта вазифа – маърузачининг сўзини тўғри тушуниб олиши, асосий томонини ажратиши, унинг аҳамиятига баҳо бериши лозим. Агар вазифа мураккаблаштирилса, ўқувчилардан маъруза мазмуни доирасида ташкил этиладиган

¹ Ўша асар. 69-бет.

² Бадриев Ф. Методы и формы организации внеклассного чтения по литературе в старших классах (На материалах школ Узбекской ССР). – Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Тошкент, 1969. – 23 с.

суҳбатга тайёргарлик сўралса, у ҳолда унинг фаолияти яна ҳам кийинроқ кечади.

Табиийки, ўқитувчи лекция давомида юқори синф ўқувчиларини мутлақо “етук” ва мустақил хуросага олиб келади “Ўтмиш билан ҳисобкитоб қилиш зарур, одам ва жамият учун қанчалик азобли бўлмасин, у шифобахши. Бусиз ўтмиш замонларда ҳаётимизни заҳарлаган касалликлардан иммунитет пайдо қилиш ҳақида ўйлашга ҳожат йўқ”¹.

Маъруза тайёрлаш ишига ўқувчи(талаба)ларни жалб этиш

Адабий тадбирда маъруза қилиш, сўз билан чиқиш учун ўқувчи(талаба)ларни ҳам тайёрлаш муҳим роль ўйнайди. Бу ишни яхши ўзлаштирадиган уч-тўрт ўқувчига тошириш мумкин. Шунингдек, тўғарак машғулотида ўқитувчи ёзган маърузанинг асосий тезисларини мавжуд рисолалар, манбалар асосида энг муҳим фактларни қўшиш тақлиф этилади.

Бериладиган топшириқларнинг ўзбек ёзувчиларига мослаб тузилиши кераклиги аён ҳақиқат. Талabalарга маърузага тайёрланиш учун қўшимча вазифа сифатида қуидаги саволлар устида ўйлаб кўришни маслаҳат бериш мумкин:

1. Шеър (ҳикоя ва б.) нинг асосий мавзуси (ғояси) нима ҳақда, адаб нима учун шу мавзуга тўхтаган, деб ўйлайсиз?
2. Асаддаги қайси образлар сенга маъқул бўлди? Буни изоҳлаб бера оласизми?
3. Сизнингча, мазкур матнда қандай ўзбекона қадриятлар акс этган?

Бундай саволларга жавоб тайёрлаш асосида ўқувчиларда мустақил ўқиш меҳнати кўникмаларини такомиллаштиришга ва уларни мустаҳкамлашга ёрдам беради, топширилган ишга масъулият туйгусини шакллантиради, ўз устида узлуксиз ишлаш оdatини ҳосил қиласди. Мазкур топшириқни бажариш асосида бутун синф иштирокида катта бўлмаган “давра суҳбати” уюштириш мумкин. Бунда қўйилган саволлар муҳокама қилинади.

Тадбир чорида тингловчиларнинг маърузани диққат билан эшишилари муҳим роль ўйнайди. Эътиборни қаратиш учун хизмат қиласидиган усулларга мурожаат этиш лозим. Булар – кўрсатмалик, қизиқарли фактлар ва нотиқнинг нутқи. Таниқли рус тарихчи-

¹ Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. - Москва: Просвещение, 1991. - 38 с.

си, ҳеч ким ўзид кета олмаган лектор В.О.Ключевский, касбдошлагрига доимо шундай деб маслаҳат берар экан: “Омма орасида галириб, тингловчиларнинг эшитишига ҳам, ақлига ҳам мурожаат этманг, балки шундай галирингки, улар сизни тинглаб, сўзларингизни эшитишмасин, балки сизнинг предметингизни кўришсин... Тингловчиларнинг хаёлоти ва қалби ақлингиз билан сизсиз ҳам ва сиздан кўра ҳам яхшироқ тил топишади”¹.

Узбу топшириқлар ўзбек ёзувчиларига мослаб тузилиши кераклиги аён нарса. Тарабаларга уй вазифаси сифатида қуидаги саволлар устида ўйлаб кўришни маслаҳат бериш мумкин:

1. Шеърни (ҳикоя ва б.)ни кимга ўқиб бермоқчисан?
2. Асар сени қандай ғоялар, тимсоллар, туйғулар билан бойитди?
3. Сенингча, ўзбек мумтоз адабиётининг қайси ютуқлари умуминсоний маданиятга кирган?

Уй вазифаси ўқувчиларда мустақил ўқиши меҳнати кўнилмаларини эгаллаш ва уларни мустахкамлашга ёрдам беради, топширилган ишга масъулият туйғусини шакллантиради, узлуксиз ўз устида ишлаш одатини ҳосил қиласди. Уй вазифаси асосида бутун синф иштирокида катта бўлмаган “давра суҳбати” уюштириш мумкин. Бунда қўйилган саволлар муҳокама қилинади.

Маърузанинг бошланиш қисми айниқса, алоҳида аҳамият касб этади: у тингловчиларни дарҳол ўзига жалб этиши ҳамда қизиқтириб кўйиши керак. Бу эсадликларнинг ёрқин саҳифаларига мурожаат этиш, портрет билан танишув ва унга қараб шахс ҳақида тасаввур уйротишга интилиш, бирор аҳамиятли эпизод ҳақида ҳикоя бўлиши мумкин. Маъруза пайтида режа бандларини ажратиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ёритиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Уйда ўқувчилар ўз ёзувчиларини тўлдирадилар, шеърлар, эсадликлар ҳамда хатлардан зарур цитаталар киритган ҳолда ёзувчи ҳақида оғзаки ҳикоя тузадилар.

Лекция тузишида айрим кўчирмалардан фойдаланишга ўргатиш ҳам фойдали машғулотлар туркумига киради. Бунда бадиий асардаги айрим эпизодлардан, унда қўлланган ҳалқ мақоли ёки фразеологик иборадан, қаҳрамонлар нутқидан олинган парчалардан фойдаланиш мумкин бўлади.

¹ Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. - Москва: Просвещение, 1991. - 49 с.

Дарсдан ташқари ташкил этиладиган машғулот ва тадбирларда ҳам ушбу йўналишдаги ишларни давом эттириши имкониятлари мавжуд. Уларнинг айримларини санаб кўрсатишга ва изоҳлашга ҳаракат қиласиз.

Улардан бири сифатида адабий тўгараклар фаолиятини эслатиш мумкин. Адабий тўгарак фаолияти ҳам тадбирларга тайёргарлик жараёнида муҳим ўрин тутади. Бундай тўгарак ўзбек тилидан дарсдан ташқари ишларнинг мунтазам ташкил этиладиган, адабий материални дарсда ўрганиш натижаларини дарсдан ташқари тадбирлар билан боғлайдиган, адабий материалларни ўрганишнинг амалий аҳамиятини оширадиган турларидан биридир.

Русийзабон ўқувчи(талаба)лар билан ифодали ўқиш ва драма тўгаракларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир¹. Тўгараклар дарслар ва дарсдан ташқари ишлар бирлигини таъминлашга ёрдам беради.

Г.Муҳаммаджонова драма тўгараги ҳақида бундай ёзади: “Драма тўгараги машғулотлари русийзабон ўқувчининг ўзбек тилидаги драматик асарларга, саҳна нутқига бўлган қизиқишиларини тарбиялайдиган воситадир. Драматик асарлар мазмунини тушуниш кераклиги, сўз ва грамматик воситаларнинг тасвирий ифода яратишидаги хизматини, кўчма маънода айтилган сўзларни англаш зарурлиги ўқувчиларни ўзбек тилини яна ҳам чуқурроқ ўрганишга ундида”². Бу фикрга тўла кўшилиш мумкин.

Шундай қилиб, дарсдан ташқари ўтказиладиган тадбирлар дарсларда ўрганиладиган адабий материаллар билан узвийлик касб этмоғи, улар бир-бирини тўлдирмоғи шарт. Буни Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш мазмуни мисолида яққолроқ англаш мумкин.

АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ

Ҳам ижтимоий, ҳам маънавий-маърифий ҳаётда адабиётнинг мавқеи бениҳоя баландлиги шундаки, у кишининг ҳис-туйғуларигагина эмас, балки унинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда тафак-

¹ Мухамеджанова Г.З. Дарсдан ташқари машғулотларда русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча нутқини ўстириш методикаси (5-9-сининфлар мисолида). Пед.фан.номз. ... дисс.автореферати. – Т., 2003. – 82 б.

² Ўша асар. 13 - бет.

кури ва шуурига, фикрлаш тарзи ва ўзаро инсоний муносабатлари-га таъсир ўтказади. Энг яхши бадий асарлар бутун инсониятнинг, айниқса, ёшларнинг содиқ дүстү, зеро, улар қалбини юксак ва оли-жаноб түйгулар билан тұлдеришида, яна ҳам муҳими, уларни эзгу ишларга илҳомлантириш, ўқувиларда Ватан, халқ олдидаги бурч ҳиссини юксалтиришида етакчи омилдир. Буюк мутафаккиримиз Алишер Навоийнинг асарлари бу борада беқиес катта аҳамият касб этади. Шоирнинг бой меросидан баҳраманд бўлиш ёшларимизнинг комил инсон бўлиб вояга етишида муҳим роль ўйнайди. Навоийнинг ўзи таъкидлаганидек, тарбиянинг мақсади – ёш авлодни халқ-парвар, билимли, яхши фазилатли қилиб етиштиришdir.

Адибнинг ҳаёти ва ижодига бағишлиңган тадбирни ташкил этиш ва ўтказищда русийзабон ўқувчи(талаба)ларнинг ўқиб ўрганған материаллари назарда тутилмоғи ва әгалланған билимларни кенгайтириши кўзланмоғи лозим. Ушбу таълимий тадбир орқали қуидаги-ларга эришиш кутилади:

1. Даврнинг ижтимоий-сиёсий шароити ҳақида умумий тасаввур пайдо қилиш.
2. Алишер Навоийнинг буюк мутафаккир эканлигидан далолат берувчи асарлари ҳақида ўқувчиларда тушунча ҳосил қилиш.
3. Шоирнинг бадий ва илмий меросининг кенг қирралы эканлигини кўрсатиш орқали унинг улуғлигини англашиб.
4. Мумтоз адабиёт жанрлари (рубой ва б.) ҳақида тушунча ҳосил қилиш.
4. Шоир ҳақида унинг замондошлари, бугунги адибларнинг фикрлари.
5. Шоирнинг асарларида тасаввуфий қараашлар.
6. Адеб яшаб ижод қылган даврдаги давлат тили, шоирнинг турк-ий тилда ҳам ажойиб асарлар битиш мумкинлигини ўз асарлари билан исботлаб бериши.
7. Асарларда давр руҳи, барча даврларда инсоний түйгуларга бирдей таъсир этиш хусусияти.

Юқоридаги таълимий ва тарбиявий мақсадлар бир синфда, бир мавзу доирасида ўтиладиган ҳодисалар эмас. Бу иш бошланғич мактабдан, умумий ўрта таълим мактабларидан бошланиб, академик лицей ва касб-хунар колледжларида, шунингдек олий таълимда давом эттирилади. Рус тилига қилинған таржималар кўринишида оила кутубхонасидан жой олиб, адеб билан танишув мустақил мутолаа тарзida чуқурлашиб боради.

Таълим бошқа тилда олиб бориладиган мактабларнинг “Ўзбек тили” дастурида¹ 6-синфда “Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзлари”, 8-синфда Навоий рубоййларидан намуналарни ўрганиш кўзда тутилган. 6-синфда “Навоийнинг ҳикматли сўзлари” мавзусини² ўрганиш жараёнида русийзабон ўқувчиларга ватанга муҳаббат, дўстга садоқат, ота-онага ҳурмат, устозни қадрлаш каби инсоний фазилатлар билан боғлиқ туйғулари сингдирилади. Навоийнинг ҳаёти ва ижоди юзасидан билдирилган фикрлар, берилган баҳолар асарлардан парчалар орқали ўқувчилар буюк мутафаккиримизнинг ёшлиги, ўша даврда эришган ютуқлари, билим ва иқтидори юзасидан ҳикояларни эшишиб, ундан ибрат олиш туйғулари шаклланади. Шу мақсадда 7-синфда Қ.Ҳикматнинг “Алишер ва китоб” шеъри, 8-синфда Ойбекнинг “Алишернинг болалиги” қиссасидан парча ўтилади.

Республика Таълим маркази “Ўзбек тили ва адабиёти” бўлими-нинг ўзбек тили бўйича Илмий-методик кенгаши йиғилишининг 1998 йил 25 июнь қарори билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган “Давлат тили” дастурида³ [97] Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди илк бор кенг тақдим этилган. Ушбу дастурда қуидаги материаллар ўз аксини топган:

4-синф. Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзлари.

5-синф. Алишер Навоийнинг “Сўз ҳақида”ги ҳикматли сўзи.

6-синф. М.Осимнинг “Алишер мактабда” ҳикояси.

7-синф. Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” асаридан парча (XXV).

8-синф. Алишер Навоийнинг “Хайрат ул-аброр” асари ҳақида.

9-синф. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти. Хамса-чилик анъанаси. Навоий “Хамса” асарининг яратилиши. “Фарҳод”

¹ Умумий ўрта таълим ўқув дастури. Ўзбек тили (Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун): Муаллифлар: Р.Толипова ва бошқалар. “Таълим тараққиёти” ахборотномаси: 1-махсус сон. - Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 1999. - Б. 262-302.

² Tolipova R., Yo'ldosheva H., Umarova F., Shomirzayeva M., Qosimxo'jayeva D. O'zbek til. Ta'llim rus tilida olib boriladigan maktablarning 6-sinfi uchun darslik. - T.: O'qituvchi, 2001.

³ Мактаб дастурлари: Ўзбек тили ва адабиёти: Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг П-IX синфлари учун синов дастури. -- Топкент: РТМ, 1998. -- 28 бет.

ва Ширин” достонидан парча (Хисрав ва Фарҳоднинг мунозараси). Фарҳоднинг ўз севгилисига садоқати. Ишқли кўнгилнинг улуворлиги. “Лайли ва Мажнун” достонидан парча. Ойбекнинг “Навоий” романидан парча. Асарда Навоий тимсолининг яратилиши. Навоийнинг туркий тилни юксакка кўтариши.

Навоий ижоди кечки (сменали) рус мактабларининг 10-12-синфлари “Ўзбек тили ва адабиёти” дарслигига¹ анча кенг тақдим этилган. Унинг 10-синф қисмида “Алишер Навоийнинг ёшлиги” мавзуси берилган. Бу мавзудан русийзабон ўқувчилар шоирнинг ёшлигидан ташқари, унинг замондошлари, сабоқ олган устозлари, дўстлари, яратган асарлари, халқ учун қылган хизмати ва адабиёт ривожига қўшган муносиб ҳиссаси ҳақида батағсил маълумот оладилар. Ўқиш учун берилган “Ҳайрат ул-аброр” ҳақида мавзусида эса “Хамса” асари, унинг достонлари ва “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги ўқувчиларни тарбиялашда зарур бўлган инсоний фазилатлар достондаги мақолатлар орқали байдишилди (41-48-бетлар). Матн учун берилган савол – топшириқ ва матнга доир лугат русийзабон ўқувчиларнинг матнни яхши ўзлаштириб олишини назарда тутган ҳолда тузиленган.

Дарсликнинг “Иловалар” қисмида “Фарҳод ва Ширин” достонининг мазмуни насрый тарзда ихчам акс эттирилган (188-197-бетлар).

Фарҳоднинг илм олишга бўлган интилиши. Кўзгу. Хунар ўрганишга интилиш. Одамларнинг меҳнатини енгиллатишга интилиш. Бунда ўз ақли ва илмини, ҳунарини ишга солиши.

Навоий ижодини ўрганиш академик лицей ва касб-ҳунар коллекларида қандай режалаштирилган, деган савол туғилади.

Умумий ўрга таълимнинг давлат таълим стандартларидағи бош талабга кўра таълимнинг барча босқичлари орасида мазмун жиҳатдан узвийлик ва мавзувий узлуксизлик таъминланган бўлиши лозим. Шунга кўра ҳам академик лицей ва касб-ҳунар коллеклари дастурида² ўзбек адабиётидан ўрганиладиган мавзулар сирасида Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига доир материаллар ўз аксини

¹ Йўлдошев Р., Мулламуҳамедов С. Ўзбек тили ва адабиёти / Кечки (сменали) рус ишчи ёшлар мактабининг X-XII синфлари учун. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 237 бет.

² Ўрга маҳсус, касб-ҳунар таълимининг умумтаълим фанлари давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари. Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001. – Б. 36-37.

топиши кераклиги шак-шубҳасиздир. “Халқимизнинг асл фарзандлари”, “Тарихни ўрганамиз”, “Маданиятимиз фидоийлари”, “Инсондан хотира қолади” каби мавзуларга аниқлик киритган ҳолда академик лицей ёки касб-хунар коллежи талабалари учун мўлжаллаб Навоий ҳаёти ва ижоди юзасидан мавзулар танлаши, материаллар тўплаб дарс ўтиши мумкин.

Узлуксиз ўзбек тили таълимининг ушбу босқичида буюк мутафаккир Алишер Навоийни ўрганишнинг дарсларда ва дарсдан ташқари тадбирларда мавжуд бўлган имкониятларидан ҳам максимал даражада фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Дарсдан ва синфдан ташқари тадбирларда эса Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини яна ҳам кенг миқёсда ўрганиш мкониятлари мавжуд. Бунда адабий кечалар, навоийхонликлар, олимпиадалар, беллашувлар катта ўрин тутади.

Навоийхонликка бағишлиланган олимпиадалар баъзан баҳру байт айтишувларини ҳам ўз ичига олади. Русийзабон ўқувчилар орасидан ўтказилган шундай тадбирларда 30 дан ортиқ ғазални ёддан айта оладиган ўқувчиларни ҳам учратиш мумкин.

“Навоий”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” ва бошқа фильмлар намойиши ҳам, “Навоий” спектаклини томоша қилиш ҳам ўқувчиларда катта таассуротлар қолдиради.

Айниқса, ўқув юртида ташкил этиладиган Алишер Навоий асарлари кўргазмаси муҳим ўрин тутади. Адаб асарлари кўргазмаси, уларга ишланган миниатюралар юзасидан сұҳбатлар ўтказиш, шу орқали ўқувчиларни давр одамларининг кийинишлари, урф-одатлари, анъаналар билан таништириш имкониятлари туғилади.

Тадбир сўнгидаги, кўргазма, иллюстратив материал асосида иншолар ташкил этиш ҳам фойдадан холи эмас.

Шуни эслатиш жоизки, русийзабон ўқувчи ўз ватан адабиётини Фарб санъати ва адабиётида қоидалаштирилган инсоннинг руҳий жиҳатларидан кўра жисмоний жиҳатларига эътибор қаратиладиган мимесис назариясига монанд ўрганади. Алишер Навоийни ҳам, унинг асарларини ҳам бундай қарашиб асосида тушуниб бўлмайди.

А.Навоийни тушуниб етиш учун унинг ғазалларига кенгроқ ўрин ажратиш, тасаввуфий шарҳлардан фойдаланиш тақозо этилади.

Хуллас, умумий ўрта таълимда, академик лицей ва касб-хунар коллежларида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш имкониятлари дарслар, дарсдан ва синфдан ташқари тадбирлар орқали умумий ўрта таълимнинг узвий

давоми сифатида бўлиши керак. Лекин бу ишлар алоҳида тадқиқот орқалигина тўғри ҳал этилиши мумкин.

Маъруза ва чиқишлилар дарсларда ўрганилганларни умумлаштиради.

3.2. Русийзабон ўқувчи(талаба)ларнинг ўзбек тилидаги адабий намуналарни мустақил ўқишиларига раҳбарлик қилиш

Бадиий асарни юқори даражада идрок этиш, ундан чинакамига завқ олиш учун истеъодди китобхон бўлиш зарур. “Китобхон истеъодди дуч келган асарни ўқиб, у ҳақда фикр билдириш билан ўлчанмайди, балки танлаб ўқиш, ўқиганлари юзасидан ижодий фикрлаш, тўғри хулоса чиқариш, зарурат туғилганда ундан амалий фойдаланиш иқтидорига эгалик билан характерланади”¹. Бошқача айтганда, “китобхонлик тор маънода китоб ўқишини билдиrsa, кенг маънода танлаб ўқиши, ҳис этиш, англаш ва фикр билдириш тушунчаларини ўз ичига олади”².

Машғулотдан ташқари мутолаа дақиқалари ўқувчиларда ўқишига бўлган эҳтиёжни тарбиялаши ва шакллантириши ҳамда уларни ўқилганлар юзасидан ўйлаш, муаллиф бу ерда кўтарган асосий муаммоларни англаб этиш, китобдан талай ҳаётий муҳим саволларга жавоб излашга ўргатиши керак. Бундай китоб ўқиши онлари ҳақиқий мутолаа жараёнини ифода этади. Бу жараён машғулотдаги бажариладиган ишларнинг бир қисми бўлгани учун ҳам адабий тайёргарликда, узлуксиз адабий таълим жараённида муҳим ўрин тутади.

Машғулотдан ташқари китоб ўқиши учун ўқитувчи бир мавзу, кўтарилаётган бир муаммо доирасида, ҳатто бир йирикроқ асар бўйича бир нечта парча танлаши мумкин. Бунда кутубхонанинг, ўзбек тили хонасининг китоб имкониятларидан ҳам келиб чиқиши зарур. Умуман, синфдан ташқари ўқиши учун китобни тўғри танлаши керак.

Авваламбор, ўзбек тили машғулотларида, машғулотдан ташқари пайтларда адабий материалларни мутолаа қилиб боришнинг аҳамияти ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди: бу материаллар минимуми

¹ Матжон С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар: Ўқитувчилар учун методик кўлланма. - Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 39 бет.

² Матжон С. Китоб ўқишини биласизми? Китобхон билан мулокот. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. 4 -бет.

миллий маънавият тарбиясини амалга оширишнинг қудратли омилидир. Шунингдек, дарсларда газета ва журнallарни кўздан кечириб бориш ҳам (аслида шундан бошлиш керак) ўзбек тили ўқитувчииси учун тамомила янги ҳодиса эмас. Бугунги кунда бу борадаги илғор иш тажрибаларини тўплаш ва “рационал мағзи”ни чақкан ҳолда умумлаштириш, мазмуни ва методикасини бойитиш тақозо этилади. Бундай тадбирлар илғор иш тажрибаларидаги етакчи йўналишларни аниқлаш имконини беради.

Ўзбек тилида бадиий матнни мустақил ўқиши жараёни дарсларда ҳосил қилинаётган кўникмаларни янада ривожлантириш тариқасида ташкил этилаётган бўлса-да, бундаги энг катта камчилик шундаки, бундай мутолаа жараёнига ўқитувчининг том маънода раҳбарлиги кўринмаяши. Зоро, ўқитувчи бу борада аниқ йўл-йўриклирга эга ҳам эмас. Аслида, дарс(машгулот)дан ташқари ўқишидан кўзда тутилган мақсадга ана шу раҳбарлик орқалигина эришиши мумкин. Шундагина мўлжалдаги иш турлари мукаммал рўёбга чиқарилади.

Ўзбек тили дарсида ўқитувчи мустақил ўқишини бўш ўтирган ўқувчиларни нима биландир машгул қилиш ниятида ташкил этади. Лекин бундай ўқиши натижалари, назорат усуслари ҳақида уларга ҳеч нарса демайди, кўп вақт бу ишни амалга оширмайди ҳам. Шу боис ўқувчиларнинг асарни ўқиб чиқсанликлари билан кифояланади, холос.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицеилар ва қасб-ҳунар коллежлари ўқувчи (талаба)ларида ўзбек тилида китобхонлик кўникмаларини ҳосил қилиш адабий тайёргарликнинг узвий бир қисми саналиб, амалий зарурияти шундаки, бўлажак қасб эгаларининг меҳнат фаолияти жараёнида турли хилдаги хат-ҳужжатларни, даврий матбуот материалларини (хабар, илмий мақола, танқидий мақола, фельветон ва ҳоказолар), қолаверса, бадиий асарларни ўқиб мазмунини тушунишга тўғри келиши, дарс (машгулотлар)да ўрганиб улгурilmaga адабий материаллар устида ишлаш кераклиги билан изоҳланади. Шунга кўра ҳам машгулотдан ташқари ўқишини самарали ташкил этиш ва унга тўғри раҳбарлик қилиб боришининг амалий аҳамияти бениҳоя катта.

Синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган ишларнинг кичик бир қисми – китоб ўқиши (аниқрофи, асардан парча мутолаа қилиш) муаммолари бир қатор методист олимлар, чунончи, Т.Д.Полозова, Р.А.Декушева, В.К.Веселова, Л.А.Шейман, И.И.Чернова, Н.Г.Ермилова, Н.К.Силкин, Н.А.Бодрова, В.П.Полухина, Н.И.Свет-

ловская, Г.М. Воловникова, И.С. Забарский, Л.Т. Пантелейевалар томонидан тадқиқ этилган. Бу масала юзасидан Р.В. Глинтершчик ҳам ўз мулоҳазаларини баён этган.

Китоб ўқиши маданияти шахснинг адабий-эстетик етуклигининг эмас, балки ижтимоий, фуқаролик етуклигининг ҳам намоён бўлиши ва мезони сифатида қаралади, китоб ўқиши (мутолаа) маданиятини, кейинчалик эса ахборот олиш маданиятини шакллантириш жараёни эса – унинг ижтимоий, ахлоқий ва эстетик ривожланишидаги шак-шубҳасиз шарт-шароити, ижодий ўқиши қўнималари ва малакаларини эгаллашга бевосита боғлиқ ҳолат сифатида кўрилади. Т.Д. Полозованинг тадқиқотлари бизни китоб ўқиши маданиятини шундай деб талқин қилишга олиб келади. Бунда “ижодий ўқиши маданияти” тушунчаси билан “сўз санъати” тушунчаси яқинлашади – асарнинг ғоявий-бадиий аҳамиятини эстетик саводли ва манфаатдор ўзлаштириш, эмоционал-баҳо берувчи ҳамдардлик, ўқилганларни бир бутун эстетик идрок этиши: ўқий ва фикрлай олиш, ўқиши ва ҳис эта олиш, эстетик завқланиб ўқий олиш. Китоб ўқиши маданиятининг бундай талқини шунингдек китобдан олинган билимларни ҳаётга кўчира олиш, уларни ўқув ва бошқа ҳар қандай амалий фаолиятда, жамоат ишида, шахслараро муносабатда қўллай олишни ҳам ўз ичига олади¹. Ўқиши санъати – ўқувчининг ижодий, шахсий аҳамиятга молик маънавий фаолияти. Бу фаолият ўқишининг тарбиявий қийматини олдиндан белгилаб беради, ўқувчининг умумий маънавий, ғоявий ва ахлоқий ривожланишига, ўқувчи шахснинг ижодий потенциалига таъсир кўрсатади.

Китоб ўқиши маданияти тушунчаси ўз ичига нимани ўқиши, қандай ўқиши, ўқилганлардан қандай қилиб фойдаланиши ва қанча ўқиши керак деган ўзаро боғлиқ саволларни олади. Бугун методик терминлар сирасига “китоб ўқиши ядроси” тушунчасини киритиш лозим. Бу ядро албатта ўқилиши зарур бўлган муаллифлар ва асарлар рўйхатини ўз ичига олади.

Ўқувчи китобдан маълумот олишга доир айрим билим ва малакаларни, чунончи, конспект, шитаталар, кўчирмалар ола билиши, луғатлар ва маълумотномалардан фойдаланиши керак. “Ўқилган-

¹ Декушева Р.А. Оптимизация процесса развития культуры чтения учащихся карачаевских школ в системе факультативных и внеклассных занятий русской литературой. Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М., 1981. – 6-7- с.

ларни англаб етиш ва ўз муносабатини оғзаки ва ёзма шаклларда таърифлай билиши – шахсий кундаликка қилинадиган ёзувлар, тақризлар, деворий газетага мақолалар, ижодий иншо-миниатюралар, муҳокама-иншолар, қисқа шарҳлар, китоб ҳақида сұхбатлар, аннотациялар ва шу қабилар”¹. “Ана шу жараёнда ўкувчиларни ўқылган парчани мустақил таҳлил қилишга одатлантириш мұхим роль ўйнайды”².. Уларга парча юзасидан талқиқот ўтказиш учун бир нечта мавзу беріб құйыш ҳам фойдалидир.

Р.А.Декушева ўсмир китобхонларни адабий-эстетик ривожланиш савияларига күра бир неча гурұхға бұлади. “Бириңчи гурұх - китоб ўқиши маданияти рецептив савияли китобхонлар: ўқилаёттан ёки тингланәттан русча бадиий матн нұтқиі ва маңнавий нофаоллықда идрок этилади... Бу ўкувчиларнинг күпчилігі матнни күпинчә маңни-мазмунни бузиб идрок этади ва тушунади. Ушбу гурұх ўкувчиларининг катта қисми ўқылганлар ёки эшигилганлар ҳақида ҳеч нараса дейлмайди. Иккінчи гурұх - китоб ўқиши маданияти репродуктив, конструкцияловчи савияли китобхонлар: ўқылганларни ёки ёд олингандарни қисман қайта ифодалай (такрорлай) олалылар. Бу гурұх ўкувчиларининг айримлари ўқылған ёки тингланған матнни қайта ифода этища маҳсулдор китобхонлик фаолияти унсурларини олиб киришга уриниши намоён этадилар. Учинчи гурұх - китоб ўқиши ва идрок этиши маданияти маҳсулдор савияда бұлған китобхонлар: китобхон қайта ұқояннинг ўз вариантини яратади, ўқылганлар ҳақидағы ўз фикр-мулоҳазаларини бажонидил билдирадилар. Миллій мактаблар шароитида китоб ўқиши маданиятининг ушбу ижодий савияси камдан-кам учрайди: бир синфда бир-икки ўкувчи, шунда ҳам барча синфларда ҳам эмас”³.

Адабиётни ўрганишнинг асосий мотивлари сирасыга ўкув-билиув қызықишилари, интеллектуал фаоллықка ва тилен әгаллашга

¹ Декушева Р.А. Оптимизация процесса развития культуры чтения учащихся карачаевских школ в системе факультативных и внеklassных занятий русской литературой. АКД пед.наук. – Москва, 1981. – 8 с.

² Қориева Р. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романини мустақил ўрганиш масалалари // “Мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитишини такомиллаштириш масалалари” методик тавсияларида. Тошкент: ЎзПФИТИ, 1984. – Б. 61-65.

³ Декушева Р.А. Оптимизация процесса развития культуры чтения учащихся карачаевских школ в системе факультативных и внеklassных занятий русской литературой. Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Москва, 1981. – 10 с.

бўлган интилиш ва эҳтиёж киради. Эҳтиёж соҳалари: ҳаётий тажриба, ёшларга хос муаммолар, ўқилган китобга бошқаларнинг муносабати, маданият, ўз қарашлари доирасини кенгайтириш, асарларни аслиятидан ўқиш ва ҳоказо. Бу ҳолат дарсдан ташқари ўқишнинг зарур эканлигини кўрсатади.

Китоб ўқиш мутолаа маданийтини згаллаш билан чамбарчас боғланади. Китобхон асар танлагандаги даставвал унинг сарлавҳасига қарайди. У сарлавҳада қўйилган масала устида ўйлаб кўради. Унда қандай муаммо кўтарилиган бўлиши мумкинлигини тахмин қиласди. Сўнгра “Сўз боши”га қарайди, китобнинг ўзини варақлади.

Талабалар келгусидаги ишлари соҳасидаги бирор бир муҳим манбани қўлга олган заҳоти бир ўқишида ёк англаб тушуниш малакасига эга бўлишлари даркор. Дарс(машғулот)дан ташқари китоб ўқиш шунга ёрдам беради, даврий матбуотни кузатиб боришига омиллик кўрсатади, пухта замин яратади. Агар мактабда китоб билан, хатхужжатлар билан, даврий матбуот материаллари билан ишлаш одати шакллантирилмас экан, кейинги босқичларда мутахассис учун ўзбек тилида манбаларни мустақил ўқиш жараёни оғир кечади, у қийинчиликлар, зўриқишилар гирдобида қолади.

Кузатишлар шундан далолат берадики, ўзбек тили ўқитувчиларининг ҳаммаси ҳам дарс(машғулот)дан ташқари китоб ўқишига етарлича аҳамият беравермайдилар. Айримлари дарс пайтида яхши ўзлаштирадиган, ўзбек тилини амалий биладиган, иқтидорли ўқувчи(талаба)ларга қўшимча топшириқ сифатида мўъжаз адабий асарлар тарқатадилар. Бунда тўпламдан ажратилган кичик бир ҳикоя, асардан олиб алоҳида қоғозга туширилган парча, газета ёки журналда эълон қилинган материалдан фойдаланадилар. Баъзан ўқувчиларга уларни уйда ўқиб келишни ҳам вазифа қилиб топширадилар. Биз бу ўринда таклиф этган бўлардикки, ҳар хил манбалардан олинган парчалар қатори бир йирикроқ бадиий асардан мумкин қадар кўпроқ парчалар танлаш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, ўқувчиларда шу асар ҳақида яхлигироқ таассурот пайдо бўлади, иккинчидан, суҳбат чорида қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, ижобий ва салбий томонлари, бир бутун асарнинг бадиий жиҳатлари очила боради. Буни ўтказган тажрибалар ҳам тўла тасдиқлади.

Лекин, кузатишларнинг далолат беришича, бундай ўқишига ўқитувчи томонидан том маънода раҳбарлик амалга оширилаётганий йўқ. Дарс (машғулот)дан ташқари ўқишида кўзда тутилган иштурлари деярли рўёбга чиқарилмайди.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчи (тараба)лари учун дарс (машғулот)-дан ташқари ўқишига мўлжалланган асарлар тўпламлари нашр қилинмаган, уларнинг тахминий рўйхатлари ҳам тузилмаган. Бу борада маҳсус изланишлар олиб бориш тақозо қилинади. Биринчи навбатда ўқитувчининг қўлида ана шундай материаллар мавжуд бўлиши керак.

Машғулотдан ташқари китоб ўқишини кичик-кичик асарлардан, парчалардан бошлиш маъкул. Чунки: “Қисқа ҳикоялар ишлаш учун қулай: бирини овоз чиқариб ўқиши, бошқасининг энг қизиқ жойларини ўқиб берган ҳолда ўқишига қизиқтириш ва уйда охиригача ўқиб чиқишини таклиф этиш мумкин. Учинчисига ўйлаб ўқишига ундейдиган саволларни олдиндан бериб қўйиш керак бўлади. Умумий мавзуси ва муаммолари билан бирлашган бир нечта ҳикояни танлаб ўқишини ҳавола қилиш мумкин: майли болалар турли ҳикояларни ўқишини, бундан мавзунинг муҳокамаси янада қизиқарлироқ бўлади”¹.

Қизиқарлилик қизиқишини келтириб чиқаради. Руҳшунослар қизиқиши икки асосий турга бўладилар: “билишга қизиқиши ва иштирок этишига қизиқиши”². Билишга бўлган қизиқиши ахборот олиши ва унга ишлов беришида ўз ифодасини топади. Иштирок этишига бўлган қизиқиши туфайли одам бошқаларнинг турмуш кечинмаларига шўнгиф кетади. Бадиий асарни ўқишида иккала қизиқиши тури чатишиб кетади. Лекин, муаллифнинг таъкидлашича, қизиқиши бўлмаса, китоб ўқиши ҳам бўлмайди. Шунинг учун ўқилажак китоб (асардан парча) ҳақида мўъжаз кириш сұхбати зарур. Бу ўринда китоб ўқишига қизиқишининг фаолликка таъсирини тўғри баҳолаш керак бўлади.

Дарсдан ташқари китоб ўқишига асардан олинган парчанинг катта-кичиклигига кўра 2-3 ҳафта ажратилади. Шу орада ўқитувчи ўқувчиларга тегишли маслаҳатлар бериб боради. Бу пайтда китоб ўқиши мобайнинда ўқувчиларнинг қизиқишиларини сақлаб туришига жиддий эътибор бериш талаб қилинади. Парчадаги айрим нотаниш сўзлар ўзбек тили машғулотларида тушунтириб турилгани, мактаб коридоридаги доскага ёзиб борилгани маъкул.

¹ Уроки внеклассного чтения: Пособие для учителя. Составитель Я.Г.-Нестурх. Москва: Просвещение, 1980. – 112 с.

² Тихомирова И.И. Интерес, или сила, влекущая к чтению. Психология детского чтения от А до Я: Методический словарь-справочник для библиотекарей. – Москва: Школьная библиотека, 2004. – С. 93.

В.К.Веселова синфдан ташқари ишлар ҳақида гапириб, бир неңта принципи ажратади: “1) рус ва ватан адабиёти бўйича синфдан ва синфдан ташқари олиб бориладиган машгулотларнинг ўзаро алоқадорлиги; 2) дарслар мазмунини, шунга мос равишда ўқувчиларнинг дарсдан олдин бажарадиган мустақил ишлари мазмунини аста-секин мураккаблаштира бориш; 3) ўқувчилар ва ўқитувчи фолиятининг турли шаклларини ифода этувчи иш усуллари, методлари ва турларининг изчиллиги ҳамда ўзаро алоқадорлиги; 4) ўқувчиларнинг адабий асар матни устидаги мақсад сари йўналган индивидуал ва жамоавий ишларининг бирлашуви”¹.

Методик адабиётларда тавсия этилишига кўра, V-VII синфларда қўйидаги иш турлари ўтказилади: ўқилган асарнинг бош қаҳрамонларига қисқа тавсиф ёзиш; ўқилган асарнинг қисқа мазмунини сўзлаш; матндан кўчирмалар олиш. VIII-IX синфларда, академик лицей ва касб-хунар колледжларида тавсия этиладиган ишлар: асарга баҳо бериш; аннотация ёзиш; ижодий ёзма ишлар.

“Китобхонлик тажрибаси ўқилган асарлар сони билангина эмас, балки уларни ўзлаштириш сифати билан ҳам белгиланади”².

Ўқувчиларнинг китобхонлик тажрибаси ва кузатишларини жалб этишининг содда шаклларидан ҳам фойдаланиш зарур: ифодали ўқиши, ёзувчи ҳақида маълумот бериш, сюжет мазмунини қисқа қайта ҳикоя қилиш, лавҳа таҳлили, севимли қаҳрамон ҳақида ҳикоя қилиш, иллюстрацияларни шарҳлаш.

Бундан ташқари, “...синф ўқувчилари билим ва қизиқишларига қараб якка ва гуруҳли топшириқлар оладилар: 1) хабар (ахборот) тайёрлаш; 2) китоб кўргазмаси ҳозирлаш; 3) карточкалар; 4) маълумотнома-ахборот иши; 5) луғат иши. Кучли (иқтидорли ўқувчиларга тадқиқот олиб бориш тавсифидаги ишлар тоширилади: 1) тақ-қослаш; 2) тавсифлаш”³.

Китобхонлик кенг оммалашган вилоят, туман таълим муассасаларида синфдан ташқари ўқишини ташкил этишда китобхонлик конференциялари, баҳс-мунозаралар, танловлар, викториналар

¹ Веселова В.К. Внеклассное чтение в старших классах с латышским языком обучения. – Рига: Звайгзне, 1982. -66 с.

² Кудряшов Н.И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы: Пособие для учителя. - Москва: Просвещение, 1981. - 7 с.

³ Уроки внеклассного чтения: Пособие для учителя. Составитель Я.Г.-Нестурх. Москва: Просвещение, 1980. – 10-11- с.

үтказиш имкониятлари катта бұлса, бунга маҳаллий шароитлардаги ривожланган иккى тиллилик ҳам бенихоя катта шароит туғдирса, шаҳар таълим муассасаларида бу имкониятлар бирмунча чеклангандыр.

Үқувчиларга дарс (машғулот)дан ташқари үқиши учун тавсия этиладиган асарларнинг ҳажми ҳақида рус адабиётини үқитиши методикасида турлича фикрлар бор. Л.А.Шейманнинг тавсиясига кўра, II-IV синфларда 5-20 бет (II синфда 5-10, III да 10-15, IV да 15-20); V-VII синфларда 20-70 бет (V да 20-30, VI да 30-45, VII да 45-70); VIII-X синфларда 70-150 (VIII да 70-90, IX да 90-120, X да 120-150)¹. Муаллифнинг эътироф этишича, булар меъёрий кўрсаткичлар эмас, балки чамалар, холос. Умуман, уйда камида бир соат китоб үқиши керак². Узлуксизлик ҳар куни үқиши орқали таъминланади. Шунингдек, масаланинг бошқа қирраси ҳам бор: ҳажми каттароқ парчаларнинг дастлабкисида сўз ўрганишга эътибор кўпроқ қаратилса, кейингиларида такрор ишлатилиш хусусиятига кўра аввалги лексика жадал ўзлашади, нотаниш сўзлар эса камайиб боради. Натижада аста-секин матнлар ҳам ҳажман катталашади. Албатта, академик лицей ва касб-хунар колледжлари талабалари мутолаа қиладиган ўқув фанлари кўп. Бизнингча, ҳафтада 2-3 кун бир соатдан үқиши билан шуғулланилса, шунинг ўзи кифоя қиласди. Бунда дастлаб асарни ўқиб, лугатдан фойдаланиб мазмунини тушунишга эришиш билан боғлиқ ишлар бажарилади. (Л.А.Шейманнинг фикрича, асарга доир муфассал лураг тавсия қилиниши керак.) Сўнгра савол ва топшириқлар устида иш олиб борилади.

Синфдан ташқари үтказиладиган дарс(машғулот)га қадар ўқитувчи талабалар билан суҳбатлар үтказиб туради. Бунда уларнинг парчани қандай тушунгандилкларига эътибор бериб, дарсда бажариладиган ишларни режалаштириди ва ўзи тузган режага тузатишлар киритади. Шунингдек, талабалар билмаган айрим сўзларга изоҳ беради. Баъзи гаплар мазмунини англашга ёрдам беради. Асардан олинган парчада олдинги қисмларда акс этган бир хил воқеалар баёни аниқлик киритишиңи тақозо этганда, ўқитувчи шу воқеалар ҳақида гапириб бериши ҳам мақсаддага мувофиқдир.

¹ Шейман Л.А. Основы методики преподавания русской литературы в киргизской школе. – Фрунзе: Мектеп, 1982. -19 с.

² Шейман Л.А. Основы методики преподавания русской литературы в киргизской школе. – Фрунзе: Мектеп, 1982.-21 с.

Дарсдан ташқари ўқишига ўқитувчи жиддий тайёргарлик кўради: кириш сўзини тайёрлайди, дарс режасини тузади, уни бошқаради. Бундай дарс ўқилганлар юзасидан бажарилган ишларни умумлаштиш мақсадини кўзда тулади. “Шунингдек, талабаларнинг мустақиллигини ошириш ниятида дарсни шарҳли ўқиш шаклида ёки дарс-суҳбат, фикр алмашув шаклида ўтказади. Китобхонният мустақиллиги унинг ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалай олишидан ташқари “ўзи билан баҳслашаётганларнинг фикр-мулоҳазаларини қабул қила билишида” намоён бўлади”¹.

Машғулот (машғулотнинг уйда ўқилган китобни ўқиш босқичи) асар муаллифи ҳақидаги суҳбатдан бошланади. Сўнг парча мазмунни юзасидан савол-жавоб ўтказилади. Ўқувчиларнинг ахборотлари (чиқишилари) тингланади. Ўқитувчи ўзининг якуний сўзи билан машғулотнинг шу қисмига холоса ясади.

Ўқилганлар юзасидан суҳбатлар сюжетини гапириб беришдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Сабаб-натижа боғланишларини тушунган ҳолда асарнинг ғоявий мазмунини ўзлаштиришга эришиш муҳимдир. Шунинг учун муаммоли таълимни йўлга қўйиш даркор. Ўқитувчи талабаларни ўқилганларни муҳокама қилишга ундовчи саволлар ёрдамида ўйлашга, мушоҳада юритишга, исботлашга ўргатилиши керак. Бунинг учун эса ўқитувчи кўпроқ “Сиз нима деб ўйлайсиз? Сиз асардан қандай холоса чиқардингиз? Нима учун шундай холосага келдингиз...?” каби саволлар бериши лозим. Машғулотдан ташқари китоб ўқиш дақиқаси катта бўлмаса ҳам, бир асар муҳокамасига қаратилгани маъкул.

Адабий асарнинг ғоявий-мавзувий таҳлили одатдаги адабий материални ўрганиш пайтидаги каби чукур, лекин умумий планда, ҳар бир қисмини муфассал матний ўрганишсиз олиб борилади. Ўқитувчи ўқувчиларни бўлар-бўлмасга ҳар қадамда тўхтатавермаслиги, ҳар бир ноаниқ айтилган гапини тузатавермаслиги лозим. Энг аввало, дарсда эркинлик сезилиб туриши зарур.

Навбатдаги дарсдан ташқари ўқиши ташкил этиш мақсадида китоб кўргазмаси асосида уюштириладиган тавсия-дарслари муҳим аҳамият касб этади. Бунда айрим машғулотларни кутубхонада

¹ Майман Р.Р. Темы контрольных работ по курсу “Методика преподавания литературы”: Для студентов-заочников III-IV курсов факультетов русского языка и литературы педагогических институтов. – Москва: Просвещение, 1974. – 5 с.

ўтиш фойдадан холи эмас: талаба мавжуд китоблар билан кўпроқ танишиди. Бир асар иккинчи асарни ўқишига рафбат уйғотади.

Н.Г.Ермилова ўзининг “Планирование уроков внеклассного чтения в IV-V классах” деган мақоласида режалаштириш мазмуни ҳақида бундай дейди: “...у ўз ичига китоблар тарғиботини ҳам, ҳар бир ўқувчининг ва бутун синфнинг уйда китоб ўқишини ташкил этишини ҳам, анжуманлар ва ҳатто китоб байрамлари ўтказиши ҳам олади”¹.

Ильин китобни ахлоқий муаммолар маълумотномасига, кескин - ҳаётий вазиятлар каталогига, ўзига хос “қалб дорихонаси”га ўхшатади².

“Машғулот типини белгилашда ўқув материали м а з м у н и дан, уни ўрганишнинг тарбиявий-дидактик мақсадларидан ва шу мақсадлар билан шартланган ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг фолият усуllibаридан келиб чиқиш даркор; шунингдек, аниқ бир машғулотнинг бошқа машғулотларнинг умумий тизимида туттаган ўрнига бефарқ бўлмаслик лозим”³. “Машғулотлардан ташқари китоб ўқиши соатлари ўқитувчининг олдиндан олиб борадиган катта тайёргарлик ишлари ҳамда ўқувчиларнинг кўнгилли равишида, ўзларининг танлашларига, қизиқишлирага қараб мустақил ишлашлари натижаси сифатида муваффақият қозона олади. Дастраб ўқитувчи машғулотнинг роявий-алоқий муаммосини белгилаб олади. Бу эса (вақтнинг чегаралангандигида) барча босқичларда асар таҳлилидан воз кечга билиш ва мазмунига танлаб ёндашишини талаб этади”⁴. Материалнинг ҳажми ва уни ўрганиш мақсадлари машғулотнинг методик ва қурилиш жиҳатдан ташкил этилишини белгилаб беради.

«Агар ўқувчилар дарс структурасини, синф олиб борадиган иш характеристини, унда ўзининг иштирок этишдаги масъулият ҳиссини тасаввур қила олсалар, бир ўқувчи эришган натижаларни

¹ Уроки внеклассного чтения: Пособие для учителя. Составитель Я.Г.-Нестурх. Москва: Просвещение, 1980. – 109 с.

² Ильин Е.Н. “Минувших дней итоги...”. Педагогический перекресток: школа, дети, общество. – Л.: Лениздат, 1991. – 8 с.

³ Абдуллина А.А. Формирование умения воссоздавать художественные образы в процессе чтения литературных произведений (1-3 классы): Автореф.канд.дисс... пед.наук. - Москва, 1977. - 118 с.

⁴ Ўша жойда 119-бет.

ўртоқларининг натижалари билан таққослаш учун шароит яратилади, ҳаётга кириб бораётган киши учун керакли бўлган ахлоқий муносабатлар (ўзаро ёрдам, ўзаро назорат, иш учун биргаликда қайғуриш) тажрибаси шаклланади. Машғулотдан ташқари китоб ўқиши соатларининг ана шу ахлоқий жиҳати жуда муҳимдир. Бундан ташқари, ишни бундай ташкил этиш ортиқча юкламадан халос бўлиш имконини беради: ҳар бир ўқувчи фақат бир масала ёки қисм бўйича тайёргарлик кўради, лекин айни пайтда умуман дарснинг мавзуси ва бориши ҳақида тасаввурга эга бўлади ҳамда бошқа масалаларни муҳокама қилишда қатниша олади»¹.

Машғулотдан ташқари китоб ўқиши дарслари ҳақида гапирганда, уларнинг типи ва кўринишига тўхтамаслик мумкин бўлмас. “Уроки внеклассного чтения” китобида тушунтирилишига кўра, “...дарс типида унинг асосий тълимий, дидактик ва тарбиявий-эстетик йўналғанлиги акс этади, кўринишда (вид) эса бу йўналғанликни амалга оширишнинг аниқ ташкилий шакллари ўз ифодасини топади”². Асар устида мустақил ижодий тадқиқот олиб бориш ана шундай йўналишни ифода этади.

М.Мирқосимованинг фикрича, “Мустақил ижодий изланишлар чофида ўқувчилар ўзаро мулоқотда бўладилар, тадқиқотлари юзасидан ўқитувчига саволлар билан мурожаат этадилар. Ўқитувчи уларнинг мустақил ижодий изланишлари қай йўсинда кетаётганлигидан хабардор бўлади, зарур маслаҳатлар беради, ўқувчилар фаолиятини бошқаради. Белгиланган муддат яқинлашган сайин ўқувчиларнинг мустақил ижодий изланишлари ҳам якунланиб беради. Ўқитувчи уларнинг мустақил мулоҳазалари билан танишиб, зарур ўринларни тўлдиради, якуний машғулотни ташкил этади”³.

Булардан ташқари, М.Мирқосимова ўз тажрибаларига таяниб, ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид ўқувчиларнинг маърузалари, айрим асарлар юзасидан реферат ишлари ташкил этишни маслаҳат беради.

Ўқитувчи мустақил ижодий тадқиқот олиб бориш чофида ўқувчилар нималарга аҳамият беришлари лозимлигини қўзда тутиб, за-

¹ Уроки внеклассного чтения: Пособие для учителя. Составитель Я.Г.-Нестурх. М.: Просвещение, 1980. – 120 с.

² Ўша асар. - 122 с.

³ Мирқосимова М. Адабий таҳлил методикаси (Адабиёт ўқитувчилари ва талабалар учун кўлланма). - Тошкент: РЎММ, 1993. – 27- бет.

рур маслаҳатлар бериши лозим. М.Мирқосимованинг фикрича, бу маслаҳатлар қўйидагилардан иборат бўлади:

1. Ижодкор ҳаётига оид маълумотлар билан танишишда тарихий шароит ва ўша даврдаги адабий муҳитга эътиборни қаратиши.

2. Ёзувчи яратган асарда замонасининг қандай долзарб ижтимоий-маънавий масалалари акс этган ва уларга нисбатан ижодкор муносабитини аниқлаш.

3. Ёзувчи бадиий маҳоратига бадиийлик ва ҳаққонийлик талаблари асосида баҳо беришда хилма-хил асарларни қиёсий ўрганиш.

4. Ижодкор услубининг шаклланишига таъсир этган адабий анъаналар, ижодий таъсир ва шахсий изланишлар аҳамиятига эътибор бериши.

5. Ёзувчи ҳаёти ва ижодини ёритувчи адабиётлардан (ўқитувчининг тавсиясига кўра) фойдаланиш¹.

Хуллас, машғулотдан ташқари китоб ўқиш дақиқалари ўқувчиларда ўқицга бўлган эҳтиёжни, ҳавасни, қизиқиши тарбиялаши ва шакллантириши ҳамда ўқилганлар юзасидан ўйлаш, муаллиф бу ерда кўтарган асосий муаммоларни англаб етиш, китобдан талай ҳаётий муҳим саволларга жавоб излаш малакаларини ҳосил қилиши керак.

Адабий матн юзасидан ўтказиладиган семинар машғулотлари

Адабиёт намуналарини ўрганиш юзасидан ташкил этиладиган семинарлар ўқувчиларнинг мустақил китоб ўқишиларини таликил этишида, уларда ижодий фаолликни уйғотишида катта имкониятларга эга. Зоро, синфдан ташқари ўқиш дарсларида ёшлар бадиий асарни ўқиганликдан ташқари уни таҳлил ва тадқиқ этганликларини на-мойиш этсалар, семинарларда адабий материал юзасидан баҳоли қудрат мушоҳада юритишини ўрганидилар.

Адабиётдан ўтказиладиган синфдан ташқари ўқиш дарсларига, семинарга дарс шакли сифатида қаралади. Чунончи, методист олима О.Мусурмонова мактабларнинг амалий фаолиятига дарснинг конференция, маъруза, семинар, синов, саёҳат, амалий машғулот ва бошқа шакллари кенг жорий этилганини алоҳида таъкидлайди². Синфдан ташқари ўқиш дарси адабиёт дарсларининг бир турими

¹ Ўша асар 26-27- бетлар.

² Мусурмонова О. Адабиёт дарсларини ташкил этишнинг самарали усуллари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 5 б.

ёки дарсдан ташқари тадбирлар сирасига кирадими деган масала муаммолидир. Ушбу масалага Н.А.Бодрова қўйидаги изоҳи билан ойдинлик киригади: «Бир томондан, бу ҳақиқатан ҳам дарс, чунки дарс жадвалида ажратилган муайян соатда, бутун синфнинг иштироқида, ҳар бир ўқувчининг маълум ишни бажариши керак бўлган ҳолатда ўтказилади. Айни пайтда бундай номланиш шартлидир, чунки унда одатдаги дарс методларидан ташқари, адабиётдан синфдан ташқари ишларни ўтказишга доир методлар ва усуллардан кенг фойдаланилади. Улар кўп жиҳатдан адабий кечча, анжуманий эслатади»¹. Буларнинг ёнида дарс сифатида ташкил этиладиган семинарни ҳам кўрсатиш мумкин.

Лекин, эътироф этиши лозимки, айни шу дарс шакллари синфдан ва мактабдан ташқари тадбирлар, иш турлари сифатида ҳам ўтказилади. Бизнингча, адабий материал асосида дарсда ташкил этиладиган семинар таълимий ва тарбиявий характерда бўлиб, ўқувчиларни машрулотдан ташқари тадбир тарзида ўтказиладиган семинарга тайёрлаш мақсадини кўзлаши керак (Бундай семинарлар кам бўлса-да, асосан синфлараро ёки гурӯхлараро ташкил этилади). Зоро, бугун таълимнинг мақсади ўқувчиларга муайян миқдорда билим бериш, кўнирма ва малакалар сингдириш эмас, балки билим, кўнирма ва малакаларни эгаллаш усулларини ўргатишdir. Ўқувчинг таълим субъекти мақоми шуну тақозо этади.

Ўзбек тили ўқитувчилари билан ўтказилган суҳбатлардан, сўровнома натижаларидан маълумки, улар семинар машрулотларини ташкил этадилар, бунда ўқувчилар орасидан маърузачилар белгилайдилар. Албатта, маърузачилар (руссизбон ўқитувчилар) қўлига тегишли манбаларни ҳам бериб қўядилар. Аслида маъруза ёки реферат ўқувчининг ўзи томонидан тайёрланиши, мустақил ижодий фикрлари маҳсули сифатида тақдим этилиши керак. “Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах” кўлланмасида таъкидланганидек, “...бунда китоб билан ишлаш жараёни кечади:

Ўқувчи ўқилганларни таҳлил қиласи, муҳим ўринларини ва маъруза учун керак бўлган материалларни ажратади, танланган нарсаларини жой-жойига қўйиб чиқади, булар ҳақидаги ўз фикрларини

¹ Бодрова Н.А. Организация уроков внеклассного чтения // Внеклассная и внешкольная работа по литературе. Сб.ст. Под ред. Проф. Я.А.Ротковича. – Москва: Просвещение, 1970. - С. 127.

баён қилади, қоғозга қарамай гапиришга тайёрланади, тингловчилар билан алоқага кирища олиш, уларнинг хулқига қараб иш кўришини ўйлади”¹.

Лекин, афсуски, бу ишларни ўзбек тилини амалий биладиган русийзабон ўқувчилар қўпроқ бўлган гуруҳлардагина ташкил этиш мумкин. Ўзбек тилида нутқи талаб даражасидан пастроқ бўлган талабалар билан ўтказиладиган семинар машғулоти фақат формал уюштирилиши мумкин.

Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-хунар коллажларида ўзбек адабиёти намуналарини ўрганиш юзасидан ташкил этиладиган семинар-дарслар ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини уйғотишда, ўзбек тилида бадиий асарлардан олинган парчаларни қўшимча равишда ўқишиларини ташкил этишда улкан имкониятларга эга. Бундай дарслар орқали миллий маънавият тарбиясини амалга ошириш талаб этилган асарлар минимумини ўқиб бориш учун, замон билан улгурниб ҳамнафасликда янги адабиётларни билан танишиш учун кенг имкониятлар яратилади.

Методист олим Л.Т.Ткаченко дарсларидаги аҳборот (матнлар мазмунни дейилмоқчи – мақола муаллифи) эскириб борадиган бўлгани учун уни лекция тариқасида ўтиладиган материал билан алмаштириш тақозо этилади, деган фикрни илгари суради². Унинг семинар-дарс, зачёт-дарс, конференция-дарс, баҳс-мунозара дарси каби дарс турлари ҳақидаги тавсиялари ҳам шу мақсад учун хизмат қилади.

Семинар – қадимги лотин тилидан олинган бўлиб, ниҳол, кўчат маъносини англатади. Афтидан, қадимги файласуфлар шогирдларини ўзларига келгусида мева берадиган ўринбосар, “кўчат” (ниҳол) этиб тайёрлаш учун доира шаклида атрофларига ўтиргизганлар. Мактабда ўтказиладиган семинар-дарснинг мақсади уни юқоридаги каби тушунишдан бирмунча фарқ қилади. Лекин моҳиятан бўлғуси ниҳолларни тарбиялаш мақсадидан ҳам йироқ эмас. Зеро, мактаб ўқувчиларни олий ўқув юритидаги, ишлаб чиқаришдаги мустақил фолиятга тайёрлайди, бинобарин улар семинарга дуч келадилар.

¹ Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. - Москва: Просвещение, 1991. - 116 с.

² Ткаченко Л.Т. Обучение учителей новым формам занятий по литературе: (Методические рекомендации). – Тошкент: РУМЦ, 1991. – 2 с.

4 «Семинарларнинг уч хил кўринишини (фаолият тавсифига кўра) ажратиш мумкин: 1) олдиндан бериб қўйилган саволлар бўйича ўкувчиларнинг кенгайтирилган чиқишлари; 2) ўкувиларнинг рефератлари ёки маъruzаларининг муҳокамаси; 3) баҳс-мунозара»¹.

Таъкидлаш жоизки, семинарни юқори синф ўкувчилари билан ўтказиш мумкин. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ташкил этиш айни муддаодир.

Мактабда ҳам, ўрта маҳсус ва олий ўкув юртида ҳам ўкувчилар мустақил фаолиятга ўргатилади, шу мақсадда дарснинг семинар шаклидан фойдаланилади. Ўзбек тили машғулотида, аксарият методистлар огоҳлантирганларидек, семинарнинг формал ўтиши учун имкон йўқ: ўкувчилар ўзлари тайёрлайдиган маъруза ёки рефератни дарсликда бўлмагани учун кўчира олмайдилар. Маъруза ёки реферат ўкувчининг ўзи томонидан тайёрланади, мустақил ижодий фикрлаш маҳсули сифатида тақдим этилади. “Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах” қўлланмасида таъкидланганидек, бунда китоб билан ишлаш жараёни кечади.

Ўкувчи ўқилганларни таҳлил қиласди, муҳим ўринларини ва маъруза учун керак бўлган материалларни ажратади, танланган нарсларини жой-жойига қўйиб чиқади, булар ҳақидаги ўз фикрларини баён қиласди, қоғозга қарамай гапиришга тайёрланади, тингловчилар билан алоқага кириша олиш, уларнинг хулқига қараб иш кўришини ўйлади².

Биз ўзбек тили машғулотларида қўшимча равишда танланадиган бадиий парчаларни ўқиши билан боғлиқ семинар-дарс ўтказишни тавсия этамиз.

Ўқитувчи академик лицей ва касб-ҳунар коллежида бирор асари ўрганиладиган ёзувчининг бошқа бир асаридан 1-2 бетлик парча танлайди, шоирнинг бошқа бир шеърини ажратади. Танланган бадиий матн бир ҳафта олдин талабалар билан машғулот чоғида 5-7 дақиқа ичida ўқиб чиқилади, икки-уч муаммоли саволга жавоблар олинади. Сўнгра ушбу адабий материални уйда мустақил мутолаа қилиш, унда кўтарилиган ноя, асардаги бадиий образлар, тасвирий воситалар,

¹ Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. - М.: Просвещение, 1991. - 118 с.

² Ўша асар. 116-бет.

тафсиллар ҳақида ўзбек тилида мұъжаз (5-10 гапдан иборат) маъруза ёки реферат тайёрлаб келиш вазифа қилиб топширилади.

Эркин Воҳидовнинг “Кулгимиздан янграсин олам” шеъри семинар-дарс учун мұлжаллаб танланиши мүмкін.

КУЛГИМИЗДАН ЯНГРАСИН ОЛАМ

Истаймизки, қувноқ кулгининг
Жарангига кўмилсин олам.
Нега кулмас эртаги куннинг
Ишқи билан яшаган одам.

Истаймизки, хуррамлик бўлсин,
Шўх қаҳқча боғласин қанот.
Куй шалола янглиғ қуюлсин,
Қўшиқ бўлиб туюлсин ҳаёт.

Истаймизки, қалбларимизни
Чулғамасин ғам-қайғу бир зум.
Бир нафас ҳам лабларимизни
Тарқ этмасин ёруғ табассум...

Гулшанларни тўлдириб кулинг,
Кулгимиздан янграсин олам.
Нега кулмас эртаги куннинг
Ишқи билан яшаган одам.

Дастлаб талабаларга қўйидаги лугат бериб қўйилади:
кўмилмоқ – быть охваченным туюлмоқ – казаться
ишқ – любовь чулғамоқ – охватывать
хуррамлик – веселье ғам-қайғу – горе
қаҳқча – громкий смех, хохот бир нафас – один миг,
шалола – водопад мгновение
янглиғ – словно, подобно, как тарқ этмоқ – покинуть
қўйилмоқ (қуюлмоқ) – литься гулшан – розарий, цветущий край

Дарсда шеър ифодали ўқилгач, олинган таассуротлар аниқлана-
ди ва уйда унинг ғояси, тафсиллари, тасвирий воситалари ҳақида
сўз юритилган бир неча гапдан иборат маъруза ёки реферат ёзиб
келиш топширилади. (Эслатиш зарурки, талабалар дастлабки кез-
ларда ўз фикрларини 2-3 гап билан бўлса ҳам, ифода этсалар, шуни
ҳам ютуқча йўйиш мумкин.)

Шеър матни кўпайтирилиб, гуруҳдаги ҳар бир талабага берилади. У
аввалги дарсда олган лугатдан фойдаланиб мазмунини тўлиқ тушуниш-

га ҳаракат қиласи, нотаниш лексика учрагаңда, маърузани шакллантириш борасида қийналган ўриннеликтерде үқитувчига мурожаат этади, унинг маслаҳати билан семинарга тайёргарлик кўради. Методик адабиётларда ҳам семинардан олдин асосли, кўпинча тадқиқотчилик тавсифидаги ҳозирлик ишлари баражишлиши кераклиги тавсия қилинади.

Семинар машғулотида бутун синф фаол ишласин учун муаммоли саволлар бериб қўйиш, маърузачиларга ҳам, оппонентларга ҳам ҳозирлик кўриш жараёнида ёрдам бериш керак. Одатда, ўқувчилар асосан рус адабиёти дарсларида, шунингдек, семинарларда, дарсларда, экскурсиялар чоғида, синфдан ташқари машғулотларда олинган билимлардан ҳам фойдаланадилар.

Семинарга тараддуд кўриш жараёни якка ва гуруҳли ташкил этилиши мумкин. Гуруҳли шакл танланганда, ўқитувчи талабаларни 6X6X6 тарзида бўлиб чиқади ва улар орасида мусобақали вазијат юзага келтиради.

Жамоа бўлиб тайёрланган жавоблар ёки маърузалар муҳокама қилинганда, КВН командалари беллашувини эслатадиган беллашув ҳолати туғилади, тайёрланган жавоб гуруҳ аъзолари томонидан ўз шахсий, заҳмат чекилган жавобидай қабул қилинади, улар ўз фикрларини ҳимоя қиладилар. Тадқиқотнинг кўрсатишича, юқори синф ўқувчилари баҳслар, мунозаралар, фикр алмашувлар дарсдаги энг қизиқарли ўринлар деб ҳисоблайдилар.

Семинар машғулотида олдиндан тайёрлаб келинган маърузалар, рефератлар ўқиб берилиши ҳам мумкин. Дастрлабки машғулотларни шу тариқа ташкил қилиш кейинчалик баҳс-мунозарарага ўтиш шарти билангина маъқулланади.

Шуни ҳам унугтаслик лозимки, талабалар ўзбек адабиёти китобларидан шеър ҳақидаги маълумотларни қидириб топиб, кўчириб келишлари ҳам мумкин. “Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах” қўлланмасида бундай кўчиришлар маъқул эмаслиги қуйидаги сўзлар билан изоҳланади: “Баъзан эътиroz билдиришади: ақлли фикрларни кўчиришда ҳам ўз фойдаси бор. Чуқур адашишдир бу! Фикрни кўчириб ёзиш мумкин эмас! Матннинг маънни кўчириб ёзиш мумкин”¹.

Ўқувчилар ўз чиқишиларида ҳаётга муҳаббат, хуррамликда яшашга интилиши кераклиги ҳақида баландпарвоздоз сўзлар айтишлари ҳам

¹ Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. - Москва: Просвещение, 1991. - 116 с.

мумкин. Баландпарвоз гаплар семинарлардаги камчиликлардан бири саналади. Бу сўзларни чукур самимият билан ҳам айтиш мумкин. Чунки ана шу самамият бўлмаса, маъруза тингловчиларнинг қалбига таъсир этмайди, бирор туйгу уйғотмайди.

Бундай дарсда қатнашиш ўқувчидан ўз шахсий мавқеида, шахсий фикрида қаттиқ туриб, ҳимояланишни ҳам талаб этади. Шундагина ундаги мустақиллик ўзбек тили машғулотларида ҳам ўзини намоён қила бошлади.

Семинар ҳам ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини уйғотишида улкан имкониятларга эга.

Кичик инши талабаларнинг асар ҳақидаги мушоҳадаларини тартибга солади, нутқини ўстиради. Ана шу хусусияти билан бу иш тури ёшларни тадбирларга, чунончи, семинарга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Кичик инши ўз табиатига кўра изчиллик ва тугалликни талаб этадиган, тафаккур интизомини ҳосил қиласидиган ҳам ўйлаш учун рағбат берадиган иш шаклидир. Ҳатто 8-9-синф ўқувчилари ҳам шундай ишларнинг зарурлигини англаб етадилар. Буни Қ.Хусанбоева ташкил этган синов дарслари ҳам исботлайди.

Машғулот (машғулот уйда ўқилган китобни ўқиши босқичи) асар муаллифи ҳақидаги сұхбатдан бошланади. Сүнг парча мазмуни юзасидан савол-жавоб ўтказилади. Ўқувчиларнинг ахборотлари (чиқишлиари) тингланади. Шунингдек, олдиндаи бериб қўйилган саволлар асосида сиртқи *адабий викторина* ўтказиши мумкин. Ўқитувчи ўзининг якуний сўзи билан машғулотнинг шу қисмига холоса ясади.

Асар қаҳрамонларини таққослаш мөъдага тегадиган бўлмаслиги, ўқувчиларга зўрлаб тиқиширилмаслиги керак, балки у ёки бу мавзулар ёки муаммолар бўйича табиий тугилиши зарурки, бунда ўқувчилар ўхшашликнинг топмай, балки қаҳрамонлар тавсифидаги давр ва асар яратилган замон билан боғлиқ равишда тафовутларни, муаллиф муносабатларини, бадиий вазифаларни ҳамда услубий ўзига хослигини ҳам топишлари лозим.

Асар китобхонда ва тингловчига қанчалик чукур эстетик кечинмалар уйғотса, таъсири ҳам шунчалик тўлароқ бўлади.

Обзор мавзуларни ўрганишда ўқувчилар фаолияти устидан раҳбарликнинг тахминий изчиллиги қўйидагича бўлиши керак:

1. Гуруҳли ва якка топшириқлар асосида (мавзу устидаги ишларнинг бошланishiiga қадар) асарни олдиндан ўқиб чиқишини уюштириш ва ўқувчиларнинг зарур ахборотларини тайёрлаш, ифодали ўқишлари ва б.

2. Ўқитувчининг ўқувчиларнинг мавзу устидаги иш режасини белгилаб берувчи, бадиий асар, дарслик, танқидий мақола устидаги мустақил ишларини ташкил этувчи, муаммоли саволлар ва топширикларни мўлжалловчи кириш (установочная) лекцияси.

3. Текстуал ўрганиш учун айрим саҳналар, боблар, бўлимларни танлаш.

4. Ўқувчиларнинг маърузалари ва ахборотларини тайёрлаш, семинар, баҳс ташкил этиш (тахминий саволлар ва тоҷшириқлар бўйича).

5. Энг муҳим муаммоли саволлар асосида якуний семинар ўтказиш. Умумлаштирувчи лекция, синфдан ташқари ўқиш учун адабиётлар тавсия этиш¹.

Хуллас, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўзбек адабиёти намуналарини ўрганиш юзасидан ташкил этиладиган семинар машғулотлари ўзбек тилини яхши ўзлаштираётган, асосан эса, тилини амалий биладиган русийзабон талабаларнинг ижодий фаолигини оширишнинг қудратли омили ҳисобланади.

3.3. Адабий материалларни ўрганишда ахборот технологияларидан фойдаланиш

Давр талаби билан бутунги кунда узлуксиз таълим тизимиға замонавий ахборот технологиялари дадил кириб келмоқда. Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўзбек тили машғулотлари, машғулотдан ташқари ишлар жараённанда адабий материалларни қенроқ ўрганиш имконини берадигандан ахборот технологияларидан, шу жумладан, электрон дарсликлардан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Бугина эмас, электрон вариантдаги бадиий асарлар ҳам китобхонларга ҳавола қилинмоқда.

Педагогика фанлари номзоди С.Адилованинг “Ўзбек тили машғулотларини компьютер технологияси воситасида ташкил этиш” (олий таълим муассасаларининг русийзабон гуруҳларида)” мавзусидаги номзодлик иши² компьютер технологиясини иккинчи тил

¹ Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. - Москва: Просвещение, 1991. - 36 с.

² Адилова С.А. Ўзбек тили машғулотларини компьютер технологиялари воситасида ташкил этиш (олий таълим муассасаларининг русийзабон гуруҳларида): Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 160 б.

таълими жараёнига олиб кирипнинг назарий асослари кенг ва ат-рофлича баён этилган қимматли тадқиқот саналади.

Адабиёт дарсларида таълимнинг техник воситаларидан, компьютер технологиясидан фойдаланиш масалалари С.Нишонова, Ҳ.Эрназаров, Т.Р.Ниязметова ва бошқа бир қатор методист олимларнинг дикъат марказида бўлган.

Ахборот манбалари ўқувчи(талаба)ларга қуидаги маълумотларни бера олади: янги нашрдан чиқсан бадиий асарлар; ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, унинг асарлари ва уларга доир аннотациялар; адабий давр ҳақида қисқа шарҳ. шу даврда яшаб ижод қилган ўзувчи ва шоирлар ҳақидағи маълумотлар; адабий асар мазмунини русийзабон ўқувчи ёки талабалар ўқиб тушуна олиши учун лугат; асарга доир савол ва топшириқлар; асар ёки ундан олинган парча юзасидан тестлар; асарнинг тил хусусиятларини англашга доир вазифалар.

Ўзбек тили ўқитувчининг мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежи кутубхоначиси билан ҳамкорлиги ахборот технологияларининг амал қилишида муҳим ўрин тутади.

Ўқувчи талабалар турли хил саналар, байрамларга тайёргарлик кўрар эканлар, тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш учун шеърий ва насрий асарлардан парчалар қидирадилар. Компьютер хотирасида хилма-хил саналар, байрамларга мос ташланган асарлар бўлса, ўқувчи(талаба)лар уларни ўқиб ёки кўздан кечириб, керагини танлайдилар ва кўчириб оладилар (принтердан чиқартирадилар). Бу ерда шеърий ва насрий асар матнига доир мукаммал лугат тавсия қилиниши ҳам фойдадан холи эмас.

Шеърий ва насрий асарлар қуидаги руқиylар остида жойлаштирилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги.

Олтин куз.

Ўқитувчilar ва мураббийлар куни ва ҳ.к.

Ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ҳамда ижодий фаолияти, асарлари, уларга доир аннотациялар дастурий адабий материаллар ва дарсдан ташқари ўқиш учун мўлжалланган, шунингдек, тадбирларда фойдаланиш мумкин бўлган асарлар ҳажмида тайёрланиб, компьютер хотирасига киритилгани маъқул. Бу материалларга ўқувчи (талаба)лар истаган пайтда мурожаат этишлари мумкин. Компьютерлаштириш имконияти бўлмаган шароитда, ҳар бир ёзувчи ёки шоир ҳаёти ҳамда ижоди бўйича альбомлар тузиш мақсаддага мувофиқдир.

Нашриётлар чиқарған альбомлардан фойдаланиш ва материаларни ҳам компьютерга киритиш катта наф келтиради. Бу альбомларнинг яхши томони шундаки, улар иллюстратив материаллар билан бойитилган. Бу борада диафильмлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Адабиёт дарсларида таълимнинг техника воситаларидан фойдаланиш хусусида тадқиқот олиб борган Ҳ.Эрназаровнинг ““Ойгул билан Бахтиёр” эртагини ўрганишда ўқув диафильмларидан фойдаланиш” деган мақоласида бундай дейилади: “Диафильмнинг аҳамияти шундаки, у ўқувчиларнинг бадиий асарда тасвирланган жой, воқеа ва образлар ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишларига ёрдам беради”¹. Лекин бугунги кунда диафильмларни компьютер хотирасига жойлаш улардан фойдаланиш имкониятларини яна ҳам оширади.

Бадиий асар юзасидан яратилган видеотасмалар овозли бўлади. Лекин у ерда акс эттирилган табиат, уй-жой тасвирлари, қаҳрамонларнинг портретлари, воқеадан келтирилган лавҳа устидаги ишлар кўрсатмалиликдан фойдаланишга доир методика асосида уюштирилмоғи лозим. Бу ўринда профессор С.Нищенковнинг адабиёт дарсларида тасвирий санъат асарлари таҳлили², М.Қосимованинг бадиий асар қаҳрамонлари характерини ёритувчи портрет таҳлили³ мазмунидаги методик тавсиялари алоҳида ўрин тутади.

Давр шарҳлари, маълум даврда яшаб ижод қилинган ёзувчи ва шоирларнинг таржима ҳолига оид маълумотлар ёшлиар адабий савиасининг ўсишида муҳим аҳамият касб этади. Лекин ўқитувчи ўқувчига электрон манбаларни ўқиши учун тавсия этганда, ушбу манбанинг компьютер хотирасида ёки Интернет сайтида бор-йўқлигини олдиндан кўриб, билиб олиши керак.

¹ Эрназаров Ҳ. “Ойгул билан Бахтиёр” эртагини ўрганишда ўқув диафильмидан фойдаланиш // “Мактабда ўзбек тили ва адабиёт ўқитишни такомиллаштириш масалалари” тўпламида. Тошкент: ЎзПФИТИ, 1982.

– Б. 148.

² Нищенко С. Адабиёт дарсларида тасвирий санъат материалларидан фойдаланишнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти // “Ўзбек тили ва адабиёт ўқитиш методикасини такомиллаштириш” тўпламида. Тошкент: ЎзПФИТИ, 1983. – Б. 69-76.

³ Қосимова М. Бадиий асар қаҳрамонлари характерини портретлар таҳлили воситасида ёритиш // Ўзбек мактабларида она тили ва адабиёт дарслари самарадорлигини ошириш: Илмий асарлар тўпламида. – Т.: ЎзПФИТИ, 1990. – Б. 85-89.

Методист олима Т.Р. Ниязметованинг “Адабий таълимда комп’ютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш” деган мақоласида⁴ 7-синфда Зулфия ҳәёти ва ижодига доир видеотасмалар, “Умр дафтари” деб номланган кўрсатувдан ёзб олинган лавҳаларни ўқувчилар эътиборига ҳавола этиш хусусида маслаҳатлар беради.

Адабий асарни ўқиб, унинг мазмунини русийзабон ўқувчи ёки талаба тушуна олиши учун комп’ютерда матннинг ўнг тарафига луғат бериш мумкин. Масалан:

YULDUZLI TUNLAR Pirimqul Qodirov <p>Yigitma uch yoshli Humoyunning yigit yuragi kasallikni axiri yengdi. Oradan bir hafta o’tgach, u kasal ko’rishga kelganlarni o’midan turib qabul qildi. Yana ikki kundan so’ng otasini borib ko’rish uchun o’zi uydan chiqdi.</p> <p>Bobur kutubxonaning xonai xosida qadimiy bir qo’l yoznani o’qib o’tirgan edi. Humoyun uning qarshisida tiz cho’kib:</p> <ul style="list-style-type: none"> — Men sizning iltijongiz bilan shifo topmishmen! — dedi. — O’zimga kelganimdan beri xudodan tilaymenki, siz men uchun qilgan tasaddiqni dargohida qabul etmasin! Bu ulug’ davlatni barpo etdingiz, hammamizning suyangan tog’imiz o’zingizsiz! Parvardigor bizga rahm qilsin! — Mana, shukur, yuribmen-ku, o’g’lim. Hozirgi isitma-yu uyqusizlik menda bulturdan beri bor. — Ruhoniylar: “Hazratim o’g’liga kelgan naqd ajalni o’zlariga oldilar”, — deb ko’nglimga g’ulg’ula solmoqdalar! — Sen nechun ularga ishonurse? Boshimizga og’ir kun tushganda shayxulisloq menga o’z hukmini o’tkazmoqchi bo’ldi. Mana, xayriyat, tuzalib ketding. Agar o’shanda uning gapiga kirib, ko’hinur olmosini tasadduq qilsam, ruhoniylar g’olib chiqmasdimi? “Humoyunni biz qutqarib qoldik, podshohdan ham biz zo’mniz!” deb tantana qilmasmidi? Seni bir 	Matnga doir lug’at <p>xonai xos; xobgoh — спальня tiz cho’kmooq — встать на колени iltijo — просьба, мольба tasadduq — жертва (жертвоприношение) dargoh — дом, дворец Ko’hinur olmosi — алмаз Кухинура parvardigor — творец shukur — слава богу karomat — чудо, предсказание ruhoniylar — духовное лицо naqd - точно ajal - смерть g’ulg’ula solmoq — сесть смуту shayxulisloq - шейх-уль-ислам (глава духовенства) inqiroz — упадок o’git — добрый совет, нравоучение girdob — пучина mezon — мизан (название седьмого месяца солнечного года, соответствующего периоду 22 сентября – 21 октября) qays — кавс (название девятого месяца солнечного года) asorat — осложнение hazrat — величество</p>
---	--

⁴ Ниязметова Т.Р. Адабий таълимда комп’ютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш // Тил ва адабиёт таълимида янги педагогик технологиилар. I-қисм. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2006. – Б. 6-10.

<p>umruga qarzdor qilib qo'ymasmidi?</p> <p>— Ilohim, siz haqingizdag'i karomatlari ham yolg'on chiqsin!</p> <p>— Har galay, sen bir narsani chnutma. Ruhoniyalar podshohning tepasiga chiqib olsa, tamom! Samarqanddag'i Abdullatifning inqirozi-yu, otaga qarshi qilich ko'tarishi shundan boshlangan.</p> <p>— Toki tirikmen, bu o'gitingizni yodimdan chiqarinasinen!... Endi... hazratim, Saibhal chegarasida yana tajovuzlar bo'lmoqda emish. Men ertaga jo'nab ketay, ijozat bering.</p> <p>Bobur hozir aytmoqchi bo'Igan so'ziga alohida e'tibor talab qilib, bir lahza jin turdi.</p>	
--	--

Методист олим Р.Йўлдошевнинг фикрича, "...маъноси унтуилган ва нотаниш сўзлар ва сўз шаклларининг англанишини турли йўллар билан (шунингдек, иллюстратив материаллар ёрдамида) таъминлаш маълум даражада ўқишинг синтетик (таржимасиз) кечишини таъминлайди ёки таржимали ўқишига бўлган эҳтиёжни камайтиради"¹. "Современный урок русского языка и литературы" қўлланмасида таъкидланганидек, "...ўкувчиларнинг лисоний ҳозирлиги етарли бўлмаса, қўшимча таянчларни ўз вақтида яратиб бериш зарур"². Юқоридаги каби луғатлар ана шундай таянч вазифасини ўтайди.

Бугунги кунда асар ёки ундан олинган парча юзасидан, шунингдек, ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ҳамда ижоди, у яшаб ижод қилган адабий муҳит ва давр бўйича хилма-хил тестлар яратилган. Уларни дарслар рус тилида олиб бориладиган синф (гуруҳ)лардаги адабий таълим имкониятларига мослаб қайтадан кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлмоқда. Бу тестларни компьютерлар хотирасига киритиши янги ахборот технологияларини қўллаш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келтиради. Табақалаштирилган таълимни жорий этишда ҳам бундай тестларнинг ўз ўрни бор.

¹ Йўлдошев Р. IV-VIII синф ўзбек тили дарсларида синтетик ўқишига ўргатилип методларини такомиллаштириш. / "Ўзбек тили ва адабиёт ўқитиши методикасини такомиллаштириш" тўпламида. Тошкент: ЎзПФИТИ, 1983. - 54-61-бетлар.

² Современный урок русского языка и литературы. Л.: Просвещение. Л.отд-ние, 1990. – С. 130.

Русийзабон ўқувчи (талаба)ларни назарда тутган ҳолда асарнинг тил хусусиятларини англатишга доир вазифалар тизими хали яратилганича йўқ. Бу иш таълим рус тилида олиб бориладиган синф(гурӯҳ)ларнинг рус адабиёти дарсларида ўзлаштирилган назарий маълумотларни ҳисобга олган, ўзбек адабиётiga хос янги тушунчаларни баён этган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбек тили машғулотлари учун маълумотлар омборини яратиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири эканлиги юқоридаги мушоҳадаларимиздан ҳам яққол кўриниб турибди. Бу борадаги ҳаракатлар энди бошланганини, хали мўлжалда қилиниши лозим бўлган ишларнинг кўлами кенг эканини қайд этиш жоиз. Зоро, “Ахборот технологиялари” дарслигига ёзилганидек, “Фойдаланувчиларнинг мустақил ва онгли равишда олиб борадиган фаолиятига ахборот обьектларини яратиш, керакли ахборот обьектларини излаш, ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва ажратиб олиш, ташкиллаштириш, керакли кўринишида тасвирлаш, ахборот обьектларини (матн, сұхбат, расм, ўйин ва бошقا кўринишида) узатиш, моделлаштириш, лойиҳалаш, обьектларни режалаштириш ва бошқалар киради”¹.

Маълумотлар (билимлар) омборидан фойдаланиш тартиби ҳам бир хил эмас: маҳсус компьютер дарси ажратиш, компьютердаги билимлар омборидан дарснинг маълум бир қисмида алоҳида босқич сифатида фойдаланиш, ўқувчи (талаба)ларнинг гурӯҳли ва ялпи мустақил ишларини ташкил этиш, дарсдан ташқари ўқишни уюштириши.

Хуллас, ўзбек тили машғулотлари таркибида адабий материалларни ўрганиш жараёнига ва машғулотлардан ташқари тадбирларга ахборот технологияларининг кириб келиши, ёшларнинг билим олиш доирасини сезиларли даражада кенгайтиради, уларнинг мустақил ўқиб-ўрганишлари, изланишлари учун йўл очади.

А.А.Мурашов огоҳлантирганидек, ахборот технологияларидан билб фойдаланиш зарур. Унинг фикрича, “Энг илғор техник воситалардан фойдаланиш мумкин. Лекин агар педагогнинг қалби болаларда эзгулик уйғота олмас экан, ҳеч қандай техника ёрдам беришга қодир эмас”².

¹ Абдуқодиров А. ва б. Ахборот технологиялари. – Тошкент: 2002. 7-бет.

² Мурашов А.А. Из тонких линий идеала. - М.: Просвещение, 1990. – С.3-4.

Давлат тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг ҳар томонлама билимини мустаҳкамлаш ва нутқ фаолиятини ўстириш, уларни мустақил фикрлашга ўргатиш борасида педагогик технологияларнинг амалий аҳамияти катта.

Дарслар қўйидаги парчалар асосида амалга оширилади:

1. Дарсда ўрганиш учун: А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан “Жасур қиз” парчаси.

2. Синфдан ташқари ўқиш учун: А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан “Нега ерга қарайсан, Ръяно?”, “Анварнинг андішаси”, Анварнинг Худоёрхон билан диалоги акс этган нарчалари.

А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан “Жасур қиз” парчасини ўрганишга доир ишланмаларимизда тавсияларимизни тўлиқ акс эттиришга ҳаракат қилдик.

Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан “Жасур қиз” парчаси “Жасур қиз” парчаси юзасидан қўйидаги мазмун ва изчилликда иш олиб бориш тавсия этилди:

1. Парчага доир нотаниш сўзлар луғати устидаги иш.

2. Ўқитувчининг кириш сўзи.

3. Парчани изоҳли ўқиш.

4. Расм чизиш.

5. Парчани савол ва топшириқлар асосида таҳлил қилиш.

6. Якунловчи сұхбат.

I. “Жасур қиз” парчасини ўқишга қадар (3-4 дарс олдиндан бошлиб) луғат иши бажарилади. Дастрраб “Матнга доир луғат”да берилган сўзлардан ташқари, қайси сўзларнинг маънолари унутилиши мумкинлиги лаборатория методини кўллаш асосида (3-4 ўқувчига ўқитиш орқали) аниқланади. Булар қўйидаглар бўлиши мумкин:

Tashqarida (во дворе, на улице), *yuragi siqilmoq, yonboshlamoq* (прислониться на бок), *muzlamoq, mahsi, turli vaziyatga solib ko'rmoq* (пробовать ставить в разное положение), *azob* (мучение), *chidamoq, kafsh, harakatlantirmoq, kezintoq* (расхаживаться), *chetdag'i, daricha* (окошко), *tirkish* (отверстие), *oydin, ko'kda, zerikmoq* (оскучиться), *cho'chitmoq, munosabatsiz* (бесцеремонно), *qaltiramoq, isyon* (мятеж), *istiqbol, majbur, chamatamoq, mantiqsiz, rizolik, omonat, haroratli* (пламенный), *o'spirin, his etmoq, andoza, ma'qul, bemahalda, shubha, parvosiz, hamroh* (нонумчик), *tiyulish, ko'lanka, zaif, soch o'rimlari, do'ndiq, onda-sonda, ishora qilmoq* (подать знак), *qo'zg'almoq, chamasi* (примерно), кўзга чалинмоқ (бросаться в глаза, мелкать).

Юқоридаги сўзларнинг аксарият қисми 2-7-синфлар луғат мнимумида бор ва улар ўрганилган. Фақат маълум сабабларга кўра унуттилган бўлиши мумкин. Луғат ишини ташкил этишда Р. Йўлдошев, Д. Тошхўжаева тавсияларидан¹ фойдаланиш қўл келади. Д. Тошхўжаева ўқувчиларни “Широқ” афсонасини ўқиши ва мазмунини ўз сўзи билан қайта ҳикоя қилишга тайёрлаш синов-тажриба дарсларини ишлаб чиқар экан, бир неча дарс олдин бошланадиган луғат иши методикасини ҳам кенгроқ ёритган ва бу ишлар ўз самарасини берган.

“Жасур қиз” парчасини ўқишига бир дарс қолганда “Матнга доир луғат” ўқитилади, сўзларнинг талаффузи машқ қилдирилади. Қисман мустаҳкамлаш ишлари бажарилади.

Alanglatmoq (заставлять оглядываться), turli vaziyatga solib ko‘rmoq (пробовать ставить в разное положение), azob (мучение), ma’shuqa (возлюбленная), mahbasi, kafsh, kezinmoq, sahn (площадь), daricha (окошко), tirkish (отверстие), oydin, dovul, “gum-gum”, durkum-durkum, iskamoq (выхать), yuragi orziqmoq, titroq, mirzoboshiliq, munosabatsiz (бесцеремонно), mirzolik, hayajonini tindirmoq (успокоить свое волнение), basharti, og‘ir oshimmoq, entikmoq, mushkulot, chamaalamoq, mantiqsiz, so‘lish olmoq (сделать вздох), timirskilamoq, omonat, o‘spirin, bemahalda, o‘ng‘aysiz, parvosiz, ko‘lanka, zaif, soch o‘rimlari, to‘piq, do‘ndiq, ishora qilmoq (подать знак), bedona mahsi (ичиги), kala kafsh, g‘oyai omol, pisand qilmoq, ikkilangansimon, taraddudlanmoq, ta’ziman, qo‘zg‘almoq, dahboshi, besoqol (безбородый), taqsir, go‘iso‘xta, hiringlamoq (хихикать).

II. “Жасур қиз” парчасини ўқиши дарси.

Дарс луғат-карточкалар асосида асарга доир сўзларни тақрорлашдан бошланади. Сўнгра ўқитувчи қисқа кириш сўзи сўзлайди. Бунда А. Қодирийнинг ҳаёти, ижоди, романлари, “Мехробдан чаён” романни, бу асарларнинг бадиий қиймати, жаҳон романчилигига ўшган улкан ҳиссаси ҳақида мўъжаз маълумот беради.

Матнни ўқишдан олдин ўқувчиларга қўйидаги муаммоли савол ва топшириқлар ҳавола этилади:

¹ Тошхўжаева Д.Р. Матн мазмунини ўз сўздари билан қайта ҳикоялашга ўргатишнинг методик асослари: Пед. фан. номз. дисс. авторефера-ти. - Ташкент, 2000. – 22 бет.

1. “Жасур қиз” парчаси ўқилаётган пайтда “Раънонинг жасурлиги нимада кўринади?” деган саволга жавоб топиши ҳақида ўйланг.

2. Сизнингча, қийин вазиятда ким хонга қарши борадиган қарор қабул қила олди, Раъноми, Анварми?

Ниҳоят, “Жасур қиз” парчаси ўқилади.

<p>JASUR QIZ.</p> <p>(Abdulla Qodiriyning “Mehrobdan chayon” romanidan parcha)</p> <p><i>Abdulla Qodiriy</i></p> <p>Vaqt juda qiyinlik bilan o’tar, tashqarida “tiq” etgan tovush uni bir alanglatar edi. Bir xo’roz qichqirig’i o’tganiga talay vaqt bo’lsa ham, hamon Ra’no daraksiz. Yuragi siqilgan Anvar goh o’tirib, goh yonboshlar,sovusqda muzlab ketgan mahsilik oyog’ini turli vaziyatga solib ko’rar edi. Shu azob ichida yana talay vaqt kechdi. Ma’shuqa mahbasiga tushgan Anvar o’ltirib chidolmadni. Kafshini kiyib, o’rnidan turdi, muzlagan oyog’ini isitish va og’riqqa kirgan a’zosini harakatlantirish uchun uy bo’yicha kezina boshladi. Necha vaqt sahn aylanib yana o’ltirdi. Oy ham bota boshlagan, chunki chetdagi daricha tirkishi orqali tushib turgan kuchsiz oydin izi ham yo’qolib, uyni qorong’ilik bosgan, tevarakda chalangan dovullarning “gum-gum” ohangi ichida xo’rozlar ikkinchi marta qichqirib yuborgan edilar. Ko’kda durkum-durkum yulduzlar sayr etar edilar. Tom boshidan, botishga yaqinlashgan oy nuri arang-arang ko’zga chalinlar edi. Anvar toza havo iskab, uzun nafas oldi.</p> <p>— Zerikmaidingizmi?</p> <p>Qulog’i ostidagi aytilgan bu so’z Anvarni cho’chitdi va o’z yonida qo’lida bir narsa ko’tarib turgan Ra’noni ko’rdi.</p> <p>— Ularni uxlatmay chiqolmadim... Uyga kiraylik, Anvar aka.</p> <p>Yuragi orziqqan Anvar Ra’noning orqasidan mashqxonaga kirdi. Ikkisi ko’rpacha ustiga yonina-yon o’ltirishdilar.</p> <p>— Kitob ichidagi xatni payqamaysizmi, deb qo’rqqan edim, — dedi yarim tovush bilan Ra’no. — Payqamasangiz...</p>	<p>Alanglatmoq (заставлять оглядываться),</p> <p>turli vaziyatga solib ko’tmoq (пробовать ставить в разное положение)</p> <p>azob (мучение)</p> <p>ma’shuqa (возлюбленная), mahba (любимый)</p> <p>kafsh (kavush) (кавуши)-кошанные калоши</p> <p>kezinmoq (бродить)</p> <p>sahn (площадь)</p> <p>daricha (окошко)</p> <p>tirkish (отверстие)</p> <p>oydin (лунный; освещенный луной)</p> <p>dovul (ураган)</p> <p>“gum-gum” (бом-бом)</p> <p>durkum-durkum iskamoq (вдыхать)</p>
--	---

<p>— O'zing hamma gapga tushuna turib, yana bunchalik achchiq yozganing nimadir, Ra'no?</p> <p>— Chunki shunchalik achchiq yozmasam, — dedi Ra'no tovushida titroq ohang bilan, — siz kelmas edingiz... Siz ...Siz mirzoboshiliqni yaxshi ko'rasiz-a?</p> <p>Anvar bu munosabatsiz savoldan bir oz hayron bo'lib turdi.</p> <p>— Tushunmadim ... Nima demakchisan?</p> <p>— Siz mirzoboshiliqni yaxshi ko'rasizmi, deyapman?</p> <p>— Yaqinda mirzolikni tashlamoqchiman, Ra'no.</p> <p>— Mirzolikni tashlagandan so'ng nima ish qilasiz?</p> <p>— Qo'qondan ketaman, sayohat qilaman.</p> <p>— Meni... meni ham o'zingiz bilan olib ketmaysizmi?</p> <p>Anvar yana tushunmadidi. Ra'noning yuziga ancha qarab turdi:</p> <p>— Seni... senga mumkinmi, Ra'no?!</p> <p>— Mumkin! — deb qaltiradi Ra'no, — Mirzoboshiliqni hozirdan e'tiboran tashlasangiz mumkin...</p> <p>Bu so'z Anvari ham qaltiratib yubordi.</p> <p>— Nima deyapsan, Ra'no!Ra'no bir necha vaqt javob berolmay turdi. O'zini to'xtatib olish, hayajonini tindirish og'ir edi.</p> <p>— Haligi, haligi so'zingiz chin bo'lsa, men ham siz bilan ketishni xohlayman... Basharti sizga og'ir oshmasam...</p> <p>Anvar jin bo'lib qoldi, tushiga ham kirmagan bu taklifa nima deyishimi bilmay entikdi...</p> <p>— Basharti sizga og'ir oshmasam! — dedi takror Ra'no.</p> <p>"Jasur qiz!" deb o'yaldi Anvar. Chindan ham bu jasurona isyon xotin-qizlar tomonidan Xudoyorning hayvoniy istagiga qarshi birinchini ko'tarilish edi. Anvar istiqbolda qanchalik mushkulot va xatar ko'rmasin, bu jasoratni xush qabul qilishga majbur, chunki muhabbatdan ham ilgari yigitlik taqozosi shu edi.</p> <p>U o'z yaqinida turgan qora tugunni ushlab qaradi.</p> <p>— Bu nima, Ra'no!</p> <p>— Bu... bu sizning eski kiyimlaringiz.</p> <p>— Nima uchun bu?</p> <p>— Basharti siz xohlasangiz.</p> <p>Anvar paranjimi, deb chamalagan edi. Mantiqsiz bu javob uni shoshirdi.</p>	<p>yuragi orziqmoq titroq (дрожь)</p> <p>mirzoboshiliq (должность мир-забаши)</p> <p>munosabatsiz (бесцеремон- но)</p> <p>mirzolik (должность мир-за- баши)</p> <p>hayajonini tindirmoq (успо- кить свое волнение) basharti (если)og'ir oshmoq (быть обременительным) entikmoq (задыхаться)</p> <p>mushkulot (трудности)</p>
---	---

— Xo‘p, sening rizoliging yo‘lida... — dedi Anvar yarim tovushda. — mening eski kiyimlarim senga nima darkor?	
Ra’no javob berish o‘rniga uzum so‘lish olib yonidagi tugunini yecha boshladи.	chamalamoq (прикидывать)
— Paranji olmadingmi, axir?	mantiqsiz (бессмысленный)
— Hozir... — dedi Ra’no va qorong‘ida bir narsalar qila berdi.	so‘lish olmoq (сделать вздох),
Paranji ham bordir, deb o‘ylagan Anvar uni o‘z holiga qo‘yib turdi. Biror daqiqadan keyin Ra’no yerdan bir narsani tutib uzatdi, paranji kabi uzaygan narsa ichidan “taq” etgan bir narsa yerga tushdi.	
— Topib oling shuni.	timirskilamoq (копаться:рыться в чем-л.)
— Anvar yerni timirskiladi.	
— Nima edi?— Ayanga bergen omonatingiz. Anvar tushgan narsa oltinlar ekanini payqadi, uzoqni o‘ylagan Ra’noga qarshi yuragida yana haroratliroq muhabbat sezdi.	omonat (то, что подлежит возврату)
— Topdingizmi?	
— Topdim.	
— Turing endi!	
Anvar Ra’no bilan boshlashib hujradan chiqdi va o‘z yonida paranji yopingan qiznini emas, telpak va to‘n kiygan yosh o‘spirin bir yigitni ko‘rdi...	
— Bu nimasi, Ra’no?	o‘spirin (подросток, юноша)
Ra’no javob berish o‘rniga yo‘lakka qarab yura berdi. Darvozani ochib ko‘chaga chiqqandan so‘ng, Anvar Ra’noning oldiga tushib yo‘l boshladи va o‘zida yengillik his etdi. Chunki Ra’noning yigit suratiga kirishi andozasi ma‘qul; bernahalda paranjilik xotinni boshlab yurish mirshab va qorovullarda har turli shubha tug‘dirgани Anvarning o‘zi uchun ham o‘ng‘aysiz bo‘lar edi. Go‘yo bir o‘rtog‘i bilan ketib borgandek parvosiz ko‘ringan Anvar burilishga yetganda o‘zidan o‘n qadam orqadagi hamrohini kutib turdi. Oy Anvar to‘xtagan tuyulishga ko‘lanka kabi zaif nur sochar edi. Ra’no Anvar yoniga yetib, “qayoqqa yuramiz”, degan kabi bir yo‘lga va bir hamrohiga qaradi. Soch o‘rimlarini telpak ostiga bosib, to‘ni to‘pig‘i ustiga tushayozgan “yosh yigit” Anvarning ko‘ziga yana ham do‘ndiqroq ko‘rindi. Anvar Ra’noning to‘nini bir oz ko‘tartiribroq ushlatdi, onda-sonda telpagidan chiqib qolgan soch tolalarini yashirdi va “o‘ngga” degan ishora qildi. Ra’no oldinda, undan ikki-uch qadam orqada Anvar yo‘lga tushdilar. Yengil bedona mahsisi bilan kala	bemahalda (в поздний час)
	o‘ng‘aysiz (неудобно)
	parvosiz (равнодушный)
	ko‘lanka (тень)
	zaif (слабый)
	soch o‘rimlari (пучки заплетенных волос)
	to‘riq (щиколотка, лодыжка)
	do‘ndiq (пышечка)
	ishora qilmoq (подать знак)
	bedona mahsi (ичиги)

kafshi kichkina oyog'iga juda ham kelishgan Ra'no, go'yo uchgandek tez yurib borar, orqada kelgan Anvar g'oyai omolg'a oshiqqandek undan qolishmaslikka tirishar edi. Uzoq yurdilar. Ellik qadam chamasi narida gulxan va gulxan tevaragida uch-to'rt nafar kishilar ko'rinish, Ra'no to'xtaldi.	kala kafsh (вид кожаной ка-лоши)
— To'xtama, Ra'no, — dedi orqadan Anvar.	g'oyai omol (идейные дей-ствия)
— Sen pisand qilmagandek, parvosiz gulxan yonidan o'ta ber, men ular bilan so'zlashib qolsam, nariroqda kutib tur.	pisand qilmoq (считаться; признавать)
— Mirshablar bemahalda qo'ymas emish-ku.	ikkilangansimon (как будто быть в непрерывности)
— Men bilan seni qo'yar... qo'rqmay boraver! Ra'no ikkilangansimon yo'lga tushdi, gulxangacha o'n qadam qolganda mirshablardan biri hayqirdi:	taraddudlanmoq (готовиться)
— To'xta!!!	ta'ziman (появляя поклон)
Ra'no Anvarga qarab, taraddudlandi, Anvar yura berishga ishorat qilib, tezlik bilan gulxan yoniga yetdi. Anvarni tanigan mirshab va qorovullar ta'ziman o'rinalridan qo'zg'aldilar.	qo'zg'almoq (tronуться с места)
— Qo'zg'almanglar! — dedi Anvar gulxanda isinib. — Dahboshi ham shu yerda ekanlar... Anvar «dahboshi» deb atagan yum-yumaloq kishi Qorunboy ismlik bo'lib, mirshablarining qiziqrog'i, shuning uchun undan "dahboshi" deb istehzo qilar edilar.	dahboshi (десятник)
— Yoningizda besoqol bilan bemahalda nima qilib yuribsiz, taqsir? Odamzodga ishonib bo'lmas ekan-da...	besoqol (безбородый)
Anvar, "dahboshi"ning ko'zi Ra'noga tushib qolganini anglatdi. Gulxandan o'ttiz qadamcha nariga borib to'xtagan "besoqol" ga ko'z qirini tashladi.	taqsir (господин)
— Ziyofatda edik, dahboshi.	go'rso'xta (сгребть бы ему в ноги)
— Ha-a-a-a, men aytdim... Uy bu yoqda qolib, endi qayoqqa ketyapsiz, taqsir?	hiringlamoq (хихикать).
Anvar qo'lini yaqindan isitmoqchi bo'lib gulxan tarafga bir qadam bosdi.	
— Eshitmadningizmi, hal?... men Rais ko'chadan ... yangi hovli oldim.	
— Muborak, muborak!	
Anvar qullug' aytib, ular bilan xayrlashdi. Mirshablar uning hurmati uchun qo'zg'alib qoldilar.	
Gulxanchilardan ellik qadamlar uzoqlashgach, Ra'no Anvarning yetib kelishi uchun yo'l ustida to'xtadi.	
— Nima deyapti u go'rso'xta?	
Anvar hiringlab kuldi va Ra'noning orqasiga qoqqidi:	

— Yur, yur yigitcha! Go'rso'xta to'g'ri
aytyapti!

— Yetayozdikmi, qayerga boramiz?

— Yaqin qoldi, kechagi xotinning uyiga...
Ra'no oldinga tushib ketdi, uzoqqina so'zsiz
borgandan keyin orqasiga qayrilib so'radi:

— O'zari yaxshi odamlarmi?

— Yaxshi, yaxshi! — dedi Anvar va o'n
qadam chamasi bordi.

— Sen uy egasidan qochib o'tirma, o'zi meni
og'am...Tuzukmi, Ra'no?

— Xo'p. Yana biroz yurib, torroq bir ko'chaga
burildilar. Sultonalining darvozasiga yetguncha
ikkisi ham og'iz ochib gapirishmadilar.

Дастлаб матнни ўқитувчи айрим ўринларини изоҳлаган ҳолда ифодали ўқий бошлади. Маълум бир қисмiga келгач, ўзбек тилини яхши ўзлаштирадиган ўқувчи ўқишни давом эттиради. Парча ўқиб бўлингач, ўқувчилардан ким асарнинг қайси ўринларини тушунмаганилиги сўраб аниқланади. Сўнгра ўқищдан олдин берилган савол ва топшириқлар устида ишланади. Охирида сўзли расм чизиш ташкил этилади. “Анвар билан Раъно ҳужрада”, “Анвар билан Раъно ҳужрадан чиққандা”, “Анвар билан Раъно миршаблар ёнидан ўтагетганда” лавҳаларини тасвирлаш талаб этилади. Уйга расмлар чизиб келиш топширилади.

III. Навбатдаги дарсда “Жасур қиз” парчаси талабаларга ифодали ўқитилади. Сўнгра улар чизиб келган расмлар асардаги тасвирлар билан таққосланади. Ана шу ишлардан сўнг талабаларда ҳосил бўлган субъектив образ-тасаввур асосида, лекин асардан узоқлашмаган ҳолда гаҳлил ўтказилади. Бунда дарсликда келтирилган “Савол ва топшириқлар”дан ташқари қуйидаги савол ва топшириқлардан ҳам фойдаланилади:

1.Нима учун парча “Жасур қиз” деб номланган? Бундай фикр кимда туғилган ва нима учун? Шу жойларни топиб ифодали ўқиб беринг.

2.Анварнинг мирзабошлиқни ташлаши Раънога нима учун керак эди?

3.Раъно бемаҳалда паранжида кўчага чиқиши мумкин эдими?

4.А.Қодирий Раънога бўлган муносабатини кимнинг сўзлари орқали ифодалайди?

5.Ёзувчи Анвар билан Раънонинг руҳий ҳолатини кўпроқ қайси сўзлар орқали ифодалайди? *Юраги сиқилган, чидомлади, кезина бошлади, зерикмадингизми, юраги орзиқкан, ҳайрон бўлиб турди* каби сўзлардан нимани билиш мумкин?

IV.Навбатдаги дарс бошида “Жасур қиз” парчаси якуний тарзда ифодали ўқитилади ва парчанинг бадии образларига, бадии қийматига яхлит баҳо бериш, яъни ўз таассуротларини айтиш сўралади.

Хуллас, академик лицей ва касб-хунар колледжларида ўтказиладиган машғулотлардан ташқари тадбирларнинг маълум қисми (ёзувчи ва шоирлар, адиллар билан учрашувлар, ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти ва ижодига, адаб фаолиятига бағишиланган адабий кечалар, китобхонлик конференциялари ва бошқалар) адабий материалларни ўрганиш билан боғлиқ равишда ўтади.

Адабий кечанинг энг масъулиятли қисмларидан бири маъруза ёки чиқишлиардир. Тадбирнинг руҳи, мақсад сари йўналганлиги кўп жиҳатдан ана шу қисмда очилади. Адабий кечадаги маъруза том маънодаги шарҳли ваъз бўлмаса-да, унинг асосий шартларини хисобга олиб тузилмоғи даркор.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицеилар ва касб-хунар коллажлари ўқувчи(талаба)ларида ўзбек тилида китобхонлик қўникмаларини ҳосил қилиш адабий тайёргарликнинг узвий бир ҳисми саналиб, амалий зарурияти шундаки, бўлажак касб эгаларининг меҳнат фаолияти жараёнида турли хилдаги хат-хужжатларни, даврий матбуот материалларини (хабар, илмий мақола, танқидий мақола, фельетон ва ҳоказолар), қолаверса, бадиий асарларни ўқиб мазмунини тушунишга тўғри келиши, дарс (машғулотлар)да ўрганиб улгурилмаган адабий материаллар устида ишлаш кераклиги билан изоҳланади.

Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-хунар коллажларининг ўзбек тили машрутларида, адабий материалларни ўрганишда турли хилдаги ахборотлардан, зарур маълумотларни ўзида мужассамлаштирган ахборот технологияларидан, шу жумладан, электрон дарсликлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Адабий асарни ўқиб, унинг мазмунини русий забон ўқувчи ёки талаба тушуна олиши учун компьютерда матннинг ўнг тарафида луғат бериш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдувалитов Е.Б. Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг V-IX синфларида ўзбек адабиётини тил таркибида ўқитиш асослари. Пед. фан. номз. ... дисс. - Т., 2002. – 138 б.
2. Абдуллина А.А. Формирование умения воссоздавать художественные образы в процессе чтения литературных произведений (1-3 классы): Автореф.канд.дисс... пед.наук. - М., 1977. - 19 с.
3. Адабиёт ўқитиш методикаси (Педагогика институтлари ва университетларнинг филология факультетлари учун дастурий қўлланма). - Тузувчилар: Қ.Йўлдошев, О.Мадаев, А.Абураззоқов. - Т.: РЎММ, 1994. - 94 б.
4. Адилова С.А. Ўзбек тили машгулотларини компьютер технологиялари воситасида ташкил этиш (олий таълим муассасаларининг русийзабон гуруҳларида): Пед. фан. ном. ... дисс. – Т., 2004. – 160 б.
5. Азларов Э., Раҳимов А., Асалов Х., Холиқбердиев К. Ўзбек тили: Рус мактабларининг 9- ва 10-синфлари учун дарслик. - Т.: Ўқитувчи, 1993. – 223 б.
6. Активные формы преподавания литературы: лекции и семинары на уроках в старших классах. Составитель Р.И.Альбеткова. - М.: Просвещение, 1991. - 174 с.
7. Актуальные проблемы современной русистики. Под ред. Н.М.Шанского. М.: Просвещение, 1991. – 207 с.
8. Аҳмедов С. Адабиёт дарсларида эпик жанрларни ўрганиш: Адабиёт ўқитувчиларига ёрдам. – Т.: Ўқитувчи, 1986. – 92 б.
9. Бадриев Ф. Методы и формы организации внеклассного чтения по литературе в старших классах (На материалах школ Узбекской ССР). – АКДпреднаук. – Т., 1969. – 32 с.
10. Баевский В.С. Вопросы методики воспитания литературного вкуса на уроках литературы в старших классах. – Автореф. канд. пед. наук. – М., 1965. – 20 с.
11. Байкиева Л.Г. Работа над языком произведений русской литературы в старших классах татарской школы (на материале прозаических произведений). Автореферат дисс. ...канд.пед.наук. – Куйбышев, 1973. – 26 с.
12. Банчуков Р.В. Из опыта внеклассной работы по литературе: Развитие навыков анализа поэтических произведений у старшеклассников. – М.: Просвещение, 1985. – 144 с.
13. Беленький Г.И. Приобщение к искусству слова. – М.: Просвещение, 1990. – 192 с.
14. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўқитувчи, 2002. – 490 б.
15. Браже Т.Г. Проблемы изучения русской литературы в IX классе вечерней школы: Книга для учителя. – М.: Просвещение, 1986. – 176 с.
16. Веселова В.К. Внеклассное чтение в старших классах с латышским языком обучения. – Рига: Звайгзне, 1982.

17. Волков Ф.И. Литература как вид художественного творчества. – М.: Просвещение, 1985. – 192 с.
18. Ганженко М. Б. Проблема оптимизации методического аппарата учебника русской литературы для нац. школы. АКДпеднаук. – М., 1981. - 25 с.
19. Глинтерщик Р.В. Ученик и учитель на уроке литературы (К проблеме спиходогического обоснования методики преподавания литературы) // Восприятие учащимися литературного произведения и методика школьного анализа: Пособие для учителей. Под ред. Проф. А.М.Докусова. - М.: Просвещение, 1974. - С. 7-27.
20. Голенкина К.Т. Активизация методов преподавания чтения и письма в начальных классах // Активизация методов преподавания русского языка и литературы: Сб.ст. – Л.: Госучпедгиз, 1960. - С. 6-32.
21. Горбушина Л.А. Обучение выразительному чтению младших школьников: Пособие для учителя. – М.: Просвещение, 1981. – 160 с.
22. Давлат таълим стандартига шарҳ. Ўзбек адабиёти (Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун): “Таълим тараққиёти” ахборотномаси: 1-максус сон. - Т.: Шарқ, 1999. - Б. 158-163
23. Декушева Р.А. Оптимизация процесса развития культуры чтения учащихся карачаевских школ в системе факультативных и внеklassных занятий русской литературой. АКДпеднаук. – М., 1981. – 22 с.
24. Жалилов Б., Шарипова М. Мактабда драматик асарларни ўрганиш: Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 72 б.
25. Жўраев Т.С. Онг оқими ва тасвирийлик (М.М.Дўст, Ф.Хотамов, О.Отахон асарлари асосида): Филол.фан.номз. ... дисс.автореферати. – Т., 1994. – 26 б.
26. Жўраев Т.Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида эпистоляр жанрнинг тил ва услубий хусусиятлари: Филол.фан.номз. ... дисс.автореферати. – Самарқанд, 1994. – 24 б.
27. Зальдинер М.А., Тодоров Л.В., Губина Ф.И. Методика преподавания русской литературы в старших классах национальной (узбекской) школы. Под общей ред. проф. М.А.Зальдинера. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 295 с.
28. Зиёдуллаева Н.Ш. Ўзбек адабётшунослигига ижодкор биографиясини ўрганиш муаммолари (А.Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди асосида). - Филол.ф.н. ... дисс.ав.ти. -- Т., 2000 – 26 б.
29. Зунинов А., Ҳотамов И. ва б. Адабиёт ўқитиши методикаси: Педагогика олий ўқув юртлари ва адабиёт куллиётлари талабалари учун қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 332 б.
30. Зунинов А.. Бадийи асар таҳлили методикаси: Адабиёт ўқитувчилари учун қўлланма. - Т., Ўқитувчи, 1989. – 120 б.
31. Иванихин В.В. Почему у Ильина читают все: (Об учителе ... Е.Н.Ильине). М.: Просвещение, 1990. – 158 с.
32. Изучение литературы в 8 классе вечерней школы: Пособие для учителя. Под ред. Н.К.Семеновой. – М.: Просвещение, 1987. – 112 с.

33. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Тошкент, Ўқитувчи, 1980.- 392 б.
34. Ильин Е.Н. “Минувших дней итоги...”. Педагогический перекресток: школа, дети, общество. – Л.: Лениздат, 1991. – 124 с.
35. Имомкаимова М.М. Ўткир Ҳошимов асарларида миллий қадриятлар талқини. Филол.ф.н. ... дисс.авт-ти. – Т., 2004. – 23 б.
36. Ирисбоев Т.Т. Ҳозирги ўзбек детектив адабиётининг тараққиёт хусусиятлари (Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асари асосида). Филол.ф.н. ... дисс.авт-ти. – Т., 2001 – 25 б.
37. Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс майдони). Филол.фан.номз. ... дисс.автореферати. – Т., 1999. -
38. Искусство общения: (Из опыта работы учителя литературы 307-й школы Ленинграда). – Минск: Народная асвета, 1987. – 110 с.
39. Исламов С. Мактабда Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш. - 2-нашри. Адабиёт ўқитувчилари учун қўлланма. - Т.: Ўқитувчи, 1978. - 104 б.
40. Йўлдошев М.М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати (“Кечава кундуз” романи мисолида). Филол.фан.номз. ... дисс. авт-ти. Т., 2000. – 26 б.
41. Йўлдошев Р., Мулламуҳамедов С. Ўзбек тили ва адабиёти / Кечки (сменали) рус ишчи ёшлар мактабининг X-XII сининфлари учун. - Т.: Ўқитувчи, 1995. – 237 б.
42. Йўлдошев Р.А. Рус мактабларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш концепцияси (лойиҳа). - Т.: ЎзПФИТИ, 1992. – 21 б.
43. Йўлдошев Р., Тұхтамирзаев М., Рихсиева М., Ниёзметова Р. Ўзбек тили: Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 8-синфи учун дарслик. - Т.: Ўқитувчи, 2000. – 110 б.
44. Йўлдошев Р. Ўзбек тили дарсларида ўқиши пайтида лексик анализга ўргатиш // Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш масалалари. – Т., 1982. – Б. 14-16.
45. Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқиши пайтида грамматик анализга ўргатиш. /“Ўзбек тили ўқитиш масалалари” тўпламида. Тошкент: ЎзПФИТИ, 1979. – Б. 78-84.
46. Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчилар нутқини ўстириш. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – 80 б.
47. Йўлдошев Р. IV-VIII синф ўзбек тили дарсларида синтетик ўқишига ўргатиш методларини такомиллаштириш. /“Ўзбек тили ва адабиёт ўқитиш методикасини такомиллаштириш” тўпламида. Тошкент: ЎзПФИТИ, 1983. - 54-61-бетлар.
48. Йўлдошев Р.А. “Ўзбек тили” давлат таълим стандартини амалиётга жорий этиш юзасидан методик тавсиялар. – Т.: РТМ, -13 б.
49. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 152 б.
50. Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. доктори ... дисс. – Тошкент: 1997. – 306 бет.

51. Кан-Калик В.А., Хазан В.И. Психолого-педагогические основы преподавания литературы в школе. – М.: Просвещение, 1988. – 256 с.
52. Каримов Н.Ф. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва милий истиқлол мағкураси. Филол.ф.д-ри ... дисс.авти. – Т., 1993. – 49 б.
53. Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрода ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси (70-80-йиллар). Филол.фан.доктори ... дисс.автореферати. – Тошкент: 1994. – 55 бет.
54. Качурин М.Г. Организация исследовательской деятельности учащихся (на уроках литературы). – М.: Просвещение, 1988. – 175 с.
55. Келдиёрөв Р.А. Адабиёт дарслари самарадорлигини оширишнинг имлый-методик асослари (Ўқитувчи касбий-мъявнавий фазилатлари асосида). Пед.фан.номз. ... дисс.автореферати. - Т., 2001. - 20 б.
56. Коновалова Л.И. Развитие воображения читателя-школьника в процессе изучения литературного произведения (4 класс) / АКДпеднак. – Л., 1981. – 23 с.
57. Красновский Э.А. Руководство учебной деятельностью школьников на уроках литературы // Совершенствование преподавания литературы в школе. – М.: Просвещение, 1986. – С. 108-122.
58. Кубасова О. В. Драматизация как методический прием организации учебно-художественной деятельности младших школьников на уроках чтения. Авт.дисс. ... канд.пед.наук. М., 1985. – 15 с.
59. Кудряшов Н.И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы: Пособие для учителя. – М.: Просвещение, 1981. - 190 с.
60. Кулибина Н.В. Методика лингвострановедческой работы над худ.-текстом. – М.: Русский язык, 1987. – 142 с.
61. Курдюмова Т.Ф. Право выбора как гарантия творческих решений / / Литература в школе. – 2004. № 12. – С. 29-30.
62. Леонов С.А. Развитие речи учащихся на уроках литературы. – М.: Высшая школа, 1988. – 125 с.
63. Локтионова Н.П. Изучение теории литературы в школе. Вопрос о художественной условности в курсе литературы (IX класс) // Совершенствование преподавания литературы в школе. – М.: Просвещение, 1986. – С. 142-160.
64. Майман Р.Р. Практикум по методике преподавания литературы. – М.: Просвещение, 1985. – 192 с.
65. Майман Р.Р. Темы контрольных работ по курсу. Методика преподавания литературы: Для студентов-заочников III-IV курсов факультетов русского языка и литературы педагогических институтов. – М.: Просвещение, 1974. – 76 с.
66. Майорова А.В. Единство эмоционального и логического в изучении драматического произведения. – АКДпеднаук. – М., 1976. – 18 с.
67. Мактаб дастурлари: Ўзбек тили ва адабиёти: Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг II-IX синфлари учун синов дастури. – Т.: РТМ, 1998. – 28 б.

68. Мараницман В.Г. Анализ литературного произведения в соотношении с читательским восприятием школьников. АДД педнаук. – М., 1980. – 48 с.
69. Матжон С. Китоб ўқиши биласизми? Китобхон билан мулоқот. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 114 б.
70. Матжон С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар: Ўқитувчилар учун методик қўлланма. - Т.: Ўқитувчи, 1996. – 208 б.
71. Матчонов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш. Пед.фан.докт. ... дисс.автореферати. – Т., 1997. – 37 б.
72. Маҳмудов Н., Тўхлиев Б. Ўзбек тилини ўрганамиз. - Т.: Ўқитувчи, 1991. – 128 б.
73. Методика объяснительного и литературного чтения. Под ред. К.В.Мальцевой и З.С.Смельковой. – Л.: Просвещение, 1978. – 262 с.
74. Методика преподавания русской литературы в национальной школе / Под ред. М.В.Черкезовой и А.Д.Жижиной. – Л.: Просвещение, 1984. – 311 с.
75. Методика преподавания литературы в средних специальных учебных заведениях. Под ред.А.Д.Жижиной. – М.: Высшая школа, 1982. – 256 с.
76. Мирқосимова М. Адабий таҳлил методикаси (Адабиёт ўқитувчилари ва талабалар учун қўлланма). - Т.: РЎММ, 1993. - 146 б.
77. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усууллари. Пед.фан.докт. ... дисс. – Т., 1995. – 253 б.
78. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштири асослари. –Т.: Фан, 2006. - 112 б.
79. Молдавская Н.Д. Литературное развитие школьников в процессе обучения. – М.: Педагогика, 1976. –
80. Молдавская Н.Д. Опыт изучения читательского восприятия старших школьников // Восприятие учащимися литературного произведения и методика школьного анализа: Пособие для учителей. Под ред. Проф. А.М.-Докусова. - М.: Просвещение, 1974. - С. 28-56.
81. Мурашов А.А. Из тонких линий идеала. - М.: Просвещение, 1990. – 95 с.
82. Мусаев А.С. Ўзбек сўзлашув нутқи услубида гап бўлаклари тартиби. Филол.фан.номз. ... дисс.автореферати. – Т., 2000. – 7-бет.
83. Мусурманова О. Адабиёт дарсларини ташкил этишининг самарали усууллари. - Т.: Ўқитувчи, 1993. – 78 б.
84. Мухамеджанова Г.З. Дарсадан ташқари машғулотларда русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча нутқини ўстириш методикаси (5-9-синфлар мисолида). Пед.фан.номз. ... дисс.автореферати. – Т., 2003. – 22 б
85. Muhammadijonova G., NiyoziMetova R. 9-sinfda o'zbek tili darslari. O'qituvchi kitodi. Ta'slim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarning o'qituvchilari uchun metodik qo'llanma. Т.: O'qituvchi, 2006. - 141 b.

86. Нематов X., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 60-бет
87. Ниёзметова Р. Х. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда XX аср ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунини белгилашнинг назарий-методик асослари /ўзбек тили дарслари таркибида/. Пед.фан.номз. дисс. автореферати. - Т., 2000. - 21 б.
88. Нишонова С. Адабиёт дарсларида тасвирий санъат материалларидан фойдаланишинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти // “Ўзбек тили ва адабиёт ўқитиш методикасини такомиллаштириш” тұпламида. Тошкент: ЎзПФИТИ, 1983. – Б. 69-76.
89. Ниязметова Т.Р. Адабий таълимда компььютер ва ахборот ехнологияларидан фойдаланиш // Тил ва адабиёт таълимида янги педагогик технологиялар. 1-қисм. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2006. – Б. 6-10.
90. Орифий Ш. Мактабда лиро-эпик асарларни ўрганиш: Адабиёт ўқитувчилари учун құлланма. Тұлдырылған 2-нашри. - Т.: Ўқитувчи, 1981. – 104 б.
91. Охунова М. Адабий ўқыши дарсларида эстетик тарбия: Ўқитувчи тажрибасидан. Проф. А.Зуннунов таҳрири остида. - Т.: Ўқитувчи, 1982. – 32 б.
92. Павлович Н.В. Парадигма образов в русском поэтическом языке / Вопросы языкоznания. 1991, № 3. – С. 107.
93. Петрова Г.А. Эстетическое восприятие художественных произведений школьниками старших классов. Изд-во Казанского университета, 1973. – 68 с
94. Практикум по методике преподавания русской литературы в национальной школе. Под ред. З.С.Смелковой. Изд. 2-е, испрвл. и доп. – Л.: Просвещение. Ленинградскре отделение, 1987. – 159 с.
95. Пустошкина А.А., Филатова Е.А. Современные открытые уроки литературы. 8-9-е классы. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2003. – 476 с.
96. Пути анализа литературного произведения: (Пособие для учителя). Под ред. докт. филол. наук Б.Ф.Егорова. - М.: Просвещение, 1981. - 222 с.
97. Rasulov R., Mirazizov A. O'zbek tili. –Toshkent: “Fan va texnologiya”, 2006.-240 b.
98. Rafiyev A. O'zbek tili. Ta'lifim boshqa tillarda olib boriladigan maktablarning 11-sinf uchun darslik. T.: “O'qituvchi” nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2005. – 112 b.
99. Rafiyev A. O'zbek tili. Ta'lifim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarning 9-sinf uchun darslik. T.: “O'qituvchi”, 2006. – 168 b.
100. Rafiyev A. va boshqalar. O'zbek tili. Kasb-hunar kollejlarining rus guruhlari uchun o'quv qo'llanma. T.: Ilm Ziyo, 2006 – 160 b.
101. Ризаев С., Бўронов Н. Абулла Қаҳҳор “Синчалак” повести тилининг частотали лугати. – Т.: Ўқитувчи, 1986. – 171 б.
102. Рожина Л.Н. Психология восприятия литературного героя школьниками (II-VII классы). – М.: Педагогика, 1977. – 176 с.

103. Романовская З.И. Чтение и развитие младших школьников: Приобщение детей к художественной литературе как к искусству. – М.: Педагогика, 1982. – 128 с.
104. Рубайло А.Т. Художественные средства языка: Пособие для учителя. – М.: Госучпедгиз, 1961. – 123 с.
105. Собиров А.Ш. Адабиёт машғулотларида маҳаллий адабий ва маданий материаллардан фойдаланиш: Пед.ф.н. ... дисс.ав-ти. – Т., 1995. – 23 б.
106. Современный урок русского языка и литературы. Л.: Просвещение. Л.отд-ние, 1990. – С. 126-224.
107. Суюнов Ҳ. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни савол-топшириқлар устида ишлашга ўргатиш усуслари. Пед. фан. номз. дисс. автореферати. - Т., 2004. – 6.
108. Таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган синф/гуруҳ/ларда ўзбек тили ва адабиёти ўқитиши концепцияси // Тил ва адабиёт таълими. – 1994. - 4-6-сон. - Б. 21-24.
109. Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. М.: Наука, 1986. - С. 5
110. Тихомирова И.И. Интерес, или сила, влекущая к чтению. Психология детского чтения от А до Я: Методический словарь-справочник для библиотекарей. – М.: Школьная библиотека, 2004. – С. 93-103.
111. Ткаченко Л.Т. Обучение учителей новым формам занятий по литературе: (Методические рекомендации). – Т.: РУМЦ, 1991. – 43 с.
112. Tolipova R., Ubaydullayeva N. O'zbek tili. Ta'lif rus tilida olib boriladigan maktablarning 4-sinf uchun darslik. - Т.: O'qituvchi, 2001. - 144 b.
113. Tolipova R., Yo'ldosheva H., Umarova F., Shomirzayeva M., Qosimxo'jayeva D. O'zbek tili. Ta'lif rus tilida olib boriladigan maktablarning 6-sinf uchun darslik. - Т.: O'qituvchi, 2001. - 176 b.
114. Tolipova R., Tursunova I., Ochilova M., O'zbek tili. Ta'lif boshqa tillarda olib boriladigan maktablarning 7-sinf uchun darslik. - Т.: "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi, 2005. - 143 b.
115. Tolipova R. O'zbek tili. O'qituvchi uchun qo'llanma. – Т.: Sharq, 2005. – 96 б.
116. Тошхўжаева Д.Р. Матн мазмунини ўз сўзлари билан қайта ҳикоялашга ўргатишнинг методик асослари: Пед. фан. номз. дисс. автореферати. - Т., 2000. – 22 б.
117. Тұлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини. Филол.ф.д-ри. ... дисс.ав-ти. – Т., 1994. – 46 б.
118. Тұхлиев Б. Бадий асар таҳлили // Тил ва адабиёт таълимида янги педагогик технологиялар. 1-қисм. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2006. – Б. 3-6.
119. Тұхлиев Б. Адабиёт ўқитиши методикаси. –Т.: Янги аср авлоди. 2006. – 151 б.

120. Умумий ўрта таълим ўқув дастури. Ўзбек тили (Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун): Муаллифлар: Р.Толипова ва бошқалар. “Таълим тараққиёти” ахборотномаси: 1-маҳсус сон. - Т.: Шарқ, 1999. - Б. 262-302.
121. Уроки внеклассного чтения: Пособие для учителя. Составитель Я.Г.Нестурх. М.: Просвещение, 1980. – 127 с.
122. Уроки русского языка и литературы в национальной школе. Под ред. З.С.Смелковой. – Л.: Просвещение, Ленинградское отделение, 1986. – 240 с.
123. Хамролиев К.У Адабиёт ўқитиш жарабёнида адабий ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш. Пед. фан. номз. дис. автореферати. – Т., 1993. – 22 б.
124. Четверик Н.Ф. Особенности изучения эпических произведений в ср. школе (IV-V классы). Автореф. дис. ... конд. пед. наук. – Киев, 1975. – 28 с.
125. Черкезова М.В. В поисках новых подходов к созданию учебников по литературе. На материале учебников по русской литературе для национальной школы. Литература в школе. 2006, №6, С. 23-27.
126. Чориев А. Педагогика ва адабиёт: ўзаро боғлиқлик методологияси. – Қарши, 2003. – 172 б.
127. Шанский Н.М. Лингвистический анализ худ. текста. 2-е изд. – Л.: Просвещение. Л. отделение. - 1990 415 с.
128. Шейман Л.А. Основы методики преподавания русской литературы в киргизской школе. – Фрунзе: Мектеп, 1982.
129. Шейман Л.А. Стимулирование самостоятельного чтения школьников. – Фрунзе: Мектеп, 1987. – 79 с.
130. Щербина В.Р. Проблемы литературного образования в средней школе: Пособие для учителя. - Изд. 2-е, перераб. - М.: Просвещение, 1982. - 320 с.
131. Эгамбердиева Ф.О. Адабий таълимга илкор педагогик технологияларни татбиқ этиш методикаси: Пед. фан. номз. ... дисс. автореферати. – Т., 2005. – 23 б.
132. Эрназаров Х. “Ойгул билан Баҳтиёр” эртагини ўрганишда ўқув диафильмидан фойдаланиши // “Мактабда ўзбек тили ва адабиёт ўқитишни такомиллаштириш масалалари” тўпламида. Тошкент: ЎзПФИТИ, 1982. – Б. 148-154.
133. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2 жилдли. З.М.Маъруфов таҳрири остида. II. С-Ҳ. – М.: Рус тили, 1981. – 663-б.
134. Ўрта маҳсус, қасб-ҳунар таълимининг умумтаълим фанлари давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари. Т.: Шарқ, 2001. – 382 б.
135. Қориева Р. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романини мустақил ўрганиш масалалари // “Мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитишни такомиллаштириш масалалари” методик тавсияларида. Тошкент: ЎзПФИТИ, 1984. – Б. 61-65.

136. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат фидойилик. Тошкент, Маънавият, 2002, - 400 б.
137. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. Toshkent, Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004, 93-98-betlar
138. Ҳошимова М. Эркин Воҳидов шеъриятида табиат тасвири // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1997. - 2-сон. Б. 22-25.
139. Ҳусанбоева Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. – Тошкент: Ўзинкомцентр, 2003. – 103 б.
140. Ҳусанбоева Қ. Ноўзбек мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишида шарҳли ваъзлар мазмунини белгилаш // Рус ва қозоқ мактаблари ҳамда муассасаларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиши масалалари: Илмий мақолалар тўплами. – Т.: ЎзПФИТИ, 1997. – Б. 38-46.
141. Ҳусанбоева Қ. Рус мактабларида ўзбек мумтоз адабиётини ўқитишига доир ўқув материаллари. - Т.: ЎзПФИТИ, 1994. - 51 б
142. Ҳусанбоева Қ. Ўзбек адабиётини таълим давлат тилидан бошқа тилиларда олиб бориладиган мактабларда ўқитишининг илмий-методик асослари: Пед. фан. номз. дисс. автореферати. - Т., 1997. – 24 б.
143. Ҳусанбоева Қ. Рус мактабларида ўзбек мумтоз адабиётини ўқитиши ҳақида // Мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитиши мазмуни ва методларини такомиллаштириш: Методик тавсияялар тўплами. - Т.: ЎзПФИТИ, 1994. - Б. 36-43.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-боб. Академик лицей ва касб-хунар колледжларининг рус гуруҳларида ўзбек адабиёти материалларини ўрганишнинг назарий ва амалий асослари	5
1.1. Узлуксиз таълим жараённида адабий материалларни ўрганишнинг психологияк асослари	5
1.2. Узлуксиз таълим тизимида адабий материалларни ўрганишнинг буғунги ҳолати	47
1.3. Ўзбек тили машғулотларида адабий материалларни умумий ўрта таълим босқичи билан узвийликда ўрганиш мазмунини белгилаш	69
2-боб. Академик лицей ва касб-хунар колледжларининг рус гуруҳларида ўзбек тили дарсларида адабий материалларни ўрганиш методикаси	83
2.1. Узлуксиз таълим тизимида адабий материалларни ўрганишга доир ёндашувлар, принциплар ва асосий йўналишлар	83
2.2. Узлуксиз таълим тизими босқичларидаги ўзбек тили дарсларида адабий материалларни ўрганиш методлари	89
2.3. Узлуксиз таълим тизимида адабий материалларни ўрганиш жараённида луғат иши	108
2.4. Адабий материалларни ўрганишда ўқитувчининг кириш ва якуний сўзи	122
2.5. Адабий материалларни ўқиш ва таҳжил қилиш: савол ва топшириқлар устида ишлаш	133
3-боб. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек тилидаги адабий материалларни дарсдан ташқари ишлар жараённида ўрганиш	155
3.1. Академик лицей ва касб-хунар колледжларида дарс (машғулот) дан ташқари ишлар жараённида адабий материалларни ўрганиш шакллари, воситалари ва методлари	155
3.2. Русий забон ўқувчи(талаба)ларнинг ўзбек тилидаги адабий намуналарни мустақил ўқишлирага раҳбарлик қилиш	173
3.3. Адабий материалларни ўрганишда ахборот технологияларидан фойдаланиш	191
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	206

Илмий нашр

Р.Х. НИЁЗМЕТОВА

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ
ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ
(рус түрүлгүлүрдө)**

Мұхаррир **М. СОДИҚОВА**
Компьютерда сақыфаловчы **Е.НАЗАРОВА**

Оригинал макет “El-Press” МЧЖда тайёрланди

Нашриёт рақами: М-485. Босишига рухсат этилди 13.02.07.

Қоғоз бичими 84x108 ¼. Офсет босма. Офсет қоғоз.

Ҳисоб-нашриёт т.13,5 Буюртма №30.

Нусха 500.

ЎзР ФА “ФАН” нашриёти: 100047, Тошкент, акад. Я.Фуломов күчаси, 70.

“Ёшлар матбуоти” босмахонасида босилди. 700113. Тошкент, Чилонзор-8,
Қатортол күчаси, 60.